



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 1 (3)
2024**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

1

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2024

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B- 29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Мирзиёев

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «*KLASSIC PRINT*» nashriyoti

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta'rischi:

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

Bosh muharrir o'rinbosari

Mas'ul kotib

i.f.d., prof. A.Qodirov

PhD, dots. X.X.Rejapov

PhD. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay'ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, i.f.d., prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.K.Yo'ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, i.f.d. Q.K.Mambetjanov, prof. I.Y.Umarov, i.f.d. B.Tagayev, i.f.d. Z.T. G'oiqnazarova, i.f.d., G.N.Maxmudova, prof. P.Z.Xashimov, i.f.d., dots. X.X.Rejapov, dots. A.T.Umarov, i.f.d. B.B. Baxtiyorov, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. K.A.Muxiddinova, dots. D.I.Ro'ziyeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. A.Boboyev, dots. X.Baratov, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. N.Z. Umarova, PhD K.Jabborov, PhD Sh.Abdullayeva.

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko'chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Журнал сайти: <https://journal.econuu.uz>

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro'yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/3).

Jurnalda ma'lumotlar bosilganda dalillar ko'rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma'lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O'zbekiston iqtisodiyoti” № 1. 2024

MUNDARIJA

Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Хитой иқтисодий ривожланиш стратегиясининг трансформациялашуви: муаммолар ва истиқболлар.....	6
Шоҳазамий Ш.Ш., Сайдирасулов Л.А., Абдул Ж.М. Янги Ўзбекистон тараққиёти шароитида исломий молияни самарали жорий қилиш: тенденция ва муаммолар, ечимлар.....	16
Tagaev B., Lu Diying Implications of china’s agricultural circular economy for Uzbekistan....	24
Даминов О.О., Янгибаев А.И. Газдизелли қурилмали машина-трактор агрегатининг иқтисодий самарадорлигини ошириш.....	31
Турғунов Ғ.Н. Ишчи кучи миграцияси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг асосий омиллари ва ривожланиш тенденциялари.....	36
Хақимов Ж.О., Раҳмонов Э.Ч. Двигателларни такомиллаштириш асосида уларнинг нархи ва эксплуатация харажатларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш.....	39
Файзиёва Ш.Р. Современные методы и инструменты управления в эпоху цифровой экономики.....	43
Махмудов Р.Г. Waste to energy - технология, способствующая устойчивому развитию региона.....	47
Mamadieva G.S. An’anaviy va islom banklari faoliyatining qiyosiy tahlili.....	53
Тилляходжаев А.А. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий йўналишлари.....	56
Umarov I.Y. Xizmat ko’rsatish sohasida aholi bandligi, uning farovonligi, yashash sifati va darajasini uchinchi renessansi shakllantirish sharoitida oshirish.....	61
Quliev N.H. Elektron tijorat muhitini shakllantirishda raqamli texnologiyalar.....	65
Raxmatov J.Sh. Korxonalar marketing tahlilini tashkil etishda Monte-Karlo simulyatsiyasi modelining afzalliklari.....	68
Абулкасимов Х.П., Муродхўжаева Ф.М. Наманган вилоятида маҳаллий саноатни жойлаштириш ва ривожлантириш асосий йўналишлари.....	73
Базарова Г.Г. Безработица, ее экономические и социальные проблемы и пути решения.	79
Захирова Г.М. Хизматлар соҳасини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар.....	84
Норбаева М.А. Валюта сиёсатини ривожлантириш йўллари.....	88
Нажимов И.П. Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноати корхоналарини самарали ривожлантириш истиқболлари.....	97
Убайдуллаев К., Халимова Д.О. Влияние мелиоративного состояния на эффективность производства и пути ее улучшения в Республике	101
Vakaeva M.A. Sog’liqni saqlash sohasida buxgalteriya hisobini tashkil etishning alohida xususiyatlari.....	106
Гиясов С.А. Вопросы повышения эффективности использования налогового механизма в целях развития инновационной экономики.....	110
Абдуллаев М.Ғ. Sanoat korxonalarini raqamlashtirish sharoitida personalni boshqarishning zamonaviy tizimini joriy etish.....	118
Абитқариев А.М. Теоретический анализ понятия «человеческий капитал».....	121
Баев Х.И., Адилов Б.Б. Аҳоли турмиш даражасини юксалтириш ва камбағалликни қисқартириш масалалари.....	127
Tursunov A.M. Merkantilizm maktabi va uning iqtisodiy tafakkur tarixidagi o’rni.....	133
Ғиёсов А.А. Самарали солиқ маъмурчилигини – иқтисодиётда хуфиёна даромадлар кўламини камайтириш гаровидир.....	136

Каримов Д.М., Вахабжанова Ж.В. Концепция теневой экономики в современной экономической теории и тенденции развития в Узбекистане.....	145
Toshev F.Z. O‘zbekistonda “yashil energetika”ni rivojlantirishda soliq imtiyozlaridan samarali foydalanish imkoniyatlari.....	156
Мамажонова О.А. Бошқарув жараёнида инновациялардан фойдаланишга бағишланган назариялар ва ёндошувлар.....	159
Ғуломов Ш. Уй хўжалиги сектори иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг хориж тажрибалари ва улардан Ўзбекистонда самарали фойдаланиш йўналишлари.....	166
Umurzakova Z.S. Kadrlardan foydalanish samaradorligini oshirish yo‘nalishlari.....	172
Исраилова Д.К. Давлатнинг ташқи миграция сиёсати ва уни тартибга солиш моделлари	177
Mambetjanov Q.Q., Bahromov Sh.F. O‘zbekistonda samarali bandlikni taminlashning ustuvor yo‘nalishlari.....	185
Kariyeva L.S. Iqtisodiy o‘shishning institutsional jihatlari.....	190
Yusupova J.K. Iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida innovatsiyon boshqaruvning funktsiyalari va usullarining xususiyatlari.....	193
Zufarova G.A. Тадбиркорлик ва бандлик масалалари.....	197
Мамажонова О.А. Бошқарув жараёнида инновациялардан фойдаланишга бағишланган назариялар ва ёндошувлар.....	198
Nigmatova D. Z. Personalni o‘qitish - xodimlarni boshqarish jarayonining asosiy elementi sifatida.....	200
Ким Т. В., Гайратов А. Укрепление глобальной финансовой безопасности: комплексный анализ мер по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма (ПОД/ФТ).....	205
Ғафуров О. Ғ. Миллий валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар.....	211
Odinayev D. Sh. O‘zbekistonda hududlar iqtisodiy salohiyatdan samarali foydalanish muammolari.....	218
Alimova G.A. Davlat budjeti xarajatlari va ularning tasniflanishi.....	227
Qalmuratov B. S., Bayniyazova M.P. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida klaster yondashuvi mintaqada sanoat siyosatini shakllantirishning asosiy ustuvor yo‘nalishi sifatida...	230
Мараимова У.И. Ривожланаётган мамлакатлар корхоналари бошқарувида маркетинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.....	235
Djabbarov R. A. O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot rivojlanishining statistik tahlili.....	240
Abulkasimov H. P., Tog‘aymurodova K.Sh. Iqtisodiy xavfsizlik bo‘yicha nazariy qarashlarning rivojlanishi.....	245
Mavlyanov A. M. sanoat korxonalarida boshqaruv samaradorligini oshirishning xorijiy tajribalari.....	249
Karimov M.A. Oziq-ovqat sanoati korxonalarida boshqaruvida raqamli texnologiyalar tizimidan	253
Сайидфозил З. Содиқов Авазбек Мадаминович - Ҳаёт ва ижод йўлига айрим чизгилар..	257
Хошимов П.З., Режапов Х.Х. Юлдашев Шухрат Ганиевич - Кенг қамровли олим ва моҳир муаллим.....	262

**ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**ТРАНСФОРМАЦИЯ СТРАТЕГИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ КИТАЯ:
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**TRANSFORMATION OF CHINA'S ECONOMIC DEVELOPMENT STRATEGY:
PROBLEMS AND PROSPECTS**

Вахабов Абдурахим Васикович и.ф.д., проф.
ЎзМУ “Макроиктисодиёт” кафедраси мудир
avakhabov@mail.ru

Хажибакиев Шухрат Хужаёрович
ЎзМУ “Макроиктисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Илмий мақолада 1949-2022 йилларда Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётининг шаклланиш, таркиби ва ривожланиш босқичлари, Хитойда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти очиқ берилади, чуқурлашув омиллари ва ривожланиш босқичлари тадқиқ қилинади. Хитойнинг қирқ йилдан охиқ даврда шаклланган иқтисодий ривожланиш моделининг омиллари, ютуқлари, чекловлари ва муаммолари тизимли таҳлил этилади. Хитойда экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделининг мамлакат ички талаби ва истеъмолига қаратилган моделга трансформациялашuvi асосланади. Хитой иқтисодий ўсиш моделининг қуйидаги шарт-шароитлари ва омиллари тизимлаштирилади: ишлаб чиқаришнинг старт ҳолатининг пастлиги, аграр секторда катта ишчи кучи салоҳиятига эгаллиги, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрни, давлатнинг муваффақиятли амалга оширилган иқтисодий сиёсати ва унинг иқтисодиётда бошқарув позицияларини сақлаб қолаётганлиги, ижтимоий-маданий омиллар шулар жумласидандир. Шунингдек, Хитой жаҳон иқтисодиётининг чақириқларига нисбатан, жумладан 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, глобал демографик қариш муаммоси, АҚШ билан олиб борилаётган савдо ва технологик урушларга, COVID-19 пандемияси (санитар инқирози) туфайли вужудга келган иқтисодий рецессияга, Россия-Украина уруши туфайли жаҳонда кучайиб бораётган савдо протекционизмига, комплекс таркибий муаммоларга нисбатан самарали давлат миллий дастурларини амалга оширган мамлакат эканлиги баён этилган. Мақолада 2050 йилгача бўлган даврда Хитойда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари таҳлил этилади ва ундан Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, иқтисодий ўсиш модели, жаҳон иқтисодиёти, глобал муаммолар, иқтисодий ўсишнинг экспортга йўналтирилган модели, ялпи талаб, “савда уруши”, “технологик уруш, Хитой инновация тизими, трансформациялашув, “катта сакраш”, “маданий инкилоб”. “Хитой орзуси”, “Бир камар, бир йўл”, “Хитойда ишлаб чиқарилган – 2030”, “ички циркуляция” модели

В научной статье анализируются формирование, структура и этапы развития экономики Китайской Народной Республики за 1949-2022 годы, раскрывается сущность, факторы и этапы развития углубления экономических реформ в Китае. Комплексно исследуется предпосылки, источники, факторы, достижения, ограничения и проблемы китайской модели экономического роста за более сорокалетний период времени. Обосновывается вывод о том, что в Китае экспортно ориентированная экономическая модель развития трансформируется на модель нацеленная на внутренний спрос и потребления.

Систематизированы следующие условия и факторы китайской модели экономического роста такие как: низкий уровень стартовой позиции производства в стране, наличие большого потенциал рабочей силы в аграрном секторе, место прямых иностранных инвестиций, успешная реализация экономической политики правительства и сохранение государством контроля над управленческие позиции в экономике, наличие социокультурных факторов и другие. Анализируются эффективные национальные программы, нацеленные на управления следующих рисков и вызовов мировой экономики, в том числе мирового финансово-экономического кризиса 2008 года, проблемы глобального старения населения, торговых и технологических войн с США, глобальной экономической рецессии, вызванного пандемией COVID-19 (санитарный кризис), углубляющихся торгового протекционизма обусловленной агрессии России к Украине, комплекса структурных проблем. В статье исследуются приоритетные направления углубления экономических реформ в Китае на период 2050 года и возможности их использования в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: экономический рост, модель экономического роста, мировая экономика, глобальные проблемы, экспортно-ориентированная модель экономического роста, совокупный спрос, «торговая война», «технологическая война», китайская инновационная система, трансформация, «большой прыжок», «культурная революция», китайская мечта», «Один пояс, один путь», «Произведено в Китае – 2030», модель «внутреннего циркуляция».

The scientific article analyzes the formation, structure and stages of the development of the economy of the People's Republic of China for 1949-2022. The essence, factors and stages of the development of deepening economic reforms in China are revealed. A comprehensive study of the prerequisites, sources, factors, achievements, limitations and problems of the Chinese model of economic growth over a more than forty-year period of time. The conclusion is justified that in China the export-oriented economic development model is being transformed into a model aimed at domestic demand and consumption. The following conditions and factors of the Chinese model of economic growth are systematized: the low level of the starting position of production in the country, the presence of a large potential for labor in the agricultural sector, the place of foreign direct investment, the successful implementation of the economic policy of the government and the state maintaining control over managerial positions in the economy, the presence of socio-cultural factors and others. Effective national programs are being analyzed aimed at managing the following risks and challenges of the global economy, including the global financial and economic crisis of 2008, the problems of global population aging, trade and technological wars with the United States, the global economic recession caused by the COVID-19 pandemic (sanitary crisis), deepening trade protectionism due to Russia's aggression towards Ukraine, a set of structural problems. The article examines the priority areas of deepening economic reforms in China for the period 2050 and the possibility of their use in Uzbekistan.

Key words: economic growth, economic growth model, world economy, global problems, export-oriented economic growth model, aggregate demand, “trade war”, “technological war”, Chinese innovation system, transformation, “Great Leap Forward”, “cultural revolution”, “Chinese Dream””, “One Belt, One Road”, “Made in China - 2030”, the “domestic circulation” model.

Хитой иқтисодиётининг ривожланиш омиллари, мамлакатнинг “иқтисодий мўъжизага эришиш” сабаблари ва барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш йўлида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш босқичлари, иқтисодий ривожланиш моделининг трансформациялашув йўналишларини аниқлаш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади.


Хитой иқтисодиётининг ҳолати, ривожланиш омиллари, таркиби ва тенденциялари иқтисодий адабиётда хорижлик тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, айрим тадқиқотлар Хитой иқтисодий ривожланиш стратегиясининг шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари[1; 3], Хитой иқтисодий ўсиш моделининг ривожланиш эволюцияси,

бошқа гуруҳ тадқиқотчилар Хитой ислохотларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини, Хитой инновация тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўрганиш[4; 5; 6; 7; 8], ҳамда Хитойнинг индустриал ривожланиш ва саноат салоҳиятини баҳолашга[9; 10] бағишланган илмий тадқиқотларни олиб боришган.

Шу билан биргаликда Хитой иқтисодиётининг ривожланиш стратегиясининг трансформациялашув жараёнларини комплекс тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади, Ўзбекистонда узоқ муддатли даврда барқарор иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишда Хитой тажрибасидан ижодий фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб ишлаб чиқишдан иборат.

Хитой эришган иқтисодий муваффақиятлар, қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард натижасидир. Ушбу муваффақиятлар туфайли Хитой иқтисодиёти жаҳон хўжалигига интеграциялашиб, унинг ажралмас қисми сифатида халқаро меҳнат тақсмотида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. 1980-2022 йилларда мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 2.3%дан 18,8%га, жаҳон экспортидаги улуши эса 2.2%дан 14,0%га қадар ортди (1-расм).



1-расм. Хитойнинг жаҳон ялпи ички маҳсулоти ва экспортидаги улуши, % [13]

Хитойнинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий ривожланиш даврини икки босқичга бўлиш мумкин: а) мамлакатнинг давлат сектори (давлат ва жамоавий корхоналари) устун турувчи марказлашган режали иқтисодиёт шароитида ривожланиш даври (1949–1978 йй.); б) иқтисодиётни эркинлаштириш, хўжаликни бошқаришда бозор тамойилларига босқичма-босқич ўтиш даври (1978 йил охиридан ҳозирга қадар).


Тадқиқотлар, Хитойда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даври учун хос бўлган қуйидаги тамойилларни фарқлаш имконини беради:

- узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар (ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш)ни аниқлаб олиш;
- институционал ўзгаришларни амалга оширишда эгилувчанлик тамойили (хориж тажрибасини кўр-кўрона ўзлаштирмаслик, “синаб кўриш ва хатолар” усули)дан фойдаланиш;
- мамлакатнинг иқтисодий афзалликлари (арзон ишчи кучи, инвестиция муҳити, табиий ресурслар ва ҳ.)дан фойдаланиш;
- давлат капитализми (социалистик режалаштириш ва эркин бозор капитализми усуллари аралаш қўллашда давлатнинг етакчи роли)ни сақлаб қолиш;

• аҳолининг кенг қатламлари манфаатлари (озик-овқат ва истеъмол товарлари билан таъминлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, аҳоли даромадларини ошириш)ни эътиборга олиш.

Хитой иқтисодий ривожланиш концепциясининг замон талабларига мос равишда трансформациялашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шу билан биргаликда иқтисодий ривожланишнинг биринчи даври мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиёт асосларини шакллантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда Хитой аграр мамлакат ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 90%ни ташкил этган. 1950-1956 йилларда коллективлаштириш ва Собик Иттифоқ ёрдамида саноатлаштириш, 1958 йилда “Катта сакраш” стратегияси, 1966 йилда “Маданий инқилоб” амалга оширилди. Бу даврда аҳоли ўртасида саводсизлик даражаси 80%дан 7%га қадар қисқарди, аҳоли сони ва кутилаётган умр давомийлиги 2, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 10 бараварга ортди.

“Катта сакраш” сиёсатидан сўнг Хитойнинг собик СССР ва иттифоқчи мамлакатларининг барчаси билан иқтисодий муносабатлари ёмонлашди. 1960 йилларда Ғарб мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар янги йўналишда ташкил этилди. Хитойнинг АҚШ ва Ғарб мамлакатлари билан расмий муносабатларининг йўқлиги шароитида мамлакат учун Ғарб юқори технологияси, замонавий асбоб-ускуналарини жалб қилиш ва Хитой маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишнинг муҳим йўли ҳисобланган Гонконг билан савдо муносабатлари жадал ривожлантирилди. Мамлакат “катта сакраш”дан чарчади, барқарор суръатлардаги иқтисодий ўзгаришлар эса халқ норозилигига сабаб бўлиши мумкин эди.



2-расм. Хитой ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари (физ хисобида) [14]

1970 йилларнинг охирида Хитойда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари (“ислохотлар ва очиклик сиёсати”) белгиланиб олинди. Хитойдаги ислохотларнинг асосий мазмуни режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш эди. Амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг аниқ равшан тараққиёт концепцияси, пировард мақсади

белгиланмаганлиги сабабли туб ўзгаришларнинг иқтисодий моделига бир неча ўзгартиришлар киритилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, хўжаликни бошқаришда бозор тамойилларига босқичма-босқич ўтиш даври замонавий Хитой иқтисодиётининг рақобат афзалликлари ва ривожланиш истиқболларини белгилаб бериш билан боғлиқ ислохотлар нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу даврни шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

1978-1992 йиллар. Дэн Сяопин раҳбарлигида амалга оширилган ислохотлар натижасида “Режали иқтисодиёт бирламчи, бозор орқали тартибга солиш эса иккиламчи” шиори илгари сурилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқариш номарказлаштирилди. Денгиз бўйида жойлашган провинцияларда хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш мақсадида қулай инвестиция муҳитига эга бўлган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Дэн Сяопин ислохотлари. «Ички иқтисодиётни жонлантириш ва ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш сиёсати қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатли мақсадларни кўзлайди. Ушбу сиёсат яқин 50-70 йилда ўзгармайди. Нима учун? Чунки биринчи босқичда ялпи ички маҳсулот миқдорини тўрт мартаба кўпайтириш учун 20 йил зарур бўлади (2000 йилга қадар), иккинчи босқич учун 30-50 йил, тўғрироғи 50 йил (2000-2030 йй.), иккала босқични амалга ошириш учун эса 50 йилдан 70 йилгача вақт зарур бўлади (XXP ташкил этилганлигининг 100 йиллиги – 2050 йй.). Бу даврда иқтисодий сиёсатимиз ўзгармай қолади. Агар ўзгарса ҳам ташқи алоқаларни янада кенгайтириш томон ўзгаради».

Деҳқонларга фақат коммуна учун эмас, балки ўзлари учун ишлашга рухсат берилди. Бу эса тадбиркорлик ва меҳнат тақсимооти самарасини келтириб чиқарди. Хитойнинг Ғарб билан муносабатлари 1970 йилларда Президент Р.Никсон даврида яхшиланди. 1998 йилда Британия ва Португалия билан тузилган келишувга мувофиқ Гонконг ва Макао ҳудудлари Хитой тасарруфига ўтди. Дэн Сяопин таъбири билан айтганда “... мушукнинг қандай рангда экани аҳамиятсиз, у сичқонларни тутса бўлгани” тамойилига асосланган иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар туфайли Хитойда хорижий инвестициялар учун эшиклар очилди. Мамлакат иқтисодий ривожланиш учун маблағга эга бўлди, дунё эса арзон хитой ишчи кучидан фойдаланишни бошлади. Хитой 1976 йилда 6,9 млрд. доллар ҳажмида товар ва хизматлар экспорт қилди, 20 йилдан кейин ушбу кўрсаткич 26 мартага ортиб 158,8 млрд. долларга тенглашди. Хитой Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан сўнг 2022 йилда Хитой экспортининг миқдори 3,6 трлн. долларни ташкил этди ва 1976 йилга нисбатан 50 марта ортди[2].

1992-2002 йиллар. Давлат томонидан тартибга солинадиган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаси ҳал этилди. Стратегик режалаштириш, бюджетдан молиялаштириш, молия-кредит дастаклари каби макроиқтисодий усуллар қўлланила бошланди. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 10,9%ни ташкил этди ва аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш миқдори 3200 долларга етди. Бу даврдаги шиор – “уч вакиллик”, яъни юқори ривожланган ишлаб чиқариш кучлари, маданият ва аҳоли манфаатларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқори ривожланган ишлаб чиқариш кучлари дейилганда тадбиркорлар тушунилади ва 2002 йилдан бошлаб уларнинг партияга аъзо бўлишларига рухсат берилди. 2023 йилга келиб Хитой иқтисодий ислохотларни амалга оширишда 4 млн. партия ячейкаларига бирлашган Хитой коммунистик партиясининг 100 млн. кишилик аъзолари муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакат раҳбарияти таркиби амалдорлар, тадбиркорлар ва зиёлилардан иборат аралаш таркибга эга бўлиши мумкин, деган тамойил қонуний жиҳатдан белгилаб олинди. Дэн Сяопин томонидан белгиланган мамлакат ЯИМ ҳажмини тўрт марта ошириш режаси бажарилди.

2002-2012 йиллар. Иқтисодиётда янада чуқур ислохотлар бошланди. “Илмий ривожланиш” концепцияси илгари сурилди, ўрта синфга асосланган жамиятни

шакллантиришга асос солинди. Ишлаб чиқариш кучларининг мамлакат худудлари бўйлаб нотекис ривожланганлигини қисқартириш мақсадида “уйғунликда ривожланиш” шиори илгари сурилди. 2008-2009 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй берди. Хитой иқтисодиёти ялпи ички талабни қондириш йўналиши бўйича ривожлантирилди. 2008 йилда Хитой ҳукумати инқирозга қарши кураш режасини ишлаб чиқди (585 млрд. долл.). Асосий эътибор инфратузилмани ривожлантириш, ўрта, узоқ муддатли истиқболда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ички талабни рағбатлантиришга қаратилган ижтимоий сиёсатга инвестициялар сарфлашга қаратилди.

2012 йилдан ҳозирги даврга қадар. Хитой ҳукумати 2050 йилгача ўзига тўқ, демократик жамият, билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш дастурини қабул қилди. Саноатнинг янги стратегик тармоқларини яратиш, юқори технологик маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, янги бизнес-моделларни жорий этиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини биргаликда ривожлантириш вазифалари белгилаб олинди. “Хитой орзуси”, “Бир макон бир йўл”, “Хитойда ишлаб чиқарилган – 2030” ташаббуслари илгари сурилмоқда.


Хитойни 2050 йилга қадар узоқ муддатли даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг асослари а) иқтисодий ривожланишга эришиш; б) инновацион драйверларни яратиш; в) аҳоли фаровонлигини ошириш; г) экологияни яхшилаш; д) хавфсизликни таъминлаш каби устувор йўналишларни қамраб олади. Узоқ муддатли тараққиёт стратегияси доирасида қабул қилинган 14-беш йилликнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланиш йўлига ўтказишни таъминлаш учун хизмат қилади. Хитой ҳукумати 14-беш йилликда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатини 2035 йилга қадар 6% атрофида таъминлаш; урбанизация даражасини 65%га етказиш; жон бошига тўғри келадиган даромад суръати ЯИМнинг ўсиш суръатидан кам бўлмаслигини таъминлаш; йилига 650 млн. тоннадан кам бўлмаган миқдорда донли экинлар етиштириш; энергия ресурсларини ишлаб чиқариш миқдорини йилиги 4600 млн. тонна шартли ёқилғи даражасида таъминлаш; ишсизлик даражасини 5,5%дан оширмаслик; ўрта таълим давомийлигини 10,8 йилдан 11,3 йилгача ошириш; пенсия билан қамраб олиш даражасини 2020 йилдаги 91%дан 2025 йилда 95%га етказиш каби вазифаларни ҳал этиш режасини қабул қилган[9]:

Хитойнинг 14-беш йиллик вазифаларини уч қисмга бўлиш мумкин ва улар мамлакатни узоқ муддатли даврдаги барқарор ривожланиш стратегиясининг трансформациялашув хусусиятларини намоён этади.

Беш йиллик вазифаларининг биринчи қисмида илмий-техник салоҳиятни ошириш ва жаҳонда етакчи мавқега эга бўлиш, хорижий юқори технологик маҳсулотларга боғлиқликдан қутулиш мақсади қўйилган. Хитой ҳукумати ушбу йўналиш доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режасини ишлаб чиққан[9]:

- инновацияларга сарфланаётган харажатларни 13-беш йилликка нисбатан 7%га кўпайтириш;
- бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энергия сарфини 13,5%га, иссиқхона газлари миқдорини 18%га қисқартириш;
- 2025 йилгача патент ва ихтиролар сонини ҳар 10000 кишига 12 тага етказиш;
- рақамли иқтисодиёт улушини 10%га етказиш (13-беш йилликда 7,5%);
- чиплар ишлаб чиқариш кўрсаткичини ички эҳтиёжларнинг 70%ига етказиш (2021 йилда 50%);
- «Хитойда ишлаб чиқарилган – 2030» – саноатда юқори технологик компонентлар импортига боғлиқликдан қутулиш;
- 2025 йилга қадар Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатларини ЯИМга нисбатан 2021 йилдаги 2,4%дан 3,0%га етказиш.

14-беш йиллик режаларининг иккинчи қисми «иккилик циркуляция» - бир вақтнинг ўзида ички ва ташқи бозорда ривожланишни таъминлаш вазифаларини қамраб олади.



3-расм. Хитойда экспорт квотаси ва ички истеъмолнинг ўзгариши, ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида[13]

2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар Хитой иқтисодиёти устун даражада ташқи бозорга йўналтирилган бўлиб, экспорт квотаси 35,4%га, ички истеъмол кўрсаткичи эса 49,8% тенг бўлгани ҳолда 2022 йилда ушбу кўрсаткичлар тегишлича 20,7% ва 53,0%ни ташкил этди. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин жаҳон савдосининг ўсиш суръатлари кескин пасая бошлади. Ушбу вазиятда Хитой иқтисодиёти кўпроқ ички талабни қондиришга йўналтирилди ва ташқи савдонинг ижобий баланси қисқариб борди. 2020 йилда Хитой ҳукумати амалдаги иқтисодий ривожланишни “ички циркуляция” модели афзалликларининг тугаб бораётганлиги ва янги иқтисодий ривожланиш стратегиясига ўтиш зарурлигини англаб етди. Янги ривожланиш стратегияси «иккилик циркуляция» номини олди. Хитой ушбу вазифани ҳал этишни куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширишга ҳаракат қилмоқда[1]:

биринчидан, экспорт таркибини юқори қўшилган қийматга эга товарлар ҳисобига яхшилаш, ташқи савдо фаолиятидан олинаётган даромадлар суръатини импорт қилинаётган ресурслар учун тўловлар суръатидан оширишни таъминлаш ва машинасозлик тармоғининг юқори технологик маҳсулотлари экспортини ошириш;

иккинчидан, ташқи савдонинг географик таркибини Лотин америкаси ва Африка мамлакатлари ҳисобига диверсификациялашни амалга ошириш;

учинчидан, юқори технологиялар соҳасида импорт ўрнини қоплаш сиёсатининг селектив усулларида фойдаланиш;

тўртинчидан, миллий иқтисодиёт учун зарур ресурслар билан таъминлашнинг муқобил вариантларини излаш.

Хитой иқтисодиёти босқичма-босқич ички бозор талабларига мослашиб бормоқда.

Кейинги беш йиллик режаларининг учинчи қисми аҳоли даромадларини мунтазам ошириб боришни таъминлаш вазифаларига бағишланган. 13-беш йилликда йилига ўртача 12,7 млн. янги иш ўринлари яратилган. Мамлакатда жаҳондаги энг йирик ижтимоий таъминот тизими яратилган бўлиб, 2022 йилда 1 миллиарддан ортиқ киши таянч пенсия суғуртаси ва аҳолининг 95%и таянч тиббий суғурта билан қамраб олинди. Хитой оилаларининг 90%и учун тиббий муассалардан қулай фойдаланиш имконияти яратилган ва нуфузли тиббий нашр ҳисобланган The Lancet маълумотларига кўра мамлакатда кутилаётган умр давомийлиги 2035 йилга бориб 81,3 ёшга етади[11].

Хитойда мутлақ камбағаллар тоифасига йиллик даромад миқдори 620 долларгача (59886 юань) бўлганлар киритилади. 1978 йилда ушбу тоифага мамлакат аҳолисининг 82%и киритилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 0%га туширилди. Нисбий камбағаллик билан курашиш мақсадида Камбағалликка қарши кураш жамғармаси Қишлоқларни тиклаш жамғармасига айлантирилди (156 млрд юань). 2025 йилга қадар шаҳар аҳолиси улушини 60%дан 65%га етказиш мақсадида ҳар йили шаҳар аҳолиси сонини 12 млн. кишига кўпайтириш, йилига 11 млн. янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Шу билан бир вақтда Хитойда аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовут сақланиб қолмоқда. Жумладан, мамлакатда ўрта даромад 35128 юанни, медианали даромад эса 29975 юанни ташкил этади. Шаҳарларда ўрта даромад миқдори 47412 юанни, қишлоқ жойларда 18931 юанни ташкил этиб, даромадлар ўртасидаги фарқ нисбати – 2,5:1 га тенг (2021 й.). Мамлакат минтақалари ўртасида фарқлар янада кескин бўлиб, Пекинда йиллик даромад миқдори – 57000 юань, Шанхайда – 58000 юань, Ганьсу вилоятида – 16000 юань, Тибетда – 15400 юань, Гуанчжоу вилоятида – 16700 юанга (фарқ 4-5 марта) тенг. Минтақаларда ойлик пенсия миқдори ҳам 2600 юандан 4500 юангача табақаланади[12].

Аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган хусусий сектор улуши ортиб бормоқда ва Хитой иқтисодиётида хусусий сектор улуши 5-6-7-8-9 формула орқали тавсифланади: солиқларнинг 50%дан ортиғини хусусий сектор тўлайди, ялпи ички маҳсулотнинг 60%и хусусий сектор томонидан яратилади, техник инновацияларнинг 70%и хусусий секторга тегишли, аҳолининг 80%и хусусий секторда банд ва мамлакатда рўйхатда ўтган корхоналарнинг 90%и хусусий ҳисобланади.

Хитойда иқтисодий ривожланишнинг янги моделига ўтиш даврини 2010 йилдан бошлаб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. 2008-2009 йилларда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Хитой иқтисодий ривожланиш стратегиясига жиддий ўзгартиришлар киритиш зарурлигини кўрсатди. Таҳлиллар, Хитой янги иқтисодий ривожланиш моделига ўтиши билан боғлиқ куйидаги хусусиятларни ажратиш имконини беради.

Биринчидан, иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатдан ўзгараётганлиги. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 6,8%ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич олдинги 10 йилликка нисбатан сезиларли даражада паст бўлишига қарамасдан Си Цзипин томонидан илгари сурилган «янги меъёр»га (6,5–7,0%) тўлиқ мос келади. Ушбу кўрсаткич бандликни таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, мамлакатда иқтисодий ўсиш сифати яхшиланиб, унинг 60%дан ортиғи фан-техника ютуқлари ёрдамида таъминланмоқда.

Иккинчидан, иқтисодиёт тармоқ таркибининг ўзгариб бораётганлиги. Иқтисодиётда иккиламчи сектор устуворлигидан моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи учламчи сектор устуворлигига ўтиш юз бермоқда. 2011 йилда иккиламчи ва учламчи секторлар улуши 46,5 ва 44,3%га тенг бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2022 йилда тегишлича 39,9 ва 52,8%ни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш сифатини таъминлаб бераётган юқори технологик саноат тармоқлари ва хизматлар соҳаси жадал суръатларда ривожланмоқда. Электромобиллар, қуёш батареялари, электрон асбоб-ускуналар, саноат роботлари, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот, молия, лизинг ва бошқа хизматлар шулар жумласидандир.

Учинчидан, иқтисодий ривожланиш омиллари аҳамиятининг ўзгариб бораётганлиги. Арзон ишчи кучи, катта миқдордаги инвестициялар ва саноатнинг анъанавий тармоқлар экспортига асосланган иқтисодий ўсиш тарихга айланиб бормоқда. Бу даврда инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, экспорт квотаси қисқариб, аҳоли даромадларининг ортиши, янги иш ўринларининг ташкил этилиши, ижтимоий таъминот тармоғининг кенгайиши каби омиллар таъсирида ички бозор ва истеъмол мавқеи устуворлик қилмоқда.

Тўртинчидан, жаҳонда Хитой мавқеининг ортиб бораётганлиги. Хитойнинг ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари жаҳоннинг ўртача кўрсаткичидан 2 марта юқорилиги сақланиб қолмоқда. Хитойнинг Жаҳон ЯИМдаги улуши 2010–2022 йилларда 13,9%дан 18,8%гача, жаҳон экспортидаги улуши эса 10,4%дан 14,0%га қадар ортди[13].

Хорижий инвестицияларни жалб этиш нуктаи назаридан жозибадор бўлган Хитой йирик халқаро инвестор сифатида намоён бўлмоқда. 2013 йилда эълон қилинган халқаро «Бир макон бир йўл» лойиҳасидан сўнг мамлакат хорижий инвестицияларни жалб этиш ва четга капитал чиқариш бўйича фаоллашмоқда. Хитой 2013-2022 йилларда «Бир макон бир йўл» лойиҳасини амалга ошириш учун 962 млрд. доллар маблағ сарфлади. Ушбу лойиҳаларнинг 40,2 %ини энергетика, 22,8%ини транспорт инфратузилмаси лойиҳалари ташкил этади.

Бешинчидан, Хитой иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтаётганлиги. Замоनावий ахборот технологиялари жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ва Интернетдан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт Хитой иқтисодий ривожланишининг драйверига айланмоқда. Рақамли иқтисодиёт ҳажми 2022 йилда 50.2 трлн. юан (7.3 трлн. долл.)га тенг бўлиб жаҳонда иккинчи ўринни эгаллади ва унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 41,5%ни ташкил этди. Хитой киберхавфсизлик агентлигининг маълумотларига кўра, 2022 йилда мамлакатда 2,3 млн. базавий 5G станциялари қурилган, 5G дан фойдаланувчилар сони 561 млн. кишини ва жаҳон фойдаланувчиларнинг 60%ини ташкил этади. 1 млрд.дан ортиқ Интернетдан фойдаланувчиларнинг мавжудлиги шароитида кенг поласали алоқадан фойдаланиш даражасининг 96%га ва мобил алоқадан фойдаланиш даражаси эса 108%га тенг бўлди[15]. Катта миқёсдаги маълумотларни қайта ишлаш ва онлайн-каналларнинг кўпайиб бориши рискларни бошқариш, трансакция харажатларини қисқартириш, рақобат муҳитини яхшилаш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятларини оширмоқда.

Олтинчидан, аҳоли фаровонлигининг ошиб бораётганлиги. Аҳоли фаровонлиги сезиларли даражада ошиб бормоқда. Истеъмолнинг анаънавий – яшаш минимумига асосланган тури кўпроқ қулайлик ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш моделига ўрнини бўшатиб бера бошлади. Уй-жойни сақлаш, умумий овқатланиш, тиббиёт, олий таълим, туризм, маданият, транспорт ва телекоммуникациялар каби хизматлар истеъмоли жами истеъмолнинг 2/3 қисмини ташкил этади. Ушбу ўзгаришлар асосида мамлакатда урбанизация жараёнларининг жадаллашуви омили ётади, жумладан, 2011-2022 йилларда Хитойда шаҳар аҳолисининг улуши 52,0%дан 64%гача ортди.

Умуман, Хитойда амалга оширилган иқтисодий ислохотларда жиддий ютуқларга эришилганига қарамадан мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришлар бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди:

- аҳолининг қариб бориши, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, аҳоли даромадларида табақалашув даражасининг кескинлашиб бориши;
- атроф-муҳитнинг бузилиши, ер фондининг камайиб бориши, сув ресурсларининг ифлосланиши (дарёларнинг 80%и зарарланган) – расмий маълумотларга кўра, экологик зарар мамлакат ЯИМнинг 10%ига тенг;
- ҳудудлар бўйича иқтисодий ўсиш даражасининг нотекис ривожланиши;
- капитал қайтимининг пастлиги.

Хитой иқтисодий ривожланиш моделига ташқи сиёсий чақирқиқлар, рисклар таъсирида ички талабни қондиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш орқали ўзгартиришлар киритилмоқда. Хитой коммунистик партияси ташқи ва ички омилларни уйғунлаштирган ҳолда мамлакатни “замонавий модернизациялашган ўрта синф” давлатига айлантириш ва 2027 йилга бориб эса Хитой қуролли кучларини модернизациялаштириб АҚШ даражасига яқинлашишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадга эришиш учун Хитой ҳукумати “хитойча социалистик сиёсий иқтисоднинг” қуйидаги тамойилларига асосланган ҳолда эришишни кўзламоқда: фан ва технология томонидан таъминланадиган барқарорлик; аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган эҳиёжларга асосланган ишлаб чиқариш; миллий мулкчилик ҳуқуқи доирасида ижтимоий мулкчиликка устуворлик бериш; бойликни тақсимлашда меҳнатга устуворлик қаратиш; давлат томонидан тартибга солинадиган бозор; самарадорликнинг юқори суратларда ўсиши; мувозанатли ривожланиш; катъий иқтисодий мустақиллик шароитидаги очиқлик.

1. Готовский А.В. Углубление сотрудничества с КНР в контексте китайской модели экономического роста. // Вопросы экономики, №9, 2023. с.74-102.
2. Ковалев М.М. Китай в XXI веке - мировая инновационная держава / М.М. Ковалев, Ван Син.— Минск : Изд. центр БГУ, 2017.— 239 с.
3. Борох О., Ломанов А. От переосмысления советской модели к поиску китайского пути //Мировая экономика и международные отношения, 2021, том 65, № 7, с. 45-55.
4. Михеев В., Луканин С. “Болевые точки Пекина – 3 (Смена экономической модели и внешнеполитические риски) // Мировая экономика и международные отношения, 2022, том 66, №1. с. 28-37.
5. Варнавский В. Китайский феномен экономического роста // Мировая экономика и международные отношения, 2022, том 66, №1. с. 5-15.
6. Теняков И.М. Амирханова Ф.С. Эволюция китайской модели экономического роста // Российский экономический журнал. 2023. №6, с. 32-48.
7. Муминов Н.Г. Хитой иқтисодиётида замонавий минтақалараро номутаносиблик муаммолари. Монография – Т.: “Университет”, 2016. - 120 бет.
8. Авдокушин Е.Ф. Развитие “социализма с китайской спецификой в новую эпоху”: к итогам XX съезда коммунистической партии Китая. //Международная торговля и торговая политика, Том 8, №4, 2022. С.35-47.;
9. Социально-экономические итоги 13-й пятилетки КНР (2016–2020 гг.) и задачи 14-й пятилетки (2021– 2025 гг.) / под ред. А. В. Островского. М.: Изд-во ИДВ РАН, 2021. 312 с.
10. Жуджунь Дин, Ковалев М. М. Путь к рыночной экономике (китайская модель реформ): Научное издание Мн.: Издательский центр БГУ, 2005. – 384 с.
11. Чжан Цитун. Служить народу. //Дыхание Китая. Медиакорпорация Китая, №294, 2023. С.46.
12. Островский А.В. Долгосрочные цели Китая: исторический скачок к экономической мощи и обществу всеобщей зажиточности. // Ориенталистика. 2022;5(4). С. 816
13. World Development Indicators. China. URL: <https://data.worldbank.org/country/china?view=chart>.
14. <https://data.stats.gov.cn/english> - National Bureau of Statistics of China.
15. <https://news.cgtn.com/news/2023-04-28/China-s-digital-economy-a-new-growth-engine-to-drive-modernization-1jnkpN04NpK/index.html>.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ШАРОИТИДА ИСЛОМИЙ МОЛИЯНИ САМАРАЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ: ТЕНДЕНЦИЯ ВА МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР

ISLAMIC FINANCE IN THE CONTEXT OF THE DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN

EFFECTIVE IMPLEMENTATION: TRENDS AND PROBLEMS, SOLUTIONS

ЭФФЕКТИВНОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИСЛАМСКИХ ФИНАНСОВ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА: СОСТОЯНИЕ, ТЕНДЕНЦИИ И ПРОБЛЕМЫ, РЕШЕНИЯ

Ш.Ш. Шоҳаъзамий – ЎзМУ профессори, и.ф.д.,

Л.А. Сайдирасулов – ТДИУ таянч докторанти,

Абдул Жалил Махама – Бирлашган Араб Амирликлари.

Аннотация

Янги Ўзбекистон тараққиёти шароитида (шу жумладан бундаги турли лойиҳаларни молиялаштиришда) исломий молияни самарали жорий қилишнинг зарурати, долзарблиги ҳамда мамлакатда яратилган шароитлар ва мавжуд муаммолар таҳлилий берилган. Бунда “Жаҳондаги ноисломий давлатларда исломий молияни мавжуд Шариат мактаблари (яъни Суннийларга мансуб Ҳанафий (Имом Аъзам), Шофеъий, Моликий, Ҳанбалий мазҳаблари ҳамда Шияларга мансуб Жаъфарий мазҳаби) доирасида қўлланилиш натижаларининг самарадорлик даражасини тизимли таҳлил қилиб объектив баҳолаш асосида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти шароитида исломий молияни самарали жорий этиш муаммосининг ечимига эришиш – бу анъанавий миллий молия-кредит тизимида ёндош бўладиган исломий молияни Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги муқобил драйвер соҳаси сифатида шаклланиши демакдир” деган гипотеза асосланган. Ушбу гипотеза доирасида анъанавий ва унга ёндош (муқобил) ислом молиясини ўзида самарали мужассамлаштирувчи дуалистик моделдан фойдаланишни назарда тутувчи давлат стратегиясининг концепцияси берилган.

Kalit so‘zlar: исломий молия, мазҳаблар, дуалистик модель, стратегия концепцияси, исломий қонун ҳужжатлари, макрорегулятор концепцияси.

В условиях развития Нового Узбекистана (в том числе финансирования различных проектов в них) аналитически приводятся необходимость и актуальность эффективного внедрения исламских финансов, а также условия, созданные в стране и существующие при этом проблемы. При этом обоснована следующая гипотеза: «Решение проблемы эффективного внедрения исламских финансов в условиях развития Нового Узбекистана на основе системного анализа и объективной оценки эффективности результатов применения в неисламских странах мира исламских финансов в рамках существующих шариатских школ (сект, т.е. относящиеся к суннитскому направлению Ислама ханафитские (школа имама Аъзама), шафиитские, маликитские, ханбалитские мазхабы, а также джафаритский мазхаб, относящийся к шиитскому направлению Ислама) означает формирование в стране новой драйверной финансовой сферы, являющейся альтернативной к традиционной национальной финансово-кредитной системе». В рамках этой гипотезы дается концепция государственной стратегии, предполагающее использование дуалистической модели, эффективно включающей традиционные и смежные с ними (альтернативные) исламские финансы.

Ключевые слова: Исламские финансы, мазхабы, дуалистическая модель, концепция стратегии, исламские нормативно-правовые документы, концепция макрорегулятора.

In the context of the development of new Uzbekistan (including the financing of various projects in it), the necessity and relevance of the effective introduction of Islamic finance, as well as the conditions created in the country and the existing problems are analytically given. This is based on the following hypothesis: "On the basis of an objective evaluation of the effectiveness of the results of the application of Islamic finance in the framework of the existing Sharia schools (sects, i.e. Sunni Hanafi (Imam Azam), Shafi'i, Maliki, Hanbali madhhabs and Shia Ja'fari madhhab) in the non-Islamic countries of the world, to achieve a solution to the problem of the effective introduction of Islamic finance in the conditions of the development of New Uzbekistan means the formation of a new alternative driver sfer". In the framework of this hypothesis, the concept of the state strategy is given, which implies the use of a dualistic model that effectively incorporates traditional and its adjacent (alternative) Islamic finance.

Key words: Islamic finance, sects, dualistic model, concept of strategy, the Islamic legal documents, macroregulator concept.

Ҳозиргача юқори ишончлилик ва барқарор ривожланиш кўрсаткичларини намоён этиб келаётган исломий молия тизими¹ кўпчилик ривожланган ва ривожланаётган ноисломий давлатларда самарали жорий қилиниб, жаҳон молия-кредит тизимининг муҳим ва ажралмас тармоғи сифатида оммалашиб бормоқда. Бунга жаҳонда содир бўлган молиявий инкирозлар шароитида исломий молия-банк қоидалари бўйича ишлаган банклар мазкур инкирозлардан кам йўқотишлар билан чиққани ҳам муҳим аргумент бўлди [21].² Зеро халқаро-интеграллашган молия-кредит тизимининг исломий молия сектори йилига 15 фоиздан 25 фоизгача ўсиб бормоқда, исломий молия институтлари эса дунё бўйлаб умумий қиймати 2,7 трлн. АҚШ долларидан зиёд активларни бошқармоқда, исломий жаҳон молиявий бозор 10,7 фоиз ўсиш суръатларига эга бўлган, шу жумладан исломий капитал бозори 26,9 фоизга ўсган бўлиб, жаҳон исломий молия активлари индустрияси умумий ҳажмининг 30,9 фоизини ташкил қилган, исломий банкинг 4,3 фоизга ўсиб, умумий активлари 248 млрд. АҚШ долларига ортган, исломий фондларнинг активлари қиймати 31,9 фоизга ўсган, исломий суғурта (Takaful) 10 фоизга ўсиб, умумий активлари 51 млрд. АҚШ долларига етган, исломий Fin Tech транзакциялари ҳажми 49 млрд. АҚШ долларидан ортган бўлиб, 2025 йилда исломий Fin Tech транзакциялари ҳажми 128 млрд. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда [13-19].³ Айтилган тенденциялар сабабли, исломий молияни кўпчилик ноисломий давлатларда самарали жорий қилинган бўлиб, уларнинг шу борадаги илғор тажрибасидан Янги Ўзбекистон тараққиёти шароитида, шу жумладан бундаги турли лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам самарали фойдаланиш зарурати вужудга келмоқда.

Дунёда исломий молияни ноисломий давлатлар ривожланишида ёндош (альтернатив) молия-банк тизим сифатида самарали жорий қилишнинг назарий-методологик асослари ва амалий механизмларини такомиллаштириш негизида бундай мамлакатларда иқтисодий ривожлантириш, исломий эътиқодга эга аҳолиси қатлами ва бизнес субъектлари молиявий фаолиятига қулай шароитлар яратиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, исломий молияни самарали жорий қилиш асосида исломий молиялаштириш ва инвестициялар кўламини янада ошириш йўли билан мамлакатда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, инфляцияни жиловлаш, иш ўринларини ошириш, иқтисодий ўсиш суръатларини

¹ Замонавий исломий молия тизимига исломий банкинг, исломий суғурта, исломий молиявий бозор (шу жумладан исломий капитал бозори), исломий фондлар, исломий финтех (Fin Tech) киради.

² Ушбу шароитда улар фаолиятининг ислом талабига мувофиқлиги ва хатарларни олдини олишнинг ўзига хос шакллари туфайли унинг оммабоплиги ошди.

³ Бунда исломий молия энг яхши йўлга қўйилган учта давлат Саудия Арабистони, Эрон, Малайзия кўрсаткичлар кўлами бўйича глобал бозор ҳажмининг 66 фоизига эгаллик қилмоқда.

ошириш, инсон капитални ривожлантириш, инновацияларни амалиётга кенг жорий қилиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш имкониятларини беради.

“Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда, мамлакатда қулай бизнес ва инвестиция муҳитлари яратилмоқда. Бунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларида аниқ мақсадлар ва вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга оширилишида Ислом тараққиёт банки гуруҳи, Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа исломий давлатлар ва уларнинг компаниялари фаол иштирок этмоқда [5]. Лекин, 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури доирасида “Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили” бўйича амалга оширилган тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра [20], банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари сифатида авваламбор, диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси, кредитлаштиришнинг мураккаблиги ва исломий молиялаштиришнинг қонуний-меъёрий базисини йўқлиги кўрсатилган бўлиб, агар мамлакатда исломий молия муассасалари ташкил этилса, юқоридаги сўровномада иштирок этган респондентларнинг аксарияти исломий муассаса хизматларидан фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлаганлар. Ҳатто, нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари [20; 22; 23; 51] ва анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда исломий молияни, шу жумладан яшил сукук чиқаришни [51], самарали жорий қилиш асосида молия-кредит соҳасида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келиши, натижада мамлакатга ҳар йили 10 млрд. АҚШ долларигача инвестициялар жалб қилишга [22; 23] ва улар диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида [6] ва 2023 йилдаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида [4; 7] Ўзбекистонда исломий молияни жорий этиш ва тегишли ҳуқуқий базани яратиш зарурлиги ва бунга Ислом тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари ва етук иқтисодчи олимларни жалб этилиши, улар томонидан тегишли тадқиқотлар ўтказилиши таъкидланган эди.

Айтилганлар Янги Ўзбекистон тараққиёти шароитида, шу жумладан бундаги турли лойиҳаларни молиялаштиришда исломий молияни самарали жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга долзарб муаммолигини тасдиқламоқда.

Иқтисодчи олимлар томонидан исломий молия-банк соҳаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳа йилдан-йилга ривожланиб боришига қарамасдан, тез суръатлар билан самарали рақамли трансформациланаётган замонавий исломий молия-банк тизими ва уни ноисломий давлатларда самарали жорий этилиши ҳамда турли лойиҳаларни исломий молиялаштиришнинг фундаментал (теологик) ва назарий-методологик асослари, илғор жаҳон амалиёти механизмлари халқаро ва Ўзбекистондаги нашрларда чоп этилган адабиётларда тўлиқ ифодасини топмаган.

расм. Бир гектарга сарфланган ёнилғи нархи, сўм/га

Мақолада ТТЗ-82 тракторни ёнилғини газдизелли узатиш тизимига ўтказишнинг иқтисодий самарадорлиги асосланган.

Техник-иқтисодий кўрсаткичларни таққослаш учун зарур маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун маълумотлар

Номи	Қиймати	
	базавий вариант бўйича	лойиҳаланаётган вариант бўйича
1. Трактор номи	ТТЗ-82	ТТЗ-82Г
2. Машина номи	Культиватор билан	Культиватор билан
3. Қамров кенлиги, м	4	4
4. Унумдорлиги, га/соат	3,9	3,9
5. Талаб этилган қувват, кВт (о.к.)	57,4(78)	57,4 (78)
6. Ҳаракат ланиш тезлиги, км/соат	10	10
7. Трактор машина массаси, кг	3900 820	4050 820
8. Баланс нархи, трактор-машина сўм	133950000 16215000	159330000 16215000
9. Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони	1	1
10. Соатлик тариф ставкаси, сўм/соат	14000	14000
11. Амортизация нормаси, трактор/машина%	12,5 14,2	12,5 14,2
12. Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга сарфлар нормаси, трактор/машина %	22 16	22 16
13. Норматив йиллик юкланиш, трактор-машина соати	1350 210	1350 210
14. Трактор-машина хизмат муддати	8 7	8 7
15. Ёнилғи сарфи нормаси, сўм/га	20000	9800

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

Жараёнга сарфланадиган энергия:

$$\mathcal{E}_e = \frac{N_e}{W_c},$$

бу ерда N_e – талаб этилган қувват, кВт;

W_c – бир соатдаги унумдорлик, га/соат.

Жараён метал истеъмоли:

$$M_e = \frac{G_{\text{тр}}}{W_c * T_{\text{йил}}^{\text{тр}} * T_{\text{хм}}^{\text{тр}}} + \frac{G_{\text{қхм}}}{W_c * T_{\text{йил}}^{\text{қхм}} * T_{\text{хм}}^{\text{қхм}}}$$

бу ерда $G_{\text{тр}}$, $G_{\text{қхм}}$ – трактор ва машина массаси, кг;

$T_{\text{йил}}^{\text{тр}}$, $T_{\text{йил}}^{\text{қхм}}$ – трактор ва машинанинг йиллик юкланиши, соат;

$T_{\text{хм}}^{\text{тр}}$, $T_{\text{хм}}^{\text{қхм}}$ – трактор ва машинанинг хизмат қилиш муддати, йил.

Жараённинг фонд сигими:

$$F_e = \frac{C_{\text{трБн}}}{W_c * T_{\text{йил}}^{\text{тр}} * T_{\text{хм}}^{\text{тр}}} + \frac{C_{\text{қхмБн}}}{W_c * T_{\text{йил}}^{\text{қхм}} * T_{\text{хм}}^{\text{қхм}}}$$

бу ерда $C_{\text{трБн}}$, $C_{\text{қхмБн}}$ – трактор ва машинанинг баланс нархи, сўм.

Жараён меҳнат талаби:

$$F_e = \frac{n_{\text{хх}}}{W_c},$$

бу ерда $n_{\text{хх}}$ – хизмат кўрсатувчи ходимлар сони.

Иш таннархи лойиҳаланаётган конструкция ёрдамида ва базавий вариантда қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$C_{\text{э}} = C_{\text{мхт}} + C_{\text{ёмм}} + C_{\text{этхк}} + A,$$

бу ерда $C_{\text{мхт}}$ – меҳнатга ҳақ тўлашга бўлган харажатлар, сўм/га;

$C_{\text{ёмм}}$ – ёнилғи-мойлаш материаларига бўлган сарф-харажатлар, сўм/га;

$C_{\text{тхк}}$ – конструкцияни таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатишга бўлган сарф-харажатлар, сўм/га;

A – амартизацион жамғарма, сўм/га.

Меҳнатга ҳақ тўлашга бўлган сарф-харажатлар қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$C_{\text{мхт}} = z + T_e,$$

бу ерда z – таъриф ставкаси, соат/ход.соат;

Ёнилғи-мойлаш материаларига бўлган сарф харажатлар қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ёмм}} = \Pi_{\text{к}} * g_{\text{ё}},$$

бу ерда $\Pi_{\text{к}}$ – ёнилғининг комплекс нархи, сўм/кг;

$g_{\text{ё}}$ – ёнилғи сарфи нормаси, кг/га.

Конструкцияни таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатишга бўлган сарф-харажатлар қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$C_{\text{рто}} = \frac{C_{\text{трБн}} * N_{\text{ттх}}^{\text{тр}}}{100 * W_c * T_{\text{йил}}^{\text{тр}}} + \frac{C_{\text{қхмБн}} * N_{\text{ттх}}^{\text{қхм}}}{100 * W_c * T_{\text{йил}}^{\text{қхм}}}$$

бу ерда $N_{\text{ттх}}$ – таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга бўлган сарф-харажатлар нормаси, %.

Амартизацион жамғармалар қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$A = \frac{C_{\text{трБн}} * a_{\text{тр}}}{100 * W_c * T_{\text{йил}}^{\text{тр}}} + \frac{C_{\text{қхмБн}} * a_{\text{тр}}}{100 * W_c * T_{\text{йил}}^{\text{қхм}}}$$

бу ерда a – амартизацион жамғарма нормаси, %.

Конструкция ишлашига сарфланган харажатлар қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$C_{\text{сарф}} = C_{\text{э}} + E_{\text{н}} * F_e,$$

бу ерда $E_{\text{н}}$ – капитал қўйилмалар самарадорлигининг норматив коэффициенти ($E_{\text{н}} = 0.15$);

F_e – жараённинг фонд сигими, сўм/га.

Йиллик тежаш:

$$\text{Э}_{\text{йил}} = (C_{\text{э0}} - C_{\text{э1}}) * W_c * T_{\text{йил}},$$

Йиллик иқтисодий самара:

$$E_{\text{йил}} = \text{Э}_{\text{йил}} - \Delta K * E_{\text{н}},$$

бу ерда ΔK – қўшимча сарфланган пул, конструкция баланс нархларининг ҳар хиллиги, сўм.

Қўшимча капитал сарф-харажатлар қопланиши муддати:

$$T_{\text{қопл.}} = \frac{C_{\text{Б1}} * C_{\text{Б0}}}{\Delta_{\text{йил}}}$$

Қўшимча капитал сарф-харажатлар самаралилиги коэффициенти:

$$E_{\text{сам.}} = \frac{1}{T_{\text{қопл.}}}$$

Ҳамма ҳисобий кўрсаткичлар 2-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Конструкция самаралилиги техник-иқтисодий кўрсаткичларини солиштирма баҳолаш

Номи	Вариантлар	
	MT3-82 —КПС-4	MT3-82Г +КПС-4
1. Бир соатлик меҳнат унумдорлиги, га/соат	3,9	3,9
2. Жараённинг фонд сиғими, сўм/га	6000	6600
3. Жараённинг энергия сиғими, кВт соат/га	14,72	14,72
4. Жараённинг метал сиғими, кг/га	0,235	0,236
5. Жараённинг сермеҳнатлилиги, ходим соат/га	36,1	36,1
6. Эксплуатация сарф-харажатлар даражаси, сўм/га	38400	29700
7. Умумий сарф-харажатлар даражаси, сўм/га	39200	30740
8. Йиллик тежамкорлик, сўм	-	45752000
9. Йиллик иқтисодий самара, сўм	-	41945000
10. Капитал сарф харажатлар қопланиши муддати, йил	-	0,55
11. Капитал сарф харажатлар самаралилиги коэффициенти	-	1,8

1 ва 2 графиклардан кўринадики, ёнилғи газ-дизелли узатилганда 1 гектарга сарфланадиган ёнилғининг шартли сарфи 5...8% га камайган, 1 гектарга сарфланган ёнилғининг нархи эса 50...55% га арзон.

Трактор агрегати газ-дизелли режимга ўтказилганда қўшимча капитал сарф-харажатлар ўзини оқлаш муддати 0,55 йилга тенг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Matmurodov F.M., Daminov O.O., Mirzaabdullayev J.B., Hakimov Zh.O. Mathematical modeling of transfer of the moment from the engine to the executive mechanism. Austria, Vienna. “East West” Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH. European science review (Scientific journal). № 3–4.2017 (March–April), p. 75-77.
2. Болтинский, В.Н. Работа тракторного двигателя при неустановившейся нагрузке /В.Н. Болтинский// - М., Сельхозгиз, 2009.
3. Современный Энциклопедический словарь, М. – “Большая Российская Энциклопедия”, 2007. – 601с.
4. Тулаев Б.Р., Даминов О.О. Автоматизированный расчетно-графический комплекс проектирования двигателей внутреннего сгорания. «IV Резниковские чтения». IV международная научно-техническая конференция «Теплофизические и технологические аспекты повышения эффективности машиностроительного производства». Тольятти, 27-29 май 2015 г. 40-43 сс.
5. Тулаев Б.Р. Математическое моделирование процессов теплообмена в ДВС/ Монография. – Ташкент: Адабиёт учқуни, 2018 г, – С. 176.

УДК:314.7

**ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ЎРТАСИДАГИ
БОҒЛИҚЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

KEY FACTORS AND TRENDS IN THE RELATIONSHIP BETWEEN LABOR MIGRATION AND ECONOMIC GROWTH

Турғунов Ғайратжон Нишонович,
Ўзбекистон Миллий университети,
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси изланувчиси

Аннотация

Мақолада ишчи кучи миграцияси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг асосий омиллари ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Ишчи кучи ташқи миграцияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда уни тизимли ривожлантириш мақсадида қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ишчи кучи миграцияси, замонавий технологиялар, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ва хизматлар, юқори даромадли янги иш ўринлари, иқтисодий ўсиш, иқтисодий барқарорлик.

В статье анализируются основные факторы и тенденции развития взаимосвязи трудовой миграции и экономического роста. В целях регулирования отношений в сфере внешней трудовой миграции и ее системного развития внесены предложения по дальнейшему укреплению правовой базы.

Ключевые слова: трудовая миграция, современные технологии, продукция и услуги с высокой добавленной стоимостью, новые рабочие места с высоким доходом, экономический рост, экономическая стабильность.

The article analyzes the main factors and trends in the development of the relationship between labor migration and economic growth. In order to regulate relations in the field of external labor migration and its systemic development, proposals were made to further strengthen the legal framework.

Key words: labor migration, modern technologies, products and services with high added value, new jobs with high income, economic growth, economic stability.

Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги глобаллашуви ва либераллашуви жараёни ишчи кучи ташқи миграцияси орқали ривожланган давлатларнинг замонавий технологияларини ўзлаштириб, ривожланаётган давлатларда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш асосида меҳнат бозорига юқори даромадли янги иш ўринларини таклиф қилиб, шу асосда миллий иқтисодиёт барқарорлигини янада оширишни талаб этмоқда.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро Миграция бўйича Ташкилот томонидан меҳнат мигрантлари - булар инсонларнинг бирор бир ҳудуддан у ўзи истиқомат қиладиган мамлакат миқёсида ёки рухсат этиладиган мамлакатга кўчиб иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган қисми ҳисобланади деб таъриф берилган.

Ишчи кучи ташқи миграцияси - бу инсонларнинг бир ташқи -профессионал гуруҳдан бошқа гуруҳга ёки бандлик доирасига (макон жиҳатдан), меҳнат фаолиятининг бошқа турларига ва албатта ҳудудлараро иш жойларига ўтиб кетиши. Умуман олганда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ маконий кўчиб юриши тушунилади.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ва хизматлар - маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янгидан яратилган, маҳсулотлар ва

хизматларнинг олдинги қийматига қўшилган қиймат, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори даражадаги пировард натижасидир.

Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун сарфланган меҳнат бирламчи эмас, балки, унинг нафлилик даражаси бирламчи аҳамият касб этади.

Қўшилган қиймат миқдори ва нафлилик даражасини бозор ҳал қилади. Қўшилган қиймат миқдори қанчалик юқори бўлса, пировард натижа ҳам шунча юқори бўлади.

Натижада меҳнат бозорида юқори даромадли янги иш ўринлари таклифи вужудга келади.

Ишчи кучи миграцияси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг асосий омиллари ва ривожланиш тенденциялари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган ва илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Х.П.Абулқосимовнинг таърифига кўра “Меҳнат бозорида рақобат иш берувчилар ўртасида юқори малакали ишчи кучини жалб этиш учун олиб борилса, ёлланма ходимлар ўртасида юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари учун рақобат кураши юз беради. Шунингдек. Иш берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасида ишга ёлланиш шартлари юзасидан рақобат бўлади”.[1]

Қ.Абдурахмоновнинг таърифига кўра “Жаҳон иқтисодиётида авж олаётган глобаллашув жараётлари мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ортишига, алоҳида фаолият кўрсатаётган бозорларнинг эркинлаштирилишига ва уларнинг умумий жаҳон меҳнат бозорига интеграциялашувининг чуқурлашувига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга келиб дунёнинг деярли 200 та мамлакати жаҳон меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлиш хадқаро меҳнат бозорида иштирок этмоқда. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги жами халқаро меҳнат мигрантларининг сони 258 миллион кишига етган бўлиб, улар томонидан амалга оширилган 601 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги пул ўтказмаларининг 429 миллиарди ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган.”[2]

Д.Расуловнинг фикрича “Меҳнат миграцияси меҳнат бозорининг ажралмас бир қисмидир”, “Чет мамлакатларга меҳнат миграцияси ҳажмини кенгайтириш учун давлат ҳокимият органларининг мавжуд инфраструктурасидан самарадорлик билан фойдаланиши ҳамда янги бозор механизмларини яратиши керак бўлади.” [3]

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт барқарорлигини янада ошириш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли бандлиги таъминлаш бўйича изчил ва инқилобий ислохотлар борилмоқда.

Айниқса, “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг устувор мақсадлари асосидаги ҳар йили Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш юзасидан тизимли таклифлар олиниб, уни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси орқали эълон қилиниши ислохотларнинг натижадорлигини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 16-18 декабрь кунлари Жанубий Кореяга давлат ташрифи жараёнида ўзаро стратегик шерикликнинг 3 та муҳим йўналиши - рақамлаштириш, яшил иқтисодиёт ва кучли ижтимоий сиёсат йўналишлари бўйича ҳамкорлик битимлари имзоланганлиги ишчи кучи миграцияси орқали Жанубий Кореянинг илғор технологияларини ўзлаштириб, миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини янада ошириш усуллари ва тенденцияларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида расмий ишчи кучи миграция бўйича узок муддатли ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу Ўзбекистоннинг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Жанубий Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Агентлик томонидан 2018 йилда 2251 нафар, 2019 йилда 1717 нафар, 2020 йилда 242 нафар (пандемия), 2021 йилда 1532 нафар, 2022 йилда 4901 нафар юборилган меҳнат мигрантлари Жанубий Кореянинг турли иқтисодиёт тармоқларида замонавий технологияларини ўзлаштирмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 11 январдаги ПҚ-18-сонли “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон ва Қатар Давлати Хукуматлари ўртасидаги Битим тасдиқланди.[4]

Мазкур Битим 2023 йил 6 июнда Самарқанд шаҳрида имзоланган. Ушбу Халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул орган этиб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 16 январь куни “2024 йилда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазибалар” мавзусида ўтказилган йиғилишда ҳам:

-бундан буён, саноатда қўллаб-қувватлаш механизмлари биринчи галда юқори қўшилган қиймат яратадиган ва бозори бор махсулотлар учун берилиши, 2024 йилда қўшилган қийматни 45 фоиздан ошириш, таннархни 15 фоизга камайтириш, умуман, саноатда 7 фоиз ўсишни таъминлаш бўйича корхонабай чора-тадбир тасдиқлаб, амалга ошириш;

- Европа, Осиёнинг ривожланган мамлакатлари билан жуда катта келишувлар доирасида 150 мингта ишчига буюртма берилганлиги, шу муносабат билан ташқи меҳнат миграцияси тизимидаги ишларни лозим даражада ташкил қилиш муҳимлиги, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги 100 минг ишчига касб-хунар ва тил ўргатиб, уюшган ҳолда чет эл корхоналарига ишга юбориш каби устувор вазибалар белгилаб берилди.[5]

Ишчи кучи миграцияси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг асосий омиллари ва ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, ишчи кучи ташқи миграцияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда уни тизимли ривожлантириш учун “Ишчи кучи ташқи миграцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур қонун лойиҳасида:

- “ишчи кучи ташқи мигранти – Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаро” тушунчасини қайд этиш;

- “вақтинчалик меҳнат фаолияти – ишчи кучи ташқи мигрантининг меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида амалга ошириладиган муддатли меҳнат фаолияти” тушунчасини қайд этиш;

- “ноқонуний ишчи кучи ташқи миграцияси – фуқаронинг хорижий давлатга ноқонуний кириши ва ўзи турган хорижий давлатнинг қонунчилигини бузган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга ошириши” тушунчасини қайд этиш;

- “чет эл иш берувчиси – фуқаролар вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юбориладиган чет давлат қонунчилигига мувофиқ ишчи кучини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган чет давлат жисмоний ёки юридик шахси” тушунчасини қайд этиш;

- ишчи кучи ташқи мигрантларининг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодига кўра камситилишига йўл қўймаслик;

- мажбурий меҳнатни тақиқлаш;

- мустақил равишда иш излашга ва ишга жойлашишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш;

- ишчи кучи ташқи мигранти ва у ишга жойлашган давлат фуқаролари меҳнат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетаётган фуқароларни касбларга ва чет тилларга ўқитиш;

- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширганидан кейин қайтиб келган фуқароларнинг реинтеграция қилинишини таъминлаш, шу жумладан, уларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни йўлга қўйишига кўмаклашиш, юқори даромадли янги иш ўринларига жалб этиш;

- ишчи кучи ташқи миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро меҳнат бозорига Ўзбекистон Республикасининг интеграция қилинишини таъминлаш

каби нормаларни белгилаш устувор аҳамиятга эга.

Натижада ишчи кучи ташқи миграцияси орқали миллий иқтисодиёт барқарорлигини янада ошириш ҳамда юқори даромадли янги иш ўринлари яратишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Х.П.Абулқосимов. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Дарслик. Тошкент, “LESSON-PRESS”, 2023, (233-б.).
- 2.Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Тошкент, “Фан”, 2019, (285-б.).
- 3.Д.В.Расулова. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Монография. Тошкент, “Молия”, 2010, (8-б.,142-б.).
4. <https://www.xabar.uz/jamiyat/qatarda-ishlashga-yol-ochiladi>.
5. https://t.me/Press_Secretary_Uz

УДК:338.5

ДВИГАТЕЛЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА УЛАРНИНГ НАРХИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ПОВЫШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ СТОИМОСТИ И ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ ЗАТРАТ НА ОСНОВЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДВИГАТЕЛЕЙ

INCREASING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF THEIR PRICE AND OPERATING COSTS BASED ON THE IMPROVEMENT OF

Хакимов Жамшид Октямович
Тошкент давлат техника университети

Рахмонов Элдор Чориёр ўғли
Тошкент давлат техника университети

Аннотация

Двигателларнинг юқори эксплуатация кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга сарфланган молиявий харажатлардан фойдаланиш самарадорлигининг кўрсаткичи битта двигател нархига сарфланган эксплуатация харажатларни солиштириш йўли билан баҳоланиши мумкин. Маънан эскирган двигателларни ишлаб чиқараётган корхона мавжуд жиҳозлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда уларнинг конструкциясини чуқур модернизациялаш йўли билан двигателларнинг кўрсаткичларини қабул қилинган даражагача яхшилашга эришишлари мумкин. Цилиндрлар каллаги ва цилиндр-поршен гуруҳи асосий деталларини биметалл конструкциялардан фойдаланиш йўли билан тайёрлаб, двигателларнинг ишончилиги ва эксплуатация кўрсаткичларини ошириш бўйича техник ечим таклиф этилган.

Калит сўзлар: двигателсозлик, двигателсозлик технологияси, эксплуатация харажатлар, модернизациялаш, ишончилик.

Показатель эффективности использования финансовых средств, вложенных в проектирование и производство двигателей с учётом обеспечения высоких эксплуатационных показателей может быть оценён путём сопоставления эксплуатационных затрат, приходящихся на единицу стоимости двигателя. Предприятия, выпускающие

морально устаревшие машины, могут улучшить их показатели до приемлемых значений путём глубокой модернизации конструкции при использовании имеющегося оборудования, оснастки и инструмента. Предлагаются технические решения по повышению надёжности и эксплуатационных показателей двигателей путём использования биметаллической конструкции головки цилиндров и остальных элементов цилиндропоршневой группы.

Ключевые слова: двигателестроение, технология двигателестроения, эксплуатационные затраты, модернизация, надёжность.

The indicator of the efficiency of the use of funds invested in the design and production of engines, taking into account the provision of high performance indicators, can be estimated by comparing the operating costs per unit cost of the engine. Enterprises that produce obsolete machines can improve their performance to acceptable values by deeply modernizing the structure using existing equipment, accessories and tools. Technical solutions are proposed to improve the reliability and performance of diesel engines through the use of a bimetallic design of the cylinder head and the other elements of the cylinder-piston group.

Keywords: engine building, engine technology operating costs, modernization, reliability.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган двигателларнинг экологиклиги ва тежамкорлигига ўсиб бораётган талаблар двигателлардан куч агрегати сифатида фойдаланиладиган маҳсулотларни сотиш бозоридаги курашда энг самарали усул бўлиб бормоқда.

Поршенли ички ёнув двигателларини такомиллаштириш микропроцессорли тизимлар ва бошқалар асосида ушбу турдаги иссиқлик двигателларига характерли бўлган: ресурсни ошириш; литрли қувватни ошириш; ёнилғи ва мойнинг солиштирма сарфини камайтириш; масса-габарит параметрларни қисқартириш; ишчи жараёни адаптив бошқариш кўрсаткичларини яхшилаш йўли билан бориши керак [1]. ИЁДларнинг юқори эксплуатацион кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда двигателларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга сарфланган молиявий харажатлар (E)дан фойдаланиш самарадорлигининг кўрсаткичи битта двигател нархи (C_d)га сарфланган эксплуатация харажатлар (ΣZ)ни солиштириш йўли билан баҳоланиши мумкин.

$$E = \Sigma Z / C_d \quad (1)$$

Эксплуатацион сарф-харажатлар эксплуатация давомида двигателга техник хизмат кўрсатишга – C_o , уни таъмирлашга – C_p , ёнилғига – C_t сарфланадиган харажатлар йиғиндисидан таркиб топади. Лекин, турлари ва ўлчамлари ҳар хил бўлган двигателларга бўладиган эксплуатацион сарф-харажатлар C_o , C_p , C_t – молиявий харажатларни солиштирма баҳолаш имкони бўлиши учун уларни бир хил вақт ва қувват бирлигига келтириш зарур [2]. У ҳолда, бир бирлик қувватга келтирилган, бир йил давомида двигател сарфлаган ёнилғининг нархи – c_t , $c_t = C_t / N_e$, бу ерда N_e – двигателнинг эффектив қуввати, кВт. Двигател нархининг улуши – c_d , унга двигател нархи – C_d нинг номинал қуввати – N_e га нисбати ва белгиланган хизмат муддати – R нинг бир календар йилига олиниши мумкин, яъни $c_d = C_d / N_e R$. Йил давомида двигателга хизмат кўрсатиш нархи – C_o нинг бир бирлик қувватга нисбати, яъни $c_o = C_o / N_e$. Белгиланган хизмат муддати давомида двигател ҳамма таъмирланишларининг нархи – C_p нинг қувват бирлигига ва хизмат муддатига нисбати $c_p = C_p / N_e R$.

У ҳолда (1) формула қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$e = (c_o + c_p + c_t) / c_d \quad (2)$$

Бу формула йиллик эксплуатацияга бўлган сарф-харажатларни минималлаштиришда ифодаланган двигателни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга бўлган сарф-харажатларнинг самаралилигини акс эттиради [3].

Олинган натижаларни иккита муайян двигател мисолида таҳлил қиламиз.

Ёнилғи-ҳаво аралашмаси уюрмали ҳосил бўладиган ёниш камерали тўрт цилиндрли дизель ДС32:

– нархи $C_d=29656000$ сўм.; номиналь қуввати $N_{e\text{ ном}}=23,5$ кВт; тирсақли валнинг айланишлар сони $n=1900$ айл/мин; капитал таъмирлашгача бўлган ресурс $R_{кр}=18000$ соат.; ҳисобдан чиқаришгача бўлган хизмат муддати $R=12$ йил; дизель ёнилғисининг ўртача нархи $C_T=4800$ сўм/литр; ёнилғининг солиштирма эффектив сарфи $g_e=0,28$ кг/(кВт соат); йил давомида техник хизмат кўрсатиш нархи 3800000 сўм; капитал таъмирлаш нархи 10800000 сўм; хизмат муддати давомида капитал таъмирлашлар сони – икки.

“VOLVO-PENTA” (Швеция) фирмаси ишлаб чиқарган ёнилғи-ҳаво аралашмаси ҳажмий-плёнкали ҳосил бўладиган, ёниш камераси поршен тубида жойлашган уч цилиндрли дизель MD2030:

– $C_d=11000$ USD (92400000 сўм); $N_{e\text{ ном}}=21$ кВт; $n = 3600$ айл/мин; $R_{кр}=18000$ соат; $R=12$ йил; $C_T=1$ USD (8400 сўм)/литр; ёнилғининг солиштирма эффектив сарфи $g_e=0,245$ кг/(кВт соат); йил давомида техник хизмат кўрсатиш нархи 3800000 сўм; капитал таъмирлаш нархи 14000000 сўм; хизмат муддати давомида капитал таъмирлашлар сони – икки.

Йил давомидаги ёнилғи сарфи двигател номинал иш режимида суткасига саккиз соат ишлаганда бир йиллик календар иш куни фондидан келиб чиқиб қабул қилинган [4].

У ҳолда, ДС32 учун: $c_d=105000$ сўм/(кВт йил); $c_o=163000$ сўм/(кВт йил); $c_p=77000$ сўм/(кВт йил); $c_T=2850000$ сўм/(кВт йил). Бу ердан, $e=29,5$.

MD2030 учун: $c_d=334000$ сўм/(кВт йил); $c_o=182500$ сўм/(кВт йил); $c_p=111300$ сўм/(кВт йил); $c_T=3750000$ сўм/(кВт йил). Бу ердан, $e=12,1$.

Шундай қилиб, двигател нархининг бир бирлигига мос келадиган эксплуатацион сарф-харажатлар даражаси бўйича ДС32 двигатели MD2030 двигателига бўладиган сарф-харажатларга нисбатан икки мартадан ҳам кўпроқ экан. Демак, бу кўрсаткични пасайтиришнинг икки йўли мавжуд: эксплуатацион сарф-харажатларни камайтириш ва двигател нархини ошириш. Бу йўллар ўзаро бир-бирига боғланган, чунки ишлаб чиқаришни янгилашга, конструкцияни янгилашга ёки двигател конструкциясини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини жиддий модернизацияламасдан эксплуатацион сарф-харажатларни камайтириб бўлмайди, чунки булар двигател нархини сезиларли ошириб юборади. Литрли қувватлар орасидаги фарқ ДС32 да MD2030 двигателидагидан деярли икки марта кичиклигини ҳисобга олиш зарур, чунки ДС32 двигателининг массаси 395 кг, литрли қуввати эса $8,3$ кВт/л, MD2030 двигателининг массаси эса 152 кг, литрли қуввати эса $15,44$ кВт/л. Бундан шу нарса кўринадики, MD2030 двигателининг конструкцион ва технологик ишланганлиги унинг аналоги ДС32 двигателига нисбатан анча юқори даражада, бу MD2030 двигателининг анча қиммат туришини белгилайди. Двигателсозлик ривожининг замонавий тенденцияси шундайки, двигателнинг нархи арзон бўлмайди, лекин унинг функционал кўрсаткичларининг даражаси шундай бўлиши керакки, двигателнинг бутун хизмат муддатида унга сарфланадиган эксплуатацион сарф-харажатлар минималлашган бўлсин. Маънан эскирган двигателларни ишлаб чиқараётган корхона мавжуд жиҳозлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда уларнинг конструкциясини чуқур модернизациялаш йўли билан двигателларнинг кўрсаткичларини қабул қилинган даражагача яхшилашга эришишлари мумкин [5].

Мисол сифатида Ч8,5/11 ва Ч9,5/11 туридаги двигателларни келтириш мумкин, уларни ишлаб чиқаришда маънавий эскирган, лекин ишончли ишлаётган технологик база сақланиб қолган. Бу маркали дизелларни ишлаб чиқараётган заводда ЭДП45 (4ЧН9,5/11) маркали янги дизелни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда [6].

Тадқиқот объекти сифатида ДС32 маркали дизель олинган. Дизелни модернизациялаш йўлларида бири – газтурбинали наддув йўли билан уни ўртача эффектив босим бўйича форсировка қилишдир.

Модернизациялашган дизел юк ва винтли характеристикалари режимларида синовлар ўтказилган, уларда дизелнинг эффектив қуввати $N_e=35$ кВт эканлиги аниқланган.

Шундай қилиб, литрли қувват қиймати $12,37$ кВт/л га етишига эришилган. Совитувчи сувоқлик ва мойловчи модданинг ҳароратлари чегаравий қийматларга етганликлари туфайли қувватни янада оширишнинг иложи бўлмаган. Синов давомида хромел-копелли

терможуфтликлар ёрдамида цилиндр втулкаси ва чиқариш клапани тарелкаси ҳароратларининг ҳолати ўлчанган, унда ушбу деталлар ҳароратларининг кўтарилганлиги аниқланган.

Цилиндрлар каллакларининг алангага туташадиган сиртларининг ҳароратлари ортишини ҳам тасдиқлаш мумкин. ДС32 дизели уюрма камерали бўлганлиги учун, ҳажмий-плёнкали аралашмали ва ёниш камераси поршен тубида жойлашган унинг аналогиди синовлар ўтказилган. 6Ч9,5/11 двигателининг қуввати анча катта бўлган иссиқлик алмаштирувчиси ўрнатилиши ҳисобига совитиш тизими қайта ишлангандан сўнг синов пайтида эффектив қувват $N_e=40$ кВт га ва литрли қувват $N_L=14,1$ кВт/л га етишига эришилди.

Булардан мавжуд дизеллар конструкцияларини чуқур модернизациялаш йўли билан уларнинг кўрсаткичларини яхшилаш имкони мавжудлиги кўринади. Лекин бу билан бирга цилиндр-поршен гуруҳи деталлари, цилиндрлар қопқоқлари, кўп тешикли пуркаш форсункаларининг юқори ҳароратли ва механик юклар таъсирига етарлича чидамлилигини таъминлаш муаммолари вужудга келади. Эксплуатацион сарф-харажатларнинг двигател нарҳига бўлган нисбати даражаларининг маънавий эскирган дизель ва замонавий хорижий дизелларни солиштириш бўйича келтирилган мисол маънавий эскирган дизелларда замонавий хорижий двигателларга нисбатан катта эканлигини кўрсатди.

Двигателларни ишлаб чиқариш корхоналаридаги технологик жиҳозларни замонавийлаштириш, двигател конструкцияларини такомиллаштириш, уларнинг литрли қувватларини ошириш, жумладан форсировка қилиш йўли билан мавжуд двигателлар кўрсаткичларини яхшилаш мумкин, бунинг натижасида ушбу двигателларнинг эксплуатацион кўрсаткичлари кўтарилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исмаилов Ж., Қҳақимов Ж., Қалауов С., Исмаилов А. Evaluation of the efficiency of thermal insulation of the combustion chamber according to the load characteristics of a diesel engine. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, Volume 1231, International Conference on Agricultural Engineering and Green Infrastructure Solutions. 20 Oct 2023 (<https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85173777099&origin=resultslist&sort=plf-f>).
2. Musabekov, Z., Khakimov J., Yangiboev, A., Tairova, N., Usmonov, J., Petruchenko, A. Flow stabilization and pulsation in external channels in fuel engines. (2023) IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 1142 (1), статья № 012022 (<https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85151246604&origin=resultslist&sort=plf-f>).
3. Безюков О.К., Жуков В.А. Состояние и перспективы судового двигателестроения в России // Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Морская техника и технология. № 2, 2017 (май). – С. 40-53.
4. Tulaev B.R., Khakimov J.O., Mirzaabdullayev J.B. Математическая модель перемещения рейки топливного насоса двигателя внутреннего сгорания. East European Scientific Journal. (Warsaw, Poland). №2 (30), 2018 part 2. p. 66-68.
5. Тулаев Б.Р. Математическое моделирование процессов теплообмена в ДВС/ Монография. – Ташкент: Адабиёт учқуни, 2018 г., – С. 176.
6. Matmurodov F.M., Daminov O.O., Mirzaabdullayev J.B., Hakimov Zh.O. Mathematical modeling of transfer of the moment from the engine to the executive mechanism. Austria, Vienna. “East West” Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH. European science review (Scientific journal). № 3–4.2017 (March–April), p. 75-77.

УДК:338.2

**СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ И ИНСТРУМЕНТЫ УПРАВЛЕНИЯ В ЭПОХУ
ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**RAQAMLI IQTISODIYOT DAVRIDA BOSHQARUVNING ZAMONAVIY USULLARI VA
VOSITALARI**

**MODERN METHODS AND TOOLS OF MANAGEMENT IN THE ERA OF DIGITAL
ECONOMY**

Файзиёва Шахноза Рустамовна

к.э.н., доцент Экономического факультета НУУЗ

Аннотация

В статье раскрываются сущность современных методов и инструментов управления в эпоху цифровой экономики, ключевые задачи достижения формирования конкурентоспособного и эффективно функционирующего сектора исследований и разработок и обеспечения его ведущей роли в процессах технологической модернизации экономики страны.

Ключевые слова: цифровые технологии, цифровая стратегия, экспертные системы, блокчейн, децентрализация, интеллектуальные системы, WMS-системы, ERP-системы.

Maqolada raqamli iqtisodiyot davrida zamonaviy boshqaruv usullari va vositalarining mohiyati, raqobatbardosh va samarali faoliyat yurituvchi ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik sektorini shakllantirishga erishish va mamlakat iqtisodiyotini texnologik modernizatsiya qilish jarayonlarida uning yetakchi rolini ta'minlashning asosiy vazifalari ochib berilgan.

Калит сўзлар: raqamli texnologiyalar, raqamli strategiya, ekspert tizimlari, blokcheyn, markazsizlashtirish, aqlli tizimlar. WMS tizimlari, ERP tizimlari.

The article reveals the essence of modern management methods and tools in the era of the digital economy, the key tasks of achieving the formation of a competitive and efficiently functioning research and development sector and ensuring its leading role in the processes of technological modernization of the country's economy.

Keywords: digital technologies, digital strategy, expert systems, blockchain, decentralization, intelligent systems. WMS systems, ERP systems.

Развитие и распространение технологий цифровой экономики оказывает решающее влияние на трансформацию мировой экономической системы: непосредственно воздействует на производство товаров и услуг, использование трудовых ресурсов, инвестиции в человеческий и материальный капитал, поступление прямых иностранных инвестиций, развитие и распространение технологий из одних стран в другие, промышленные инновации. Все это в конечном счёте напрямую отражается на эффективности производства, производительности труда, конкурентоспособности и в конечном итоге, на экономическом росте.

По исследованию McKinsey, - цифровизация экономики может быть не менее мощным инструментом повышения её производительности и конкурентоспособности, чем создание технологических инноваций как таковых. По их оценкам, в Китае до 22 % увеличения ВВП к 2025 г. может произойти за счёт цифровых технологий, в США – до 10 % [1].

В современной экономике Узбекистана всё более остро встаёт проблема ускорения роста на основе активного внедрения и использования различных информационных и телекоммуникационных систем. Совершенствуется техническая инфраструктура электронного правительства; развивается человеческий капитал и совершенствуется система подготовки и повышения квалификации кадров. Постепенно идёт трансформация государственных услуг в цифровую форму и развитие информационной экосистемы. Этим обеспечивается открытость и прозрачность деятельности государственных органов и организаций, повышение уровня электронного участия населения, информационная безопасность и защита информационных ресурсов и систем. В правительстве, министерствах и ведомствах, органах государственной власти на местах учреждена должность заместителя руководителя по вопросам цифровых технологий и электронного правительства.

В октябре 2020 года Указом Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева была утверждена Стратегия «Цифровой Узбекистан-2030». Она направлена на ускоренное развитие цифровой индустрии в стране, повышение конкурентоспособности национальной экономики и включает в себя программы цифровой трансформации регионов и отраслей [2]. «Дорожная карта» по реализации стратегии охватывает цели в областях развития электронного правительства, цифровой индустрии, цифрового образования и цифровой инфраструктуры. В августе 2023 года между Министерством цифровых технологий Республики Узбекистан и Агентством США по международному развитию (USAID) в Вашингтоне подписан меморандум о поддержке Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» [3]. В рамках меморандума американское агентство поддержит реализацию Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030». USAID также окажет содействие в развитии секторов информационных технологий и коммуникаций в стране путём привлечения в IT молодёжи и женщин, объединения технических образовательных учреждений, поддержки роста частного сектора и участия в других инициативах в сфере IT. Подписанию меморандума между министерством и USAID предшествовало проведение миссией USAID в Узбекистане в 2021 году масштабной оценки цифровой экосистемы страны (Digital Ecosystem Country Assessment, DECA). Это была первая подобная оценка, проведённая USAID после принятия Агентством своей первой Цифровой стратегии на 2020–2024 годы.

В Узбекистане осуществляется широкое внедрение цифровых технологий в сферу телекоммуникаций, оказания государственных услуг, в отрасли реального сектора экономики, здравоохранения и в другие сферы. Наблюдается повышение объёма валовой добавленной стоимости в сфере информационной экономики и электронной коммерции (табл.1)

Таблица 1

Информация об объёме валовой добавленной стоимости в сфере информационной экономики и электронной коммерции [4], млрд.сум

№	Показатели / годы	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1	Сектор информационной экономики и электронной коммерции	3876,3	4 967,7	6 377,8	7 732,1	8 491,9	10 777,0	16 939,5	27755,0
2	Сектор (ИКТ)	3581,7	4 575,3	5 849,0	6 876,8	7 323,0	9 095,9	11 567,6	16 131,1
3	Производство ИКТ	141,7	127,2	238,3	301,9	279,4	540,1	503,3	820,3
4	Торговля ИКТ	140,8	228,0	281,6	236,2	293,3	252,3	367,8	580,8
5	Услуги ИКТ	3299,2	4 220,1	5 329,1	6 338,7	6 750,3	8 303,5	10 696,4	14 730,0
6	Сектор контента и средства массовой информации	294,6	392,4	518,7	750,1	908,9	1 089,7	1 464,6	1929,9
7	Электронная коммерция			10,1	105,2	260,0	591,4	3 907,3	9 694,0

Предприятия в условиях жёсткой конкурентной борьбы с зарубежными производителями, вынуждены использовать современные информационные технологии, позволяющие быстро получать информацию о состоянии внешней среды, рыночной конъюнктуры, анализировать их и принимать соответствующие управленческие решения.

Современный менеджмент уже не в состоянии оперировать «бумажными» данными о состоянии рынка, поведении конкурентов, технологическими новшествами, ввиду их огромного объёма, быстрого устаревания, невозможностью их быстрого качественного анализа.

Применение современных систем электронного документооборота, электронных торговых площадок, соответствующих уровню развития информационных технологий последнего поколения, включая программное обеспечение на основе искусственного интеллекта, становится одним из наиболее значимых конкурентных преимуществ компании.

В целом системы электронного обмена документами, включая этапы создания документа и наделения его юридической силой (в т.ч. посредством электронной цифровой подписи) действительно позволяет существенно сократить затраты, особенно транзакционные издержки, неизбежно присутствующие при бумажном документообороте. При этом кардинально может измениться и система отчётности исполнителей о выполненных задачах, исключив многократное дублирование, как самих отчётов, так и процессов внесения одних и тех же данных в различные отчёты.

Немаловажным преимуществом становится также и ускорение всех процессов, как управленческих, так и производственных, что в свою очередь значительно сокращает циклы создания продукта и выхода его на рынок, принятия высокорискованных инвестиционных решений.

Ещё одним преимуществом внедрения современных ИС является возможность постоянного повышения квалификации персонала, его дополнительного обучения за счёт ускорения и упрощения всех процессов обучения. Регламентация деятельности персонала в данном случае выходит на совершенно иной качественный уровень, поскольку ИС нового поколения позволяют обновлять и совершенствовать всю систему регламентов компании одновременно, учитывая все возможные внешние и внутренние факторы влияния.

В сферах науки, технологий и образования в настоящее время государством выделены следующие стратегические цели:

- развитие государственных научных и научно-технологических организаций;
- повышение социальной мобильности, уровня общего и профессионального образования населения.

Для достижения указанных целей планируется решить ряд задач:

- обеспечение технологической безопасности;
- совершенствование государственной инновационной и промышленной политики;
- развитие государственно-частного партнёрства в сфере науки и технологий;
- создание условий для интеграции науки, образования и промышленности;
- проведение системных исследований в интересах решения стратегических задач национальной обороны, государственной и общественной безопасности;
- гражданское воспитание новых поколений в традициях престижа труда учёного и педагога.

Несмотря на некоторые позитивные сдвиги при проведении реформ, существует ряд нерешенных проблем, одними из которых являются зависимость от импортных поставок научного оборудования, недостаточное развитие нормативной правовой базы и слабая мотивация в сфере инновационной и промышленной политики.

Для достижения формирования конкурентоспособного и эффективно функционирующего сектора исследований и разработок, обеспечения его ведущей роли в

процессах технологической модернизации экономики страны, предполагается решить такие ключевые задачи, как:

- развитие фундаментальных научных исследований;
- создание опережающего научно-технологического задела на приоритетных направлениях развития;
- институциональное развитие сектора исследований и разработок, совершенствование его структуры, системы управления и финансирования, интеграция науки и образования;
- формирование современной материально-технической базы сектора исследований и разработок;
- обеспечение интеграции исследований и разработок в международное научно-технологическое пространство.

Цифровая экономика предполагает широкое использование современных информационно-коммуникационных технологий. Это напрямую отражается на методах управления как на макроуровне, так и на уровне коммерческих структур.

Использование этих методов (экспертные системы, блокчейн и децентрализация) и инструментов в перспективе коренным образом отразятся на всех уровнях экономической системы. Интеллектуальные системы позволяют эффективно использовать большие данные, под которыми понимаются совокупность методов обработки массивов информации для получения определённых зависимостей между явлениями. Большие данные представляют собой прототипы искусственного интеллекта, которые используются в управлении как в бизнесе, так и на государственном уровне. Сфера использования методов больших данных многогранна. Она лишь ограничена источниками сбора информации. Среди наиболее очевидных и часто используемых источников больших данных стоит отметить поисковые запросы, оплата товаров и услуг с использованием банковских карточек и т.п.

Методы больших данных позволяют выявить зависимости, которые невидны, но которые часто проявляются. Конечно, не всегда интеллектуальные системы могут определить степень зависимости явлений. Компьютер может ошибиться при выборе фактора и результата. Сеть супермаркетов Макро в Узбекистане, например, провела масштабную работу по оптимизации цепочек поставок товара. Компания трансформировала работу отдела управления товарными запасами, запустила автоматический расчёт заказов и повысила уровень автоматизации в распределительном центре. Консолидация функции управления товарным запасом в рамках одного отдела позволила Макро высвободить время операционного персонала магазинов от локального управления, которое включало создание заказов для поставщиков и распределительного центра. В результате уровень клиентского сервиса сети существенно вырос. В настоящее время запущен процесс трансформации действующей WMS-системы склада, который поможет оптимизировать работу персонала и затронет складские операции от приёма товара до логики его размещения, формирования маршрутов комплектации и распределения. В планах Макро – сконцентрироваться на развитии всей экосистемы информационных программ. К таким относится уже ранее внедрённая ERP-система на базе SAP [5]. Системы больших данных эффективны также в государственном управлении. В ближайшем будущем методы больших данных начнут постепенно проникать во все сферы деятельности человека. В ближайшей перспективе можно предположить, что использование экспертных систем будет широко распространяться в коммерческих и государственных структурах, что позволит высвободить определённую массу рабочей силы. В этом есть как негативный аспект в виде роста безработицы, так и позитивный – формирование новых необходимых навыков и компетенций. Таким образом можно предположить, что цифровая экономика позволит использовать новые способы управления, среди которых стоит отметить блокчейн, метод больших данных, экспертные системы и всеобщую децентрализацию во всех отраслях и сферах жизнедеятельности человека. Данные методы перспективны и, в ближайшее время, с высокой вероятностью получат широкое распространение. Однако для коммерческих предприятий и государств в

целом новые методы управления представляют как возможности, так и существенные угрозы. Кроме того они пока не всегда вписываются в рамки существующих управленческих технологий.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 г., №6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по её эффективной реализации».
2. Цифровая экономика [Электронный ресурс]: учеб.-метод. комплекс / Г. Г. Головенчик. – Минск: БГУ, 2020. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). ISBN 978-985-566-847-4
3. Jul 20, 2023. Orient Group. <https://orientgroup.uz/tpost/7myrviiji1-set-supermarketov-makro>.
4. USAID поддержит реализацию Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030». 16 августа 2023, <https://www.gazeta.uz/ru/2023/08/16/usaid-digital-uzbekistan-2030/>
5. Сведения Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан. 2024 год. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/investments>

УДК:338.1

**WASTE TO ENERGY[1] - ТЕХНОЛОГИЯ, СПОСОБСТВУЮЩАЯ
УСТОЙЧИВОМУ РАЗВИТИЮ РЕГИОНА**

**WASTE TO ENERGY - МИНТАҚАНИНГ БАҲҚАРОП РИВОЖЛАНИШИГА ЁРДАМ
БЕРАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯ**

**WASTE TO ENERGY - TECHNOLOGY THAT PROVIDES SUSTAINABLE
DEVELOPMENT OF THE REGION**

Махмудов Рустам Гавасович

Национальный Университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

Аннотация

Исследованы современные проблемы хранения, переработки мусора и получения энергии потенциала как на глобальном, так и на региональном уровне. Приведен опыт развитых стран. На основании результатов проведенного анализа состояния полигонов для хранения твёрдых бытовых отходов и данных по морфологическому составу мусора, предложено решение глобальной проблемы захоронения твёрдых бытовых отходов и истощаемости энергоресурсов- технология waste to energy.

Ключевые слова: карбоновый след, ядовитые вещества, твердые бытовые отходы, полигон, мусор, переработка, хранение, утилизация, экология, энергия из отходов, альтернативные источники энергии .

Глобал ва минтақавий даражада чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш ва потенциал энергиясини олишнинг замонавий муаммолари тадқиқ қилинди. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси келтирилди. Қаттиқ майший чиқиндиларни сақлаш полигонлари ҳолатини ва ахлатнинг морфологик таркиби бўйича маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида қаттиқ майший чиқиндиларни кўмиш ва энергия ресурсларининг тамом бўлиши глобал муаммосини ҳал қилишнинг waste to energy технологияси таклиф қилинди.

Калит сўзлар: карбон изи, заҳарли моддалар, қаттиқ майший чиқиндилар, полигон, ахлат, қайта ишлаш, сақлаш, утилизatsiя қилиш, экология, чиқиндилардан энергия, муқобил энергия манбалари.

Modern problems of storage, waste processing and energy generation potential both at the global and regional levels have been studied. The experience of developed countries is presented. Based on the results of the analysis of the solid household wastes landfills conditions and data on the morphological composition of waste, a solution to the global problem of solid waste disposal and the exhaustibility of energy resources has been proposed - waste to energy technology.


Keywords: carbon footprint, toxic substances, municipal solid waste, landfill, garbage, processing, storage, disposal, ecology, energy from waste, alternative energy sources.

Ежегодно 5 июня отмечается всемирный день эколога и окружающей среды, напоминающий о важности проблемы экологии, а также о необходимости осуществлять её комплексное решение. С конца прошлого века средняя температура воздуха на Земле выросла на 0,8 градуса по Цельсию. На первый взгляд, изменение незначительное, но планета уже реагирует на это: уровень Мирового океана увеличивается, частота стихийных бедствий растет, урожайность падает. Глобальное изменение климата называют экологической проблемой мира №1, а его основной причиной считают парниковый эффект. Рост благосостояния населения приводит к перепотреблению, и как следствие этого, вопрос утилизации отходов стоит особенно остро. Взять к примеру производство и потребление текстильной и швейной промышленности: по данным Waste Reduction Week, за последние 15 лет количество производимой одежды в мире возросло примерно вдвое. Вместе с тем, ее использование за тот же период снизилось на 36%. Менее 1% материала, используемого для производства одежды, перерабатывается в новые вещи[1].

На полигонах отходы из синтетики разлагаются до 200 лет, загрязняя сточные воды, выделяя метан, CO₂ и другие ядовитые химические соединения[2]. На сегодняшний день, концентрация в атмосфере удерживающих тепло парниковых газов достигла нового рекорда и уже концу этого века повышение температуры может значительно превысить целевые показатели Парижского соглашения [3].

В поиске возможных решений проблемы утилизации твёрдых бытовых отходов (ТБО), развитыми странами предлагаются различные экологичные и циклические технологии переработки. Например, в Южной Корее, Швеции и Нидерландах используется циклическая технология переработки мусора waste to energy. Технология waste to energy представляет процесс выработки электрической и тепловой энергии в результате мусоросжигания. Как правило, в качестве топлива используются ТБО, прошедшие предварительную сортировку. Подобного рода предприятия часто рассматриваются как элемент комплексной системы обращения с отходами, способный снизить экологические риски и уменьшить экологический ущерб, связанный с захоронением не перерабатываемых ТБО на полигонах.

КАК ЭТО РАБОТАЕТ?



Предлагаемая практика использования метода утилизации отходов путем контролируемым высокотемпературным сжиганием в соответствии с санитарно-гигиеническим требованиям, может являться одним из выходов из сложившейся ситуации. При этом, цикличная технология переработки отходов waste to energy, позволяет получить энергетическую составляющую в виде тепло энергии или электричества. Было подсчитано, что при сжигании одной тонны отходов можно получить 1300-1700 кВт/ч тепловой энергии или 300-550 кВт/ч электроэнергии.

Использование технологии waste to energy позволяет решить следующие задачи:

- 1) используя термический способ утилизации бытовых отходов, существенно сократить срок разложения или компостирования мусора на свалке;
- 2) значительно уменьшить объем остаточных продуктов в сравнении с мусором (около 10 % исходного объема);
- смена профессиональных интересов, переподготовка, переподготовка могут стать причиной безработицы;
- новые этапы в жизни человека, включая образование, рождение ребенка и т.д.

Как правило, структурная безработица возникает на фоне технического прогресса, в результате которого снижается спрос на специалистов одной профессии и увеличивается спрос на других профессий. Иными словами, возникновение структурной безработицы связано с невозможностью трудоустройства из-за различий в структурах спроса и предложения рабочей силы среди разных профессий [4, с. 592]. Основные причины скрытой безработицы среди населения Республики Узбекистан условно разделены на две категории, среди них:

- потому что руководство компании избегает массовых увольнений;
- в связи с тем, что работники не уходят с предприятия самостоятельно, несмотря на низкий уровень заработной платы.

Детально проанализировав этот вопрос, удалось определить, что первая группа причин сохранения скрытой безработицы включает в себя несколько аспектов. Даже если уровень производства снижается, руководство предприятия старается сохранить кадры на перспективу, при этом вводится работа по совместительству, внедряется использование оплачиваемых и неоплачиваемых отпусков.

Второй аспект связан с возможностью обеспечения поддержки государства со стороны государства при сохранении кадров. Кроме того, зачастую предприятия не имеют средств для выплаты пособий и заработной платы увольняемому работнику в соответствии с нормами трудового законодательства. Так, увольнение зачастую происходит по статье «по собственному желанию», но при этом основной причиной увольнения является ухудшение условий труда и снижение заработной платы.

В то же время, анализируя прошлый опыт трудовых отношений, было отмечено, что несколько лет назад на начальных этапах приватизационного процесса многие предприятия сохранили должности работников с целью акционирования. Однако сегодня этот метод не используется. Вторая категория причин сохранения скрытой безработицы – нежелание работников покидать рабочие места даже при крайне низком уровне заработной платы. Это связано с несколькими причинами. Во-первых, жители малых городов и поселков не имеют возможности найти другую работу.

Кроме того, трудоспособные граждане пожилого возраста работают в сфере с целью иметь непрерывный трудовой стаж и формировать трудовую деятельность. Третий момент: даже при получении пособия по безработице потери заработной платы не покрываются. Четвертый момент заключается в том, что граждане предпочитают неполную занятость, считая, что их занятость стабильна.

Исходя из этого, можно отметить, что, в отличие от стран Запада, процессы поддержания скрытого типа безработицы в Республике Узбекистан связаны с отсутствием активной регулирующей позиции государственных органов и профкомов кризисы и спад производства, эти причины вызывают безработицу и способствуют ее дальнейшему развитию в стране [4. 272].

Анализируя статистические данные рисунка 1, удалось определить, что пик безработицы в нашей стране зафиксирован в 2003 году. За этот период общая численность

безработных достигла двух миллионов человек, что составляло 10% экономически активных граждан того времени; затем произошло снижение числа безработных и к 2013 году общего



числа безработных.

Рисунок 1. Динамика уровня безработицы в Узбекистане в 2003-2022 гг.

Кроме того, безработица может иметь серьезные экономические и социальные издержки, причем наиболее важные экономические последствия безработицы включают:

- недостаточное производство, недоиспользование производственного потенциала общества. В то же время в законах Оксны выражена связь между уровнем безработицы и уровнем отсталости страны: если фактический уровень безработицы превышает естественный уровень на один процент, реальный объем валового внутреннего продукта может отставать от него. отставание от потенциала на 2,5 процента;
- уровень жизни граждан, во многих случаях они считают себя безработными, поскольку работа является для них единственным источником существования;
- в результате конкуренции снизится заработная плата работающих граждан;
- граждане, работающие в целях социальной поддержки безработных, будут нести тяжелую налоговую нагрузку [5 с. 175].

Зачастую, помимо экономических проблем, в результате безработицы возникает множество социальных и психологических проблем, которые одновременно не столь очевидны, но очень важны. К основным проблемам относятся:

- процессы нарастания политической нестабильности, а также напряженности в обществе;
- обострение ситуации, связанной с преступностью, рост преступности, поскольку большая часть преступлений совершается безработными гражданами;
- рост числа смертей от самоубийств, болезней сердечно-сосудистой и нервной системы, а также алкоголизма и наркомании;
- происходит деформация личности безработного, а также его социальных связей, что проявляется в виде депрессии у безработного, а также утраты навыков и профессиональных навыков;
- увеличение семейных проблем, семьи неработающих граждан часто распадаются.

С 2017 года правительство нашей страны активно разрабатывает меры, направленные на восстановление ситуации в финансовом секторе, а также в некоторых сферах экономики, в целях сдерживания нарастания процессов социальной напряженности, в сфере рынка труда, поддержки, а также в сфере социальной поддержки населения. При этом меры, разработанные правительством, включают в себя следующие аспекты:

- Организация еженедельного контроля за количеством лиц, уволенных в связи с ликвидацией предприятий или сокращением численности работников во всех субъектах Республики Узбекистан, а также уровнем полной занятости работников предприятий;
- Организация работы горячей линии, а также юридическое сопровождение по вопросам увольнения сотрудников компании, создание и распространение буклетов, брошюр с описанием событий и поведения граждан после увольнения;

• организация увеличения финансирования мероприятий по обеспечению занятости населения с учетом важности увеличения пособий по безработице.

Анализ современной ситуации с безработицей в Республике Узбекистан показал, что безработица имеет множество негативных социальных и экономических последствий, а высокий уровень безработицы приводит к росту преступности, негативному мышлению среди населения, ухудшению состояния экономики страны и многие другие могут иметь негативные последствия.

В ходе исследования было установлено, что государству крайне важно принять срочные меры по снижению уровня безработицы в нашей стране. В то же время мы осознали важность постепенного смягчения всех аспектов безработицы и повышения ее приемлемости. Важно не полностью ликвидировать безработицу, а изменить ее природу. Так, снижение уровня безработицы проявляется во внедрении государственных программ по снижению безработицы в связи с организацией общественных работ, внедрении обучающих и трансформационных программ Правительства РФ, организации поддержки малого предпринимательства. принимает меры. и использование модульных систем обучения.

Мероприятия по сбору информации связанные с изменением профессиональной структуры не занятого населения позволяет службам занятости своевременно организовать переподготовку кадров по необходимым профессиям. Повышает эффективности систем переподготовки и трудоустройства безработных и сокращение среднего срока пребывания граждан, в статусе безработных. Планируется, что безработица будет иметь фрикционный тип.

Видно, что правительство активно участвует в мерах по снижению безработицы. При этом для достижения реальных результатов крайне важно объединить усилия государства и населения в борьбе с безработицей. Анализ деятельности всей системы показывает, что она направлена главным образом на ликвидацию безработицы, устранение последствий неравномерного распределения производственных возможностей и трудовых прав человека, и необходимо изменить эту ситуацию. Службы занятости должны работать над предотвращением безработицы. Их основная задача, скажем, в связи с модернизацией крупных предприятий, выявить возможные направления массового увольнения работников и внедрить новые технологии на действующих предприятиях.

Список использованной литературы:

1. Андреев, В.И. Виды безработицы [Текст] / В.И. Андреев. – Казань: Издательство Казанского университета, 2015 – 237 с.
2. Амирджанова С.С. Анализ рынка труда и занятости населения в Узбекистане. DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a6
3. Баринов, С.Я. Причины безработицы в России [Текст] / Под ред. С.Я. Бариного и С.А. Шавшиной. – М.: Высшая школа, 2015. – 504 с.
4. Бахтина, Т.Г. «Домашняя экономика. Основы предпринимательства» [Электронный ресурс] Т.Г. Бахтина. – Режим доступа: <http://festival.1september.ru/articles/512867/> (дата обращения 23. 11. 2023).
5. Бозарова Гульнора Гуламовна. (2023). Значение регулирования рынка труда в сокращении бедности. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 25, 38–41. Получено с <https://zienjournals.com/index.php/zjssh/article/view/4540>
6. Ильянова, Г.М. Причины безработицы в России [Текст] / Г.М. Ильянова, Л.С. Минин, А.И. Винокуров. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Высш. шк., 2017. – 592 с.
7. Котляр А. Теоретические проблемы занятости остаются актуальными / А. Котляр // *Человек и труд*. - 2000. - N5. – Страницы 9–11.
8. Шишкин А.Ф. Экономическая теория: учебник для вузов. В 2-х томах - М.: Гуманитарный. ред. Центр ВЛАДОС, 2010. – 816 с.
9. Эралиев А.А. (2022). Роль женщин - девушек в развитии малого бизнеса. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(5), 1024–1030. извлечено от <https://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/2537>

УДК: 338.46

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

АСПЕКТЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА ФОРМИРОВАНИЕ СФЕРЫ УСЛУГ АННОТАЦИЯ

ASPECTS INFLUENCING THE FORMATION OF THE SERVICE SECTOR

Захирова Г.М.

ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси

Annotatsiya

Мақолада хизматларнинг шаклланиш босқичлари, хизматлар бозори тушунчаси, хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги роли, хизматларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, замонавий иқтисодиёт ривожланиш босқичида хизматлар соҳасининг ўрни тобора ортиб бораётганлиги, мамлакат ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси улушининг ортиб бориши масалалари, ҳамда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиш динамикаси ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳасининг шаклланиши, хизматлар соҳаси тушунчаси, хизматлар соҳаси ривожланиш омиллари, ЯИМ таркиби, иқтисодий ривожланиш, хизматлар бозори, хизматлар соҳасининг такомиллашуви, замонавий хизматлар бозори.

В статье рассматриваются этапы формирования сферы услуг, понятие рынка услуг, роль сектора услуг в экономике, факторы, влияющие на формирование сферы услуг, возрастающая роль сектора услуг на этапе развития современной экономики, вопросы увеличения доли сектора услуг в ВВП страны, а также анализируется динамика развития сферы услуг в Узбекистане.

Ключевые слова: формирование сферы услуг, понятия сферы услуг, аспекты развития сферы услуг, состав ВВП, экономическое развитие, рынок услуг, совершенствование сферы услуг, современные услуги.

The article examines the stages of the formation of the service sector, the concept of the service market, the role of the service sector in the economy, factors influencing the formation of the service sector, the increasing role of the service sector at the stage of development of the modern economy, issues of increasing the share of the service sector in the country's GDP, and analyzes the dynamics of the development of the service sector in Uzbekistan.

Keywords: the formation of the service sector, the concept of the service sector, the aspect of the development of the service sector, the composition of GDP, economic development, the market of services, improvement of the service sector, modern services

Жамиятнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси муайян ривожланиб боради. Бу соҳада бандликнинг кўпайиши, меҳнатнинг техник жиҳозланиши, янада илғор технологияларни жорий этилиши кузатилади. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматларнинг роли жуда катта ва долзарбдир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорни кундалик ва индивидуал талабларни қондирувчи товарларига тўйинганлиги, илмий ва технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқ бўлиб, натижада жамият ҳаётидаги янгиланишга олиб келади. Бундай ҳолатга ахборотли, молиявий, суғурта ва бошқа хизматларсиз эришиб

бўлмайди. Бундан ташқари, хизматлар товарлар савдосининг ажралмас қисмидир (айниқса, техник жиҳатдан мураккаб бўлса), чунки товарларни сотиш тобора ривожланган тармоқни талаб қилади, бу эса асосан сотув ишларни амалга ошириш ва эгаларига етказишдаги кўрсатиладиган хизматларга боғлиқ бўлади.

Бир томондан хизматлар бозори, қадимдан пайдо бўлган фаолият деб таъкидлаш мумкин, чунки пул пайдо бўлиши билан, хизматларнинг унчалик кўп бўлмаган турлари пайдо бўлган (ёзувчилар, айғоқчилар, менежерлар, ошпазлар, ёлланган жангчилар, шифокорлар, фолбинлар, мунажжимлар ва б.). Бошқа томондан, ривожланган, замонавий шаклда хизмат кўрсатиш бозори яқинда пайдо бўлди ва ҳали ҳам фаол ривожланиш жараёнида десак муболаға бўлмайди.[1]

Жамиятнинг ривожланиши билан хизматларнинг янгидан янги соҳалари пайдо бўлди. Қадимги жамиятда деярли замонавий хизматларга мос келадиган транспорт, савдо, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, молия, маданият, дам олиш каби кенг кўламли хизматлар кўрсатилди. Фақат XIX-XX асрларда уларга нисбатан бирмунча янги турлар — алоқа, маркетингнинг айрим турлари, аудиторлик хизматлари қўшилди. XX асрнинг ўрталаригача хизматлар соҳаси ишчиларнинг жуда катта қисмини қамраб олсада, у нисбатан иккиламчи иқтисодий фаолият деб ҳисобланар эди, асосан паст даражадаги малакага эга бўлган ходимлар (айниқса, хизматлар кўрсатишнинг энг катта соҳаси бўлган савдо соҳасида) фаолиятдан иборат эди.

Айнан хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги паст роли туфайли XVIII асрдан XX аср ўрталаригача бу соҳадаги иш умуман жамият бойлигини кўпайтирмайди деб ҳисобланди. Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси жуда паст бўлганлигининг асосий сабаблари давлат мулкисининг устуворлиги ва хизматлар соҳасини молиялаштириш қолдиқ принципи асосида амалга оширилганлиги бўлди. Хизматлар соҳасида барқарор ривожланиш XX асрнинг иккинчи ярмида нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилди. Натижада хизматлар соҳасининг кўлами кенгайди ва мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) катта қисмини эгаллади.[2]

Хизматлар соҳаси — саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда иқтисодиётнинг тўртта асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши бўйича мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражасини баҳолаш мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг асосий қисми хизматлар соҳасига тўғри келади.

Мисол учун, 2020 йилда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши АҚШда 78 % ни, Европада 70 % дан ортиқни, Хитойда — 52,8 % ни ташкил қилган. МДХ давлатларида, масалан, Қозоғистонда бу кўрсаткич 52,6 %, Белорусда 48,2 % ни ташкил этган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2021 йил январь-декабрь ойларида 42,6 % га тенг бўлди.[1]

Дунёда кузатилган пандемия, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига, ўз навбатида ЯИМ ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Жумладан, ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 28,2 % дан 27,7 % га, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 27,7 % дан 27,5 % га, қурилиш тармоғининг улуши 7,3 % дан 7,0 % га камайган бўлсада, хизматлар соҳасининг улуши ўзгармай 42,3 % ни ташкил қилди.[2]

Хизматлар бозори — илгариги жисмоний товарлар ва хизматлар ягона бозоридан ажратилган бозор турларидан бири. Ушбу бозорда энг соддадан энг мураккаб хизматларнинг барчаси сотилади. Шу билан бирга, биз моддий товарлар бозори ва хизматлар бозорини бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини англаймиз, чунки хизматни сотиш (уни тақдим этиш) кўпинча жисмоний товарларни сотиш билан боғлиқ бўлиб, аксинча, уни сотиб олиш ва сотиш бўйича хизматнинг ўзи «товар» кўринишини олади, яъни товарга айланишини кузатамиз.

Хизматлар бозори турли хизматларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқарувчилар ва хизматлар истеъмолчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг йиғиндисидир. Хизматлар бозори товар ишлаб чиқариш ва муомалага қонунларига мувофиқ ташкил этилган алмашинув соҳасининг ажралмас қисмидир. [3]

Хизматлар бозори хизматлар учун талаб ва таклифни, пул эгалари бўлган ишлаб чиқарувчилари ва хизматлар истеъмолчиларини бирлаштирадиган тизим сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, хизматлар бозорининг роли ҳам товар-моддий бойликлар бозорини ривожлантиришга, аҳолининг турли эҳтиёжларини қондириш орқали қайта ишлаб чиқариш жараёнининг мувозанатини таъминлашга, ҳаёт сифатига мос келишига ёрдам беришда ақс этади. Замоनावий шароитда хизмат кўрсатиш бозорининг ривожланиш даражаси ва унинг тузилиши мамлакат рақобатбардошлигининг таъминлашдаги энг муҳим мезонларидан биридир. [4]

Хизматлар бозорини ва унинг фаолият юритиш амалиётини ўрганишда унинг ўзига хос бўлган томони, билимни ҳисобга олмасдан, турли хил хизмат турлари бўйича муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Замоनावий адабиётларда, хизматлар бозорининг қуйидаги хусусиятлари белгиланган:

биринчидан, бозор жараёнларининг юқори динамикаси. Бу, хизматнинг сақланмаслик хусусиятига боғлиқ. Агар хизматлар «сақланиши» мумкин бўлмаса, истеъмол талабининг ўзгаришига тезкор жавоб сифатида, хизмат кўрсатиш фаолиятини доимий такомиллаштириш зарур бўлади;

иккинчидан, даромад, нарх, истеъмол томонидан хизматнинг аҳамиятини (долзарблигини) субъектив баҳолаши, узоқ фойдаланиладиган товарлар билан таъминлаш; миллий анъаналар ва истеъмол хусусиятлари, турмуш тарзи ва бошқаларга қараб хизматларга бўлган талабнинг аниқ ажратилиши;

учинчидан, истеъмол характеристикалари (горизонтал дифференциация) ва сифат даражаси (вертикал дифференциация) бўйича бозор маҳсулотининг ролида хизматни фарқлашнинг юқори даражаси;

тўртинчидан, моддий товарлар бозорига нисбатан, хизматлар бозори янада аниқ ҳудудий сегментация ва маҳаллийлаштирилиш хусусиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, хизмат кўрсатиш турларининг тузилиши, хизмат кўрсатиш шакли асосан «географик» омил (иклим шароитлари, маълум бир ҳудудда мавжуд анъаналар, йирик марказлардан узоқлиги) билан белгиланади;

бешинчидан, ишлаб чиқариш давомийлиги даври қисқалиги туфайли капитал айланмаси юқори даражасига етишиши. Хизмат фаолиятининг бу хусусияти хизмат соҳасидаги бизнеснинг асосий афзалликларидан бири сифатида инқироз ҳолатларида айниқса намоён бўлади;

олтинчидан, хизматлар бозорига киришнинг нархсиз тўсиқлари муҳим роль ўйнайди. Бу хусусият, асосан, ишлаб чиқарувчини танлашда хизматларнинг асосий истеъмолчилари, қоида тариқасида, нафақат нарх даражасига, балки нарх-наво омиллари — хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги, хизмат кўрсатиш сифати, замоनावий ва хавфсиз технологияларнинг мавжудлиги (ёки аксинча, ноёб, деярли йўқолган «қўлда» технологияга содиқлик: масалан, китобларни қўлда ямаш, матоларни қўлда бўйлаш, дўппидўзлик, сўзана тикиш ва ҳ.к.); офис интерьерлари, хушмуомалалик, иш жадвалининг қулайлиги ва бошқалар. [5]

Хизматлар бозори замоनावий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора катта роль ўйнамоқда, шунинг учун унинг ривожланишини белгилайдиган омилларни билиш муҳим ҳисобланади. Бу омиллар иқтисодий, психологикдан тортиб макроиқтисодий ва микроиқтисодий каби жуда хилма-хилдир. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- тадбиркорлик учун, айниқса, кичик бизнес соҳасида қулай шарт-шароитлар яратиш, самарали солиқ тизимини яратиш, хизматлар ишлаб чиқаришда хусусий ва давлат секторларини пухта бирлаштириш орқали хизматлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган давлатнинг макроиқтисодий роли;

- аҳолининг турли қатламларининг фаровонлик даражаси ва уларнинг даромадларининг ўсиши;

- ушбу бозорнинг «белгилари»ни эмас, балки, энг муҳими, хизматларнинг замоनावий сифатини белгиловчи хизмат кўрсатиш фаолияти ва хизматлар бозорининг техник-технологик таркибий қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳолати ва суръати (қўплаб

хизматлар юқори технологияли кўринишга айланмоқда, масалан, уяли алоқа, таълим, тиббиёт, банк хизматлари ва б);

- етарли малакали мутахассислар, шу жумладан менежерлар, сотувчилар мавжудлиги. Кичик бизнесда банд бўлганларни тайёрлаш шаклларининг кенг тармоғи;

- анъаналар, менталитет. Улар жуда муҳимдир, чунки хизматлар бозорининг ҳолати, хизмат кўрсатиш тизими ва сифати асосан жамият маданиятининг даражаси, шу жумладан, хизмат кўрсатиш бозорининг барча субъектлари, умуман ижтимоий-маданий омилнинг ҳолати билан белгиланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда барча соҳа ва тармоқлар билан бир қаторда хизматлар соҳаси ҳам алоҳида ўрин тутади. 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди. Худудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд.сўм ҳисобида)[1]

	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	150 889,8	193 697,8	219 978,5	284 388,1	366 891,0
Қорақалпоғистон Республикаси	4 600,2 5	5671,8 6	6 520,3	8 458,4	10 595,3
Андижон	8 011,5	9 803,8	11 413,0	14 459,6	17 804,0
Бухоро	6 631,6	8 413,2	9 843,1	12 574,1	15 848,8
Жиззах	3 283,2	4 305,1	5 024,7	6 395,7	8 127,3
Қашқадарё	7 064,1	8 800,9	10 349,5	12 907,4	15 967,7
Навоий	3 925,6	5 056,2	5 840,5	7 459,6	9 322,8
Наманган	6 067,7	7 747,6	8 928,6	11 619,5	14 693,4
Самарқанд	10 043,5	12 786,8	14 086,1	18 259,0	22 953,6
Сурхондарё	6 079,6	6 981,9	8 013,9	10 387,4	12 838,4
Сирдарё	2 031,4	2 726,8	3 303,0	4 183,1	5 018,8
Тошкент	11 292,9	14 568,4	16 438,3	21 197,4	25 919,7
Фарғона	9 237,9	11 684,1	13 694,4	17 705,2	22 131,8
Хоразм	4 562,8	5 763,3	6 461,2	8 348,1	10 480,4
Тошкент ш	50 176,2	65 759,2	79 879,3	106 502,8	144 533,7

1-жадвал маълумотларидан ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмини таҳлил қилсак, сўнгги беш йил мобайнида мамлакат миқёсида кўрсатилган хизматлар икки баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин (2018 – йилда 150 889,8 млрд.сўм, 2022 – 366 891,0 млрд.сўм). Ўсиш суръати юқори кузатилаётган ҳудуд Тошкент шаҳри (144 533,7млрд сўм, олдинги йилга нисбатан 118,0%), паст ҳудуд эса Сирдарё вилоятига тегишли (5 018,8 млрд сўм, олдинги йилга нисбатан 101,6%). Мамлакатнинг ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси улушининг ортиши, мамлакатда иқтисодий тараққиётнинг белгиси сифатида намоён бўлади. Бунда аҳоли турмуш даражаси кўтарилиши ўз навбатида хизматлар кўламининг кенгайиши, турларининг купайишига ўз таъсирини кўрсатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни киритишимиз мумкин:

— хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

— аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини камайтириш;

— аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

— аҳолини коммунал-маиший хизматлар билан таъминлаш даражасини ошириш ва замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш;

— аҳолига транспорт хизмати кўрсатишини тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш;

— театр ва томоша, дам олиш, хордиқ масканлари, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлашда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш натижасида, мамлакатда янгидан-янги қўшимча иш ўринлари яратилади ва бу ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бурменко Т. Д. Сфера услуг: экономика. Москва, КНОРУС, 2006.
2. Свириденко Ю. П. Сервисная деятельность в обслуживании населения учебное пособие. Издательско-торговая корпорация «Дашков И КО», 2012.
3. Свириденко Ю. П. Сервисная деятельность : учебное пособие / Ю. П. Свириденко, В. В. Хмелев. — Альфа-М : ИНФРА-М, 2011.
4. Савченко П.В., Жильцов Е.Н. Экономика общественного сервиса. Учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2012. – 763 с.
5. Кара А. Н. Экономика сферы обслуживания : учеб. Пособие для студ. Учреждений высш. проф. образования / — М. : Издательский центр «Академия», 2010.

УДК: 336.743

ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

ПУТИ РАЗВИТИЯ ВАЛЮТНОЙ ПОЛИТИКИ

WAYS OF DEVELOPING FOREIGN EXCHANGE POLICIES

Норбаева Мухлиса Акрам кизи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси докторанти

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда валюта сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган таҳлиллар олиб борилган. Валюта сиёсати орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлидаги айрим муаммолар ҳам ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон каби ривожланаётган давлатларда миллий валюталарининг заиф бўлиш сабаблари, бунинг натижасида долларлашув даражасининг юқори бўлиши ва унинг иқтисодий ижтимоий оқибатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакатимизда валюта сиёсати самарадорлигини оширишда валюта курсининг экспорт ҳажмига таъсирини ошириш лозимлиги, ҳамда ички валюта бозорида валюта инструментларини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: экспорт, валюта сиёсати, муддатли валюта операциялари, валюта бозори, импорт, валюта курси.

В данной научной статье был проведен анализ, направленный на повышение эффективности валютной политики в Узбекистане. Также исследованы некоторые проблемы обеспечения экономической стабильности посредством валютной политики. В частности, анализируются причины слабости национальных валют в развивающихся странах, таких как Узбекистан, в результате чего уровень долларизации высок, а также ее экономические и социальные последствия. Также научно обоснованы необходимость усиления влияния валютного курса на объем экспорта в целях повышения эффективности валютной политики в нашей стране, а также целесообразность развития валютных инструментов на внутреннем валютном рынке.

Ключевые слова: экспорт, валютная политика, форвардные валютные операции, валютный рынок, импорт, валютный курс.

In this scientific article, analyzes aimed at increasing the effectiveness of foreign exchange policies in Uzbekistan were conducted. Some problems of ensuring economic stability through foreign exchange policies are also studied. In particular, the reasons for the weakness of national currencies in developing countries such as Uzbekistan, as a result of which the level of dollarization is high, and its economic and social consequences are analyzed. Also, the need to increase the effect of the exchange rate on the export volume in order to increase the effectiveness of the foreign exchange policies in our country, as well as the feasibility of developing foreign exchange instruments in the domestic currency market, are scientifically based.

Key words: export, foreign exchange policy, foreign exchange market, import, exchange rate.

Валюта сиёсати ҳар бир давлат иқтисодиётининг муҳим элементларидан биридир. Валюта сиёсати иқтисодий барқарорликни таъминлашда ўрни бекиёсдир. Давлатлар валюта сиёсати орқали иқтисодиётидаги турли нобарқарорликларнинг олдини олади. Валюта сиёсати бу давлат томонидан мамлакат ички ва халқаро валюта муносабатларида давлат мақсадларига мувофиқ олиб бориладиган валюта муносабатлари ва пул муомаласи соҳасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги асосий муаммолардан бири бу миллий иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий алоқаларда рақобатбардошлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган миллий валюта курсининг заифлиги натижасида кузатилаётган молия-валюта тизимининг нобарқарорлигидир. Миллий валютаимиз “Сўм”нинг муомаласага киритилган даврдан бошлаб унинг алмашинув курси доим пасайиб борган. Хусусан, миллий валютаимиз билан амалга оширилган дастлабки биржа савдосида алмашинув курси USD/UZS 7 сўм бўлган бўлса, бугунги кунда миллий валюта алмашинув курси 12000 сўмдан ҳам юқори бўлиб, кўрилаётган даврда қадрсизланиш 1700 мартадан ҳам юқори бўлган.

Маълумки, халқаро ҳисоб-китобларнинг катта қисми АҚШ долларида амалга оширилмоқда ва бу миллий валютанинг АҚШ долларида боғлиқлиги вужудга келган. Шунингдек, миллий валюта курсига ташқи омиллардан нефт ва олтин нархлари, дунёдаги иқтисодиётидаги ва геосиёсатидаги вазиятлар, ривожланган давлатлар пул-кредит сиёсатлари таъсир кўрсатса, ички омиллардан тўлов баланси ҳолати, инфляция даражаси, асосий ставка кўрсаткичи, олтин валюта захирасининг ҳажми, Марказий банк валюта сиёсатлари таъсир кўрсатади.

Гарчи мамлакатимиз нефт экспорт қилувчи давлатлар қаторида бўлмасада, дунё бозоридаги нефт нархининг ўзгариши ривожланаётган давлатлар миллий валюталари алмашинув курсига таъсири кучли бўлади. Ривожланаётган давлатлар нефт экспорт қилмасада, аммо уларнинг асосий ҳамкор давлатлари нефт экспорт қилувчи давлатлар бўлиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон билан товар айланмаси катта бўлган Россия, Қозоғистон каби давлатлар миллий валюталари ўзгаришига нефт нархининг таъсири сезиларли бўлиб, бу ҳолат бизнинг иқтисодиётимизга ҳам таъсир кўрсатади.

Давлатлар учун валюта сиёсатини тўғри олиб бориш ва у орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Шу йўлда кўплаб давлатларда иқтисодчи олимлар томонидан пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлиги, унинг иқтисодий ўсишга таъсири ва оптимал валюта курси режимини белгилашга қаратилган талайгина илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, ушбу илмий ишлар 1950 йиллардан кейин аҳамияти яна ошиб борди ва валюта сиёсати борасида илмий ишлар сони ошиб кетди. Ушбу илмий ишларнинг айримлари билан яқиндан танишиб чиқамиз.

Ş.Kalemlı-Özcan томонидан АҚШ монетар сиёсати билан халқаро облигациялар бозоридаги рисклар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқот қилган. Унинг фикрича, ривожланаётган бозорларда ривожланган мамлакатларга қараганда кўпроқ тарқалиш таъсирига эга. АҚШнинг пул-кредит сиёсати глобал инвесторларнинг рискларни идрок этишига таъсири орқали бошқа мамлакатлардаги ички кредит харажатларига ҳам таъсир қилади. Яъни, ривожланаётган давлатларда капиталнинг келиши ва чиқиб кетиши бундай рискларни идрок этишдаги тебранишларга жуда сезгир ва маҳаллий кредит бозоридаги фоизларга бевосита таъсир кўрсатади. Ривожланаётган давлатларда ушбу таъсирни юмшатишда ички пул-кредит сиёсати самарасиздир, чунки монетар сиёсат асосий ставкаларининг қисқа муддатли бозор фоиз ставкаларига ўтиши номукамалдир. Пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкалар билан пул-кредит сиёсати ставкалари ўртасидаги бу узилиш рискни идрок этишдаги ўзгаришлар билан изоҳланади. тадқиқот натижалари хулосаларига кўра, ривожланаётган давлатларда валюта курсининг ўзгарувчанлигини юмшатишга қаратилган пул-кредит сиёсати харажатлари самарасиз бўлиши мумкин.[1]


Roberto Chang Марказий банк томонидан интервенция ва бу орқали валюта курсига таъсири таҳлил қилинган. Унинг фикрича, стерилизация қилинган валюта интервенцияси иқтисодий субъектларга тегишли активларнинг валюта таркибини ўзгартириш орқали самарали бўлиши мумкин. Иқтисодчи муқобил канални таклиф қилади, яъни стерилланган интервенция реал таъсир кўрсатиши мумкин, чунки у марказий банкнинг молиявий воситачиларга нисбатан соф кредит позициясини ўзгартиради ва шу билан ташқи қарз лимитларига таъсир қилади. Ушбу таҳлил натижаси вақти-вақти билан мажбурий гаров чекловлари остида маҳаллий банклар билан очиқ иқтисодиёт модели контекстида ишлаб чиқилган. Интервенция, агар у чекловлар боғланганда содир бўлса, ҳақиқий таъсирга эга бўлади. Бундай пайтларда расмий захираларни стерилизация қилинган ҳолда сотиш марказий банкнинг ички банклар олдидаги қарзини камайтириш орқали чекловларни юмшатади ва маҳаллий иқтисодий агентларга кредит таклифини ошириш учун ресурсларни кўпайтиради.[1] Иқтисодчи томонидан олиб борилган таҳлиллар Марказий банкнинг интервенция сиёсати, расмий захираларни тўплаши ва пул-кредит сиёсати ўртасидаги ўзаро таъсир учун бир қанча эътиборга молик натижаларни тақдим қилган.

A.Inoue ва B.Rossi каби иқтисодчилар Марказий банк пул-кредит сиёсатининг валюта курсларига таъсирини ўрганишган ҳамда ноанъанавий пул-кредит сиёсати пул-кредит сиёсатини халқаро молия бозорларига ўтказиш усулини ўзгартиришини таҳлил қилишган. Уларнинг фикрларига кўра, анъанавий пул-кредит сиёсати тамойилларига кўра экспансион пул-кредит сиёсати шоклари ўша мамлакат валютасининг кадрсизланишига олиб келади. Улар АҚШда пул-кредит сиёсатининг анъанавий ва ноанъанавий даврларида анъанавий тамойилларни қайта кўриб чиқган, ва бунда пул-кредит сиёсати шокларини пул-кредит сиёсатининг қутилмаган ўзгаришлари натижасида бутун даромад эгри чизигидаги ўзгаришлар сифатида белгилайдиган ва пул-кредит сиёсатидаги шокларнинг қандайлигига қараб фарқланишига имкон берадиган янги идентификациялаш процедурасидан фойдаланган. Ушбу янги идентификациялаш процедуралар иқтисодий агентларнинг фоиз ставкаларининг келажакдаги харакати ҳақидаги прогнозларига, шунингдек, иқтисодиётдаги рисклар ва ноаниқликка таъсир қилади деб уйлашади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан пул-кредит сиёсатини юмшатиш анъанавий ва ноанъанавий даврларда мамлакатнинг спот бозоридаги номинал айирбошлаш курсининг пасайишига олиб келган бўлса, иккинчидан, пул-кредит сиёсатидаги шокларнинг вақт ўтиши билан турли

тебранишларда бўлади ва ушбу фоизларнинг таъсири иқтисодий агентларнинг кутишларига қандай таъсир қилишига боғлиқдир. Учунчидан, Дорнбусчнинг (1976) ҳаддан ташқари ошиб кетиш гипотезасига ижобий далиллар топган ва тўртинчидан, кутилаётган реал фоиз ставкаларининг ўзгариши пул-кредит сиёсати шокларини узатишда муҳим рол ўйнайди деган хулосаларга келишган.[1]

Иқтисодчи олимларимиздан Н.Жумаев ва Ж.Атаниязовлар ташқи иқтисодиётни ривожлантириш ва бунда валюта сиёсатининг роли тўғрисида илмий ишлар олиб борган. Уларнинг таъкидлашича, янги Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишининг янги босқичга чиқиши айнан 2017 йилда бошланган бўлиб, бунда валюта сиёсати эркинлаштирилиб, валютанинг эркин конвертациясига эришилганлиги тадбиркорларимизга кенг имкониятлар яратган. Шунингдек, мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар туфайли чет эллик инвесторлар Ўзбекистондаги муҳит мўътадиллашгач, яна қайта бошлашган. Мамлакатимизда чет эл инвестицияларининг келиши йўлида қилинган ислохотларда муҳим уч қадам ташланганини қайд этган. Хусусан, биринчидан ташқи иқтисодий фаолият эркинлашиб, бизнес учун маъмурий тўсиқлар олиб ташланди, иккинчидан, янги, замонавий, модернизация талабларига жавоб берадиган технологияларни олиб келишга кенг имкон яратилди, ҳамда учинчидан, мамлакатимиз фуқароларига, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга бир хил шароит яратилди.[2] Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, валюта сиёсатининг давлатлар ташқи савдоларига таъсирини таҳлил қилишда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Тарихий маълумотларга кўра, нефт нархининг кескин тушиб кетиши бўлган 2008 ва 2014 йилларда бизнинг мамлакатимизда молиявий инқирозларга ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси девальвациясига сабаб бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2010-2022 йилларда нефт нархи билан алмашинув курси ўртасидаги корреляция $-0,34$ га тенг бўлиб, фаразимизнинг тўғрилигини кўрсатади.



1-расм. Миллий валюта алмашинув курси билан нефт нархи ўртасидаги боғлиқлик[1]

Дунё бозорида нефт нархининг ошиши ривожланаётган давлатлар иқтисодиётларига ижобий таъсир қилган ҳолда иқтисодий ўсишга сабаб бўлади. Чунки, нефт нархи билан дунё бозоридаги бошқа хом ашёлар нархлари ўртасида ҳам ижобий корреляция мавжуд бўлиб, бу хом ашё экспорт қилувчи давлатларда ишлаб чиқаришнинг ошишига олиб келади. Статистик маълумотларга кўра, дунё бозорида нефт нархининг ошиши билан Ўзбекистон ЯИМ ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, корреляция 0,60 га тенг бўлмоқда.

Дунё бозорида аниқланадиган нефт нархининг ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига таъсирдан хулоса қилишимиз мумкинки, агар халқаро иқтисодиётда инкирозлар кузатилса, бу каби давлатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Алмашинув курси девальвацияси ўз навбатида ички иқтисодиётда инфляция кўрсаткичини ҳам оширган ҳолда, ялпи ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини пасайтириб юборади.

Валюта сиёсатидаги кейинги муаммолар сифатида ички иқтисодиётда долларлашув даражасининг юқорилигидир. Гарчи давлатларда алмашинув курсидаги ўзгариш фақатгина хорижга чиқиш вақтида сезилса, бизнинг иқтисодиётимизда оддий аҳоли ҳам алмашинув курси девальвациясидан азият чекмоқда.

Мамлакатда долларлашув даражасининг юқори бўлиши айрим жиддий муаммоларни келтириб чиқаради:

Макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишига олиб келади;

Халқаро иқтисодиётдаги ўзгаришларнинг ички иқтисодиётга таъсири кучли бўлади;


Миллий валютанинг муомала воситаси ва қиймат ўлчов функцияларининг бузилишига олиб келади;

Миллий валютага бўлган талабни пасайтириб юборади. Аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан миллий валютадан кўра хорижий валютага талаби юқори бўлишига олиб келади;

Тижорат банкларидаги умумий депозитлар таркибида чет эл валютасидаги депозитлар динамикасини назорат қилиш мураккаблашади ва бу Марказий банк пул-кредит сиёсати самарадорлигини пасайтиради;

Миллий валюта алмашинув курси тебраниш частотаси катта бўлади. Чунки, чет эл валютасига талаб ва унинг таклифи нафақат биржада балки биржадан ташқари бозорда ҳам кучли бўлади;

Тижорат банклари кредитларининг муаммоли кредитларга айланишида ҳам долларлашувнинг ўрни юқори бўлади.



2-расм. Нефт нархи ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик[1]

Мамлакатимизда долларлашув даражасининг ошиши асосан 1990 йилларда пул сиёсати натижасида юзага келди. 90 йилларда барча учта валюта, яъни муомалада бўлган рубль, кейинчалик сўм купон ҳамда 1994 йилда муомалага киритилган сўм АҚШ долларига нисбатан катта девальвацияга юз тутуши натижасида аҳоли томонидан жамғармаларини, бизнес вакиллари учун оборот маблағларининг қадрсизларининг олдини олиш учун АҚШ доллари ишончли валютага айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллар давомида иқтисодиётдаги долларлашув даражасини камайтириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Тарихий даврни босқичма-босқич бўлиб ўрганганимизда, 2017 йилга қадар Марказий банк иқтисодиётнинг долларлашувининг айс сабаблари билан эмас балки оқибатлари билан қурашиб келди. Хусусан, 2017 йилга қадар:

мамлакатимизда валюта алмашинув курси бозор қонунлари билан эмас балки Марказий банк томонидан ўрнатилди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг чет эл валютасини сотиб олишига тури тўсиқлар қўйилди;

девальвациянинг олдини олиш учун пул массаси кескин камайтирилди ва бунинг натижасида монетизация даражаси пасайиб кетди (20 фоиз атрофида бўлган) ва бу ўзаро дебиторлик-кредиторлик қарздорликни ошириб юборди;

Нақд пул муомаласини кескин чеклади. Бунинг натижасида нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб китобларда катта тавофут пайдо бўлди.

2017 йилда иқтисодиётимизда долларлашув даражасини пасайтиришга қаратилган ижобий чора-тадбирлар амалиётга қўлланила бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сепabrдаги 5177-сонли “Балюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра:

Валюта алмашинув курсини белгилаш бозор қонунлари асосида бўлгиланиши эълон қилинди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг чет эл валютасини сотиб олишига ўрнатилган тури чекловлар олиб ташланди;

Мамлакат ҳудудида нархлар, тарифлар ҳамда тўлов воситаси сифатида фақатгина миллий валюта амалга оширилиши белгилаб қўйилди;

Иқтисодиётда очик сиёсат юритиш орқали хорижий инвестициялар келишига қулай имконият яратди;


Валюта сиёсатини юритишда мамлакатимиз банк тизимида юзага келадиган турли рискларнинг олдини олишда Марказий банкнинг ўрни алоҳида белгиланди.

Юқоридаги чора тадбирларга қарамадан мамлакатимизда долларлашув даражасини пасайтириш қийин кечмоқда. Хусусан, 2019-2023 йилларда тижорат банклари депозитларининг 35 фоизидан ортиқ қисми чет эл валютасида шаклланди. Гарчи миллий валютадаги депозитлар фоизи хорижий валютадаги депозитлар фоизидан юқори бўлсада, аҳоли ва бизнес вакиллари учун турли валюта рискларидан сақлайдиган омил чет эл валютаси бўлиб қолмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2019-2023 йилларда жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидagi миллий валютадаги депозитлари 16,8 трлн.сўмдан 56,4 трлн.сўмгача ошган бўлса, аҳолининг хорижий валютадаги депозитлари ҳажми эса (миллий валютадаги эквиваленти) 8,1 трлн.сўмдан 27,2 трлн.сўмгача ошган. Аҳоли депозитлари таркибида хорижий валютадаги депозитлари салмоғи кўрилган даврда сезиларсиз ўзгарган.

Яъни, статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда аҳоли депозитлари таркибида хорижий валютадаги депозитлари салмоғи 32,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда энг паст даражани қайт этган ва 29,5 фоизгача пасайган. Аммо кейинги йилда бу кўрсаткич 34,3 фоизга ҳамда 2023 йилни 3 чорак натижасига кўра 32,6 фоизни ташкил қилган.

Юқоридаги таҳлилларнинг давоми сифатида тижорат банкларида юридик шахсларнинг депозитларида ҳам тенденция шу каби бўлмоқда. Хусусан, 2019-2023 йилларда юридик шахсларнинг тижорат банкларидagi миллий валютадаги депозитлари 34,2 трлн.сўмдан 93,7 трлн.сўмгача ошган бўлса, юридик шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари ҳажми эса (миллий валютадаги эквиваленти) 31,8 трлн.сўмдан 44,0 трлн.сўмгача ошган.




3-расм. Валюта бирликларига кўра жисмоний шахсларнинг тижорат банклардаги депозитлари (млрд.сўмда)[1]

Юридик шахсларнинг депозитлари таркибида хорижий валютадаги депозитлари салмоғи охириги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Яъни, статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда юридик шахслар депозитлари таркибида хорижий валютадаги депозитлари салмоғи 48,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб 41,5 фоизгача пасайган ҳамда 2023 йилни 3 чорак натижасига кўра 31,9 фоизга тушган.

2018 йилдан иқтисодиётдаги долларлашув даражасини, валюта курси ўзгаришининг ички иқтисодиётга таъсирини памайтириш борасида Марказий банк асосан мажбурий захира

инструментини қўллаб келмоқда. Хусусан, тижорат банкларидаги миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира нормасини паст даражада, яъни 4 фоиз қилиб белгилаш билан бир вақтда хорижий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира нормасини 18 фоизгача кўтарди. Шу билан тирга тижорат банкларимизга хорижий валютадаги мажбурий захира суммасини миллий валютада ажратиш ҳам белгилаб қўйилди.



4-расм. Валюта бирликларига кўра юридик шахсларнинг тижорат банклардаги депозитлари (млрд.сўмда)[1]

Юқоридаги чора-тадбирларнинг асосий мақсади тижорат банкларимизга миллий валютада депозит жалб қилишни афзал қилиш ва провардида миллий валютага талабни ошириш орқали унинг курсини барқарорлаштириш ҳисобланади.

Марказий банк иқтисодиётдаги долларлашув даражасини камайтиришда мажбурий захира инструментида фойдаланар экан бундан кўзланган мақсадларга эришишда хорижий валютада жепозит қабул қилиш ва ундан мажбурий захира ажратиш улар учун ноэффektiv амалиётга айлантириш лозим. Статистик маълумотларга кўра, тижорат банкларида хорижий валютадаги депозитлар умумий активлардаги улуши 10-15 фоиз атрофида бўлмоқда. Шу билан бирга 2019-2023 йилларда Марказий банкдаги мажбурий захира суммаси 4187,1 млрд.сўмдан 2799,2 млрд сўмга пасайган ҳолда унинг активларга нисбати 1,5 фоиздан 0,5 фоизгача пасайган. Бу билан кўришимиз мумкинки, тижорат банклари учун хорижий валютада депозит жалб қилиш ва ундан мажбурий захира ажратишмуаммо туғдираётгани йўқ.

1-жадвал

Банк тизимида мажбурий захиранинг ўрни, млрд.сўмда[1]

№	Кўрсаткичлар	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.10.2023
1	Активлар	272726,9	366121,1	4422,5	556746,3	615801,8
2	Депозитлар	91009,0	114746,9	156189,8	216737,5	221334,9
3	Валютадаги депозитлар	39969,0	49428,5	60611,7	84942,7	71205,6
4	Валютадаги депозитларнинг умумий активлардаги улуши	14,7%	13,5%	13,6%	15,3%	11,6%
5	Валютадаги депозитларнинг умумий депозитлардаги улуши	43,9%	43,1%	38,8%	39,2%	32,2%
6	Мажбурий захира миқдори	4 187,1	1 546,8	2 107,3	2 638,0	2 799,2
7	Мажбурий захирадаги сумманинг активларга нисбати	1,5%	0,4%	0,5%	0,5%	0,5%
8	Мажбурий захира харажати (ўртача 17%)	711,8	263,0	358,2	448,5	475,9
9	Фоизли харажатлар	15601,8	23018,5	30796,2	37566,1	41212,6
10	Мажбурий захира харажатининг фоизли харажатларга нисбати	4,6%	1,1%	1,2%	1,2%	1,2%

Шунингдек, хорижий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира ажратиш миллий валютада амалга оширилишини белгилаб қўйиш орқали тижорат банкларига миждозларини хорижий валютада кредитлашга кенг йўл очиб берилмоқда. Тижорат банклари мажбурий захира доим қўйимча харажат сифатида кўриб келади. Яъни, тижорат банклари жадб қилган депозитларидан ажратган мажбурий захира учун Марказий банк фоиз тўламаслигини инобатга олиб, ушбу миқдорни ўзида қолган ресурслардан чиқариб олиш керак, ва кўп ҳолларда бу тижорат банкларига қўйимча харажат сифатида қаралади. Таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкинки, тижорат банклари учун мажбурий захира харажати умимий фоизли харажатлардаги улуши кўрилаётган даврда 4,6 фоиздан 1,2 фоизгача пасайган. Бундан кўришимиз мумкинки, тижорат банкларига хорижий валютада депозит жалб қилишдан кўрилаётган харажат жуда кам ва бу орқали Марказий банк долларлашув даражасини пасайтиришга ушбу инструментнинг таъсири суст бўлмоқда. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, Марказий банк томонидан долларлашув даражасини камайтириш йўлида фойдаланилаётган монетар инструментлар ва административ ричаклар ўз самарасини бермаяпти, аксинча бу чора-тадбирлар тижорат банкларининг харажатларини оширишга сабаб бўлмоқда.

Олдин таъкидлаганимиздек, қайси мамлакатда долларлашув даражаси юқори бўлса, ўша давлатларда ички иқтисодиётда инфляцияни жиловлашга қаратилган мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бориш қийинлашади. Шунингдек, халқаро молия ва валюта бозорларидаги кичик бир тебранишлар ҳам бу давлатлар ички иқтисодиётига катта салбий оқибатларга олиб келади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда валюта сиёсатининг самарадорлигини ошириш учун алмашинув курси ўзгаришининг экспорт ҳажмига таъсири ошириш лозим. Яъни Марказий банклар дисконт ва девиз сиёсатлари орқали алмашинув курсига таъсир этади ва бундан кўзланган асосий мақсад савдо балансини яхшилаш

ҳисобланади. Экономик таҳлилларга кўра, миллий валюта девальвациясининг экспорт ҳажмига таъсири сезиларсиз бўлган. Статистик маълумотларга кўра, охириги олти йилда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияси 450 фоиздан ҳам юқори бўлган. Аммо бу девальвация савдо балансини яхшилашга хизмат қилмаган. Бунга бир қанча сабабларни келтиришимиз мумкин. Хусусан:

Иқтисодийда қилинаётган экспорт асосан административ ричаклар кучи ҳисобига амалга оширилаёпти;

Экспорт таркибида давлат корхоналари улушининг юқорилиги ҳамда улар экспорт товарлари комплектацияларининг импорт ҳисобига амалга оширилиши (мошина ва асбоб ускуналар);

Экспорт эластиклиги ва импорт эластиклари йиғиндисининг бирдан катта эмаслиги.

Давлат валюта сиёсатининг самарадорлигини ошириш учун ички валюта бозорини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. 2017 йилдан кейинги даврда валюта бозорини либераллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилишига қарамасдан, бугунги кунга қадар валюта биржаси буюрма методида фаолият олиб бормоқда. Валюта биржасининг онлайн режимга ўтмаганлиги валюта бозорида турли молиявий инструментларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бугунги кунда валюта биржасида ва биржадан ташқари валюта бозорларига асосан спот операцияларидан фойдаланмоқда. Хусусан, валюта опцион, валюта фьючерс, валюта форвард ҳамда своп операцияларининг ривожланмаганлиги валюта бозори ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилмоқда. Шу билан бирга, миллий валютаамизнинг доим девальвацияга учраши юқоридаги валюта инструментларининг ривожланишига тўсқинлик қилган. Валюта биржасида своп операциялари фақатгина тижорат банклари билан Марказий банк ўртасида тижорат банкларига ликвидлик тақдим этиш йўлида амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Kalemli-Özcan, Ş. (2019). *US monetary policy and international risk spillovers* (No. w26297). National Bureau of Economic Research.
3. Chang, R. (2018). *Foreign exchange intervention redux* (No. w24463). National Bureau of Economic Research.
4. Inoue, A., & Rossi, B. (2019). The effects of conventional and unconventional monetary policy on exchange rates. *Journal of International Economics*, 118, 419-447.
5. Жумаев, Н. Х., & Атаниязов, Ж. Х. (2022). Янги Ўзбекистонда Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишининг устувор йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1).
6. Jens Eisenschmidt and Frank Smets (2019). Negative Interest Rates: Lessons from the Euro Area. *European Central Bank Working Paper*.
7. <https://data.worldbank.org>
8. <https://imf.org>
9. <https://cbu.uz>
10. <https://stat.uz>

**ИННОВАЦИЯ—ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ОМИЛИ СИФАТИДА**

**ИННОВАЦИЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ
МАТЕРИАЛОВ**

**INNOVATION AS A DEVELOPMENT FACTOR OF THE CONSTRUCTION
MATERIALS INDUSTRY**

Нажимов Искандер Пердебаевич

Қорақалпоқ давлат университети
“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси”
доценти и.ф.ф.д.(PhD)

Аннотация

умственные и физические способности. Сегодня почему-то больше внимания уделяется понятию человеческого капитала, чем рабочей силе, трудовым ресурсам. Одна из важнейших причин этого состоит в том, что нынешний путь развития, по которому мы идем, показывает, что социально-экономические отношения и производство также основаны на знаниях. Поэтому знания работника принесут пользу не только ему или его семье, но и мировой экономике, если страна в них нуждается. Попробуем описать это на более простом практическом примере. Возьмем Стива Джобса, основателя Apple, одной из самых известных компаний в мире. Ее человеческий капитал прославил во всем мире не только компанию, но и государство и нацию. Отметим, что знания, способности и необычный образ мышления одного человека привели к огромным изменениям в информационной и телекоммуникационной отрасли в мире. Прибыль предприятия в нем выше уровня конкуренции с другими промышленными предприятиями. Отметим, что знания, способности и необычный образ мышления одного человека привели к огромным изменениям в информационной и телекоммуникационной отрасли в мире. Прибыль предприятия в нем выше уровня конкуренции с другими промышленными предприятиями.

В заключение можно сказать, что, прежде всего, чтобы понять содержание названных понятий и некоторые причины, связанные с их происхождением, понять их эволюционное происхождение, необходимо изучить их теоретические аспекты во взаимосвязи друг с другом. .

Во-вторых, в ходе исследования было установлено, что ученые отрасли не пришли к единому мнению в теоретической трактовке вышеупомянутых экономических понятий и их определений.

В-третьих, сегодняшняя жизнь требует от нас раскрытия природы каждого из этих понятий. Потому что принципиально меняется смысл труда и отношение к полученным от него результатам. Увеличивается доля интеллектуального труда в структуре валового труда.

Учитывая вышеизложенное, полагаем, что для уточнения научно-теоретических, практических и правовых аспектов данного вопроса необходимо принять во внимание следующие предложения и рекомендации.

Во-первых, включить в нормативно-правовые документы понятие «человеческий капитал». Для этого необходимо показать пути развития закона «О человеческом капитале и путях его эффективного использования» и его применения на всех уровнях экономики (микро, мезо, макро).

Во-вторых, дать в этом законе научно обоснованные определения различным терминам, связанным с данным вопросом (численность, численность работающих, рабочая сила, человеческий ресурс, человеческий фактор, человеческий потенциал, трудовой потенциал, трудовой ресурс, человеческий капитал).

В-третьих, в определениях терминов необходимо раскрыть специфические характеристики каждого из них. Потому что эти понятия неразрывно связаны друг с другом, но каждое из них является самостоятельным понятием. Эти понятия нельзя рассматривать как синонимы, как это имеет место в некоторой современной литературе.

В заключение уместно проанализировать, какую концепцию использовать при оценке экономических процессов, происходящих на микро- и макроуровне с точки зрения таких экономических субъектов, как государство, общество, инвестор, собственник, человек и предприятие. потому что только такой подход может пролить свет на проблему.

Список использованной литературы:

1. Колобова А.И. Ларионцева А.М «Некоторые теоретические положения трудовой ресурс и трудового потенциала». Журнал. Вестник Алтайского государственного аграрного университета №5 (25) 2006.
2. Хайкин М.М. Управление сферой услуг в развитии человеческого капитала. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2010.

3. Пардаев М.Қ “Бозорли иқтисодиёт шароитида меҳнатга оид тушунчалар” номли рисола. Самарқанд. СамКИ 1997. 59 б
4. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. – Т.: Иқтисод ва молия, 2014. 226 б
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Меҳнат нашриёти, 2004 й. 204 б
6. Савенков И.Е. Трудовые ресурсы предприятия: понятие и сущность. (мақола)
7. Нарзиқулов Н.Р., Муҳаммедова О.Х., Бақоева И.А. Инсон ресурслари иқтисодиёти . – (Ўқув қўлланма) - Т.:ТДИУ, 2004. 7 бет
8. Бакиева И.А. «Инсон ресурслари иқтисодиёти» фани (Ўқув қўлланма) – ТДИУ, 2011. -17 бет
9. Schultz T.P. Economic Research: Retrospect and Prospect, Volume 6, Human Resources 1972.
10. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: Пер. с англ. / Сост., науч. ред., послесл. Р.И. Капелюшников; предисл. М.И. Левин. — М.: ГУ ВШЭ, 2003, —90, 96 с
11. Теория человеческого капитала. http://ww/libertarium/10624/lib_article_t

УДК: 336.22(575.1)

**АХОЛИ ТУРМИШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ И СОКРАЩЕНИЯ
БЕДНОСТИ**

**ISSUES OF IMPROVING THE STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION AND
REDUCING POVERTY**

Х.И. Баев

ТДИУ “Солиқ ва солиққа тортиш” кафедраси профессори, и.ф.д.

Б.Б.Адиллов

ЎзМУ “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва такомиллаштириш йўллари кўрсатилган, ушбу соҳадаги фаолиятнинг самарадорлиги, фаол меҳнат турларини молиялаштириш, аёллар дафтари, ёшлар дафтари, темир дафтардаги инсонларни меҳнат билан банд қилиш, молиявий саводхонликни ошириш, оила бюджети, фуқаролар бюджети, боқимандалик жараёнларини тугатиш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш борасида тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: турмуш даражаси, демография, ишсизлик, камбағаллик, озик-овқат танқислиги, уй-жой муаммоси, дунёда қашшоқлик жараёни, мухтожлик, камбағаллик, ўта камбағаллик, қафолатли химоя, ўз-ўзини химоялаш.

В статье показаны пути улучшения и повышения уровня жизни населения, эффективность деятельности в этой сфере, финансирование активных видов труда, регистр женщин, регистр молодежи, трудоустройство людей в железном регистре, повышение финансовой грамотности, семья. бюджет, бюджет гражданина, завершение процессов содержания, даны рекомендации по обеспечению жизнедеятельности населения для дальнейшего повышения уровня и благосостояния.

Ключевые слова: уровень жизни, демография, безработица, бедность, нехватка продовольствия, жилищная проблема, процесс бедности в мире, нужда, бедность, крайняя бедность, гарантированная защита, самозащита.

The article shows ways to improve and raise the standard of living of the population, the effectiveness of activities in this area, financing active types of work, the register of women, the register of youth, employment of people in the iron register, increasing financial literacy, family budget, citizen's budget, completion of maintenance processes, recommendations were given to ensure the livelihoods of the population to further improve the level and well-being.

Key words: standard of living, demography, unemployment, poverty, food shortages, housing problem, the process of poverty in the world, need, poverty, extreme poverty, guaranteed protection, self-defense.

Жахондаги хамма давлатлар хозирги кунда ўз фуқароларини турмиш даражасини юксалтириш учун мамлакатда ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни ва махсулотларини экспорт қилишига алоҳида эътибор бериш орқали, бюджетга турли манбалардан даромад туширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Германия дунёдаги бой мамлакатлар орасида биринчи ўринни эгаллаб ўртача йиллик даромад 65,781 долларни ташкил этмоқда, 2022 йилда Швейцария дунёдаги энг юқори иш хақи тўланадиган мамлакат 64,109 долларни ташкил қилмоқда, АКШ ўртача йиллик даромад 63,093 долларни, Япония ялпи ички махсулот ишлаб чиқариш 4,9 триллион долларни ташкил этса ҳам ўртача иш хақи 40,753 долларни ташкил этмоқда, Нидерландияда ўртача даромад 54,262 доллар, Бирлашган Араб Амирликларида ўртача бир йиллик даромад 44,700 долларни ташкил қилмоқда, Францияда ўртача йиллик даромад 44,510 долларни, Норвегия 29,434 долларни, Данияда ўртача йиллик даромад 55,253 долларни, Швецияда ўртача даромад 44,196 долларни, Жанубий Кореяда 39,472 долларни, Италияда ўртача иш хақи 37,752 долларни ташкил этмоқда, Испания ўртача йиллик даромад 38,761 долларни, Сингапур ўртача даромад 58,770 долларни, Финландияда ўртача даромад 44,111 долларни ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда бу мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси йил сайин ўсиб бормоқда, бу давлатлар ўзининг аҳолиси учун пул топишга ҳамма имкониятларни яратиб берганлиги билан дунёдаги 180 та мамлакат ичидан танлаб олинган айнан бу давлатлар ижтимоий давлат бўлиб асосий мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳамда ўзларини фуқароларини эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодиётни ривожлантирмоқдалар[1]. Ривожланган мамлакатларда ўртача умр кўриш давомийлиги, молиявий барқарорлик, сифатли соғлиқни сақлаш тизимига, атроф муҳитни тозаллиги, мамлакатда жиноятчиликни паст даражада бўлиши таъсир этиши хориж тажрибасидан маълум.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жахонда хозирги глобаллашув шароитида ҳам аҳоли сони ўсиб бормоқда бугунги кунда дунёда 8 млрд.аҳоли истиқомат қилмоқда, аҳолини демографик ўсиши турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда:

- ишсизлик муаммоси;
- “камбағаллашув” жараёни;
- Озиқ-овқат соҳасидаги муаммолар;
- уй-жой таъминоти;
- дунё миқёсида қашшоқликни тугатиш;
- Мухтож аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари дунёдаги хамма мамлакатлар олдида турган асосий муаммолардан ҳисобланади.

Ишсизлар дунёни деярли хамма мамлакатларида мавжудлиги камбағаллик ички таркиби бўйича гуруҳларга бўлиниб бораётганлиги:

-Оддий камбағаллик бу улар топган пул оиласини минимал истеъмоли учун зарур бўлган неъматларга етмаслиги билан изохлаш мумкин;

-Ўта камбағаллик бу аҳоли қатлами оддий камбағалларга қараганда янада кам истеъмол қилувчилар, истеъмолни таъминлаш, муаммо сифатида чуқурлашиб боради;

-Қашшоқлар эса минимал истеъмолни ҳам қондиришга имконияти етмайди, оила аъзоларини оч қолиш хавфи чуқурлашиб боради, эртанги кунга умидларининг сўниб бориши билан изохлаш мумкин.

Муаммони кўйилиши. Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба янги конституцияда ижтимоий давлат деб дунёга эълон қилинганлиги ва давлатимиз томонидан энди бутун эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилади, айнан аҳолини “камбағал” қатламларини камайтириш асосий вазифаларидан бири бўлади.

Шу билан бирга аҳолини ўз-ўзини ижтимоий химоялаш механизмларини кучайтириш, аҳолини фаол фаолият олиб боришга тадбиркорлик индивидуал меҳнат фаолиятини ривожлантириш, томорқа хўжалиги билан астойдил шуғулланиш ҳар бир фуқаро ўзини интеллектуал қобилиятини ишга солиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишига олиб келади.

Тадқиқот мақсади. Мамлакатимизни янги конституцияси талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир фуқарони жамиятда иқтисодий активлигини ошириш билан бирга ўзини ва оиласини ижтимоий ва молиявий таъминлашга масул ва жамият ҳамда оиласи фарзандлари олдида жавобгар эканлиги маъсулиятини ошириш ва давлатни ҳам аҳолини эҳтиёжманд табақаларини молиявий истиқотдан қўллаб қувватлашга маъсуллигини кўрсатиш.

Тадқиқот методлари. Илмий изланиш жараёнида хорижий давлатлар билан таққослаш, гуруҳлаш, миқдорий ва қиёсий таҳлил усуллардан фойдаландик.

Асосий натижалар. Ўзбекистон давлат бюджетидан 2022 йили соғлиқни сақлаш соҳасига 27 288,3 млрд сўм ажратилган. 2022 йилда Давлат бюджети харажатларининг 49,7 % ини ижтимоий соҳа харажатлари ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 25 678,3 млрд. сумга ошган ҳолда 117 691,9 млрд сўмга ижро этилди. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми таълим соҳасига йўналтирилди. 2022 йилда олий таълим муассасаларини сақлаш харажатлари 4 849,4 млрд сумни ташкил этди. 2022 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги таълим кредитини молиялаштириш жамғармасидан 174 677 та талабаларга 1 713,7 млрд сўм ажратилган[1].



Амалга оширилган харажатларнинг тасдиқланган параметрлардан ошишига бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари каби иш ҳақининг оширилиши асосий сабаблардан бири бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПФ-136-сон Фармонида асосан 2022 йилнинг 1 июнидан тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошлари оширилиб, бу мақсадларга давлат бюджетидан қўшимча 2,2 трлн сўм йўналтирилди[1].

Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларга қўшимча маблағлар ажратилиши яна бир омил бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий соҳага харажатларига COVID-19 пандемияси инкирози барча мамлакатларда ижтимоий химоя муаммоларини кучайтириб юборди, мамлакатимизда

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2024 yil*

ижтимоий химояга йўналтирилган маблағларнинг 45 фоизи болали оилаларга нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида йўналтирилди.

Ўзбекистонда ижтимоий химоя ва доимий ёрдамга мухтож фуқаролар билан ишлашнинг “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтари”, каби аҳолини моддий ёрдамга мухтож табақалари учун ижтимоий нафақа билан таъминланганлар сонини камайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар олиб борилмоқда, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида қарори ПҚ-5020-сон, 2021 йил 5 мартдаги ва хотин-қизларга кўрсатилган амалий ёрдам, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга доир масалалари ўз ечимини топаяпти.



Соғлиқни сақлаш

2022 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари **27 288,3** млрд сўмни ташкил этди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, 2022 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

Харажатлар	2021 йил	2022 йил
Жами	23 316,8	27 288, 3
<i>шундан:</i>		
Протезлаш	13,8	23 , 7
Кўп тармоқли поликлиникалар, марказлар	2 064,3	2 834, 2
Поликлиникалар	2 123,8	2 860, 8
Қишлоқ врачлик пунктлари	659,8	904,2
Стоматологик поликлиникалар	67,8	85 , 3
Койкасиз ихтисослаштирилган поликлиникалар, марказлар ва диспансерлар	116,6	147,3
Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам марказлари	1 657,0	2 125, 6
Қон қуйиш марказлари	64,5	74 , 6
Клиникалар, шифохоналар, тиббиёт бирлашмалари ва койкали марказлар	4 531,0	5 276, 9
Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва ҳудудий филиаллари	1 846,6	2 344, 5
Ихтисослаштирилган марказлар, касалхоналар ва койкали диспансерлар	1 904,3	2 412, 2
Туғруқхоналар ва акушерлик комплекслари	640,5	788,9
Болалар уйи	39,0	38 , 7
Туберкулез билан касалланган болалар учун санаториялар	162,9	205,8
Болалар ва ўсмирлар санаториялари (туберкулез билан касалланмаган)	16,4	21 , 3
Санитар-эпидемиологик станциялар	797,5	928,6
Карантин ва ўта хавfli инфекцияларнинг олдини олиш маркази ва ҳудудий бўлимлари	34,0	42 , 3
Эпидемияга қарши курашиш тадбирлари	2 878,6	1 610, 3
Санитария ва тиббий статистика муассасалари	20,4	25 , 8
ОИТСга қарши курашиш марказлари харажатлари	128,1	161,3
Суд-тиббий экспертиза муассасаси харажатлари	127,7	164,2
Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари	38,8	63 , 3
Кексалар ва ногиронлар учун санаторийлар ва интернат уйлари	312,6	649,6
Уйда ижтимоий ёрдам бўлимлари	133,3	100,7
Ногиронлар реабилитация марказлари	56,8	74 , 3
Соғлиқни сақлаш бўйича бошқа тадбирлар ва харажатлар	2 583,8	3 323, 9

Мамлакатда бозордаги нархларни ўсиб бораётганлиги аҳоли таркибида табақаланишини вужудга келтирмоқда, натижада жамиятда мухтож фуқаролар пайдо бўлиб бораяпти.

Ўзбекистонда 2024 йил учун минимал истеъмол харажатлари миқдори киши бошига 1 ойга 621 минг сўм деб белгиланди.



Ўзбекистондаги минимал истеъмол харажатлари миқдори 2021 йилда 440 минг сўмни ташкил этган, 2022 йил январидан бошлаб эса 498 минг сўм деб белгиланганди. Сўнгги марта бу миқдор 2023 йил июль ойида 498 минг сўмдан 568 минг сўмгача оширилганди[1].

Жаҳон тажрибасида минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичдан:

- давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмакларига мухтож аҳолининг мақсадли (таргет) гуруҳини аниқлаш;

- мамлакатнинг камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш;

- камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллилигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;

- пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмакларни кўрсатишда мезон сифатида фойдаланилади.

Минимал истеъмол харажатлари уй хўжалиklarининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати ҳисобланади. Вазирлар -Маҳкамаси қарори бўйича минимал истеъмол харажатларидан камбағаллик мезони ёки чегараси сифатида фойдаланилади

Шунингдек, хорижий мамлакатларда аҳолининг даромадлар миқдори бўйича табақаланишидан Германияда куйидаги ижтимоий химоялаш механизмини қўллаб аҳолига моддий ёрдам кўрсатишга эришмоқдалар. Германияда турли мулкчилик корхоналарида иш хақини тўлашни аккорд шакли кенг жорий этилган, корхоналар ишловчиларни коммунал хизматлар учун тўловларини, алоқа тўлови, фарзандларнинг таълими, спорт муассасаларида ўқиш тўловини, туризм ва санаторий чипталари тўловларини, даволаниш тўловлари, малака ошириш, чет тилини ўрганиш тўловлари ҳам ишчини ўрнига корхона тўлайди. Ходимлар корхонани фойдаси[2] ва капиталида иштирок этади. Ўзбекистонда бу тажрибалардан фойдаланиш заруриятига айланди чунки тўловчиларни даромади секин-аста инфляция туфайли харид қуввати пасайиб бормоқда, пулни реал харид қуввати пасаймоқда.

Бозор ҳаммага тенг шароит яратиб беради, аммо ҳамма бозор иштирокчилари бир хил фойда ололмайди. Инсонларда қобилият, интилувчанлик, фаол меҳнат қобилияти бир хил эмас. Яратган эгам ҳаммага бир хил қобилият бермаган. Бозорда қобилиятли, тажрибали иштирокчилар бозорни кузатиб ундаги жараёнларни ўзларини манфаатларига ишлата олган иштирокчилар бойиб боради натижада жамиятда бундай фуқаролар бойиб боради, кам иқтидорли кишилар камбағаллашиб боради, бозорда табақаланиш юз беради ва адолат мезонлари бузилади, шу туфайли даромадлар ҳам турли даражада бўлиб шахсни жамиятдаги ўрнига унинг “топаётган даромадларига қараб баҳо берилади”. Бозор иқтисодиётида ҳамма иштирокчиларни мақсади фақат фойда олиш ҳисобланади. Бозор шароитида аҳолини мухтож табақалари пайдо бўлади: ишдан ажралганлар, турли табиий-бахтсиз ходисаларга учраганлар, мамлакатда нархларни беқарорлиги, вақтинча касал бўлиб қолиши, ёшлиқдан меҳнат қобилиятини йўқлиги, кексалик, кўп болалилик, боқувчисини йўқотиши каби ходисалар аҳолини шу категорияларини мухтож ва камбағаллашиб боради. Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш борасида ривожланган давлатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Давлат бутун имкониятлар билан молиявий ёрдамга мухтож бўлган аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Албатта камбағаллик ва қашшоқлик жамият учун турли кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқаради, жумладан жинойтчилик кўпаяди, алкоғолизм, наркомания, фоҳишаллик ва бошқа жинойт турлари кўпаяди. Буларни олдини олиш учун давлат уларни ижтимоий химоялаши, моддий томондан қўллаб қувватлаши ҳамда мамлакат миқёсида янги иш ўринлари барпо этиши ишсизларни хорижда ишлаб келиши учун давлат имкониятлар яратиб бериши мақсадга мувофиқдир. Давлат мамлакатда камбағалликни камайиши учун минимал иш ҳақи ҳамда ҳаёт кечириши минимумини белгилаган ҳолда бу муаммоларни хал қиляпти. Давлат ҳаёт кечиришни қуйи чегарасини ҳамда миқдорини аниқлаш орқали камбағалликни қисқартиришга эришяпти. Бозор шароитида инсон истеъмоли учун керакли бўлган зарурий неъматлар нарх орқали доимий ўзгаришда бўлади. Шунинг учун камбағал оилага энг зарурий нарса бу озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Умуман камбағалликни камайтириш аввало давлатни ижтимоий-иқтисодий сиёсатида боғлиқ бўлиб доимо мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолини камбағал табақаларини молиявий жихатдан қўллаб қувватлаш ҳамда давлат бераётган молиявий ва бошқа ёрдамлар аввало фуқароларни ўз-ўзини ижтимоий химоялаш ҳамда фаол меҳнат олиб боришга рағбатлантириш керак.

“Аҳолини меҳнатга, актив фаолият кўрсатишга ва ҳар бир фуқарони мустақил эркин иқтисодий фаолият олиб бориш учун молиявий имкониятларни кенгайтириш керак бўлади, бунда:

- камбағаллик бу инсонларда истеъмомдаги етишмовчилик деб қарашдан воз кечиб, меҳнатга бўлган фазилатлари устида ишлаш тўғридир.

- камбағаллик жамиятда давлат томонидан аҳолига пул топиш имкониятини яратилмаганлигида.

- камбағаллик жамиятда асосий этибор ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга қаратилиши туфайли кўп йиллар мўбайнида йиғилиб қолган жамиятдаги муаммоларни камайтириш.

- аҳолини ёшлиқдан билимга, касб-хунарга ўргатиш натижасида малакасиз ишчилар сонини камайтириш.

- ёшлиқдан болаларга молиявий билимларни ўргатиш туфайли молия саводхонлигини ошириш.

- топилган даромадни энг зарур ва фойда келтирадиган соҳаларга ишлатилиш борасида аҳоли ўртасида кенг қамровли агитация ишларини олиб бориш.

- камбағалликни пайдо бўлишига турли зарарли расум-русумлар ҳам, хашаматли тўйлар, тадбирларга нисбатан кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Умуман камбағалликни камайтириш мумкин, бу аввало давлатни аҳолини ишлашга, тадбиркорликка сафарбар этиши, ўзининг томорқасида шуғулланиши оммалаштириш,

дангасаликка, боқимондалик психологиясидан халос этиш хар бир фуқаро ўзини-ўзи ижтимоий химоялаш бурчи деб қараши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон республикаси Конституцияси “O‘zbekiston” Тошкент.-2023. 57-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида, ПФ-158-сон. 11.09.2023.
3. Баев Х.И. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий химоялашни молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш муаммолари. Монография. Тошкент. “Iqtisodiyot”.2023.
4. Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлари. Тошкент маънавият 2017.
5. Баев Х.И. Аҳолини манзилли ижтимоий химояланишни бошқариш орқали камбағалликни камайтириш. Тошкент 2022 й. 87 бет.
6. Хасанов. Р.Р. Бозор даромадлари: мохияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. Тошкент 2004.476
7. Фуқаролар учун бюджет: 2022 йил ижроси». Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги нашри.2023
8. <https://www.worldbank.org/en/home>
9. <https://www/imv/uz>
10. <https://www.uz.undp.org>

UDK:330. 34. 014.2

MERKANTILIZM MAKTABI VA UNING IQTISODIY TAFAKKUR TARIXIDAGI O‘RNI

ШКОЛА МЕРКАНТИЛИЗМА И ЕЕ МЕСТА В ИСТОРИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ МЫСЛИ

HISTORY OF SCHOOL OF MERCANTILISM AND ITS ECONOMIC THOUGHT

Tursunov A.M. TDTU v.v.b.prof.

Annotatsiya

Maqolada merkantilizmni iqtisodiy kontseptsiya va iqtisodiy siyosat sohasi sifatida ilmiy merosining ilmiy amaliy ahamiyati ochib berilgan va uning iqtisodiy tafakkur tarixidagi o‘rniga baho berilgan.

Kalit so‘zlar: merkantilizm, boylik, mehnat taqsimoti, proteksionizm, savdo, manufaktura ishlab chiqarishi, savdo balansi, savdo kapitali, sudxo‘rlik kapitali, siyosiy iqtisod.

В статье раскрывается научное и практическое значение научного наследия меркантилизма как экономической концепции и как области экономической политики, оценивается его место в истории экономической мысли.

Ключевые слова: меркантилизм, богатство, разделение труда, протекционизм, торговля, промышленное производство, торговый баланс, торговый капитал, ростовщический капитал, политическая экономия.

The article reveals the scientific and practical significance of the scientific heritage of mercantilism as an economic concept and the field of economic policy, and evaluates its place in the history of economic thought.

Key words: mercantilism, wealth, division of labor, protectionism, trade, manufacturing production, trade balance, trade capital, usurious capital, political economy.

XVI va XVIII asrning o‘rtalarigacha bo‘lgan davr iqtisodiy faoliyatning yuksalishi davri bo‘lgan va bu holat keyinchalik sanoat ishlab chiqarishining vujudga kelishi va rivojlanishiga asos sifatida xizmat qilgan. Bu davrda mehnat taqsimotining chuqurlashuvi, shaharlarning rivojlanishi, hunarmadchilik va savdo markazlarining vujudga kelishi, tovar-pul munosabatlari miqyosining kengayishi, ayniqsa, buyuk geografik kashfiyotlar natijasida yangi erlarning ochilishi savdo-sotiqning rivojiga kuchli turtki bo‘ldi va bozor munosabatlarining rivojlanishiga ijobiy ta‘sir ko‘satdi. Qayd etilgan o‘zgarishlar muayyan iqtisodiy qarashlarning ya‘ni merkantilizimni paydo bo‘lishi uchun qulay sharoit yaratdi. Aynan shu davrda iqtisodiyot fanining vujudga kelishi jarayoni boshlandi, birinchi marta nisbatan yaxlit merkantilizm qarashlar tizimi shakllandi.

Aynan tovar-pul munosabatlarining rivojlanishi, savdogar va sudxo‘rlik kapitalining o‘shishi bilan pul iqtisodiy nazariyalarning asosiy mavzusiga aylandi, davlatning qudrati pul resurslari bilan o‘lchana boshladi. Bu holat merkantilizm namoyandalarini davlat qanchalik ko‘p pulga ega bo‘lsa, shunchalik u boy bo‘ladi, degan xulosaga olib kelgan. Aynan shu davrda yaratilgan iqtisodiy adabiyotlar va amaliy takliflarga nisbatan merkantilizm atamasi ishlatiladi. Merkantilizm oid adabiyotlar mualliflari asosan savdogar tadbirkorlar bo‘lgan.

Merkantilizmlar konsepsiyasi asosan muomala (iste‘mol) sohasida bo‘lsa ham deyarli butunlay xo‘jalik hayoti amaliyotiga qaratilgan edi. Bu esa ularga ko‘pgina iqtisodiy kategoriyalarni ilmiy muomalaga kiritishga, savdo, ssuda operatsiyalari va pul muomalasi sohasidagi muhim qonuniyatlarni ochib berishga imkon berdi.

Pulni mahalliy sanoat va savdoni rivojlantirishning eng muhim vositasi deb to‘g‘ri hisoblagan merkantilizmlar, shunga qaramay, milliy iqtisodiyotga xorijiy sarmoyalarni jalb qilishga ahamiyat bermadilar. Bundan tashqari, ular uchun ishsizlik muammosi ham ahamiyatsiz edi. Ixtiyoriy ishsizlikning asosiy sababi "dangasalik" deb, bu ustaxonalarda yoki fabrikalarda insonlarni ishlashni istamaslikka sabab bo‘ldi deb hisoblaganlar.

Merkantilizm bozor iqtisodiy munosabatlarining shakllanishining o‘ziga xos xususiyatlarini va uning o‘rniga kelgan klassik siyosiy iqtisodning xususiyatlarini belgilab berdi. Xususan, XVII asrda Fransiyada superintendant moliya vaziri Jan-Batist Kolber tomonidan eng faol proteksionizm siyosati olib borilgan. Kolber mamlakatda manufaktura ishlab chiqarishining yangi tarmoqlarini yaratish tashabbusi bilan chiqdi, ular uchun xorijdan ustalar taklif qilindi. Yirik davlat (qirollik) manufakturalari tashkil etilib, ular davlat subsidiyalari va buyurtmalari hamda ishchi kuchi bilan ta‘minlangan. Kolber tegishli bojxona to‘lovlari va tariflarini belgilash orqali Fransiyaning tashqi va ichki savdosini rivojlantirishga yordam berdi. Fransiya sanoati uchun yangi bozorlar yaratish uchun yo‘llar qurish, kanallar yotqizish ishlariga hissa qo‘shdi.

Kolberizm Fransiyada kapitalizmning, ya‘ni bozor munosabatlarining yanada rivojlanishi uchun asos yaratdi. Biroq Kolber tomonidan olib borilgan siyosat qishloq xo‘jaligining feodal asoslariga ta‘sir qilmadi. Sanoat rivojiga ko‘maklashish maqsadida chetdan olib kiriladigan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari bojlardan ozod qilindi, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini eksport qilish esa qiyinlashdi. Mamlakatdan nonni olib chiqishni taqiqlash va boshqa mamlakatlardan erkin olib kirilishi - fermerlikning shakllanishiga salbiy ta‘sir etdi. Bu holat, pirovard natijada, o‘sha davrdagi Fransiya ichki bozorining azaliy raqibi Angliyaga nisbatan torligi ekanligini ko‘rsatadi. Keyinchalik, shu sababdan fransuz merkantilizmi kolbertizm deb atala boshlandi va klassik siyosiy iqtisod doirasidagi fiziokratlar ta‘limoti o‘ziga xos fransuz maktabiga aylandi.

Angliyada esa merkantilizm, iqtisod tarixidan ma‘lum bo‘lganidek, Fransiyaga qaraganda ancha "sermahsul" bo‘lib chiqdi. XVII -asrda bu mamlakatning savdo va sanoat sohasidagi proteksionistik siyosatining asosiy muvaffaqiyatlari odatda Sharqiy Hindiston kompaniyasi rahbarlaridan biri Tomas Man nomi bilan bog‘liq. T.Man tomonidan taklif qilingan iqtisodiy siyosat keyinchalik proteksionizm siyosati yoki milliy bozorni himoya qilish siyosati deb ataldi. Umuman olganda, ushbu siyosat importni cheklash va eksportni rag‘batlantirishga qaratilgan choralarni qo‘llashdan iborat bo‘lgan. Bu chora-tadbirlar bugungi kungacha o‘zgarmagan. Bularga quyidagilar

kiradi: import qilinadigan tovarlarga proteksionistik tariflar, kvotalar, eksport subsidiyalari va eksportchilar uchun soliq imtiyozlari va boshqalar. Albatta, bu chora-tadbirlarni davlat ko‘magisiz amalga oshirib bo‘lmaydi, shuning uchun ham ilk va kechki merkantilizm vakillari davlatning iqtisodiy jarayonlarga faol aralashuvini tabiiy deb bilganlar. SHunday qilib merkantilizm davri davomida iqtisodiy adabiyot sifat va miqdor jihatidan yuksalishga erishdi. 1650- yildan 1750-yilgacha bo‘lgan davrdagi merkantilistlar adabiyoti muqarrar yuqori sifatga erisha oldi va ushbu adabiyotlarda keltirilgan tahliliy tushunchalari tez orada tarqalib 1776 - yilda Adam Smit muallifligidagi “Xalqlar boyligining tabiati va sabablari to‘g‘risidagi tadqiqot “ asariga asos bo‘lib xizmat qildi.[1] Shuni alohida ta‘kidlash joizkm, merkantilistlar ta‘limotiga iqtisodchi olimlar tomonidan turlicha baho beriladi. Xususan J. Shumpeterning fikricha, merkantilizm iqtisodiy ta‘limotlar tarixini nafaqat iqtisodiy hayotni universal tijoratlashtirish va unda davlatning keng miqyosdagi ishtiroki tushunchalari bilan, balki u haqiqatan ham "fanning kurtaklarini " belgilab berdi. Antuan de Monkreten birinchilardan bo‘lib barcha iqtisodiy hodisalarning harakatlantiruvchi kuchining asosi bo‘lgan iqtisodiyotning individualistik tavsifini, xususiy manfaatlarni hisobga olish kerakligiga e‘tibor qaratdi. Xususiy manfaatga rioya etish ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish yo‘li bilan unumli daromad olishga imkon beruvchi yangiliklarga asoslanadi. Olim ishlab chiqaruvchining qo‘llab-quvvatlashi jamiyatning barcha qatlamlari vakillarining daromadlarini hisobga olgan holda adolatli soliqqa tortishga yordam berishi kerak deb hisoblaydi.

Antuan de Monkreten XVII-asr boshidagi inqirozdan keyin Fransiyaning savdo balansini tiklash uchun manufakturaning jadal rivojlantirishni taklif qildi. Manufakturalar sonini oshirish importni kamaytirishga imkon beradi. U hukumatga fransuz savdogarlariga qarshi bir yoqlama proteksionistik choralarni qo‘llagan mamlakatlarga (ayniqsa Angliya va Ispaniyaga) qarshi javob choralarni ko‘rishni maslahat berdi 1615 yilda Antuan Montkreten "Siyosiy iqtisod traktati" nomli kitobini nashr etgan va ilmiy muomalaga "siyosiy iqtisod" atamasini kiritdi. Fanning nomi XX asrning boshlarigacha Siyosiy iqtisod deb nomlanib kelindi.

Merkantilizmga qarshi mafkuraviy kurash natijasida aynan Angliyada klassik siyosiy iqtisod fikrlarini nazariy jihatidan eng yaxshi umumlantirishlariga erishilgan bo‘lib, ular A. Smit, D. Rikardo T. Maltus, J.S Mill va boshqalar asarlarida o‘z aksini topgan. Bundan tashqari, Angliya XIX-asrda dunyodagi iqtisodiy jihatdan eng rivojlangan davlat bo‘lib, eng muhim merkantilizmga nuqtayi nazarni o‘rnatish uchun XIX -asrning o‘rtalarida fritrederlik siyosatiga, ya‘ni ichki va tashqi savdoning to‘liq erkinligiga sodiqligini e‘lon qildi. Klassik maktab namoyondalari bu ta‘limotning xatolarini merkantilistlar boyligini mustahkam pul yoki oltin, zeb-ziynatlardan iborat deb, pul va kapital o‘rtasida tenglik qo‘yganliklari xato edi deb izohlaydilar. A.Smitning fikricha mamlakat farovonligi nafaqat qimmatbaho metallar zahiralarda, balki asosiy kapital miqdori va iste‘mol darajasida hamdir. J.A.Keyns aksincha merkantilizmning ayrim g‘oyalarini qo‘llaydi, eksportning importdan ko‘pligi, oltinlarning oqib kelishi pulga taklifni kuchaytirib, foiz stavkalarini pasaytiradi va shu bilan investitsiya va bandlikni rag‘batlantiradi. Keyns bularni “merkantilizm doktrinasidagi ilmiy haqiqat urg‘ulari” deb ataydi. Merkantilizm siyosati mamlakatda mablag‘larni saqlab qolish, tayyor mahsulot eksportini rag‘batlantirish, chet el tovarlari va etishmayotgan xom ashyoni olib kirishni taqiqlash. Pul mablag‘larining to‘planishi ularning mahsulotlarini eksport qilish, tovar va xizmatlar importiga katta bojlar joriy etish orqali amalga oshiriladi. Merkantilizm siyosati tufayli mamlakatda milliy sanoat rivojlanishiga imkoniyatlar yaratiladi.

Bugungi kunda ko‘plab davlatlar merkantilizm siyosatini (prteksionizimni) qo‘llab-quvvatlamogda. Ishlab chiqarilgan katta hajmdagi mahsulotlar, xomashyo, xizmatlar va foydali qazilmalar boshqa mamlakatlarga hamkor davlatlar uchun hamyonbop narxlarda eksport qilinmogda. Eksport qilinadigan tovarlarni ishlab chiqaruvchi barcha tashkilotlar nafaqat mahalliy ishlab chiqarish, balki xorijiy ishlab chiqarishlar orasida ham raqobatbardosh bo‘lishi kerak.

Xulosa qilib aytganda:

- merkantilizm birinchidan bir paytlar davlat va millat boyligining asosi bo‘lgan oltin va kumush jamg‘arish ya‘ni proteksionizm siyosati va ikkinchidan bu siyosatni nazariy asoslash ya‘ni iqtisodiy ta‘limotlar tarixi bosqichni belgilab bergan qarashlar tizimi deb tavsivlanishi mumkin.

Binobarin merkantilizm ham iqtisodiy kontseptsiya va bir vaqtning o‘zida ham iqtisodiy siyosat sohasidir.

- merkantilizmni ijodiy merosini ideal emasligini hisobga olgan holda ushbu ta’limot iqtisodiy tafakkur tarixida sezilarli iz qoldirdi. Merkantilizm iqtisodiy tafakkur tarixiga nafaqat iqtisodiy siyosatga doir xulosalari bilan, shuningdek iqtisodiy tahlilni rivojlantirganligi bilan ahamiyatlidir. Uning xulosalari chuqur nazariy tadqiqotlarsiz empirik ma’lumotlar va kuzatishlar asosida tavsiflangan. Shuning uchun, bir tarafdin merkantilizm hali amalda iqtisodiy fan bo‘lmagan, chunki nazariy jihatdan, u juda zaif edi, boshqa tarafdin esa aynan merkantilizm tufayli ko‘pgina iqtisodiy g‘oyalar va tushunchalar shakllana boshladi. Birinchi marta iqtisodiyotda davlatning o‘rnini nazariy jihatdan anglash taklif etilgan, uning maqsadi va vositalari aniqlangan.

- iqtisodiyot fani qanday muammolar bilan shug‘ullanishi kerakligini tushunish istagi merkantilizm maktabi vakillarining iqtisodiyot faning shakllanish jarayoniga qilgan xizmatlari edi, xususan, Iqtisodiy amaliyot sohasidagi sof amaliy tavsiyalardan ular ijtimoiy guruhlarining manfaatlarini belgilab, iqtisodiyotning alohida sohalari rivojlanishidagi munosabatlar va qonuniyatlarni izlashga murojaat qildilar.

- merkantilizm siyosati hamon eng samarali siyosatlardan biri hisoblanadi. Mamlakat nafaqat iqtisodiy nuqtai nazardan rivojlanishga muhtoj, balki ishlab chiqarish bazasini yaxshilashga ham harakat qilishi kerak. Boshqalardan sotib olinadigan hamma narsa ham eng sifatli bo‘lishini ta’minlash kerak. Ko‘p jihatdan merkantilizm siyosati bunday imkoniyatni beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. History of economic thought. Harry Landreth, David C. Colander 61 -b
2. Tursunov A.M. Iqtisodiy ta’limotlar tarixi. Darslik. –T.: “Ma’rifat”, 2023 340 bet.

УДК: 336.143

САМАРАЛИ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ – ИҚТИСОДИЁТДА ХУФИЁНА ДАРОМАДЛАР КЎЛАМИНИ КАМАЙТИРИШ ГАРОВИДИР

ЭФФЕКТИВНОЕ НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ – ЗАЩИТА СНИЖЕНИЯ СЕКРЕТНЫХ ДОХОДОВ В ЭКОНОМИКЕ

EFFICIENT TAX ADMINISTRATION IS A GUARD FOR REDUCING SECRET INCOME IN THE ECONOMY

Ғиёсов Азизбек Аъзамович

Fiskal institutning Mutaxassislik kafedراسи mudiri i.f.f.d. (PhD)

Аннотация

Мақолада солиқ муносабатлари иштирокчилари тартибга солишда ҳаётга татбиқ этиладиган солиқ тизими самарали солиқ маъмурчилиги орқали амалга оширишнинг назарий жиҳатлари, бу борадаги муаммолар ва илғор хориж тажрибаси ҳамда мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда аҳамиятини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ муносабатлари, солиқ тўловчи, солиқ маъмурчилиги, мажбурият.

В статье разработаны предложения по теоретическим аспектам внедрения жизнеспособной налоговой системы в регулирование налоговых отношений участников, посредством эффективного налогового администрирования, проблемам в этой связи и передовому зарубежному опыту, а также повышению их значимости в обеспечении стабильности экономики страны.

Ключевые слова: налоговые отношения, налогоплательщик, налоговое администрирование, обязанность.

The article develops proposals on the theoretical aspects of introducing a viable tax system into the regulation of tax relations of participants through effective tax administration, problems in this regard and advanced foreign experience, as well as increasing their importance in ensuring the stability of the country's economy.

Keywords: tax relations, taxpayer, tax administration, obligation.

Аввало солиқ муносабатлари тушунчаси, унинг объекти ва субъектларига қисқача тўхталсак. Солиқ муносабатлари давлат ва алоҳида шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос бўлган, мазкур шахсларнинг ўз мулки бир қисмини давлатга ажратиш мажбуриятини тақозо этадиган тури ҳисобланади. Солиқ муносабатлари давлат ва солиқ тўловчи ўртасида юзага келади.

Солиқ муносабатларининг асоси давлат учун солиққа тортиш (солиқ ундириш) ҳуқуқи бўлса, солиқ тўловчилар учун солиқларни тўлаш мажбурияти сифатида юзага келади. Солиқ муносабатлари солиқ тўловчилар учун солиқ мажбуриятларини келтириб чиқарса, фискал органлар учун солиқларни ундириш ва шу билан боғлиқ маъмурий ҳаракатларни амалга ошириш ваколати ва мажбуриятларини юзага келтиради.

Солиқ муносабатларининг объекти бўлиб, солиқлар ва уларни тўлаш (ундириш) жараёни ҳисобланса, солиқ муносабатларининг субъектлари солиқ тўловчилар - алоҳида шахслар ва улар томонидан ташкил қилинадиган ҳуқуқ субъектлари (юримдик шахслар) ҳамда давлат номидан иш юритувчи солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлар ҳисобланади.

Ҳуқуқий жиҳатдан солиқ муносабатлари фақат солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланиши, яъни солиқ мажбуриятларининг юзага келиши ва бажарилиши билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Иқтисодий жиҳатдан эса ўрнатилган солиқларнинг тўловчилар иқтисодий фаолиятига таъсири, шунингдек солиқ тушумларининг ишлатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳам қамраб олади.

Жаҳон иқтисодий ривожланишида солиқ соҳасида турли хил фикрлар мавжуд бўлиши билан бирга, солиқ маъмурчилиги ва уни талқин этиш хусусида ҳам турли хил фикрлар мавжуд. Иқтисодий адабиётларда солиқ маъмурчилигининг моҳиятини англаш бўйича бир-бирдан фарқланувчи қарашлар мавжуд. Масалан, инглиз олимаси О.Ногинанинг фикрига кўра, солиқ маъмурчилиги солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар, хусусан америкалик олим А.Тейт солиқ маъмурчилигини барча солиқларни минимал харажат қилиб максимал даражада йиғиб олишга қаратилган тадбирларнинг йиғиндиси сифатида қарайдилар[1].

Таъкидлаш жоизки, иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан солиқ маъмурчилигига турли таърифлар берилган[2]:

1) солиқ маъмурчилиги солиқ ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган давлат фискал органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимидир;

2) солиқ маъмурчилиги - солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқларнинг амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир;

3) солиқ маъмурчилиги - солиқларни режалаштириш, солиқлар ва йиғимлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат ва маҳаллий органларни бошқариш фаолияти ҳисобланади.

4) солиқ маъмурчилиги - солиқ ҳаракати ва солиқ техникасини тартибга солувчи ҳуқуқий норма ва қоидалар жамламаси бўлиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликни белгилайди;

5) солиқ маъмурчилиги солиқ жараёнини бошқариш тизими сифатида тушунилса, тор маънода солиқ назоратини амалга ошириш ва солиқларни йиғиш бўйича солиқ органлари фаолиятини бошқариш тушунилади;

б) солиқ маъмурчилиги бозор иқтисодиёти шароитида солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда солиқ муносабатларини бошқариш тизими ҳисобланади.

Солиққа тортишни оптималлаштиришнинг илмий-назарий асосларини шаклланишида А.Смит солиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш солиққа тортишни такомиллаштиришга хизмат қилган қуйидаги тўртта “олтин тамойил”ни илгари сурган: адолат (тенглик), аниқлик, қулайлик ва тежамлилик (арзонлилик)[3]. Бу классик тамойиллар нафақат солиққа тортиш борасида, балки солиқ маъмурчилигини сифатли ва самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай ташкилот ўз фаолиятини юргизиш давомида унинг асосий ҳаракатини амалга оширувчиси шу ташкилотнинг мижозлари ҳисобланади. Ташкилот фаолиятини давом эттириш учун албатта мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишни четта қолдира олмайди. Бошқача сўз билан айтганда, мижозлар яшай олмаса бирон бир иш бўлмайди. Бу ҳар қандай ташкилот ёки бизнес корхонаси учун жуда муҳим ҳамда мижозлар эҳтиёжини англаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос ҳисобланади[4].

Пономаревнинг фикрича, солиқ тўловчи нуқтаи назаридан солиқ маъмурчилигининг асосий муаммоси - бу солиққа оид тадбирларнинг мураккаблиги ва бозор муносабатлари ва алоқаларига мувофиқ эмаслиги ҳисобланади[5]. Солиқ маъмурчилиги самарадорлигининг муҳим шартли солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян нормаларини амалга ошириш тартибини қонун йўли билан белгилашдир. Солиқ тўловчининг солиқ маъмуриятини тушуниши, адолатни тиклаши ва солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаши керак. Давлатнинг шериги сифатида мажбуриятни бажарадиган солиқ тўловчилар эса ҳеч бўлмаганда сифатли ва самарали давлат хизматлари билан солиқларни қисман қайтариш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширилиши солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажаришларига кўмаклашишда доимо асосий омил сифатида кўрилган[6]. Солиқнинг умумий даражасини ошириш учун юқори саводхонликни ва солиқ тўловчилар билан дўстона муносабатларни шакллантириш, уларга солиқ тўлаш бўйича конституциявий мажбуриятларини бажаришга ёрдам бериш учун ҳокимият бу борада янги прогрессив шакл ва усулларни топишда фаол иш олиб бориши керак.

Солиқ органлари билан солиқ тўловчиларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги кўрсатилаётган солиқ хизмати сифатини таъминлаши зарур. Солиқ тўлашни тушунарли ва соддалигининг ошиши давлат харажатлари шаффофлиги, хизматлар сифати ва уларнинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ бўлса, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунларига риоя қилиши солиқларнинг тушунарли ва содда бўлишига боғлиқдир[7].

Гиясовнинг фикрича, янги технологияларни жорий қилиниши хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш, электрон солиқ хизматларини ривожлантириш, хизмат кўрсатишнинг ҳудудий тамойилга ўтиш, солиқ тўловчиларнинг вақтини тежаш каби имкониятларни беради. Маълумотларни қайта ишлаш марказларидаги ҳисоблаш ресурслари ва сақлаш воситаларини бирлаштириш солиқ маъмурчилиги сифати ва шаффофлигини оширади[8].

Давлатлар ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажаришда албатта солиқ тушумларига таянган ҳолда иш олиб боради. Солиқ тўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириб бориш орқали солиқ тушумларининг давлат бюджетидagi улуши ошиб боришига эришиш мумкин[9].

Дворниченконинг фикрига кўра – солиқ органларида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшиланиши солиқ тўловчиларнинг солиқ хизматига ишончини ошириб боради, бу албатта солиқ қонунчилигини мустаҳкамлайди ва шу сабабли бюджет

тизимига солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш даражасини оширади[10].

Солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини шакллантириш узоқ ва мунозарали жараён бўлиб, солиқ тўловчиларнинг умумий маданияти билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан қонунга бўйсунадиган солиқ тўловчиларни ўқитиш бўйича тадбирлар бошқа миллий дастурлар билан биргаликда амалга оширилиши керак[11].

Мижозларнинг қониқиши хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги хизмат сифатининг энг муҳим жиҳати бўлиб, ички муаммолар ва турли хил ўзгарувчилар таъсирида бўлиб келган[12]. Ўзгарувчиларга эътибор бермаслик мижозлар қониқишини пасайишига олиб келади.

Putri ва бошқаларнинг таъкидлашича, мамлакатнинг солиқ тушумларига таъсир қилувчи омиллардан бири, бу солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигини тушунганлик даражаси ҳисобланади[13]. Солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбурияти бўйича билим даражасини ошириш учун албатта сифатли хизмат кўрсатиш ва солиқ қонунчилигининг соддалаштириш орқали эришиш мумкин.

Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида хабардорлиги, солиқларни солиқ тўловчилар томонидан ўз вақтида тўлашлари учун зарур ҳисобланади[13]. Шунинг учун солиқ органлари солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилиги тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчиларга узлуксиз равишда етказиш хизматларини ривожлантириб боришлари талаб этилади.

Гринкевич ва Абрамовларнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим шarti солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни қонунчилик нормалари асосида йўлга қўйишдир[14].

Солиқ тўловчиларнинг қай даражада солиқ тўлаши давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тушумлари орқали режалаштирилади[15]. Солиқ органининг режалаштириш ишлари қанчалик аниқ бўлса, бу солиқлардан қочишни камайтиришга олиб келади, бу эса ўз-ўзидан бюджетга тушадиган солиқ тушумларини кўпайишига олиб келади.

Осетрова солиқ маъмуриятчилигини солиққа оид қонунчилик доирасида солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги узвий мувозанатни ўзаро ҳамкорлик натижасида таъминлашдир, деб эътироф этади[16].

Arlin солиқ маъмурчилигига нафақат замонавий ахборот коммуникацион технологияларини жорий этиш, балки бу билан параллел равишда энг замонавий дастурий инжиниринг маҳсулотларини ҳам татбиқ этиш жуда муҳим масалалардан бири, деб ҳисоблайди[17]. Чунки бу орқали энг янги услубларда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилади ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда ижобий ютуқлар олиб келади.

Мишустин фикрига кўра, солиқ маъмуриятчилигини модернизация қилиш соҳаларидан бири солиқ тўловчилар билан ишлашни такомиллаштиришдир, яъни уларга тақдим этилаётган ахборот хизматларини замонавий технологиялардан фойдаланиб амалга оширишдир[18]. Бугунги кунда солиқ хизматининг вазифаси солиқ тўловчини жазолаш эмас, балки кўплаб солиқ қоидабузарликларини йўққа чиқарадиган ўзига хос ахборот ва услубий ёрдам кўрсатишдир[19].

Ефремова ва Филипповаларнинг фикрича, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик усулларини қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ[20]:

солиқ органлари хизматларини доимий равишда кенгайиб бориши шароитида солиқ тўловчиларнинг ушбу хизматлардан фойдаланишини соддалаштириш;

солиқ тўловчилар билан алоқаларни яхшилаш ва уларнинг эҳтиёжларига солиқ органлари томонидан тезкор жавоб бериши;

солиқ тўловчилар учун солиқ маъмурчилиги тадбирларининг очиқлигини ошириш;

вертикал назоратдан горизонтал назоратга ўтишда солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ўзаро ахборот алмашинувини кенгайтириш.

Васильева ва Надточийларнинг фикрига кўра давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантириш жисмоний шахслардан бошланиши керак, чунки жисмоний шахслар билан шериклик муносабатларини ривожлантириш орқали давлат солиқ тушумларини яхшироқ назорат қила олади, солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар янада шаффоф бўлади[21].

Бизнингча, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда ижобий натижаларга эришиш учун солиқ инспекторлари ишида янгича ёндашувлар зарур бўлиб, улардан бири солиқ инспекторларининг солиқ тўловчиларга йўналтирилган хизмат кўрсатишдир. Бу ёндашувнинг марказий элементи солиқ органи ходимининг солиқ тўловчилар билан самарали ижтимоий-психологик ўзаро муносабатларини ташкил этишдан иборатдир.

Бугунги кунда солиқ маъмурчилигини ривожлантиришда солиқ тўловларини ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилиги устидан “классик” назоратидан солиқ тўловчилар билан ахборот ҳамкорлигини кенгайтиришга асосланган превентив усулларга ўтишга устуворлик берилмоқда[22].

Солиқ мониторинги солиқ рисклари юзага келишига ўз вақтида жавоб бериш ҳамда солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш йўли билан солиқ органи ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида шериклик муносабатларини яратишга қаратилган[23].

Висудавату ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилиши ва солиқ олдидаги мажбуриятларини бажариши учун солиқ тизимининг сифати юқорилиги, солиқ органлари томонидан тақдим этилувчи маълумотлар сифатлилиги ва солиқ органларида солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг юқори даражада бўлиши солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигидаги мажбуриятларини бажариши учун таъсир этувчи омиллар эканлигига регрессия таҳлиллари орқали хулоса беришган[24].

Шорикова ўз тадқиқотлари асосида қатор камчиликларга қарамасдан, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ахборот узатиш учун электрон воситалардан фойдаланишнинг қулайлиги ва афзаллиги яққол кўзга ташланади деган хулосага келган[25]. Муаммоларни ҳал қилиш эса электрон ҳужжатларни тарқатишга кўмаклашади ҳамда солиқ тўловчи ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни соддалаштиради.

Солиқ тўловчиларнинг қонунга бўйсунувчанлигини аниқлаш моделини ишлаб чиқиш учун ушбу тушунчани аниқ белгилаб олиш зарур. Одатда, қонунга бўйсунушнинг қуйидаги қисмлари келтирилади[26]:

маъмурий қонунга риоя қилиш - солиқ тўловчиларнинг зарур солиқ декларацияларини муддатида тақдим этиш, солиқ ва йиғимларни ўз вақтида тўлашни ва бошқа маъмурий кўрсатмаларни риоя этишини англатади. Бундай ҳаракатлар солиқларни тўлаш ва декларацияларни тақдим этиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаларини компьютер таҳлилининг оддий усуллари билан осонгина назорат қилиниши ва ҳисобланиши мумкин;

процессуал қонунга риоя қилиш тушунчаси ҳисобланган ва тўланган солиқ суммаларини солиқ қонунчилигига мувофиқ риоя этилишини назарда тутати. Кўриниб турибдики, бу компонент бузилишининг аниқ расмий белгиларининг йўқлиги туфайли кўпроқ текширилишига сабаб бўлади. Шунинг учун процессуал қонунчиликнинг бузилишини аниқлаш солиқ органларининг асосий вазифаси ҳисобланади ва бу жараёни такомиллаштириш учун иқтисодий-математик моделларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Важно подчеркнуть негативные последствия, которые явления теневой экономики имеют для экономики. Потерю дохода государства пытаются решить путем дальнейшего увеличения налогового бремени, что обычно имеет пагубные последствия не только потому, что приводит к увеличению мошенничества, но и представляет собой посягательство на справедливость. В этом смысле доктрина теневой экономики заявляет о себе, когда среди вредных последствий, которые налоговое мошенничество влечет за собой для экономики, наиболее важными являются следующие: из-за потери дохода, которую оно представляет для налоговой администрации. Как следствие, для корректировки бюджетного баланса будут использоваться другие формулы, например, увеличение налогового давления на доходы, контроль которых налоговым органам легче контролировать, например, трудовые доходы. Как следствие вышесказанного, происходит ущемление прав в распределении доходов среди лиц, которые несут более высокие налоговые ставки. Негативное влияние на точность расчетов экономических показателей, особенно в случае валового национального продукта (ВВП) и уровня безработицы. Искажение в расположении факторов и неэффективность распределения ресурсов до такой степени, что это влечет за собой перемещение ресурсов из финансово регистрируемой экономической деятельности в другие, включенные в теневую экономику. Что касается последствий, которые теневая экономика оказывает на реальную экономику, следует отметить, что уровень экономических макровеличин не может быть точно известен, поскольку, среди прочего, ВВП будет занижен[24]. Поэтому, несмотря на невозможность иметь точные показатели экономики, первым последствием налоговых махинаций является снижение объемов собираемости по сравнению с тем, что должно произойти. Этот факт приведет к дисбалансу государства в предоставлении общественных благ и услуг, особенно серьезному во времена кризиса и при дисбалансе государственных счетов. снижение государственных услуг и социальных пособий, от которых также выиграют те, кто не соблюдает требования, поскольку это позволяет избежать налогового и нормативного бремени.

Список использованной литературы:

1. Anghel, B. y Vázquez, P. (2010). La economía sumergida. Comparativa Internacional y Métodos de estimación. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (17-45). <https://journals.eagora.org/revHUMAN/article/view/4137>

2. Argandoña, A. (2010). La economía sumergida: consideraciones éticas. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (45-63) <https://dialnet.unirioja.es/servlet/libro?codigo=426919>
3. Berdiev, A. N., Saunoris, J. W. (2016). Financial development and the shadow economy: A panel VAR analysis. *Economic Modelling*, 57, 197–207. doi: <http://doi.org/10.1016/j.econmod>. <https://econpapers.repec.org/scripts/redir.pf?u=https%3A%2F%2Fdoi.org%2F10.1016%252Fj.econmod.2016.03.028;h=repec:eee:ecmode:v:57:y:2016:i:c:p:197-207>
4. Chen, K., Ren, J., Zha, T. (2018). The Nexus of Monetary Policy and Shadow Banking in China. *American Economic Review*, 108 (12), 3891–3936. doi: <http://doi.org/10.1257/aer.20170133>
5. Fernández Díaz, A. (2010). Corrupción y economía sumergida: una visión de conjunto. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (63-99). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3300062>
6. Fernández Díaz, A. (2010). Corrupción y economía sumergida: una visión de conjunto. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (63-99). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3300062>
7. Fernández Díaz, A. (2010). Corrupción y economía sumergida: una visión de conjunto. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (63-99). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3300062>
8. Foster, C., Frieden, J. (2017). Crisis of trust: Socio-economic determinants of Europeans’ confidence in government. *European Union Politics*, 18 (4), 511–535. doi: <http://doi.org/10.1177/1465116517723499>
9. Hurtado, J. (2010). La dinámica social de la economía sumergida. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (99-127). <https://journals.eagora.org/revHUMAN/article/view/4137>
10. Jensen, J. & Wöhlbier, F. (2012). Improving tax governance in EU Members States: Criteria for successful policies. European Central Bank. Occasional Papers 114. https://ec.europa.eu/economy_finance/publications/occasional_paper/2012
11. Lago Peña, S. (2018). Economía sumergida y fraude fiscal en España: ¿qué sabemos? ¿qué podemos hacer? Estudios de la Fundación (FUNCAS) <https://www.funcas.es/libro/economia-sumergida-y-fraude-fiscal-en-espana-que->
12. Lins, K. V., Servaes, H., Tamayo, A. (2017). Social Capital, Trust, and Firm Performance: The Value of Corporate Social Responsibility during the Financial Crisis. *The Journal of Finance*, 72 (4), 1785–1824. doi: <http://doi.org/10.1111/jofi.12505>
13. Lizcano Álvarez, J. (2010). Corrupción a nivel nacional e internacional: La transparencia como antídoto. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (149-173). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3300072>
14. Losby J.L., Else J.F., Kingslow M.E., Edgcomb E.L., Malm E.T., Kao V. (2002): Informal Economy Literature Review, ISED Consulting & Research/The Aspen Institute, U.S.A. [http://kingslow-assoc.com/images/Informal Economy Lit Review.pdf](http://kingslow-assoc.com/images/Informal_Economy_Lit_Review.pdf)
15. Mazhar, U., Mon, P.-G. (2017). Taxing the unobservable: The impact of the shadow economy on inflation and taxation. *World Development*, 90, 89–103. doi: <http://doi.org/10.1016/j.worlddev>. <https://ideas.repec.org/a/eee/wdevel/v90y2017icp89-103.html>
16. Medina L., Schneider F. (2018): Shadow Economies around the World: What did we learn over the last 20 years?, Working Paper No. 17, IMF, Washington D.C., U.S.A. <https://www.imf.org/en/Publications/WP/Issues/2018/01/25/Shadow-Economies-Around-the-World-What-Did-We-Learn-Over-the-Last-20-Years-45583>
17. Moreira, A., Savov, A. (2017). The Macroeconomics of Shadow Banking. *The Journal of Finance*, 72 (6), 2381–2432. doi: <http://doi.org/10.1111/jofi.12540>
18. Moyano Jurado, C. (2010). Fraude en el mercado laboral. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (173-195). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/libro?codigo=426919>

19. Peláez Martos, J. (2010). El fraude fiscal en España. Situación y propuestas para combatirlo. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (195-221). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3300084>
20. Ruesga, S. & Carbajo, D. (2013). El “tax gap” en España, definición, estimaciones y medidas dinámicas para su reducción. Madrid. shorturl.at/CFORU
<https://journals.eagora.org/revHUMAN/article/download/4137/2515/14931>
21. Serrano Sáenz, J. (2010). Economía bajo la superficie. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (221-241). https://circulodeempresarios.org/app/uploads/2016/03/LIBRO-MARRON_0.pdf
22. Serrano Sáenz, J. (2010). Economía bajo la superficie. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (221-241). <https://dialnet.unirioja.es/servlet/articulo?codigo=3300090>
23. Solé i Puig, C. (2010). Inmigración irregular y mercado de trabajo. Libro Marrón del Círculo de Empresarios (XXVI Edición). Implicaciones de la Economía Sumergida en España (241-264). <https://digibug.ugr.es/bitstream/handle/10481/41889/1-7.pdf?sequence=1&isAllowed=y>
24. Tiutiunyk, I., Kobushko, I., Ivaniy, O., Flaumer, A. (2019). Innovations in the management of tax gaps in the economy: foreign economic component. Marketing and Management of Innovations, 3, 112–125. doi: <http://doi.org/10.21272/mmi.2019.3-09>
25. Williams, C., Schneider, F. (2016). Measuring the Global Shadow Economy: The Prevalence of Informal Work and Labour Hardcover. Measuring the Global Shadow Economy: The Prevalence of Informal Work and Labour, 247. <https://www.e-elgar.com/shop/gbp/measuring-the-global-shadow-economy-9781784717988.html>

УДК: 336.025

**O‘ZBEKISTONDA “YASHIL ENERGETIKA”NI RIVOJLANTIRISHDA SOLIQ
IMTIYOZLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH IMKONIYATLARI**

**ВОЗМОЖНОСТИ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТОВ
ПРИ РАЗВИТИИ «ЗЕЛЕННОЙ ЭНЕРГЕТИКИ» В УЗБЕКИСТАНЕ**

**POSSIBILITIES OF EFFECTIVE USE OF TAX INCENTIVES IN THE DEVELOPMENT
OF "GREEN ENERGY" IN UZBEKISTAN.**

Toshev Fazliddin Zayniddinovich

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, katta o‘qituvchi

Annotatsiya

Ushbu maqolada hozirgi vaqtda “yashil energetika”ni rivojlantirishda salbiy ta’sir ko‘rsatayotgan qator omillar va qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish borasida tadbirkorlik sub’ektlari uchun qator soliq imtiyozlari va preferensiyalar keltirilgan. Xorijiy mamlakatlarda energetika sohasini “yashil iqtisodiyot” tamoyillari asosida transformatsiyalash va soliq dastaklarini amaliyotda qo‘llash orqali yashil energetikani rivojlantirish muayyan natijalarga erishilganligi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: «Yashil iqtisodiyot», “yashil energetika”, qazib chiqariladigan yoqilg‘i, muqobil energiya, qayta tiklanadigan energiya, xorij tajribasi, “yashil texnologiyalar”, soliq, soliq imtiyozlari va preferensiyalar, soliq rejimlari.

В данной статье представлен ряд факторов, оказывающих негативное влияние на развитие «зеленой энергетики», а также ряд налоговых льгот и преференций для субъектов предпринимательства при развитии использования возобновляемых источников энергии.

Подчеркивается, что определенные результаты достигнуты в развитии зеленой энергетики в зарубежных странах за счет трансформации энергетического сектора на основе принципов «зеленой экономики» и практического применения налоговых льгот.

Ключевые слова: «Зеленая экономика», «зеленая энергетика», ископаемое топливо, альтернативная энергетика, возобновляемая энергетика, зарубежный опыт, «зеленые технологии», налог, налоговые льготы и преференции, налоговые режимы.

This article presents a number of factors that have a negative impact on the development of "green energy" and a number of tax benefits and preferences for business entities in the development of the use of renewable energy sources. It is highlighted that certain results have been achieved in the development of green energy in foreign countries through the transformation of the energy sector based on the principles of "green economy" and the practical application of tax incentives.

Keywords: "Green economy", "green energy", fossil fuel, alternative energy, renewable energy, foreign experience, "green technologies", tax, tax benefits and preferences, tax regimes.

“Yashil energetika”ni rivojlantirish O‘zbekistonda energetik, ekologik, iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlashda va energetika sohasini barqaror rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega. So‘nggi yillarda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish borasida keng ko‘lamli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasining “Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish to‘g‘risida”gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 5 maydagi “Energiya tejovchi texnologiyalar va tizimlarni joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi” to‘g‘risidagi PQ-2343-sonli, 2017 yil 26 maydagi “2017 — 2021 yillarda qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya samaradorligini oshirish chora-tadbirlari dasturi to‘g‘risida”gi PQ-3012-son, 2017 yil 8 noyabrdagi “Energiya resurslaridan oqilona foydalanishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3379-son, 2020 yil 13 may kuni “Samarqand viloyatida quvvati 100 mvt bo‘lgan fotoelektrik stansiyani qurish” investitsiya loyihasini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4712-son qarori, 2022 yil 2 dekabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2030 yilgacha O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-436-son qarorlari shular jumlasidandir.

2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish, O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi doirasida “yashil” va inklyuziv iqtisodiy o‘tishni ta’minlash borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar samaradorligini oshirish, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish hamda iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida resurslarni tejashni yanada kengaytirish maqsadida “2030 yilgacha O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tishiga qaratilgan islohotlar samaradorligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-436-son qaroriga asosan ishlab chiqarilgan mahsulotning energiya sig‘imi ko‘rsatkichini 2026 yilga kelib 2022 yilga nisbatan 20 foizga kamaytirishga qaratilgan 2022–2026 yillarda iqtisodiyot tarmoqlarida yoqilg‘i-energetika resurslarini tejashning maqsadli parametrlari qabul qilindi.

O‘zbekistonda aksariyat rivojlanayotgan mamlakatlar singari “yashil energetika” sektorining rivojlanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatayotgan qator omillar mavjud:

birinchidan, an’anaviy energiya ishlab chiqarishga nisbatan tiklanadigan energiya ishlab chiqarish xarajatlarining yuqoriligi va o‘rnatilgan uskunalarning quvvatining pastligi. Bundan tashqari O‘zbekiston an’anaviy energiya ishlab chiqarish va aholiga elektrenergiya yetkazib berish xarajatlari bo‘yicha etakchi mavqega ega.

ikkinchidan, tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni rag‘batlantirishga qaratilgan moliyaviy (tariflar, soliqlar) qo‘llab-quvvatlash mexanizmining chuqur ishlab chiqilmaganligi. Tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishga ko‘maklashuvchi iqtisodiy mexanizmlarining huquqiy-institutsional asoslari takomillashtirilishi zarur.

uchinchidan, zamonaviy boshqaruv tizimlariga asoslangan ilg‘or texnika va texnologiyalarning rivojlanmaganligi. Muqobil energiya ishlab chiqarishda qo‘llanilayotgan

texnologiyalarning texnik jihatdan takomillashmaganligi va energiya tizimiga sarflanayotgan moliyaviy resurslarning qisqa muddatda rentabel emasligi “yashil energetika” sohasining rivojlanishida jiddiy salbiy to‘siqlardan hisoblanadi.

to‘rtinchidan, aksariyat rivojlanayotgan mamlakatlar singari aholining zamonaviy tiklanadigan energiya manbalari to‘g‘risida etarlicha ma‘lumotga ega emasligi.

beshinchidan, tiklanadigan energiya sohasida innovatsion texnologiyalarning jadal sur‘atlarda rivojlanishi. Jumladan, qisqa muddatda yarim o‘tkazgichli quyosh panellari o‘rnini amorf kremniydan yasalgan fotoelektrli panellar egalladi. Tiklanadigan energiya manbalarini o‘zlashtirish texnologiyalarini mahalliy darajada ishlab chiqarish quvvatlarining etarli emasligi ularning tannarxi, o‘rnatish va texnik xizmat ko‘rsatish xarajatlarining yuqorligicha qolib ketishiga sabab bo‘lmoqda. Tarmoqning jadal sur‘atlarda rivojlanayotganligi eskirgan texnologiyalardan yangilariga o‘tish zaruriyatini keltirib chiqarmoqda.

Yashil iqtisodiy siyosat maqsadiga erishish nuqtai nazaridan turli dastak va choralarni kelishilgan holda aralash qo‘llash zarur. Jumladan, qazib chiqariladigan yoqilg‘i uchun ajratilayotgan subsidiyalar o‘z navbatida budjet uchun soliq yuki hisoblanib, qazib chiqariladigan yoqilg‘ining samarasiz taqsimlanishi va ortiqcha ishlatilishiga olib keladi. Qazib chiqariladigan yoqilg‘i uchun ajratilayotgan subsidiyalardan voz kechish qayta tiklanadigan energiya manbalarini qo‘llab-quvvatlash uchun investitsiyalar sarflash imkonini yaratadi. Bunday siyosat atmosferaga issiqxona gazlarini me‘yorlashtirish orqali qo‘llab quvvatlanishi mumkin.

Iqtisodiyotni yashil iqtisodiyot tamoyillari asosida transformatsiyalash to‘liq biron bir mamlakat tomonidan amalga oshirilmagan. Tahlillar ko‘rsatishicha, ayrim mamlakatlar bu borada muayyan natijalarga erishgan va yuqorida qayd etib o‘tilgan dastaklarni amaliyotda qo‘llash orqali yashil iqtisodiyot sari siljishmoqda.

Koreya Respublikasida yuqori energiya tejamkorligi va samaradorligiga ega uskunalarni ishlab chiqarish va foydalanishda kreditlar va soliq imtiyozlaridan foydalaniladi. Jumladan, Koreya Energetika Assotsiatsiyasi energiyadan oqilona foydalanish loyihasi doirasida kichik va o‘rta korxonalar moliyaviy qo‘llab-quvvatlaydi. Agar turli iqtisodiy loyihalarga investitsiyalar sarflashda yuqori samaradorlik sertifikatiga ega uskunalaridan foydalanilgan bo‘lsa, daromad solig‘i yoki foyda solig‘idan 3/100 nisbatda mablag‘ korxonalar uchun 5%, kichik va o‘rta korxonalar uchun 10%) ixtiyorida qoldiriladi[1].

Yaponiyada o‘n yillik dastur qabul qilingan bo‘lib, muqobil energiya manbalaridan foydalanish va ortiqcha ishlab chiqarilgan elektr energiyani sotib olishni qo‘llab quvvatlash uchun ajratiladi. Bu kabi dasturlar Italiya, Shvesiya, Germaniya, Koreya Respublikasida energiya samaradorligi yuqori texnologiyalarni xarid qilishda soliq va boshqa imtiyozlar berish ko‘rinishida keng qo‘llaniladi.

Daniya hukumati tomonidan issiqlik ta‘minoti tizimini bioyoqilg‘iga o‘tkazish oqibatida iste‘molga uzatiladigan issiqlik energiyasi narxi o‘sadigan bo‘lsa, u holda investitsiya subsidiyasi taqdim etiladi. Shuningdek ishlab chiqarishning energiya samardorligini oshirish va issiqlik elektrstansiyalarini modernizatsiya qilish loyihalariga ushbu imkoniyat joriy etiladi.

O‘zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiya qilish va tuzilmaviy qayta qurish bo‘yicha vazifalarni amalga oshirish, atrof-muhit holatini yanada yaxshilash hamda tabiiy resurslardan oqilona foydalanish maqsadida ekologik soliqlarni takomillashtirish va ekologik talablarni hisobga olgan holda davlat tomonidan xarid qilish va “yashil investitsiyalar”ni jalb etish asosida “yashil texnologiyalar”ni rivojlantirish uchun yangi moliyaviy vositalarni joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni davlat tomonidan rag‘batlantirish maqsadida tadbirkorlik sub‘ektlari uchun qator soliq imtiyozlari va preferensiyalar qo‘llaniladi[1]:

- qayta tiklanuvchi energiya manbalarining qurilmalarini ishlab chiqaruvchilar davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan sanadan e‘tiboran besh yil muddatga soliqning barcha turlarini to‘lashdan;

- qayta tiklanuvchi energiya manbalari qurilmalarini (nominal quvvati 0,1 MVt va undan ortiq bo‘lgan) o‘rnatganlik uchun ular foydalanishgato‘pshirilgan paytdan e‘tiboran o‘n yil muddatga

mol-mulk solig‘ini hamda ushbu qurilmalar bilan band bo‘lgan uchastkalar bo‘yicha er solig‘ini to‘lashdan;

- ishlab turgan energetika resurslari tarmoqlaridan to‘liq uzib qo‘yilgan yashash uchun mo‘ljallangan joylarda qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanuvchi shaxslar qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanilgan oydan e‘tiboran uch yil muddatga er solig‘ini to‘lashdan ozod etiladi.

O‘zbekistonda 2024-yil 1-yanvardan boshlab sanoat korxonalari, elektr stansiyalari, kommunal xizmatlar uchun, shuningdek, avtomobillarni yuvish, salqin va alkogolli ichimliklar ishlab chiqarish uchun foydalaniladigan suv narxi 12 foizga, boshqa korxonalar va yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun esa 30 foizga oshdi.

Yashil energetik siyosat maqsadi real ijtimoiy va ekologik qadriyatlarni yaratishdan iborat bo‘lishi zarur. Ushbu maqsadga erishishda bozor narxlari real ijtimoiy va ekologik xarajatlar va daromadlarni aks ettirishi lozim. Shu tariqa “ifloslantiruvchi” atrof-muhitga etkazilgan zararni qoplashi lozim. Soliq rejimlari va me‘yoriy cheklovlar “o‘yin qoidalarini” o‘zgartirish uchun xizmat qilishi zarur. Bunday vaziyatda ishlab chiqaruvchilar yoki iste‘molchilar tomonidan atrof-muhitga etkazilgan zarar, chiqarib tashlangan chiqindilarning atrof-muhitni ifloslantirish darajasiga bog‘liq holda soliqlar yoki yig‘imlar undirilishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида, 25.12.2023 йилдаги ЎРҚ-886-сон.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish to‘g‘risida”gi qonuni.
3. A.V.Vaxabov, Ш.Х.Хажикакиев ва бошқалар. Яшил иқтисодиёт: Дарслик. Тошкент.: “Universitet”, 2020. - 262 б.
4. http://www.energy.or.kr/renew_eng/energy/industry/enms.aspx
5. Тошев, Ф. З. (2022). Пути снижения налогового риска при обеспечении экономической безопасности. Редакционная коллегия, 379.
6. Тошев, Ф. З. (2022). Налоги как фактор экономической безопасности. Редакционная коллегия, 376.

УДК: 338.1

БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА БАҒИШЛАНГАН НАЗАРИЯЛАР ВА ЁНДОШУВЛАР

ТЕОРИИ И ПОДХОДЫ, ПОСВЯЩЕННЫЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕССЕ УПРАВЛЕНИЯ

THEORIES AND APPROACHES DEDICATED TO THE USE OF INNOVATION IN THE MANAGEMENT PROCESS

Мамажонова Одинахон Алишер кизи

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти мустақил изланувчиси

Аннотация.

Мақолада бошқарув жараёнида инновациялардан фойдаланишга бағишланган назариялар ва ёндошувлар ўрганилган. Шунингдек, корхона бошқарувида фойдаланиладиган инновациялар турлари, корхона бошқарувида инновациянинг ҳаётийлик цикли, корхона бошқарувида инновация таркибий элементларининг унинг ҳаётийлик циклида намоён бўлиши масалаларини назарий моҳияти ўрганилган.

Калит сўзлар: бошқарув жараёни, инновациялар, инновацион маҳсулотлар, бошқарувида инновациянинг ҳаётийлик цикли, корхона бошқарувида инновация, “инновацион сиёсат”, “инновацион жараён”, “инновацион фаолият”.

В статье рассматриваются теории и подходы к использованию инноваций в процессе управления. Также были изучены виды инноваций, используемых в управлении предприятием, жизненный цикл инновации в управлении предприятием, а также проявление структурных элементов инновации в управлении предприятием в ее жизненном цикле.

Ключевые слова: процесс управления, инновации, инновационная продукция, жизненный цикл инноваций в управлении, инновации в управлении предприятием, «инновационная политика», «инновационный процесс», «инновационная деятельность».

The article examines theories and approaches to the use of innovation in the management process. Also, the types of innovations used in enterprise management, the life cycle of innovation in enterprise management, and the manifestation of structural elements of innovation in enterprise management in its life cycle were studied.

Key words: management process, innovation, innovative products, life cycle of innovation in management, innovation in enterprise management, "innovation policy", "innovation process", "innovation activity".

Жаҳонда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш тенденциялари корхоналар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини оширишда илм-фан ютуқларидан фойдаланишга устуворлик қаратилаётганлигини кўрсатмоқда. Корхоналар иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион муносабатларнинг кучайиши бошқарув жараёнларида инновациялардан фойдаланиш амалиётини ривожланишига олиб келди. Бошқарув жараёнида инновациялардан фойдаланиш корxonанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини такомиллаштириш имкониятини яратади. Жумладан, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви натижасида халқаро бозорларга кириб боришда корхоналар бошқарувида инновациялардан фойдаланиш рақобат курашида устун келишнинг муҳим шарти сифатида баҳоланади. Шу сабабли ҳам ҳар қандай корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш бугунги кунда илмий ва амалий жиҳатдан долзаб аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг техник-технологик жиҳатдан жадал суръатларда ривожланиши корхоналар бошқарувида инновациялардан фойдаланиш заруриятини йилдан йилга ошириб бормоқда. Бу эса иқтисодий адабиётда ушбу соҳада амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар сонини ортиб боришига хизмат кўрсатмоқда. Бунда дастлаб инновация иқтисодий атамисининг моҳиятини ёритиш лозим бўлади. Инновация тушунчаси латинча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, ўзгартириш, ўзгариш киритиш, янгилик, янгилаш деган маъноларни англатади. Иқтисодий адабиётда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида инновация тушунчасининг мазмун моҳияти билан боғлиқ бўлган “инновацион сиёсат”, “инновацион жараён”, “инновацион фаолият” каби иқтисодий категориялар шаклланган.

XX асрнинг охирига келиб, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишга илм-фан ютуқларини табиқ қилиш, жумладан, ахборот технологиялари билан электротехникадан фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни автоматлаштирилишига устуворлик қаритилиши иқтисодий адабиётда корхоналар бошқарувида инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги илмий тадқиқотларга бўлган қизиқишни ортишига олиб келди. Ушбу жараёнларнинг жадаллашуви пировард натижада “Саноат-3.0” инқилобининг содир бўлишига олиб келди. Мазкур даврда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш қонуниятларига техник-технологик янгилик киритилишини англатган.

Иқтисодий адабиётда инновацияга оид бўлган илмий назариялар кўплаб шаклланган бўлиб, Австрия иқтисодий мактаби вакили Й. Шумпетер инновация назарияларининг асосчиси ҳисобланади. Олим ўз тадқиқотларида корхоналар бошқарувида инновациялардан самарали фойдаланиш юқори фойда олишининг кафолати эканлигини илмий исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрча, “инновация – бу ишлаб чиқариш омиллари комбинациясининг креатив тадбиркорлик руҳияти билан бойитилган янги турдаги шакли ҳисобланади” [13]. Бунда олим корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнини ишлаб чиқариш жараёнларини ноодатий шаклда ташкил этиш, янги турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалиётга жорий этилиши сифатида баҳолаган. Ушбу ҳолат олим томонидан билдирилган фикр бугунги кунга қадар корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланишнинг базавий асосини ташкил этишидан далолат беради.

Яна бир узоқ хорижлик иқтисодчи олим Б. Твисс корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш борасидаги илмий қарашларида инновацияни жараён сифатида баҳолаганлиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича “инновация – ғоя ёки кашфиётнинг иқтисодий таркибининг шаклланиши ҳисобланади” [9]. Ушбу илмий қарашда илм-фан янгиликларини амалиётга жорий этилиш жараёнларига эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича Ф. Никсон тадқиқоти натижалари кенгроқ маънога эга бўлганлиги билан иқтисодий адабиётда ажралиб туради. Олим фикрича, “инновация – бозорга мутлақо янги турдаги ёки такомиллаштирилган саноат жараёнлари ёки техникаларининг кириб келиши билан боғлиқ бўлган техник-технологик, ишлаб чиқариш ва тижорат чора-тадбирларини қамраб олади” [5]. Ушбу илмий тарифда инновация нафақат янги турдаги товар ёки корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш шакллари билан балки қисман такомиллаштирилган ҳам бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Венгриялик иқтисодчи олим Б. Сантонинг корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш борасидаги илмий қарашларида инновация иқтисодий атамасига қуйидагича тариф берилган: “корхона бошқарувида инновация кўшимча даромад олиш мақсадида маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган ғоя ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишдаги ижтимоий-технологик-иқтисодий жараёнларни ўзгаришида намоён бўлади” [8]. Ушбу тарифда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш пировард натижада унинг даромадлари базасини мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратилган бўлиб, корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш учун тегишли имкониятларга эга бўлишини англатади.

Шунингдек, яқин хорижлик олимлардан И.Л. Туккел корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланишда инновация иқтисодий атамаси моҳиятини тушунтиришда қуйидаги фикрни билдиради: “корхона бошқарувида инновациядан фойдаланиш унинг инновацион фаолиятида намоён бўлади. Инновацион фаолият эса – янги ёки такомиллаштирилган товар ва ишлаб чиқариш жараёнларини корхона амалиётига жорий этишда бажариладиган турли ишлар, кўрсатиладиган хизматларни англатади” [10]. Фикримизча, И.Л. Туккел томонидан ишлаб чиқилган тариф Ф. Никсон тадқиқоти натижалари билан ўзаро ўхшаш эканлиги билан бир қаторда, инновация иқтисодий атамаси моҳиятини ёритишга жараёнли ёндашилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Худди шундай жараёнли ёндашувни С.С. Рахимовнинг илмий тадқиқоти натижаларида ҳам кўриш мумкин бўлади. Олима корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида инновация иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф беради: “корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланишда инновация янгиликларни излаш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, диффузион жараёнлар, истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган инновацион жараён сифатида намоён бўлади” [7]. Ушбу тарифда янгиликларни излаш босқичи бу маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш заруриятини уйғотади. Ушбу ҳолат

корхона бошқарувида инновatsiyалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда истеъмолчилар талабларини ўрганиш лозим эканлигидан далолат беради.

И.Л. Туккел сингари В.И. Гунин ҳам корхона бошқарувида инновatsiyалардан фойдаланиш жараёнида инновация иқтисодий атамаси моҳиятини тушунтиришда корхона инновацион фаолиятига эътибор қаратган. Унинг фикрича, “инновацион фаолият – бу техник-технологик ва ташкилий-иқтисодий янгиликларни ишлаб чиқиш билан биргаликда, уларни корхона амалиётига жорий этишдаги инновацион жараёнлар, маркетинг тадқиқотлари, жумладан, истеъмолчиларга ахборот, маслаҳат, ижтимоий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишга нисбатан янгича ёндашишни англатади” [11]. Олим томонидан ишлаб чиқилган таъриф юқорида келтириб ўтилган илмий тарифларга нисбатан кенг қамровли эканлиги билан характерланади. Бунда ишлаб чиқариш корхоналари томонидан истеъмолчиларга товарни сотиш ёки сотгандан кейинги вақтда кўрсатиладиган хизматлардаги янгиликларнинг амалиётга жорий этилишига ҳам эътибор қаратилганлиги, тадқиқот натижасининг ютуғи сифатида намоён бўлади.

Яна бир яқин хорижлик иқтисодчи олим И.Я. Лужинский фикрича, “корхона бошқарувида инновatsiya бу илмий-техник ва инвестицион фаолиятини ўзида акс эттиради” [3]. Ушбу тариф замонавий менежмент ёндашувлари бўйича корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнидаги янги товар ва технологияларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш жараёнларини корхона инновацион фаолияти сифатида баҳолаш имконини беради. Шу билан биргаликда, корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида инновация иқтисодий атамасига умумлашган тариф берилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Шу ўринда Н.А. Храмова тадқиқоти натижаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, “корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида инновация иқтисодий атамасининг мазмунини уч хил шаклда тушунтириш мумкин: биринчи, инновация бу корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари ёки унинг маҳсулотига янгилик киритиш, уни такомиллаштириш; иккинчи, инновация корхона фаолиятига ишлаб чиқариш жараёнлари ёки маҳсулотни янги турларини жорий этиш ва такомиллаштирилиш жараёнида содир бўладиган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қамраб олади; учинчи, инновация бу ишлаб чиқариш жараёнига янги товарлар, ёндашувлар, элементларни жорий этилиши ҳисобига унинг такомиллашувини англатади” [12].

Сўнги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқларини инновatsion ривожлантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясининг [1] қабул қилиниши ушбу соҳада маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар сонининг кескин ортишига олиб келди. Шу ўринда айрим маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан инновация иқтисодий атамаси мазмунини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган тарифларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Н.М. Бабаева фикрича, “инновация – яратилган янги ғоя, ишлаб чиқаришга тақдим этилган янги технология ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, бошқарув тизимидаги янгича усул, умуман, барча соҳалардаги янгича такрорланмаган ёндашув. Шунингдек, инновация, инновацион жараённинг натижаси ҳисобланади, бунда ихтироларни кашф қилиш (ғояларни ишлаб чиқариш), жорий этиш ва саноат корхонасининг инновацион фаолияти давомида амалда фойдаланиш бўйича меҳнат жараёнларини йиғиндисини тушуниш лозим” [2]. Ушбу тариф асосида корхона бошқарувида инновация тушунчасининг моҳиятини тушунтиришда мутлақо янги турдаги ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан ташкил этилиши ёки маҳсулотни ишлаб чиқаришга устуворлик қаратилган. Ваҳоланки, инновatsiya нафақат тубдан янгиланган, балки такомиллаштирилган жараёнлар ёки маҳсулот кўринишида ҳам бўлиши мумкин ҳисобланади.

О.С. Назарматов фикрича, “инновация – бу корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш ёки янги шакллари амалиётга жорий этиш орқали товарнинг қўшилган қиймат ҳажмини кўпайтиришдир” [4]. Ушбу илмий таърифда

инновацияларнинг корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг илм-фан сиғимкорлиги ортиши ҳисобига қўшилган қиймат ҳажмини ортишига эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Яна бир маҳаллий иқтисодчи А.Э.Норов фикрича, “корхона бошқарувида инновациянинг асосий элементи сифатида инновацион фаолиятнинг пировард натижаси – янги маҳсулот хизмат қилади, шунингдек, янгидан яратилган ёки такомиллаштирилган техник-технологик жараён ҳисобланади” [6]. Корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида инновация иқтисодий атамасининг мазмунини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу тарифда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг такомиллаштирилиши ҳам инновация сифатида баҳоланиши инобатга олинмаган.

Б.С. Қалмуратов фикрича, “инновация – бу илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўллаб-қувватлаш натижасида эришилган самарадорлик ҳисобланади” [15] Ушбу тарифда илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштирилиши ҳисобига корхонада эришилган иқтисодий самарадорлик асосида инновация атамасининг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилинган. Мазкур тарифга асосланган ҳолда, инновациянинг юқори даромад келтириш хусусиятига устуворлик қаратилганлиги кўришимиз мумкин бўлади.

Б.Б. Бахтиёров томонидан амалга оширилган тадқиқотларда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида унинг моҳиятини тушунтириш бўйича қуйидагича муаллифлик тарифи ишлаб чиқилган: “инновация бу – маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан техник-технологик жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида замонавий илм-фан соҳасидаги яратилган янги билимлар, ишланмалардан корхона бошқарувини ташкил этиш амалиётида фойдаланиш натижасида аввалги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан такомиллаштирилган ёки тубдан янгиланган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнини англатади” [14]. Мазкур тарифда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида унинг моҳиятини ёритишга нисбатан кенг қамровли ёндашувга асосланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш жараёнида инновация иқтисодий атамасининг моҳиятини тушунтиришга бағишланган иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини тизимли таҳлил қилиш асосида, унга нисбатан ягона иқтисодий қарашнинг шаклланмаганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ушбу ҳолат иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот объектларининг турли туманлиги билан изоҳланади. Амалга оширилаётган тадқиқотимиз объектдан келиб чиққан ҳолда, инновация иқтисодий атамасининг моҳиятини ёритишда муаллифлик тарифини ишлаб чиқишдан аввал унинг таркибий тузилиши, корхона бошқаруви жараёнида намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил қилиш ўринли бўлади.

Инновациянинг таркибий тузилишини бошқарув нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, у таркибий жиҳатдан инновациянинг тўлиқ ҳаётийлик циклини (1-расмга қаранг) қамраб олиши талаб этилади. Чунки бошқарув бу корхона фаолиятини тавсифловчи умумий жараён ҳисобланади.



1-расм. Корхона бошқарувида инновациянинг ҳаётийлик цикли[1]


Корхона бошқарувида маълум бир турдаги инновациянинг ҳаётийлик циклини инновацияни ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш ва эскириш каби уч босқичга ажратиш мумкин бўлади. Ушбу босқичлар корхона инновацион фаолияти, ундаги инновацион жараёнлар ва корхонанинг инновацион бошқаруви учун хос бўлган хусусиятларни қамраб олганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Бунда биринчи босқич инновацияни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу босқичда дастлаб корхона бошқарувида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан истеъмолчилар талабларини, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан ташкил этиш соҳасида рақобатчи корхоналар амалиётини, илм-фан соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар натижаларини ўрганиш бўйича маркетинг дастурлари доирасида бозор тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида умумий хулосалар шакллантирилиб, маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича инновацион лойиҳа ғояси ишлаб чиқилади. Сўнгра уни корхона бошқарувида жорий этиш бўйича корхонанинг молиявий, кадрлар салоҳияти, ресурс имкониятларини инобатга олган ҳолда инновацион лойиҳа ишлаб чиқилади.

Корхона бошқарувида инновациянинг ҳаётийлик циклининг иккинчи босқичи бу уни амалиётга жорий этилиши ҳисобланади. Бунда дастлаб ишлаб чиқилган инновацион лойиҳа корхона амалиётига тўлиқ жорий этилишидан аввал унинг маълум бир бўлими, ёки тегишли бўлимнинг кичик бир қисмида синовдан ўтказилади. Инновацион лойиҳани синовдан ўтказиш жараёнида кутилган натижалар олинмаса, лойиҳани қайта ишлашга юборилади. Агарда инновацион лойиҳа синовдан омадли ўтса, у ҳолда корхона амалиётига тўлиқ жорий этишга ўйилади ва бозорга инновацион товар таклифи билан чиқилади.

Учинчи босқич инновациянинг эскириш босқичи бўлиб, бунда бозор тўйиниги натижасида талаб ҳажмининг қисқариши кузатилади. Агарда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан ташкил этиш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилган бўлса, у ҳолда ушбу техника ва технологиялардан кўпчилик рақобатчи корхоналар фойдаланиши тенденцияси кузатилади. Шу билан биргаликда, янги турдаги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқариш техника ва технологиясининг таклифи ҳам унинг эскиришидан далолат беради. Бу эса корхона бошқарувида бошқа бир инновациядан фойдаланиш заруриятини вужудга келтиради. Ушбу ҳолат корхона бошқарувида янги инновациянинг ҳаётийлик цикли бошланишидан далолат беради.

Корхона бошқарувида инновациянинг ҳаётийлик циклини таҳлил қилиш асосида уни янгилик (янги фикр, янги ғоя), инновацион лойиҳа инновация каби таркибий тузилишга эга бўлади, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Инновациянинг бу турдаги таркибий тузилиши бошқарув жараёнида инновациянинг ҳаётийлик циклини тўлиқ ўзида акс эттира олади (2-расмга қаранг). Бу эса корхона фаолиятида инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.



2-расм. Корхона бошқарувида инновация таркибий элементларининг унинг ҳаётлийлик циклида намоён бўлиши[1]

Биринчи таркибий компонент бу янгилик (янги фикр, янги ғоя) ҳисобланиб, бу ҳали инновация сифатида қабул қилинмаган ва бозор талабига мослиги текширилмаган фикр, ғоя, ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган инновацион лойиҳа ҳисобланади. Иккинчи таркибий компонент корхона ишлаб чиқилаётган ёки синовдан ўтаётган инновацион лойиҳаларни ўзида мужассамлаштирганлиги сабабли уни инновацион лойиҳа деб номлаш мақсадга мувофиқ. Учинчи компонент эса корхона бошқарувида фойдаланилаётган инновациялар ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиёти корxonанинг инновацион фаолияти ёки ундаги инновацион жараёнлар сифатида намоён бўлиши тўғрисида илмий қарашлар шаклланган бўлиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам инновациялардан фойдаланиш имтёмолигига йўналтирилган бўлиши талаб этилади. Бунда корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиёти қанчалик имтёмолилар талабларига мос бўлса, унинг бозор талаби шунчалик юқори бўлишидан далолат беради. Амалга оширилган таҳлилларга асосланган ҳолда корхона бошқарувида инновацияларни намоён бўлиши, соҳаси ва имтёмолини қондириш нуктаи назаридан турли гуруҳларга ажратиш мумкин бўлади.

Фикримизча, бошқарув нуктаи назаридан инновация иқтисодий атамасининг моҳиятини қуйидаги тариф орқали ёритилиши мақсадга мувофиқ: “корхона фаолиятини бошқаришда инновация – бу илм-фан-ишлаб чиқариш жараёнларининг чуқур интеграциялашувини имтёмолилар талабларини самарали қондиришга йўналтирилиши асосида корхона маҳсулоти ёки уни ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштирилган, жумладан, тубдан янгиланган шакли сифатида намоён бўладиган қўшимча молиялаштириш талаб этиладиган лойиҳалар ҳисобланиб, ушбу жараёнлар мунтазам давом эттирилиши орқали корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлашга эришилади”. Инновация иқтисодий атамасига нисбатан ишлаб чиқилган муаллифлик тарифи бошқарув жараёнининг давомийлиги, маркетинг, илм-фан билан ўзаро боғлиқлиги, ҳамда молиявий жиҳатларини ўзида умумлаштирилганлиги билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон фармони, 06.07.2022 й. <https://lex.uz/docs/6102462>
2. Бабаева Н.М., Қорабоев Ш.А. Инновация ва инновацион салоҳият тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон

журнали. № 3, май-июнь, 2017 й. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/16_Sh_Qoraboyev_N_Babayeva.pdf

3. Лужинский И Я. Инновационный менеджмент в малом бизнесе / И.Я. Лужинский, М.П. Переверзев; под. ред. М.П. Переверзева. – Тула: Изд-во ТГПУ им. Л.Н. Толстого, 1998. – 172 с.
4. Назарматов О.С. Тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш услубиётини такомиллаштириш. Монография. – Фарғона: Al-Ferganus, 2021. – 200 б.
5. Никсон Ф. Роль руководства в предприятии в обеспечении качества и надежности / Ф. Никсон. – М.: Издат. стандартов, 1990. – 317 с.
6. Норов А.Э. Инновацион фаолият ва унинг натижаларини тижоратлаштиришнинг назарий ва услубий асослари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy electron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2020 y. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/12_Norov.pdf
7. Рахимова С.А. Теория управления инновационным процессом. Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2014. № 4. – с. 54-61
8. Санто Б. Инновация как средство экономического развития / Б. Санто. – Москва: Прогресс, 1990. – 255 с.
9. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями / Б. Твисс – Москва: Экономика, 1989. – 217 с.
10. Управление инновационными проектами: учеб. пособие. – Часть 1. – Методологии управления инновационными проектами / Т.В. Александрова [и др]; под ред. И.Л. Туккеля. – Санкт-Петербург: СПбГТУ, 1999. – 100 с.
11. Управление инновациями: 17-модульная программа для менеджеров. Управление развитием организации. Модуль 7 / Гунин В.И. [и др]. – Москва: ИНФРА-М, 1999. – 328 с.
12. Храмова Н.А. Ахматова А.А. Теоретические основы управления инновационной деятельности предприятия. Стратегии бизнеса: анализ, прогноз, управление. № 10 (54) 2018. – с. 18-22
13. Шумпетер И. Теория экономического развития. / И. Шумпетер. – Москва: Прогресс, 1982. – 455 с.
14. Вахтиёров В.В. Sanoat korxonalarini innovatsion boshqaruvining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish. I.f.d. (DSc) diss. avtoref. Andijon – 2023. – 62 bet.
15. Қалмуратов Б.С. Инновацион бошқарининг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш стратегияси (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. Тошкент – 2019. – 56 б.

УДК: 338.012

**УЙ ХЎЖАЛИГИ СЕКТОРИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКISTONDA
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**ЗАРУБЕЖНЫЕ ОПЫТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
СЕКТОРА ДОМАШНЕГО ХОЗЯЙСТВА И НАПРАВЛЕНИЯ ИХ ЭФФЕКТИВНОГО
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКISTANE**

**FOREIGN EXPERIENCES OF ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF THE
HOUSEHOLD SECTOR AND DIRECTIONS FOR THEIR EFFECTIVE USE IN
UZBEKISTAN**

Шоҳназар Ғуломов

Ўзбекистон Миллий университети “Иқтисодиёт

Аннотация

Мақолада хорижий давлатларда уй хўжалиklarини ташкил қилиш, самарали фаолият юритиши учун уларга берилган турли имтиёзлар, уй хўжалигини суғурталаш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъмирлашдаги ролини ошириш ҳамда Ўзбекистонда уй хўжалиklarига қулай кредитлар ажратиш ва солиқ тўловларидан имтиёзлар бериш масаллари ёртилган.

Калит сўзлар: уй хўжалиги, иқтисодий хавфсизлик, уй хўжалигини суғурталаш, ижтимоий сиёсат, солиқ тўловлари.

В данной статье освещены организации домашних хозяйств в зарубежных государствах, представленные им льготы для эффективного функционирования, страхование домашних хозяйств и повышение роли в обеспечении экономической безопасности, а также представление льгот в выдаче кредитов и в выплате налогов в Узбекистане.

Ключевые слова: домашнее хозяйство, экономическая безопасность, страхование домашних хозяйств, социальная политика, налоговые выплаты.

The article covers the various benefits given to households in foreign countries for their organization and efficient operation, increasing their role in household insurance and the maintenance of the country's economic security, as well as providing easy loans to households in Uzbekistan and tax exemptions.

Key words: household, economic security, household insurance, social policy, tax payments

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакат иқтисодиётининг ҳаётий муҳим соҳаларининг барчасини қамраб олиш билан бирга, мазкур соҳалардаги мавжуд муаммоларни тизимли ва замонавий технологик тараққиёт самараларидан муваффақиятли фойдаланиш асосида бартараф қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини вужудга келтириш, аҳолининг иқтисодий фаровонлигини ошириш йўлида муҳим стратегик йўналишлардан бири уй-хўжалиги секторини жаҳон андозалари ва етакчи мамлакатлар тажрибаси асосида ривожлантириш, хусусан алоҳида субъект сифатида кўриш, ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш унинг реал соҳа сифатидаги тараққиётига йўл очади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг ҳиссаси тобора юқори бўлиб бораверади. Бугун давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган қулайликлар улар фаолиятини йўлга қўйиш ва муваффақиятларга эришиш учун катта имкониятдир. [2]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “... юртимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мисли кўрилмаган чоралар ҳаётга жорий этилди.... Ўзбекистонда илғор хорижий амалиёт ва тажрибани жорий этиш мақсадида... инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитасини ташкил қилинади” [1]. Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳукумат раҳбарияти томонидан юқорида кўрсатилган омилларга диққат-эътиборни қаратиш йўналишида хорижий мамлакатлар тажрибаси ва технологияларини олиб киришда тегишли вазирлик ва давлат идоралари мутахассисларини малака ошириш ва тажриба алмашиш учун чет элга юбориш ҳамда инновацион янгилликларни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Бунда мазкур соҳанинг самарали ишлашнинг таъминлаш мақсадида миллатимиз менталитети ва эҳтимолий иқтисодий зарарлар, тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавф-хатарларни эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг уй хўжалиги секторига хорижий тажрибаларни олиб кириш йўналишида чет эл давлатлари эришган муваффақиятларини тадқиқ этиш, уларнинг ушбу даражага эришгунга қадар босиб ўтган

эволюцион тараққиёт йўли ва концептуал ёндашувларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хорижий тажрибани тадқиқ қилишда уй хўжалиги секторининг даставвал мамлакат ижтимоий-иқтисодий муносабатларидаги ифодаланишини тизимли таҳлил қилиш унинг самаралилиги ва Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд шаклланган шароитга мувофиқчилигини ҳамда татбиқ қилиш жараёнининг мамлакат иқтисодий хавфсизлиги мезонларига мувофиқчилигини кўрсатади.

Хорижий тажрибани татбиқ қилиш деганда дастлаб “хорижий тажриба”, “ижтимоий сиёсат” ва “иқтисодий хавфсизлик” тушунчалари кенг маъно касб этади. Илмий адабиётларда аксарият ҳолларда ушбу тушунчаларга турлича таъриф берилади.

Хорижий мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётдаги тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим бўлиб, уларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва мақбулини амалиётда синаб кўриш лозим. Бу каби таҳлил асосида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишбилармонлар қатлами сафини кенгайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини бермоқда. Масалан фақат 2018 йилда 53 нафар хусусий тадбиркор “Ҳар бир оила – тадбиркор” ва бошқа давлат дастурлари доирасида хорижда таълим олди.

Ижтимоий сиёсат – бу давлат, бизнес, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлар уюшмалари ўртасидаги ўрнатилган ижтимоий соҳани ривожлантириш тамойиллари ва устувор йўналишларидир. Ижтимоий сиёсатнинг мақсади аҳолининг ҳаёт даражасини аста-секин кўтариш, ижтимоий тенгсизлик даражасини камайтириш ва фуқароларни асосий ижтимоий бойлик ва ҳуқуқларини таъминлашдир [3].

“Иқтисодий хавфсизлик” хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг глобаллашуви, муросасозлик, хусусий секторни кенгайтириш шароитида Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдир. Иқтисодий хавфсизликни текшириш предмети-давлатнинг ташкил этилган ва мувофиқлашган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатидаги иқтисодий тизимидир. Бунда иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги вазифаси давлатни беқарорлаштирувчи омилларнинг зарарли таъсирини йўқотадиган ёки юмшатадиган иқтисодий сиёсат ва ислоҳотларнинг ягона дастури чегарасида шакллантиришдан иборат. Иқтисодий хавфсизлик объектларига шахс, жамият ва давлат киради. Иқтисодий хавфсизлик субъектларига функционал ва соҳа, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар уюшмалари киради. Ташқи иқтисодий алоқалар муросасиз тус олаётган вазиятда, иқтисодий хавфсизликка дахл қилувчи, мамлакатнинг миллий манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган омил ва шароитлар киради. Улар ташқи ва ички хавфларга бўлинади [4].

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг таърифлари кўп. Уларни умумлаштирган ҳолда иқтисодий хавфсизлик – бу, давлат иқтисодий тизимига таъсир қилувчи ва унинг босқичма-босқич барқарор ривожланиши, шу асосда жамиятнинг потенциал имкониятларини ҳар томонлама амалга ошириш учун, миллий манфаатлар энг кўп ифодаланишига имкон берувчи (ички ва ташқи) шарт ва омиллар йиғиндиси ҳамда давлатнинг турли хил хавфлар ва йўқотишларга қарши туриш қобилиятидир.

Тадқиқот методологиясини уй хўжалиги секторини ривожлантириш, иқтисодий хавфсизлик назарияси, мамлакатимиз ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари натижалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг уй хўжалигини ривожлантиришда хорижий тажрибани қўллаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича концептуал фикрлари, тегишли фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, ривожланган чет эл давлатларида уй хўжалиги моделларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни Ўзбекистон уй хўжалиги секторига мослаб татбиқ этиш кутилган самарни бериши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотнинг методологик жиҳати мамлакатимизда уй хўжалиги секториди хорижий инновацион ривожланиш ғояларини амалиётга жорий этиш йўллари асослашдан иборат.

Жаҳонда бир неча ижтимоий сиёсат модели мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўзига хос умумий хусусиятларни ҳисобга олиб, амалда у ёки бу моделдан фойдаланади. Жумладан етакчи давлатларда 3 йўналишдаги замонавий ижтимоий сиёсат олиб борилади:

социал-демократик модел (Швеция, Норвегия, Финляндия, Дания, Голландия, Швейцария);

либерал модел (АҚШ, Канада, Австралия, Буюк Британия);

консерватив модел (Австрия, Германия, Италия, Франция).

Бу моделларга хос бир қатор хусусиятлар мавжуд. Жумладан, социал-демократик моделнинг (скандинавия ёки шимолий модел) асосий ижтимоий таъминот тамойили универсализм бўлиб, бунда ижтимоий таъминот - барча фуқароларнинг давлат сектори (бюджети) томонидан кафолатланган ҳуқуқи тушунилади. Бу моделнинг молиявий таркиби юқори ва барқарор ишлаб чиқариш даражаси, кучли таъсирга эга касаба уюшмалари ва давлат томонидан назорат қилинадиган иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларга асосланган. Давлат сектори ижтимоий дастурларни солиққа тортиш тизими орқали молиялаштиради ҳамда ижтимоий таъминот тизимини молиялаш, турли ижтимоий хизматларни фаолият юритиши учун жавобгардир. Бу кучли, аммо марказлашмаган бошқарув тизимида мавжуд бўлади. Бу типдаги давлатларда ижтимоий сиёсатни юритиш ушбу тамойилларга асосланади:

барча фуқаролар истисносиз бир хил аҳамият ва қадриятга эга, камбағалларга ҳам ўз эҳтиёжларини қондириш имконияти берилади, ижтимоий хизматлар ихтиёрий тарзда тақдим этилади;

ижтимоий ҳимоя доимий бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳа ва босиқичларини ўз ичига олади ва яхши ҳаёт кечириш имконини беради;

жамиятнинг барча тоифалари жисмоний ва ижтимоий имкониятлардан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга.

Консерватив моделнинг асосий тамойили бозор иқтисодиётига ҳамда давлат кузатувида ёлловчи ва ёлланувчиларнинг суғурта механизмига таянишидир. Меҳнат ижтимоий таъминотни белгилайди, бунда суғурта қилинмаган ишсиз аҳоли қатламлари фақат маҳаллий хайрия жамғармаларига умид қилишлари мумкин. Бу моделга хос хусусиятлар:

суғурта тўловлари ҳажмининг маошга боғлиқлиги;

тўлов харажатларининг ёлловчи ва ёлланувчи ўртасида тақсимланиши;

суғуртани ташкиллаштиришнинг оммавий-ҳуқуқий шакли.

Либерал модел ҳам бозорни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим соҳаси сифатида кўради. Бу моделда ижтимоий таъминот қолдиқ типда бўлади, яъни кишилар жамиятда ижтимоий таъминотсиз ҳам яшайдилар, ҳукумат бу йўналишда чекланган жавобгарликни зиммасига олади. Шу боис моделнинг молиялаштирилиши ихтиёрий ва норасмий ёрдамга боғлиқ.

Россияда эса 1990-йиллардаги иқтисодий ислохотлар даврида ижтимоий ҳимоя назарга олинмаганлиги боис, инқирозли вазият вужудга келди. Шу боис ижтимоий тараққиёт доктринасини қабул қилиш эҳтиёжи туғилди ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қуйидаги муқобил вариантлардан бири танланиши керак эди:

ортодоксал либерализм ёки ижтимоий давлат, яъни давлат томонидан ижтимоий кафолатлар берилиши ёки ижтимоий суғурталаш;

давлат ҳимоя қилиши ёки давлатнинг қўллаб-қувватлаши;

давлат патернализми ёки уй хўжалигининг мустақиллиги.

Либерал сиёсат давлат фуқароларнинг шахсий муаммоларига аралашини камайтириш, уларга кўпроқ озодлик бериш ҳамда фуқароларнинг ташқи ёрдамга эмас, ўз кучларига ишонишларини кўзда тутди. Ҳаракатчан ва яшаш учун кундалик курашга тайёр жамиятда бу сиёсат самара беради. Бироқ Россияда кишилар ижтимоий қийинчиликларга мослашмаганликлари боис бу сиёсат ижтимоий инқироз, ижтимоий мослашувнинг пасайиши ва жамиятда бўлинишга олиб келди.

Шу сабабли РФ конституциясида кўрсатилган ижтимоий давлат тизими ортодоксал либерализм билан уйғунлашмаслиги боис бошқа технологияларни қўллашни тақозо қилади. Давлат патернализми сиёсати фуқароларни яшаш учун курашишдан маҳрум қилади ҳамда

тенглаштириш, ижтимоий бир хиллик ва оқибатда жамиятнинг ижтимоий энергиясини пасайиш омили сифатида хизмат қилади. Шу сабабли аҳолининг барча табақаларининг мослашиш имкониятларини кучайтириш учун юқоридаги моделларга таянадиган механизм ишлаб чиқиш ҳаракатлари олиб борилди. Натижада либерал модел танланиб, уни мослашган аҳоли гуруҳлари учун, ижтимоий ҳимояни эса аҳолининг заиф ва мослашмаган қатламлари учун йўналтиришга қаратилган Россия шароитларига хос бўлган иерархик тизимни вужудга келтириш ишлари олиб борилди.

Жумладан, давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож аҳоли гуруҳларига ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда кейинчалик ўрта синфни ташкил қилувчи кичик тадбиркорлар ва уй хўжалигини ташкил қилган фуқароларга ижтимоий кўмак ва давлат кафолатлари тақдим қилиниши муҳим омил ҳисобланади. Бунда қийинчиликларни енгиб ўтишга интиладиган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқилиб амалга оширилиши айтиш мумкин бўлди.

Юқорида шаклланган тамойилларга жавоб берадиган қўллаб-қувватлаш технологияларнинг ишлаб чиқирилиши имкониятларни аниқлаш, аҳоли манфаатларига таяниш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича вазифаларни белгилаш имконини беради. Бу тизимнинг устида ихтиёрийлик ва барқарорлик тамойилларига қурилган нодавлат ижтимоий суғурталаш механизми ётади. Мазкур интеграл тизим Россия ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаларини ҳал қилишга ҳамкорлик кўрсатади ҳамда жамиятнинг интеграцион алоқаларини бузмасдан қийин иқтисодий ҳолатдаги аҳоли қатламларини инқирозсиз бозор иқтисодиётига мослашиши ва ижтимоий рағбатлантирилишини таъминлайди.

Юқоридаги ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар ижтимоий сиёсат моделлари таснифини кўриб чиқиб қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

барча иқтисодий тараққий қилган мамлакатлар ижтимоий сиёсатида муайян инструментлар гуруҳи мавжуд;

ҳар бир инструментнинг ижтимоий сиёсат вазифаларини ҳал қилиш жараёнидаги аҳамияти бу мамлакатнинг у ёки бу моделга алоқадорлигини белгилайди;

ижтимоий сиёсат инструментлари структураси мамлакатлар бўйича ва бутун жаҳон миқёсида чекланган;

уй хўжаликлари даромадларини тартибга солиш инструментларига ижтимоий суғурталаш, жамоат ва давлат ёрдами ижтимоий солиқ чегирмалари (имтиёзлар), нафақа таъминоти киради;

ижтимоий солиқ чегирмалари (имтиёзлар) бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар, жумладан Россияда ҳам, ижтимоий сиёсатнинг асосий инструментларидан бўлиб, улар кўпинча аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига нисбатан қўлланилади[5].

Ўзбекистон Республикасида ҳам ижтимоий сиёсат доирасида аҳолининг заиф қатламлари, кичик тадбиркорлик субъектлари, уй хўжаликларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мамлакат раҳбарияти томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга, туман ва шаҳарларни 5 та тоифага ажратиш орқали тадбиркорликни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилди. “Йўл харитаси” доирасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка бир қатор имкониятлар яратилмоқда:

Бизнесни ривожлантириш банки ташкил этилиб, у орқали кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш;

кичик бизнес лойиҳалари учун қулай шартларда 7 йилгача бўлган муддатларда кредитлар ажратиш;

қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплашда солиқ узилиши (tax gap) коэффицентини қўллаш амалиётини тақиклаш;

камерал солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчи ҳудудига кириш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, чақиртириш, олиб қўйишни тақиклаш. [6]

Бундан ташқари Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ҳам устувор йўналишлар сифатида жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш унинг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Жумладан:

ушбу жамғарма тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали жойларда ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш;

кичик тадбиркорлик субъектларини (хусусан оилавий тадбиркорлик) тижорат банклари орқали кредитлаш ҳисобига экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашишларини таъминлаш;

ўз-ўзини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиб амалга ошириш;

оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 14 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар берилишини таъминлаш[7]. Бундан ташқари оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ва кичик лойиҳаларни молиялаштириш доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи ўзини ўзи банд қилишга (томорқадан унумли фойдаланиш, уй шароитида тадбиркорлик) йўналтирилади[8]. Мамлакатимизда уй хўжалиги секторини тараққий қилдириш аҳолини иш билан банд қилиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги асосий омиллардан бири бўлиш билан бирга, ижтимоий сиёсатнинг бош йўналишларидан ҳам ҳисобланади. Уй хўжалигини ижтимоий сиёсат доирасида белгиланган мақсадларга йўналтириш учун бу субъектларга мамлакат раҳбарияти томонидан тегишли эътибор қаратилиши, қатор имтиёзлар берилиши нафақат уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, балки молиявий ва бошқа зарур воситалар билан мунтазам таъминлаб бориш имконини беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, уй хўжаликларининг (оилавий тадбиркорлик) муаммолари ҳукумат қарорлари асосида босқичма-босқич ҳал қилиб борилиши (фаолиятига ҳамкорлик кўрсатилиши, имкониятлари кенгайтирилиши), ушбу соҳанинг иқтисодиётнинг ривожланган, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган рақобатбардош тармоққа айлантиради. Фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикасида уй хўжалиги секторини ижтимоий сиёсат доирасида иқтисодий мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашни қуйидаги мезонлар бўйича тадқиқ қилиш мумкин:

уй хўжаликларини худудий бўлиниш тоифаларининг кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш ва оптималлаштириб бориш; ихтисослашган молиявий институтларнинг кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятини мақбуллаштириб бориш; оилавий тадбиркорлик субъектларига янги мини технологияларни жалб қилиш, қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш ва илғор кичик бизнеснинг экспортга йўналтирилган фаолиятини рағбатлантириш орқали мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш.

Ушбуларни амалга ошириш учун тегишли асосланган бир қатор чораларни кўзда тутиш зарур:

уй хўжаликларига берилган имтиёзлар, солиқ тўловларидаги енгилликларнинг манзилли этиб боришини қатъий назоратга олиш, ажратилган маблағларни мақсадли фойдаланилиши ҳолатлари мониторингини амалга ошириш; давлат ва назорат органлари томонидан уй хўжалиги субъектлари фаолиятига аралаштиришларини олдини олиш ҳамда солиқ имтиёзлари ижросининг назоратини амалга ошириш; уй-хўжалиги субъектларининг молиявий саводчилигини ошириш ва замонавий технологияларни ўзлаштириш орқали улар томонидан бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизимини шакллантиришда хорижий етакчи давлатлар илғор тажрибаларни татбиқ қилиш; уй-хўжалиги субъектларининг ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш билан боғлиқ фаолият ҳамда ички ва ташқи тижорат амалиётларини эркин амалга оширишларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий билимларини ошириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг жаҳондаги айни пайтда юзага келган иқтисодий-сиёсий кескин вазиятни ҳисобга олиб, мамлакат ичкарасида етарли иш жойларини яратиш бўйича қилаётган ҳаракатлари фонида уй хўжаликларини биз юқорида кўрсатиб ўтган омилларни ҳисобга олиб илмий-назарий асосланган ҳолда мақбуллаштириш бу субъектларни ўзбек иқтисодиёти драйверларидан бирига айлантириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/570216.11.2022й..>
2. Бозор иқтисодиёти: асл моҳият, тартиб ва тамойиллар.// <https://uza.uz/posts/65227>
3. И.А. Григорьева. Социальная политика: основные понятия. // <https://cyberleninka.ru/article/n/>
4. Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (Укув кулланма)—Т.: ТДИУ, 2004 — 176 бет. <https://ilmiy.bmti.uz/blib/files/81/%D0%98%D2%9B%D1%82%D0%B8%D1%81%D0%BE%D0%B4%D0%B8%D0%B9%20%D1%85%D0%B0%D0%B2%D1%84%D1%81%D0%B8%D0%B7%D0%BB%D0%B8%D0%BA.PDF>
5. «Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая)» от 05.08.2000 г. №117-ФЗ, ст. 218,219.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.09.2023 йилдаги ПҚ-292-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”// <https://lex.uz/docs/6060527>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 09.06.2022 йилдаги ПФ-150-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”// <https://lex.uz/docs/6060527>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 21.04.2021 йилдаги ПҚ “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
9. Россия и страны мира, 2006 : стат. сб. / Федер. служба гос. статистики (Росстат). - М. : Статистика России, 2006. - С. 150.

УДК: 338.32

KADRLARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘NALISHLARI

НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕРСОНАЛА

DIRECTIONS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF PERSONNEL USE

Umurzakova Zamira Salijanovna-
Andijon mashinasozlik instituti
“Iqtisodiyot” kafedراسи katta o‘qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada korxonalarda kadrlarni rejalashtirishning nazariy asoslari, kadrlarni rejalashtirish va joy-joyiga qo‘yish, kadrlardan samarali foydalanishga ta’sir etuvchi omillar, kadrlarni boshqarish tizimida xorijiy tajribalardan foydalanish, kadrlarni rivojlantirish, uning kasbiy va malaka tarkibini hisobga olish, kadrlarga umumiy va qo‘shimcha ehtiyojni aniqlash,

xodimlardan foydalanishni nazorat qilishga qaratilgan aniq maqsadga yo‘naltirilgan faoliyati hamda kadrlardan samarali foydalanishni takomillashtirish chora- tadbirlari yoritilgan.

Kalitli so‘zlar: kadrlarni rejalashtirish, modernizatsiya, kadrlar tayyorlash milliy dasturi, kadrlar siyosati, mehnat resurslari, mehnat unumdorligi, ishbay haq, vaqtbay haq, tarifsiz ish haqi, kadrlarni rivojlantirish.

В данной статье рассмотрены теоретические основы планирования персонала на предприятиях, планирование и расстановка кадров, факторы, влияющие на эффективное использование персонала, использование зарубежного опыта в системе управления персоналом, развитие персонала, его профессиональное и с учетом состава квалификаций, общих и дополнительных к персоналу направленный на определение потребности, контроль использования персонала. Выделены конкретные целевые мероприятия и меры по повышению эффективности использования кадров.

Ключевые слова: кадровое планирование, модернизация, национальная программа подготовки кадров, кадровая политика, трудовые ресурсы, производительность труда, оплата сверхурочной работы, оплата сверхурочной работы, нетарифная оплата труда, развитие персонала.

This article discusses the theoretical foundations of personnel planning in enterprises, planning and placement of personnel, factors influencing the effective use of personnel, the use of foreign experience in the personnel management system, personnel development, their professional and taking into account the composition of qualifications, general and additional to personnel aimed at identifying needs, monitoring the use of personnel. Specific targeted activities and measures to improve the efficiency of personnel use have been identified.

Key words: personnel planning, modernization, national personnel training program, personnel policy, labor resources, labor productivity, overtime pay, overtime pay, non-tariff wages, personnel development.

Iqtisodiyotni yangilash va modernizatsiyalash jarayonida personalni boshqarishni ilmiy asosda yo‘lga qo‘yishning ahamiyati beqiyosdir. Ko‘p yillik tadqiqotlar hozirgi sharoitda iqtisodiy o‘shishning qariyb 80 foizini personal: ishchilar, mutaxassislar, xizmatchilar, rahbarlar mehnati, malakasi, izlanuvchanligi, salohiyati tashkil etishini, 20 foizini esa boshqa barcha omillar ta‘minlashni ko‘rsatdi. Shuning uchun ham har qanday ishlab chiqarishda inson omili hal qiluvchi ahamiyatga ega.

O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotiga o‘tishi sharoitida “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ga muvofiq kadrlarni rejalashtirish va ulardan foydalanish sohasida bir qator yangi talablar yuzaga keldi. Bu talablarni muvaffaqiyatli amalga oshirish korxonalar va tashkilotlar faoliyati to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilishini ta‘minlaydi. Hozirgi vaqtda korxonalar va tashkilot kadrlarini boshqarish kontseptsiyasi asosini kadrlar shaxsiy rolining ortib borayotganligi, uning asosiy yo‘l-yo‘riqlarini bilishi, ularni shakllantirish olishi, korxonalar va tashkilot oldida turgan vazifalarga muvofiq ravishda yo‘naltirish bilishi tashkil etadi. Har qanday zamonaviy korxonaning (tashkilot)ning boshqaruv jarayonidagi asosiy vazifasi – yuqori malakali xodimlarni topish, barcha xodimlarni yagona maqsadga chorlash va ruxlantirish, eng yuqori ijtimoiy va iqtisodiy natijalarga erishish uchun ularni jipslantirish, o‘zgaruvchan bozor munosabatlari sharoitida go‘ho keskin sur‘atlarda rivojlanish, go‘ho inqiroz mashaqqatlari sharoitidan chiqib ketish tadbirlarini qo‘llashni talab qiladi. Milliy iqtisodiyotimizdagi ro‘y berayotgan innovatsion jarayonlar avvalo, kadrlar siyosatida ham o‘zgarishlarni talab qiladi. Alohida qayd etish lozimki, ushbu atama amaliyotda anchadan beri qo‘llaniladi, ammo har bir korxonada (tashkilotda) uning ishlash tartibi qandayligi, kadrlar siyosati o‘z ichiga olgan masalalar qay darajada olib borilayotganligiga bog‘liq.

Iqtisodiy fanga “mehnat resurslari” tushunchasining kirib kelishi bilan undan samarali foydalanish, mehnat resurslarini faollashtirish, mehnat resurslaridan foydalanishni takomillashtirish borasida ham ilmiy, nazariy, amaliy tajribalar, izlanishlar olib borildi. Mehnat resurslarining

faolligini oshirishda, undan foydalanishni takomillashtirishda olib boriladigan konkret faoliyat g‘oyatda ko‘p qirralidir. Mehnat resurslarini faollashtirish ma‘naviy qadriyatlarini shakllantirishning murakkab jarayonlari, oilaviy muammolar, uy va maktab tarbiyasi, kadrlar siyosati, insonning jismoniy sog‘ligi, madaniy an‘analarni saqlash, ta‘lim, mehnat sharoitlari va boshqalardan iborat ko‘p qirrali muammoni o‘zida mujassamlashtiradi. SHu sababdan ham mehnat resurslaridan foydalanishni takomillashtirish yo‘llarini tahlil qilinganda turli tadqiqotlarda turlicha yo‘nalishlar yoritiladi. Mehnat resurslarini faollashtirish, undan samarali foydalanish yo‘llari turli tadqiqotlar, ilmiy risolalar va adabiyotlarda son va tarkib jihatdan farq qilsada, ularni umumlashirgan holda shuni ko‘rsatish mumkin-ki, mehnat resurslaridan foydalanishni takomillashtirish quyidagi yo‘nalishlarda olib boriladi va bu boradagi tadqiqotlarda ushbu yo‘nalishlardan biriga ko‘proq, biriga kamroq darajada e‘tibor qaratish asosida xilma-xil yondashuvlar tahlil qilinadi. Ushbu yo‘nalishlar quyidagilardan iborat:

- firmada faoliyat ko‘rsatayotgan ishchi va xodimlar malakasini oshirish, ularni qayta o‘qitish va kasbiy tayyorlash;
- mehnat sharoitlarini yaxshilash;
- samarali motivatsiya olib borish;
- ish haqini firma ichida tartibga solish
- boshqaruv madaniyatini tashkil qilish;
- sog‘liqni saqlash tizimini yaxshilash va boshqalar.[1]

Kadrlarning kasbiy tayyorgarligini oshirish va rivojlantirish yangi texnika va texnologiya, ish bilan bandlik sohasidagi o‘zgarishlar, fan-texnika taraqqiyoti, xo‘jalik mexanizmining qayta qurilishi bilan bevosita bog‘liqdir. Texnikaning tezlik bilan yangilanishi, axborotlar va yangi bilimlarning kirib kelishi texnik xodimlar, xizmatchilarning to‘xtovsiz o‘qitilishi va malakasining oshirilishini talab qiladi. Bugungi kunda tez texnologik o‘zgarishlar sababli yuzaga kelgan birinchi navbatdagi muammolardan biri kompyuter savodxonligi bilan bog‘liq. Ish joylarini taklif qilayotgan e‘lonlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, bugungi kun kompyuter mutaxasisi eng avvalo ijodiy va kasbiy jihatdan yetuk shaxs bo‘lishi kerak. U mustaqil fikrlay olishi va korxonada manfaatlari uchun xizmat qilishi kerak.

Xodimlarni o‘qitish zaruriyati quyidagi hollarda tug‘iladi:

- Yangi xodim ishga qabul qilinganda;
- Xodimning lavozimi o‘zgarganda;
- Malakasini, bilim darajasini oshirish maqsadida o‘qitish;
- Korxonadagi ruhiy muhitni o‘zgartirish maqsad qilinganda;
- Ishlab chiqarish jarayonini o‘zgartirish maqsad qilinganda;
- Mahsulot tarkibini o‘zgartirish maqsad qilinganda va hokazo.

O‘qitish:

- Ish vaqtidan ajralgan holda ikki haftalik;
- Ish vaqtidan ajralmagan holda ikki yillik;
- Maxsus tayyorlangan kompleks dastur asosida;
- Rahbarlar kuchi bilan;
- Maxsus topshiriqlar bilan;
- Turli korxonalarga malaka oshirishga jo‘natish yo‘li bilan;
- CHet ellarga o‘qitishga yuborish yo‘li bilan;
- Seminar va konferensiyalarga jalb qilish yo‘li bilan amalga oshiriladi.[2]

Xodimlar malakasini oshirish quyidagi vazifalarning bajarilishini nazarda tutadi:

- Qisman unutilishi mumkin bo‘lgan bilimlarni tiklash;
- Fan-texnika taraqqiyoti, ishlab chiqarish, mehnat va boshqarishni tashkil etish tizimlaridagi o‘zgarishlar bilan bog‘liq bo‘lgan yangi muammolarni, yangi ish uslublarini o‘rganish;
- Boshqaruvni qayta tashkil etish va qayta qurish, mehnatning jamoa turlarini tashkil etishning tutash kasblarini egallashni talab etuvchi xar-xil shakllarining rivojlanishi munosabati bilan xodimlarni boshqa malakaga tayyorlash.

Respublikamizda “Kadrlar tayyorlash to‘g‘risida”gi milliy dasturning qabil qilinishi mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun malakali kadrlar yetkazib berishning asosiy yo‘nalishlari va bosqichlarini belgilab berdi. Bugungi kunda respublikamiz mustaqilligi sharoitida xodimlarni o‘qitish jahonning eng rivojlangan mamlakatlarida ham olib borilmoqda. Bu turdagi o‘qitish ham ikki maqsadni ko‘zlaydi:

- Respublika uchun zarur bo‘lgan mutaxassisliklar bo‘yicha jahon talablariga javob beradigan xodimlarni tayyorlash;
- Mutaxassis xodimlarning ilg‘or xorijiy davlatlar oliy o‘quv yurtlarida zamonaviy bilimlarni egallash.

Bu kabi mutaxassis xodimlar mustaqil O‘zbekistonimizning iqtisodiyotini, fan va texnikasini, ishlab chiqarishini jahon talablariga javob beradigan qilib taraqqiy ettirishlari juda ham zarur.

Mehnat resurslaridan samarali foydalanishda mehnat sharoitlarini yaxshilash muhim ahamiyat kasb etadi va ilmiy tadqiqotlarda bu yo‘nalishga alohida urg‘u beriladi. Rivojlangan mamlakatlarda mehnat sharoitlari, inson va texnika o‘rtasidagi munosabatlarni tashkil qilish alohida fan – ergonomika (“ergos” – mehnat, “nomos” – qonun, qoida) sifatida o‘rganiladi. Ushbu faktning o‘zi ham mehnat sharoitlari mehnat resurslarini faollashtirishda qanchalik muhim ahamiyat kasb etishini va unga jiddiy munosabatda bo‘lish zaruriyatini ko‘rsatib beradi.

SHunday qilib mehnat sharoiti texnik, tashkiliy, psixofiziologik, ijtimoiy, xuquqiy va boshqa jabxalar nuqtai nazaridan ko‘rib chiqiladi.

Mehnat sharoitlarini loyixalash korxonada ishlovchilarning jinsi, yoshi, salomatligi, malakasi, psixologik va ijtimoiy xarakteristikalari hisobga olingan holda amalga oshiriladi. Umumiylik va majburiylik darajasi turlicha bo‘lgan tavsiyalar va normativ materiallar tizimi (Xalqaro mehnat tashkiloti tavsiyalari, tarmoq, hududiy, zavod, korxonalar, firma normalari) ishlab chiqilgan bo‘lib, ular mehnat sharoitlari loyihalashtirilayotganda hisobga olinishi shart.

Mehnat sharoitini reglamentlovchi asosiy direktiv hujjatlarga korxonalarni loyihalash bo‘yicha sanitar normalar, qurilish normalari va qoidalari, Davlat standartlari, texnika xavfsizligi va mehnat muhofazasi talablari kiradi.

Mehnat sharoitlarini yaxshilash va oqilona ergonomika yuritish mehnat unumdorligiga sezilarli darajada ijobiy ta‘sir o‘tkazadi. Buni quyidagi keltirilgan faktlar asosida isbotlash mumkin:

- Ergonomik talablarni samarali qondirish va oqilona tashkil qilingan ergonomika mehnat unumdorligini 100% ga oshiradi;
- Yaxshi yoritilgan ish joyi mehnat unumdorligini 20% ga oshiradi;
- SHovqinni gigienik normalar darajasiga tushurish mehnat unumdorligini 40-50% ga oshiradi;
- Binoni va buyumlarni oqilona ranglash mehnat unumdorligini 25% ga oshiradi va ish vaqti isrofini 32% ga kamaytiradi.

Yuqoridagi faktlar mehnat sharoitlari mehnat resurslaridan samarali foydalanishda qanchalar muhim ahamiyat kasb etishini ko‘rsatib turibdi. Xulosa sifatida quyidagi iborani keltirish mumkin: “Yaxshi ergonomika – bu yaxshi ekonomika”

Xodim erishgan mehnat natijalariga, shu bilan birga ularga sarflangan mehnatning miqdori va sifatiga baho berish uchun ish beruvchi bajarilgan ishni hisobga olib borishi va uni nazorat qilishi, bunda belgilangan mehnat normalasining bajarilishi va oshirib ado etilishini hisobga olishi lozim.

Korxonalarda mehnatga haq to‘lash tizimlariga qo‘yiladigan eng muhim talablardan biri teng mehnatga teng haq to‘lashdir. Bu o‘z navbatida mehnat natijalarini hisobga olish uchun foydalaniladigan ko‘rsatkichlar yollanma xodimlar mehnatining miqdori va sifatiga baho berishga imkon tug‘dirishini, shuningdek mazkur ko‘rsatkichlarga tegishli normalar belgilanishini talab qiladi. Shu munosabat bilan ish haqini tashkil etish tajribasida mehnatni normalashning ikki turi: tarifli normalash mavjuddir. Mehnatni tarifli normalash ko‘pincha korxonalar doirasidan chiqib, ko‘pgina korxonalarining birgalikdagi kuch-g‘ayratlari bilan amalga oshiriladi. Tashkiliy-texnikaviy normalashni har bir korxonalar o‘zi mustaqil ta‘min etadi, biroq uning usullari barcha korxonalar

uchun umumiy bo‘lishi lozim, aks holda baravar mehnat uchun baravar haq to‘lash tamoyili umuman jamiyat doirasida emas, balki faqat korxonada doirasida (u ham nisbatan) ta‘min etiladi.

Vaqtbay haq to‘lashda asosiy mehnat normasi sifatida xizmat ko‘rsatish normasi namoyon bo‘ladi. Bu norma ham qonun bilan belgilangan ish vaqti muddatidan kelib chiqib hisoblanadi. Xodimning asosiy mehnat vazifasini - normani bajarilganligi uchun u tarif stavkasi miqdorida ish haqi oladi. Agar bu norma bajarilmasa yoki oshirib bajarilsa, xodimga to‘lanadigan haq tegishli ravishda tarif stavkasidan kam yoki yuqori bo‘ladi.

Vaqtbay mehnat haqi to‘lash tizimlarida asosiy mehnat normasi bilan bir qatorda ko‘pincha bitta yoki bir nechta qo‘shimcha mehnat normalaridan foydalaniladi, ularni bajarilganlik va oshirib berilganlik uchun joriy mukofotlar (yoki asosiy xizmat faoliyati natijalari uchun mukofotlar) to‘lanadi. Ular o‘zining iqtisodiy mazmuniga ko‘ra asosiy mehnat normasiga qo‘shimcha ravishda belgilanadigan mehnat normasi uchun haq to‘lashdan iborat bo‘ladi.

Mehnatga qarab taqsimlash qonuniga asoslangan ish haqini tashkil etishning sotsialistik modeli asosida shaxsiy, jamoa va umumxalq manfaatlarining birligi nazariyasiga, xodimni ham, xizmat vositalarining sherik egalarini ham bir shaxsga birlashtirishga tayanuvchi moddiy manfaatdorlik tamoyili yotar edi. Bunda umumxalq va jamoa manfaatlariga asosiy e‘tibor berilar, faqat shundan keyingina shaxsiy manfaatlarga navbat kelardi. Ana shunga muvofiq xodimlarning ish haqi butun iqtisodiyot faoliyatining natijalari bilan (davlat boshqaruv organlari tasdiqlaydigan tarif stavkalari darajasi orqali va mehnatga haq to‘lash vositalarini iqtisodiy normativlar vositasida), butun korxonada ishining natijalari bilan (olinadigan real mehnat haqi vositalari miqdori, markazlashgan holda ishlab chiqiladigan normativlar asosida yoki yagona usullar asosida hisoblab chiqiladigan mehnat sarflari me‘yorlari orqali) va xodimlarning shaxsiy mehnat natijalari bilan bog‘lab olib borilardi. Bular ularning shaxsiy ish haqi darajasida va uning dinamikasida o‘z aksini topardi. Aytib o‘tish lozimki, bozor iqtisodiyoti sharoitida ishning muhim ko‘rsatkichi – mahsulot va xizmatlarni sotish hajmidir. Shuning uchun sotish hajmi ko‘p bo‘lsa, korxonada shunchalik samarali ishlaydi va ish haqi sotish hajmiga bog‘liq holda o‘zgartirilishi mumkin. Bu boshqaruv xodimlari va yordamchi ishchilar uchun ayniqsa muhim, chunki bu ikki toifadagi ishchilar mahsulot ishlab chiqarish hajmiga unchalik uzviy bog‘liq emas.

Tarifsiz ish haqi tizimining bir turi shartnoma tizimi, ya‘ni ish beruvchi va bajaruvchi o‘rtasida ma‘lum muddatga shartnoma tuzish hisoblanadi. Shartnomada mehnat shart-sharoitlari, tomonlar huquq va majburiyatlari, ish tartibi, ish haqi darajasi, shuningdek, shartnomaning amal qilish muddati belgilanadi. Shartnomada tomonlardan biri shartnomani bekor qilganda ro‘y berishi mumkin bo‘lgan oqibatlar ham bayon etiladi. Shartnoma ham ishchining korxonada ishlash muddati, ham ishchi ma‘lum vaqtda bajarishi lozim bo‘lgan muayyan topshiriqni o‘z ichiga olishi mumkin.

Shartnoma tizimining afzalligi – korxonada ham ishchi, ham rahbarlar huquq va majburiyatlarining aniq taqsimlanishini ta‘minlaydi hamda yetarli darajada samarali hisoblanadi.

Fan-texnika taraqqiyoti korxonalarining korxonada faoliyati samaradorligini oshirishda muhim omil bo‘lib kelgan va hozirda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Mazkur omildan quyidagi yo‘llar bilan foydalanish mumkin:

- Xizmat ko‘rsatish va mehnatni mexanizatsiyalashtirish, avtomatlashtirish hamda kompleks ravishdagi mexanizatsiyalashtirish;

- asosiy texnologik jarayonlarni robotlashtirish;

- progressiv, mehnat hamda resurslarni tejashga yo‘naltirilgan texnologik jarayonlarni amaliyotga kiritish va ulardan keng foydalanish;

- mehnat predmetlarini zamonaviy turlarini yaratish va ulardan foydalanish;

- Xizmat ko‘rsatishni tashkil qilish, rejalashtirish va boshqarish jarayonlarida zamonaviy axborot texnologiyalaridan, hisoblash texnikasidan foydalanish;

- ishlab chiqarish va mehnatni ilmiy tashkil qilish.

Bozor munosabatlari shakllanayotgan hozirgi sharoitlarda, chuqur sifat o‘zgarishlari, tamoyillari yangi texnologiyalar va so‘nggi avlod texnikasiga o‘tish, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini fan va texnikaning eng yangi yutuqlari asosida qayta qurollantirish zarur. SHu bilan bir

qatorda olimlar, konstruktorlar, muhandis va ishchilarning ijodiy ruhda mehnat qilishlari uchun iqtisodiy va ijtimoiy manfaatdorlikni yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan, Yaponiya korxonalarida ijodiy guruhlar, sifat guruhlari tashkil qilingan, ya’ni fan-texnika taraqqiyoti bilan uzviy bog‘liq bo‘lmish universitetlar, ilmiy markaz bilan aloqalar rivojlantirilmoqda. Yaponiyaning bugungi kunda robotlar hamda zamonaviy texnika va texnologiyalarning boshqa turlarini yaratishda birinchi o‘rinlarda turishi ham bejiz emas. Korxonada kadrlarni rejalashtirish va ulardan samarali foydalanishga bevosita bog‘liqdir. Shu ma’noda xodimlar va ularning rahbarlari faoliyatni maqsadli boshqarishga muhim – shaxsiy omil sifatida qaraydilar. Texnik vositalarining rivojlanishi yangi mahsulot turlari va xizmatlarning paydo bo‘lishi ta’sirida, yangi texnologiyalarni joriy qilinishi, jamiyat ijtimoiy tuzilmalarining o‘zgarishi, iqtisodiyotning tarkibiy jihatdan qayta qurilishi natijasida ishchi kuchlari tarkibida doimiy ravishda kasbiy - malaka o‘zgarishi sodir bo‘lib turadi. Korxonalarda kadrlarini boshqarishda bir necha yo‘nalishlarga bo‘lib harakat qilishlarini tavsiya etamiz, chunki ushbu yo‘nalishlar bir – biri bilan bevosita bog‘liqdir.

Bular quyidagilardan iborat:

1. Kadrlarni tanlash, joy-joyiga qo‘yish, ularni madaniy-texnik darajasini oshirish;
2. Korxonada xizmat ko‘rsatish faoliyatini texnik-iqtisodiy rejalashtirishni takomillashtirish (kadrlarga bo‘lgan ehtiyojini ham);
3. Korxonani texnik rivojlanishini va xizmat ko‘rsatishni texnik tayyorgarligi (kadrlarning malakaviy tayyorgarligi mutanosibligini ta’minlab borish);
4. xizmatlar sifatini nazorat qilish;
5. Mehnatni tashkil qilish va ish xaqi mexanizmini takomillashtirish;
6. xizmat ko‘rsatishni moddiy-texnik ta’minoti yaxshilash;

Kadrlardan samarali foydalanish maqsadida bir qator ustivor yo‘nalishlarni tavsiya qilish mumkin:

1. Ishda ishonch, xurmat va xamdo‘stlik muhitini yaratish
2. Ishchilarga bilimi va malakasini rivojlantirish yordam beruvchi ishlar berish
3. Ishchilarni qo‘shgan xissasini baholashda qayta aloqaga asoslanish
4. Yakuniy maqsad qo‘yish va adolatli ish me’yorlarini o‘rnatish
5. Ishchilarga o‘qitish va salohiyatini ochish imkonini berish
6. Ishchini yutuqqa erishishi uchun sarflagan kuchga ayratilgan ekvivalent mukofot berish

Bu choralar, xorijiy tajribaga ega ishchilar bilan ish birlashtirish, ularning ko‘nikmalari va qobiliyatlarini oshirish, innovatsion yechimlarni qo‘llash va korxonaning global biznesda rivojlanishiga yordam berishni o‘rgatishni o‘z ichiga oladi. Bu choralar orqali, korxonada xalqaro muloqotlarda ishtirok etish va yangi bozorlarga kirish uchun yuqori darajada imkoniyatlarga ega bo‘ladi. Shuningdek, kadrlardan samarali foydalanish choralarining muhim manfaatlari shu jihatdan ham mavjud. Choralar, korxonaning kadrlarini o‘zlashtirish va ulardan samarali foydalanishni takomillashtirishga yordam berishni maqsad qiladi. Bu choralar orqali korxonada, kadrlarni o‘zlashtirish va ulardan samarali foydalanishni o‘rganishda yuqori darajada muvaffaqiyat ko‘rsatadi. Bu choralar orqali korxonada, kadrlarning qobiliyatlarini oshirish, innovatsion yechimlarni qo‘llash va yangi bozorlarga kirish uchun yuqori darajada imkoniyatlarga ega bo‘ladi. Shuningdek, bu choralar orqali korxonada, kadrlarni qo‘llab-quvvatlash va ulardan samarali foydalanishni o‘rganishda muvaffaqiyat ko‘rsatadi. Shu bilan birga, korxonalar, kadrlarni qo‘llab-quvvatlash va ulardan samarali foydalanishni o‘rganishda muvaffaqiyat ko‘rsatish uchun o‘zlarining tajribasini ham qo‘llab-quvvatlaydi. Bu esa, kadrlar bilan ishlashning yaxshi tizimini yaratishga va ulardan samarali foydalanishni takomillashtirishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ortiqov A.A. Sanoat iqtisodiyoti Darslik.- T.:Sano-Standart, 2014-304 b
2. Ulashev I. O., Atamuradov SH. A. “Korxonada iqtisodiyoti va menejmenti”.-T.:Tafakkur bo‘stoni, 2013-y

УДК: 331.556.2

ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
МОДЕЛЛАРИ

ВНЕШНЯЯ МИГРАЦИОННАЯ ПОЛИТИКА ГОСУДАРСТВА И МОДЕЛИ ЕЁ
РЕГУЛИРОВАНИЯ

FOREIGN MIGRATION POLICY OF THE STATE AND MODELS OF ITS
REGULATION

Исраилова Дилфуза Каримовна

“University of economics and pedagogy” NOTM

“Иқтисодиёт ва ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, и.ф.д.

Аннотация

Янги Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини муносиб таъминлаш, турмуш даражасини ошириш каби йўналишларда олиб борилаётган ислохотлар таркибида самарали миграция сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақолада давлатнинг ташқи миграция сиёсати ҳамда уни тартибга солишнинг моделлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ташқи меҳнат миграцияси, миграция жараёнлари, миграция сиёсати, меҳнат миграциясини тартибга солиш, меҳнат миграциясини тартибга солиш моделлари.

В Новом Узбекистане в рамках реформ, направленных на эффективное использование трудовых ресурсов, обеспечение достойной занятости населения, повышение уровня жизни, особое внимание уделяется осуществлению эффективной миграционной политики. В этой статье рассматриваются вопросы государственной внешней миграционной политики и модели регулирования миграции.

Ключевые слова: внешняя трудовая миграция, миграционные процессы, миграционная политика, регулирование трудовой миграции, модели регулирования трудовой миграции.

In the new Uzbekistan, as part of reforms aimed at the efficient use of labor resources, ensuring decent employment for the population, and improving living standards, special attention is paid to the implementation of an effective migration policy. This article describes the issues of state migration policy and conceptual models of labor migration regulation.

Keywords: Labor migration, migration processes, migration policy, labor migration regulation, models of labor migration regulation.

Миграция сиёсати инсонлар (мигрантлар) ҳаракатини тартибга солувчи воситадир. Ушбуни тартибга солиш - рағбатлантириш, тўсқинлик қилиш, чеклаш, ажратиш, фаол таъсир қилиш орқали амалга оширилади.

Миграция сиёсатининг асосий таркибий қисми сифатида ташқи миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича халқаро даражадаги эътироф этилган бир қатор стандартлар ва ёндашувлар ишлаб чиқилган:

1) “БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий ишлар бўйича департаменти” UN DESA, яъни БМТнинг мазкур бошқармаси томонидан 1976-2020 йиллар давомида олиб борилган тадқиқот натижасида жами 196 та мамлакат ўрганилиб, 16 хил кўрсаткич асос қилиб олинган; [1]

2) “Халқаро миграция аниқловчилари” *DEMIG*га кўра, Оксфорд университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан 1945-2014 йиллар оралиғида олиб борилган илмий изланишлар жараёнида 45 та давлат 51 та белгиловчи омиллар асосида баҳоланган; [2]

3) “Миграция бошқаруви индикаторлари” *MGI* - МХТ томонидан 2015 йилдан ҳозирги кунга қадар 39 та давлат миграция профили шакллантирилиб, 90 та индикатор асосида миграция жараёнларини самарали тартибга солиш ғояси илгари сурилган; [3]

4) Қиёсий иммиграция сиёсати *IMPIC* Германиянинг Берлин ижтимоий фанлар маркази 1980-2011 йиллар ва 2015-2017 йилларда 33 та мамлакатда иммиграция сиёсатининг қиёсий таҳлили 69 индикатор асосида амалга оширилган; [4]

5) Халқаро миграция сиёсати ва ҳуқуқий таҳлил *IMPALA* бир қатор жаҳоннинг нуфузли университетлари томонидан 1960-2011 йиллар давомида 25 та давлатнинг миграцияга оид сиёсати ва миллий қонунчилиги таҳлил этилиб, 40 та фарқловчи жиҳатлари кашф этилган; [5]

б) Миграциянинг интеграция сиёсати индекси *MIPEX*, Испаниянинг Халқаро ишлар бўйича Барселона маркази 2007-2014 йиллар бўйича жами 38 мамлакатнинг жамиятида мигрантларнинг интеграциялашув жараёнини қарийб 167 та индикаторлар негизида қиёсланган. [6]

Ушбу халқаро андозалар миграция жараёнларини тартибга солиш услубларини таснифлаш учун етарли эмас. Чунки ушбу андозалар сиёсий бошқарув нуқтаи-назаридан ёндашилган бўлиб, миграция жараёнларини ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласига деярли урғу берилмаган. Шунинг учун, миграция соҳасидаги давлат сиёсатининг моделлари бўйича мумтоз концептуал ва энг сўнги замонавий мақбул ёндашувларга мурожаат қилишни маъқул деб ҳисобладик.

Давлат сиёсатининг замонавий моделлари эмиграция ва иммиграция учун умумий татбиқ этилиши лозим бўлади. Бироқ миграция соҳасида реципиент, яъни қабул қилувчи мамлакатнинг манфаатлари донор, яъни етказиб берувчи мамлакат манфаатларига айрим жиҳатлар бўйича тўғри келмаслиги табиийдир. Чунки масаланинг иқтисодий-ижтимоий (меҳнат бозори, бандлик) ва сиёсий-ҳуқуқий (мигрантлар ҳуқуқи, демографик вазият) каби омиллари мавжуд. Шу боис, миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг моделларини шартли равишда иммиграция ва эмиграция нуқтаи -назардан алоҳида кўриб чиқиш мантиқан тўғридир.

Иммиграция жараёнларини тартибга солиш моделлари. Иммиграция нуқтаи-назаридан, ташқи миграция жараёнларини тартибга солиш моделлари бўйича турлича қарашлар мавжуд.

Роман-герман ҳуқуқи вакилларининг фикрича, қабул қилувчи реципиент мамлакатларда миграция жараёнларини тартибга солиш *америка, француз ва немис* моделларига бўлинади. Америка модели (АҚШ ва Канадада) инсон ҳуқуқлари бузилган қочоқларни кўчиб ўтишлари, ноқонуний мигрантларни қонунийлаштириш ва америка жамиятига интеграциялашувига кўмаклашишига урғу беради. Француз модели (Франция ва Буюк Британияда) турли мамлакатлардан қочоқларни француз жамиятига қабул қилиш, жойлаштириш ва уларнинг интеграциялашувининг тармоқларга бўлинган тизими билан фарқланади, фуқароликни беришда “*jus solis*”, яъни (тупроқ қонуни) туғилган жой принципи устувор ҳисобланади. [7]

Немис модели (Германия ва Жанубий Европа мамлакатлари) этник немисларни Германияга қабул қилиш ва кейинчалик уларнинг немис жамиятига интеграциялашувига йўналтирилган, мигрантнинг фуқаролигини белгилашда “*jus sanguinis*”, яъни у ёки бу этник гуруҳдан келиб чиқиш принципи устувор саналади.

Англо-саксон ҳуқуқи вакиллари эса, иммиграция жараёнини тартибга солишнинг *АҚШ, Канада ва Австралия* моделларига ажратишади. [8]

Миграцияни тартибга солишнинг Канада – “инсон капитали” модели ёши, маълумоти, тил қобилияти, касбий кўникмалари каби мезонларга таянган селектив ёндашув орқали мигрантларни қабул қилишга мўлжалланган. Миграцияни тартибга солишнинг Австралия –

“нео-корпоративистик” модели уч тоифадаги, яъни инглиз тилини билиш шарти билан оилавий, инсонпарварлик асосидаги ва муайян рўйхатдаги юқори касбий маҳоратга эга мигрантларни қабул қилишга урғу беради. [9]

Миграцияни тартибга солишнинг АҚШ – “бозорга йўналтирилган талаб” модели бозор иқтисодиётидаги муайян касбларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда чет элдан юқори даражадаги мутахассисларни танлаб олишга қара тилган. Шу ўринда, сўнгги йилларда миграция соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим тенденцияларидан бири саналган “селектив ёндашув” ёки “балл тизими” ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. [10]

Мигрантларни саралашнинг балл тизими янги миграция сиёсатида устувор чоралардан бири сифатида кўпгина мамлакатларда тилга олинади. Миграция соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, ушбу тизим энг прогрессив ва самарали ҳисобланиб, қабул қилувчи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иммигрантларнинг вазиятига катта таъсир ўтказди. Балл тизими мигрантларни саралашнинг шакли бўлиб, муайян мезонлар асосида мигрантнинг шахсий тавсифининг ўлчанадиган даражаларига биноан уларни доимий ёки вақтинчалик яшаши, меҳнат қилишига руҳсат берилади. Малакали мигрантларни саралашнинг балл тизимидан фойдаланиш геосиёсий (камсонли аҳоли яшайдиган ҳудудларга мигрантларни жалб қилиш), ижтимоий-маданий, иқтисодий (инсон капиталини тўплаш), демографик (аҳоли ўсишини таъминлаш) каби турли вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Балл тизимининг асосий стратегияси қабул қилувчи жамиятга интеграциялашишга қодир бўлган юқори малакали, салоҳиятли мигрантларни танлашдан иборат.

Давлат томонидан эмиграция жараёнларини тартибга солиш моделлари. Биз тадқиқотимиз доирасида, Ўзбекистон донор мамлакат, яъни ишчи кучини етказиб беришини инобатга олиб, эмиграция жараёнларини тартибга солишнинг моделлари бўйича чуқурроқ изланишни мақсад қилганмиз. Бироқ ҳозирги кунга қадар илмий жамоатчилик томонидан эмиграция жараёнларини тартибга солишнинг моделлари бўйича аниқ тўхтамга келинмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Халқаро ташкилотларнинг расмий ҳужжатларига мурожаат қилганимизда, аниқ моделларга бўлинмаган бўлса-да, айрим мезонлар асосида тоифалашганини ёки “яхши бошқарув модели” қандай бўлишлиги ҳақидаги фикрларни кўришимиз мумкин.

Қуйида миграция жараёнларини тартибга солиш моделларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, ХМТнинг “Миграциянинг бошқаруви асослари”, “Бошқарув индекси”, “Прага жараёни” каби халқаро стандартлар ва ёндашувларидаги билвосита талқини таҳлил қилинади.

Биринчи ёндашув – БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида МХТнинг “Миграция ва 2030 йил дастури” номли нашрида юқоридагиларга қўшимча тарзда миграцияни самарали тартибга солиш модели учун зарур бўлган жиҳат – институционал механизмлар ҳақида сўз юритилади. [11]

Хусусан, ташкилий-ҳуқуқий тузилишлар қуйидаги турларга ажратилган:

1) *Миграция жараёнини бошқарадиган ягона вазирлик, идора ёки муассаса (ёки мазкур фаолиятни ягона тизимда мувофиқлаштириш).* Давлат даражасида Миграция, Статистика, Миллий ривожланишни режалаштириш ёки бошқа вазирлик ҳақида сўз юритилади. Алоҳида вазирликнинг фаолият юритиши кўп жиҳатдан фойдали ва муҳим ўрин тутиб, миграцияга оид масалаларда ҳамкорликни енгиллаштириш, техник жиҳатдан экспертизалар ўтказди. Масалан, Вазирлик қонунлар, сиёсий концепциялар, махсус давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади. Айрим давлатларда бир хил йўналишда икки хил вазирлик ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Албатта, бунда “горизонтал боғлиқлик” мавжуд бўлади, бироқ миграция соҳасидаги давлат сиёсатини тўлиқ қамраб олинмайди.

2) *Миграция жараёнини тартибга солишда йўналтирувчи кенгаш, идоралараро комиссия ёки мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи.* Ихтисослашган бу каби орган ҳукуматнинг бир қатор тегишли идораларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Идоралараро хусусиятга эга мазкур орган қарор қабул қилиш ваколатига ҳам эга бўлади.

3) *Миграция жараёнини ташқи воситалар орқали тартибга солишда йўналтирувчи ташилотлар.* ХМТ, БМТнинг тараккиёт дастури каби бир ёки бир неча ташилотлар ҳукуматнинг миграция жараёнларини тартибга солишда кўмакловчи куч сифатида иштирок этиши мумкин. Булар тўғридан-тўғри ҳукуматнинг ўзи ёки унинг миграция масаласи билан шуғулланувчи турдош идораси билан ҳамкорликда лойиҳалар доирасида кўмаклашиши мумкин. Ушбу ташқи бошқарув тури 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам қўллана бошланди. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланган. Унга мувофиқ, юқоридаги биринчи турда қайд этилган “горизонтал боғлиқлик”даги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва ИИВ (10.7-вазифа) тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатиغا кўмаклашиш учун масъул ижрочи сифатида киритилган.

Иккинчи ёндашув – Миграциянинг бошқарув асослари. ХМТнинг 2015 йил 24 ноябрдаги 106-сессиясида қабул қилинган 1310-сонли резолюциясида “Миграциянинг бошқаруви асослари”га оид қоидалар мустаҳкамланган. [12] Жумладан, миграциянинг “яхши бошқаруви” 3 принцип ва 3 мақсадга асосланган бўлиши лозимлиги қайд этилган. Унга кўра, ҳар бир давлат учун миграция сиёсати мигрантлар ва жамият учун инсонпарвар, тартибли ва фойдали бўлишига интилиши лозим. Мигрантлар ҳуқуқлари ва халқаро нормаларга риоя қилиш, умумдавлат ёндашуви ва мавжуд маълумотлар асосида қуриладиган сиёсатни шакллантириш ҳамда миграцияга оид муаммолар ва бошқа қийинчиликларни ҳал этиш учун ҳамкорлар билан ҳаракат қилиш каби принцип ва шартларга жавоб берса, миграциянинг самарали бошқаруви модели шаклланган ҳисобланади.

Миграциянинг самарали бошқарувидан 3 асосий мақсад кўзланади: мигрантлар ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошириш; ҳаракатланиш билан боғлиқ муаммоли вазиятларни самарали ҳал этиш ҳамда миграциянинг хавфсиз, тартибга солинган ва муносиб шароитлар асосида амалга оширишни таъминлаш.

ХМТ “Миграциянинг бошқаруви асослари” ёндашувини тобора такомиллаштириш учун бир қатор тадқиқотлар олиб бормоқда. Жумладан, кейинги ёндашув бунинг мантикий давоми ҳисобланади.

Учинчи ёндашув – бошқарув индекси. ХМТнинг кўмагида “The Economist Intelligence Unit” томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасига мувофиқ, миграцияни мукамал тартибга солишнинг концептуал модели бир қатор кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган. Хусусан, дунёнинг турли минтақаларидан жами 15 та мамлакат (жумладан, иммиграция, транзит ва эмиграция) танлаб олиниб, 73 та кичик ва 23 та йирик кўрсаткичларни қамраб олувчи 5 та асосий мезон ишлаб чиқилган:

1) *институционал салоҳият* (ташкилий асоси, ҳуқуқий асоси, миграция стратегияси, институционал шаффофлик ва боғлиқлик, маълумотлар йиғиш ва ахборотдан фойдаланиш);

2) *мигрант ҳуқуқлари* (асосий ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш, оила ҳуқуқлари, меҳнат ҳуқуқи, узоқ муддатли яшаш гувоҳномаси ва фуқаролик олиш тартиби);

3) *хавфсиз ва тартибли миграция* (чегара назорати, кириш ва бўлиш қоидалари, реинтеграция сиёсати, одам савдосига қарши курашиш чоралари);

4) *меҳнат миграциясини тартибга солиш* (мигрантлар билим, малака ва кўникмаларини тан олиш, талабалар миграциясини тартибга солиш, икки томонлама меҳнат келишувлари, мигрантлар пул ўтказмалари, норасмий миграция);

5) *минтақавий ва халқаро ҳамкорлик* (халқаро конвенцияларни имзолаш ва ратификациялаш, минтақавий ҳамкорлик, икки томонлама келишувлар, глобал ҳамкорлик, бошқа шерикликлар).

Ушбу мезонлар “пайдо бўлган”, “шаклланган”, “ривожланган”, “юксалган” каби тўрт даражада баҳоланади (1-жадвал).

1 -жадвал

Миграцияни тартибга солиш индекси модели

Мамлакатлар	Институционал салоҳият	Мигрант ҳуқуқлари	Хавфсиз ва тартибли миграция	Меҳнат миграциясини тартибга солиш	Минтақавий ва халқаро ҳамкорлик
Бангладеш	Шаклланган	Шаклланган	Шаклланган	Ривожланган	Юксалган
Бахрейн	Шаклланган	Шаклланган	Ривожланган	Шаклланган	Ривожланган
Гана	Ривожланган	Шаклланган	Юксалган	Пайдо бўлган	Юксалган
Германия	Юксалган	Ривожланган	Юксалган	Ривожланган	Юксалган
ЖанубийКорея	Юксалган	Ривожланган	Юксалган	Ривожланган	Юксалган
Жанубий Африка	Юксалган	Ривожланган	Ривожланган	Ривожланган	Юксалган
Италия	Ривожланган	Ривожланган	Шаклланган	Ривожланган	Юксалган
Канада	Юксалган	Ривожланган	Ривожланган	Ривожланган	Юксалган
Коста Рика	Ривожланган	Ривожланган	Ривожланган	Шаклланган	Юксалган
Марокаш	Ривожланган	Шаклланган	Шаклланган	Шаклланган	Ривожланган
Мексика	Ривожланган	Шаклланган	Шаклланган	Ривожланган	Ривожланган
Молдова	Ривожланган	Ривожланган	Юксалган	Ривожланган	Юксалган
Туркия	Юксалган	Ривожланган	Шаклланган	Ривожланган	Ривожланган
Филиппин	Юксалган	Юксалган	Юксалган	Ривожланган	Юксалган
Швеция	Ривожланган	Юксалган	Ривожланган	Ривожланган	Юксалган

Манба: The Economist Intelligence Unit. 2016. Measuring well-governed migration: The 2016 Migration Governance Index. Commissioned by IOM, London, 2017. –P.8.

Тўртинчи ёндашув – “Прага жараёни”. Европа Иттифоқи, Шенген зонаси, Шарқий шериклик, Ғарбий Балқон, Марказий Осиё, Россия ва Туркия мамлакатлари ўртасида миграцияга оид ҳамкорликни йўлга қўйиш ва маълумотлар алмашинувида қўмақловчи мақсадли мулоқот “Прага жараёни” деб ном олган. Аслида ушбу сиёсий ташаббус 2009 йил 28 апрелда Прага шаҳрида бўлиб ўтган “Миграция шериклигини куриш” мавзuidaги вазирлар конференциясининг маҳсули ҳисобланади. “Прага жараёни” тадқиқотида икки хил ёндашув алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан:

- 1) “Laissez faire”, яъни эмиграцияга нисбатан аралашмаслик ёндашуви; [13]
- 2) қоида ва стандартларни ўрнатиш орқали назорат қилиш ёндашуви.

Бундан ташқари, чет элда бандликни таъминлаш масаласини тартибга солишдаги иштирокнинг икки тури, яъни хусусий (хусусий бандлик агентликлари) ва давлат (давлат бандлик муассасалари) секторига ажратилган.

Умуман олганда, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган “Прага жараёни” лойиҳаси доирасида олиб борилган тадқиқот меҳнат миграциясини тартибга солишга кўпроқ урғу берган. Унга кўра икки хил усул орқали тартибга солиш модели шаклланиши мумкин:

- 1) мақсадли ташаббуслар орқали фуқароларни ушлаб қолиш;
- 2) чет элда бандлигини таъминлашни фаол рағбатлантириш.

Биринчи усулга эътибор берадиган бўлсак, “ушлаб қолиш” ибораси ишлатилмоқда, одатда бу ибора “чеклаш” сўзига яқинроқдир. Демак, бу ҳам “Прага жараёни”нинг юмшатовчи маъносини ифодалаш мақсадидаги ўзига хос ёндашуви ҳисобланади. Аслида анъанавий “чеклаш” сиёсати кўпроқ оммалашган, деб ўйлаймиз. Масалан, Хитойда миграция жараёнларини тартибга солишнинг (ҳуқуқий) чекловчи модели амал қилади. Яъни эркин ҳаракатланишни чеклаш каби миграция соҳасидаги қаттиқ давлат назорати мавжуд. Хитойда ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқи фуқаронинг доимий яшаш жойига боғланган. Ноқонуний йўл билан чиққанлар қайтиб келгач 6 ойгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Одам савдоси учун умрбод қамоқ ёки ҳатто ўлим жазоси тайинланади. Демак, “Прага жараёни”да келтирилган “мақсадли ташаббуслар орқали фуқароларни ушлаб қолиш” унчалик ҳам

“прописка институти билан чекланган” Хитой моделига мос келмайди. Чунки ўрнатилган прописка тартиби яшаш, ўқишга ва ишга жойлашиш, хусусий яшаш жойига эгалик қилиш учун маъмурий органлардан рухсат олишни талаб этади. [14] Ушбу чекловни инсон ҳуқуқларини бузиш деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ “Прага жараёни”даги “чет элда бандликни таъминлашни фаол рағбатлантириш” модели мавжуд воқеликка кўпроқ тўғри келади.

Фикримизча, юқорида таҳлил қилинган миграция соҳасидаги давлат сиёсати моделлари хусусидаги ёндашувлар қуйидаги хулосани чиқариш ва таснифлашга асос бўлади:

биринчидан, давлат томонидан миграция жараёнларини тартибга солиш моделлари соҳага оид давлат бошқарувининг ташкилий-институционал ва норматив-ҳуқуқий жиҳатлари нуқтаи-назаридан таснифланмаганлиги ва тадқиқ этилмаганлигига ишонч ҳосил қилдик. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, эмиграция ва иммиграцияга оид умумий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг институционал ёндашув жиҳатидан тўрт моделга ажратишимиз мумкин:

1) **алоҳида давлат органи** (Масалан, Озарбайжон [15] , Қирғизистон [16] ва Туркменистонда [17] Миграция давлат хизмати, Грецияда Миграция сиёсати вазирлиги [18] томонидан миграция жараёнлари тартибга солиниши;

2) **бирлашган масалалар бўйича давлат органи** (Масалан, Тожикистонда Меҳнат, миграция ва аҳоли бандлиги вазирлиги [19], Испанияда Меҳнат, миграция ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги) томонидан миграция жараёнлари тартибга солиниши;

3) **бирор давлат органи ҳузуридаги тузилма** (Масалан, Исландияда Адлия вазирлигининг Иммиграция директорати [20], Молдовада Ички ишлар вазирлиги(ИИВ)нинг Миграция ва бошпана бўйича бюроси [21], Марокаш Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ)нинг миграция ишлари бўйича хизмати [22] томонидан миграция жараёнлари тартибга солиниши;

4) **миграция жараёнлари тартибга солиниши учун ижро ҳокимиятининг марказлашган органининг мавжуд эмаслиги** (Монако, Сан Марино, Лихтенштейн, Мальта).

Мазкур моделларнинг дастлабки учтаси кўп тарқалган бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, демографик, сиёсий, ҳуқуқий ва географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланган. Бироқ шундай давлатлар ҳам борки, миграция жараёнлари тартибга солиниши учун ижро ҳокимиятининг марказлашган органи мавжуд эмас. Аксинча, ушбу функция давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари орқали бевосита ёки билвосита амалга оширилиши мумкин. Албатта, ушбу тўртинчи моделни танлашга мамлакатда миграция масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмаганлиги, аҳоли сонининг жуда камлиги, географик жиҳатдан кичик ёки амалиётда, ҳақиқатдан ҳам, мазкур тоифадаги ўлкаларда аҳоли кўчиши жуда паст даражадалиги сабаб бўлиши мумкин. Ўз навбатида ушбу тақлиф этаётган моделни *ташкилий жиҳатларига кўра* миграция жараёнларини тартибга солишнинг марказлашган вертикал ва номарказлашган горизонтал кўринишларига бўлиш мумкин.

Марказлашган вертикал бошқарувда муайян давлат органи миграция соҳасидаги ягона сиёсатини олиб боради. Бунга Миграция бўйича давлат хизмати, вазирлик ёки қўмиталар киради. Уларнинг ваколатлари миграция масаласини тўлиқ қамраб олади. Юқоридан (республика даражасидан) қуйига (худудий даражага) қараб бошқарув амалга оширилади, жойларда ушбу хизматнинг бошқармалари, бўлим ёки бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Номарказлашган горизонтал бошқарувда миграция соҳасидаги ягона сиёсат бир бутунлигича эмас, балки бир пайтнинг ўзида миграциянинг турли йўналишларга ва соҳаларга ажратган тарқоқ ҳолда бир қатор давлат идоралари ваколат доирасига киритилади. Бироқ уларнинг худудий даражадаги бўлим ёки бўлинмаларининг фаолияти кутилганидек самарали ҳисобланмайди.

Иккинчидан, фикримизча, эмиграция нуқтаи-назаридан, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар миграция жараёнларини тартибга солишда давлатнинг миграция жараёнларига нисбатан ўзаро таъсирига кўра асосий уч концепцияга бўлиш мумкин:

1. Фаол тартибга солиш концепцияси (хукукий, маъмурий, иқтисодий каби турли воситалар орқали миграция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши);

2. Аралашмаслик концепцияси (ташқи миграция жараёнларига давлат таъсирининг пастлиги ёки мавжуд эмаслиги);

3. Истиқболга мўлжалланган концепция (миграция жараёнларини тартибга солиш муаммолари фақатгина келажакда ва халқаро даражада ҳал этилиши мумкинлиги).

Учинчидан, “Прага жараёни”даги фикрларга қўшимча равишда, *сиёсий жиҳатида кўра* миграция жараёнларини тартибга солишнинг рағбатлантирувчи ва чекловчи моделларининг синтези сифатида аралаш моделлари ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий миграция жараёнларини тартибга солишнинг аралаш модели қуйидаги олтита асосий мезонни ўзида мужассам этиши лозим:

1. Миграция ҳуқуқининг конституциявий кафолатланганлиги;

2. Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги;

3. Мамлакатнинг миграция бўйича халқаро ташкилотлар ҳамжамиятига интеграциялашганлиги;

4. Миграция соҳасидаги давлат сиёсатининг мавжудлиги;

5. Миграция сиёсати бўйича ягона ихтисослашган органнинг мавжудлиги;

6. Миграцияни тартибга солишга қаратилган замонавий маъмурий усуллардан фойдаланилганлиги.

Демак, Ўзбекистон шароитида, миграция жараёнларини тартибга солиш моделини танлашда, юқорида шакллантирган 6 та мезон қонидасига асосланган ва ўзига хос *замонавий аралаш моделдан* фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, миграция жараёнларини тартибга солишда рационаллик (маъқуллиги), иқтисодий фойда, ижтимоий хавфсизлик (маданий-диний ва этно миллий) ва ҳуқуқий таъминланганлик каби 3 асосий талаб, шунингдек юқорида санаб ўтилган 6 та мезон мужассам бўлса, энг мақбул вариант аралаш модель ҳисобланади. Чунки рағбатлантирувчи ва чекловчи модель ҳам ноқонуний миграцияни авж олишига олиб келади. Шу боис, иккала модель ўртасидаги мувозанатни сақлашнинг ягона йўли юқоридаги талаб ва мезонларнинг бир жойда жам бўла олишидир.

Хулоса қилиб айтганда, миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишда қабул қилинган қонунлар ҳамда ҳуқумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар мамлакатдаги миграция сиёсатини ҳаётга самарали тадбиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. UN Department of Economic and Social Affairs // URL: <https://esa.un.org/poppolicy/about/database.aspx>; www.un.org/en/development/desa/population/publications/policy/international-migrati on-policiesreport-2013.shtml

2. Determinants of International Migration // University of Oxford // URL: www.imi.ox.ac.uk/data/demig-ata/demig-policy-1.

3. Migration Governance Indicators // IOM / Economist Intelligence Unit // URL: <https://gmdac.iom.int/migration-governance-indicators>.

4. Immigration Policies in Comparison // Berlin Social Science Centre // URL: <https://bibliothek.wzb.eu/pdf/2016/vi16-201.pdf>.

5. International Migration Policy and Law Analysis // Collaboration of several Universities // URL: www.impaladatabase.org/.

6. The Migration Integration Policy Index // Barcelona Centre for International Affairs / Migration Policy Group // URL: <http://www.mipex.eu/>.

7. Alba, Richard, and Nancy Foner. “Mixed Unions and Immigrant-Group Integration in North America and Western Europe.” *The ANNALS of the American Academy of Political and Social Science*, vol. 662, no. 1, Nov. 2015, p 38-56.

8. Boucher, Anna. *Gender, Migration and the Global Race for Talent*. Manchester University Press, 2016. p 256.

9. Adamson, Elizabeth. Nannies, Migration and Early Childhood Education and Care: An International Comparison of in-Home Childcare Policy and Practice. 1st ed., Bristol University Press, 2017.p 39-56
10. Wahba, Jackline. Selection. : the Impact of Return Migration. Journal of Population Economics, vol. 28, no. 3, 2015. P 535-563
11. La migration et le Programme 2030. Un guide à l’usage des praticiens. Organisation internationale pour les migrations, 2018. – P .64.
12. Cadre de gouvernance des migrations. Conseil de l’OIM, Cent sixième session, C/106/RES/1310. 4 décembre 2015 // URL: <https://governingbodies.iom.int/system/files/en/council/106/C-106-RES-1310%20MIGOF.pdf> (мурожаат вақти: 12.07.2018).
13. Murphy, Eileen, and Mark Maguire. Speed, Time and Security: Anthropological Perspectives on Automated Border Control. Etnofoor, vol. 27, no. 2, 2015, pp. 157–177.
14. Yimin Huang, Rongwei Chu, and Junjun Cheng. Exploring Life Satisfaction Among Subsistence Migrant Consumers: A Case in China. Journal of Public Policy & Marketing, 2019, Vol. 38(1). – P. 96-109.
- 15.State Migration Service of the Republic of Azerbaijan // URL: <https://migration.gov.az/> (мурожаат вақти: 30.11.2018).
16. Государственная служба миграции при Правительстве Киргизской Республики // URL: <http://ssm.gov.kg/>
17. Государственная миграционная служба Туркменистана // URL: <http://migration.gov.tm/ru/gosudarstvennaya-migratsionnaya-sluzhba-turkmenistana/>
18. Hellenic Ministry of Migration Policy // URL: <http://www.immigration.gov.gr/home> (мурожаат вақти: 11.09.2018).
- 19.Министерство труда, миграции и занятости населения Республики Таджикистан// URL:<http://mehnat.tj/mehnat/>
20. The Icelandic Directorate of Immigration under the Ministry of Justice // URL: <https://www.utl.is/index.php/en/>
21. Bureau for Migration and Asylum under the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Moldova// URL: <http://bma.gov.md/en>
22. Ministère Délégué Chargé des marocains résidant à l'étranger et des Affaires de la Migration //URL: <https://marocainsdumonde.gov.ma/>

**O‘ZBEKISTONDA SAMARALI BANDLIKNI TAMINLASHLASHNING USTUVOR
YO‘NALISHLARI**

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ
ЗАНЯТОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

PRIORITY AREAS OF ENSURING EFFECTIVE EMPLOYMENT IN UZBEKISTAN

Mambetjanov Qahramon Qurbandurdievich

O‘zbekiston Milliy univertiteti iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bahromov Shahzod Fazliddinovich

O‘zbekiston Milliy univertiteti 1-bosqich talabasi

Annotatsiya

Ushbu maqolada O‘zbekistonda mehnat bozorini rivojlantirish va ishsizlik muammolarini hal etishning ustuvor yo‘nalishlari o‘rganilgan. Shuningdek, mehnat resurslari konfiguratsiyasidagi o‘zgarishlar, aholining mehnat bozoridagi iqtisodiy xulq-atvori, respublikada samarali bandlikni tartibga solishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish bo‘yicha ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: mehnat bozori, bandlik, ishsizlik, landshaft, gender, iqtisodiy o‘shish, COVID-19, tadbirkorlik.

В данной статье рассматриваются приоритетные направления развития рынка труда и решения проблем безработицы в Узбекистане. Также разработаны научные предложения и практические рекомендации по изменению конфигурации трудовых ресурсов, экономического поведения населения на рынке труда, совершенствованию экономического механизма эффективного регулирования занятости в республике.

Ключевые слова: рынок труда, занятость, безработица, ландшафт, гендер, экономический рост, COVID-19, предпринимательство.

This article discusses priority areas for the development of the labor market and solving unemployment problems in Uzbekistan. Scientific proposals and practical recommendations have also been developed for changing the configuration of labor resources, the economic behavior of the population in the labor market, and improving the economic mechanism for effectively regulating employment in the republic.

Key words: labor market, employment, unemployment, landscape, gender, economic growth, COVID-19, entrepreneurship.

Bandlikni ta‘minlash muammosi har qanday davlatning barqaror iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishining asosiy vazifalaridan biridir. Ko‘pgina mamlakatlarda bo‘lgani kabi O‘zbekistonda ham aholi bandligini ta‘minlash bilan bog‘liq qator muammolar mavjud bo‘lib, ularni hal etishning tizimli yondashuv va bo‘yicha samarali chora-tadbirlar ko‘rishni taqozo etadi.

Tanlangan mavzuning dolzarbligi mamlakatda bandlik darajasini oshirish, fuqarolarning hayot sifatini yaxshilash, ijtimoiy tengsizlikni va qashshoqlikni kamaytirish zarurati bilan izohlanadi. Bundan tashqari, aholi bandligini samarali ta‘minlash va barqaror iqtisodiy o‘shishga erishish, inson kapitalini rivojlantirish va ijtimoiy barqarorlikni ta‘minlashga xizmat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi PQ-300-son "O‘zbekiston - 2030" strategiyasini 2023-yilda sifatli va o‘z vaqtida amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi Qaroriga ko‘ra, 2023-yil 1-oktyabrdan boshlab og‘ir hayotiy vaziyatga

tushgan yoki tushish xavfi yuqori bo‘lgan har bir oila bo‘yicha alohida “ijtimoiy xizmat ishi”ni yuritish tartibi amaliyotga joriy etildi. Bunda, ushbu oilalarda sharoitni yaxshilash, moddiy yordam berish kabi ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish nazarda tutilmoqda.

Shuningdek, xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish, ularga o‘z salohiyatini to‘laqonli ro‘yobga chiqarishi uchun qo‘shimcha shart-sharoitlarni yaratish maqsadida 2024-yil 1-yanvardan boshlab og‘ir ijtimoiy ahvolga tushib qolgan xotin-qizlarni qayta kasbga tayyorlash xarajatlarini davlat tomonidan qoplab berilishi ko‘zda tutilgan[1]. Yuqoridagi holatlar ushbu tadqiqot mavzusining naqadar dolzarb ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatadi.

Ushbu tadqiqot maqsadi O‘zbekistonda aholi bandligini ta‘minlash muammosini o‘rganish va uni samarali hal etish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Ushbu maqsadga erishish uchun hal qilinishi kerak bo‘lgan vazifalar:

- O‘zbekistonda bandlikning hozirgi holatini tahlil qilish;
- mamlakatda bandlik va ishsizlik darajasiga ta‘sir etuvchi omillarni o‘rganish;
- aholi bandligini ta‘minlash bo‘yicha davlat dasturlari va chora-tadbirlari samaradorligini baholash;

- O‘zbekistonda bandlik tizimini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqish;

Iqtisodiyot fanining mashhur xorijlik namoyandalari J.M.Keyns, T.R.Maltus, J.B.Sey va boshqa olimlarning asarlarida mehnat bozori va aholining ish bilan bandligini tartibga solishning nazariy asoslari tadqiq etilgan[2; 3; 4].

Samarali bandlikni ta‘minlashning ustuvor yo‘nalishlari MDH mamlakatlari iqtisodchi olimlari, M.A.Karataban, E.G.Kamenov, I.E.Zolin, ilmiy ishlarida tadqiq etilgan. Ular o‘z ilmiy tadqiqotlarida ishlarida ishsizlik muomolarini hal qilish, korxonalarda kadrlar siyosatini ishlab chiqish, inson omiliga qaratilgan strategiyalarni yaratish, korxonalarda mehnat munosabatlarini takomillashtirish masalalariga ko‘proq e‘tibor qaratishgan[5; 6; 7].

O‘zbekistonda aholini ish bilan bandligini ta‘minlash, xususiy bandlik agentliklari faoliyatini rivojlantirish, mehnat bozori infratuzilmasini takomillashtirish muammolari A.C.Bozorova, D.A.Nasimov, Q.X.Abduraxmonov va boshqalarning ilmiy ishlarida o‘z ifodasini topgan[8; 9; 10].

Hozirgi kungacha bo‘lgan tadqiqot natijalarining ilmiy ahamiyati shuni ko‘rsatadiki, ularning aksariyati aholini ish bilan bandligini oshirish asosida kambag‘allik va ishsiz aholi sonini kamaytirishga qaratilgan. Biroq, xodimlarni tanlash jarayonini ularga oldindan uslubiy yordam ko‘rsatish, talabgorlarga bo‘sh ish o‘rinlarini topishga ko‘maklashish, istiqbolli kasblarni egallashni oldindan tashkil qilish va mehnat bozorida boshqa xizmat ko‘rsatuvchi nodavlat tashkilotlari faoliyatini huquqiy-iqtisodiy jihatdan tartibga solish kabi masalalar tadqiq etilmagan.


Belgilangan maqsad va vazifalarga erishish uchun turli tadqiqot usullari, jumladan, statistik tahlil, ekspert baholash, tavsiflash, qiyosiy tahlil, umumlashtirish va tizimli yondashuv usullaridan foydalanildi.

O‘zbekiston Respublikasida mustaqillikka erishganidan so‘ng bandlik darajasini oshirishga katta e‘tibor qaratildi. Shu o‘rinda ta‘kidlash joizki, hozirgi kunda davlatimizning turli hududlarida (12 ta viloyat, Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Toshkent shahri) olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar o‘z natijasini bermoqda. Lekin ushbu sohada qo‘lga kiritilayotgan natijalar turli hududlarda bir-biridan farqlanadi.

So‘ngi yillarda davlatning tarkibiy o‘zgarishida hududlarning roli sezilarli darajada oshdi. Respublika hududlaridagi bandlik darajalari o‘rtasidagi nisbatdan ham ko‘rish mumkin (1-rasm).

O‘zbekiston Respublikasida band bo‘lgan aholining mehnatga layoqatli aholiga nisbati taxminan 0,68 yoki 68 foizni tashkil etishi mamlakat mehnat bozori va uning o‘zgarish dinamikasi bir qator mulohazali holatlarni keltirib chiqardi. 2022-yilda Toshkent shahrida (83%), Toshkent viloyatida (71%), Surxondaryo viloyatida (64%), Samarqand viloyatida (65%) va boshqa hududlarda ham shunga o‘xshash ko‘rsatkichlar qayd etilgan. Eng past ko‘rsatkichlar Qoraqalpog‘iston Respublikasi (60%) va Qashqadaryo viloyatiga (61%) to‘g‘ri kelmoqda. Bunga asosiy sabab respublikaga jalb qilinayotgan investitsiyalardagi taqsimotning no‘tog‘ri amalga

oshirilganidan dalolat beradi. Investitsiylarning katta qismi Toshkent shahar va Toshkent viloyatiga to‘g‘ri kelmoqda.



1-rasm. 2000-2022 yillarda band aholi sonining mehnatga layoqatli yoshdagi aholi soniga nisbati (hududlar kesimida, foizda) [11].

Respublikada hozirgi kungacha aholi bandligi muommasini hal qilish borasida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Ular quyidagilar:


- “O‘zbekiston-2030” strategiyasining 32-maqsadida “Mehnatga layoqatli aholini, shu jumladan yoshlar va nogironligi bo‘lgan shaxslarni barqaror va samarali bandligini ta’minlash orqali ishsizlik darajasini 7 foizgacha tushirish”;
- 56-maqсадida esa “Oilaviy tadbirkorlik asosida bandlikni ta’minlashda oddiy “qo‘l mehnati”dan sanoatlashgan ishlab chiqarish bosqichiga o‘tish, uskuna sotib olish uchun imtiyozli kredit miqdorini 100 million so‘mgacha oshirish”;
- mehnat bozorida ayol va erkaklar o‘rtasidagi teng huquqlilikka erishish va mehnat migratsiyasidan qaytib kelgan shaxslarni reintegratsiya qilish, shu jumladan bandligini ta’minlash bo‘yicha faoliyatlarini amalga oshirilish [12].

Ishsizlik inson manfaatlariga to‘g‘ridan to‘g‘ri ta’sir qiladigan yirik ijtimoiy-iqtisodiy muammolardan biri hisoblanadi. Ish joyini yo‘qotish ko‘p kishilar uchun oilaviy turmush darajasining pasayishini, shaxsiy hayotining notinchligini keltirib chiqaradi, kishiga jiddiy ruhiy ta’sir ko‘rsatadi. O‘zbekistonda 2022-yil ishsizlik darajasi 9.6 foizni tashkil etgan.

Fevral oylarida ishsizlik darajasi 8,8 foizni tashkil etib, o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 0,9 foizga kamaygan. 2022-yilning 1-iyun holatida mehnat resurslari soni 19 644,1 ming kishini tashkil etib, 2021-yilning shu davriga nisbatan 100,8 foizga yoki 153,7 ming kishiga oshgan [13]: (2-rasm)

O‘zbekistonda oxirgi yillarda ishsizlik darajasi nisbatan yuqori bo‘lgan. Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, 2020-yilda O‘zbekistonda ishsizlik darajasi 9,2 foizni tashkil qilgan, bu 2019-yildagi 5,1 foizdan sezilarli o‘sisdir. Bu o‘sisni COVID-19 pandemiyasining iqtisodiy ta’siri, shuningdek, mamlakatdagi tarkibiy muammolar bilan izohlash mumkin. 2022-yil bu ko‘rsatkich sezilarli darajada pasaydi va bu muammolarni hal qilish uchun turli chora-tadbirlarni amalga oshirmoqda.

Bu chora-tadbirlarga xorijiy sarmoyalarni jalb etish va ish o‘rinlari yaratishga qaratilgan iqtisodiy islohotlar, tadbirkorlikni rivojlantirish, kasb-hunar ta’limi va kasb-hunar ta’limi tizimini takomillashtirishga qaratilgan tashabbuslar kiritilgan.



2-rasm. 2000-2022 yillarda Ishsizlik darajasi (hududlar kesimida, foizda) [11]

So‘nggi yillarda Respublikada aholi bandligiga juda katta e’tibor berilmoqda va bandlar soni oshmoqda. Yillar davomida iqtisodiy faol va ish bilan band aholi o‘rtasidagi tafovut yiriklashib bormoqda, bunga sabab qilib, iqtisodiy faol aholining demografik tarkibi, jumladan, yoshi, jinsi va mintaqaviy taqsimoti kabi omillar tafovutning kengayishiga yordam berishi mumkin. Ayrim demografik guruhlar turli xil ijtimoiy, madaniy yoki iqtisodiy omillar tufayli ish bilan ta’minlashda to‘siqlarga duch kelmoqda, bu esa ish qidirayotganlar va imkoniyatlarni topayotganlar o‘rtasidagi nomutanosiblikka olib keladi, natijada iqtisodiy faol, ammo ishsizlar soni ko‘payadi (1-jadval).

1-jadval

2010-2022 yillarda mehnat bozori (ming kishi) [11]

Ko‘rsatkichlar	2010	2015	2020	2022
Iqtisodiy faol aholi	12286,6	13767,7	14797,4	15038,9
Ish bilan band aholi	11628,4	13058,3	13236,4	13706,2
<i>Shu jumladan: iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha</i>				
Qishloq, o‘rmon va baliq xo‘jaligi	3118,1	3601,7	3499,2	3438,7
Sanoat	1605,7	1768,7	1809,5	1810,6
Qurilish	1033,7	1222,2	1305,6	1314,3
Savdo	1235,6	1413,8	1405,4	1525,2
Tashish va saqlash	509,9	614,7	610,5	633,1
Ta’lim	1102,0	1105,3	1158,2	1268,7
Sog‘liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar	596,2	601,5	669,5	671,3
Boshqa turlari	2427,2	2730,4	2778,5	3044,3
<i>Ish bilan band aholini mulkchilik turlari bo‘yicha taqsimlash</i>				
Davlat sektori	2410,2	2341,3	2483,1	2540,0
Nodavlat sektori	9218,2	10717,0	10753,3	11166,2
Mehnat idoralarida ro‘yxatdan o‘tgan ishsizlar	16,2	2,7	37,1	49,0

Hozirgi kunda iqtisodiy faol aholining 91% ish bilan band bo‘lib, 11166,2 ming kishi nodavlat sektoriga to‘g‘ri keladi. Umuman olganda bandlar soni yildan yilga oshib bormoqda. 2010-yilda umumiy iqtisodiy faol aholisoni 12286,6 ming kishini tashkil qilgan bo‘lsa 2022-yilga kelib 15038,9 ming kishiga yetgan. Turli iqtisodiy tarmoqlarda ham o‘shish tendentsiyasini kuzatish

mumkin. Jumladan, qishloq, o‘rmon va baliq xo‘jaligi 2010-yilda 3118,1 ming kishi 2022-yilda esa 3438,7 ming kishi, savdo sohasida esa 1235,6 ming kishidan 1525,2 ming kishiga yetgan va boshqa tarmoqlarda ham huddi shu holatni namoyon etmoqda. Ish bilan bandlar soni davlat va nodavlat sektorlarga ajratish va o‘shirish sur‘atlarini namoyon qilgan, ayniqsa nodavlat sektorida bandlar 2022-yilda 21% ga oshgan (2010-yilga nisbatan). Bunga sabab qilib, chet eldan kirib kelayotgan investitsiyalar va xususiy korxonalarining ochilishini misol qilib ko‘rsatish mumkin.

Yuqorida amalga oshirilgan tahlillar va taqiqotlar natijasida O‘zbekistonda ish o‘rinlarini tashkil etish sohasidagi davlat siyosati ishsizlikni qisqartirish va aholining ijtimoiy zarur mehnat bilan bandligini ko‘paytirish bo‘yicha xorijiy davlatlar singari aniq usullar asosida ishlab chiqilishi kerak.

Buning uchun quyidagi tadbirlarga e‘tibor qaratish zarur:

- kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni investitsion faollikni rag‘batlantirish asosida shart-sharoitlar yaratish va subsidiyalar ajratish;

- O‘zbekistonda talabalar va yoshlar uchun mutaxassislik sohasida ta‘lim tizimini rivojlantirish, yirik tadbirkorliklar, oliy ta‘lim muassasalari bilan hamkorlikda oliy o‘quv yurtlarini yaratish, yangi kasbga yo‘naltirilgan dasturlarni tuzish va tadbirkorlik sektori bilan integratsiyalashish orqali yoshlar o‘rtasidagi bilimni oshirishni ta‘minlash;

- zamonaviy texnologiyalarni qo‘llash va ularga sarmoya kiritish juda muhim. Axborot texnologiyalari, sun‘iy intellekt va avtomatlashtirish kabi sohalarda malakali ishchi kuchini rivojlantirish samaradorlikni oshirishi va yuqori sifatli ish o‘rinlarini yaratish;

- ishsiz davrida shaxslarni qo‘llab-quvvatlash uchun ijtimoiy xavfsizlik tarmoqlarini yaratish yoki mustahkamlash. Bu ishsizlik nafaqalari, qayta tayyorlash dasturlari va ishni yo‘qotishning odamlar va oilalarga ta‘sirini yumshatish uchun boshqa choralarni o‘z ichiga olishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni “O‘ZBEKISTON — 2030” strategiyasi to‘g‘risida” PF-158-son 2023-yil 11-sentabr <https://lex.uz/uz/docs/-6600413>
2. Keynes J.M. The General of Employment, Interest and Money. – International Relations and Security Network Primary Resours. ISN.Zurich. February.1936.-190 p.
3. Малтус. Т.Р. Опыт закона о народонаселении: научнопопулярное издание. Москва: Директ Медиа. 2014. -199 С.
4. Сей Ж.Б. Трактат по политической экономии / Сост., вступ.ст. и коммент. Бункиной М.К и Семенова.А.М -М.: Дело: Акад.нар.хозяйства при Правительстве Российской Федерации. 2000; Ehrenberg G.R.
5. Каратабан М.А. Управление трудовым потенциалом в ресурсном обеспечении развития экономики региона. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук. - Майкоп 2003.
6. Каменев И.Г. Социально-трудовые инновации как основа управления трудовыми ресурсами старших возрастов. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук. - Москва – 2015.
7. Золин И.Е. Рынок труда и занятость населения в современной экономике. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук. - Нижний Новгород 2001 год.
8. Бозорова С.А. Аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишда рекрутинг агентликларининг ўрни. И.ф.д. (PhD) дисс.си автореферати, Т.: TDIU-2022
9. Nasimov D.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida bandlikning zamonaviy shakllarini joriy etish metodologik-uslubiy asoslarini takomillashtirish. I.f.d. (DSc) diss.si avtoreferati, T.: SamDU – 2020
10. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: Fan, 2019.
11. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>
12. O‘zbekistonda ishsizlik darajasi – O‘zbekiston yangiliklari – Gazeta.uz

IQTISODIY O‘SISHNING INSTITUTSIONAL JIHATLARI.

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА.

INSTITUTIONAL ASPEKTS OF EKONOMIC GROWTH

Kariyeva L.S.
TDTU dotsenti

Annotatsiya

Maqolada iqtisodiy o‘shni o‘rganishdagi nazariy yondashuvlarning ilmiy amaliy ahamiyati ochib berilgan va iqtisodiy o‘shni institutsional jihatlar ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: iqtisodiy o‘sh, institutsionalizatsiya, investitsiyalar, yalpi talab, dinamik muvozanat, milliy daromad, mehnat, kapital, daromad, jamg‘arma

В статье раскрыта научно-практическая значимость теоретических подходов к изучению экономического роста и рассмотрены институциональные аспекты экономического роста.

Ключевые слова: экономический рост, институционализация, инвестиции, совокупный спрос, динамическое равновесие, национальный доход, труд, капитал, доход, сбережения

The article reveals the scientific and practical significance of theoretical approaches to the study of economic growth and examines the institutional aspects of economic growth.

Key words: economic growth, institutionalization, investment, aggregate demand, dynamic equilibrium, national income, labour, capital, income, saving

Iqtisodiy o‘sh - bu ma’lum bir davrda mehnat mahsuloti ishlab chiqarish hajmining qiymati o‘sadigan iqtisodiy tizimning holati. Potentsial va real yalpi ichki mahsulotning (YaIM) o‘shini mamlakatning iqtisodiy qudratining oshishiga olib keladi. Iqtisodiy o‘shning miqdoriy tavsifi iqtisodiy jarayonning rivojlanishining faqat bir tomonini ochib beradi. Davom etayotgan o‘zgarishlarning umumiyligini baholash uchun yangi texnologik tuzilma sharoitida shaxsiy va moddiy ishlab chiqarish omillarini takomillashtirish, raqamli asosda rivojlanayotgan boshqaruv shakllari, tartibga solish rolini o‘zgartirish bilan bog‘liq iqtisodiy hodisalarning sifat o‘zgarishlarini aniqlash kerak. Bu bizga iqtisodiy o‘shni ijtimoiy mahsulot va uni ishlab chiqarish omillarining miqdoriy o‘shini va sifat jihatidan yaxshilanishi sifatida tavsiflash imkonini beradi.

Iqtisodiy o‘shni o‘rganishga ilmiy-nazariy yondashuvlar Iqtisodiy o‘sh takror ishlab chiqarish jarayonining eng muhim tarkibiy qismidir. Bir tomondan, iqtisodiy o‘sh mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasini va uning rivojlanish istiqbollari, ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish darajasini va aholining turmush darajasini belgilaydi. Boshqa tomondan, iqtisodiy o‘sh davlatning dunyoning boshqa mamlakatlari orasidagi o‘rnini, jahon iqtisodiy tizimidagi raqobatbardoshligini belgilaydi. Iqtisodiy o‘shga erishish ishlab chiqarishning turli tarmoqlariga investitsiyalar oqimini ta’minlashda davlatning tartibga soluvchi roli bilan bog‘liq.

1930-yillarda J. M. Keyns siyosiy iqtisodning neoklassik yo‘nalishini tanqidiy ko‘rib chiqib, fiskal va pul-kredit usullari orqali tartibga solinadigan yalpi talab aholining to‘liq bandligini ta’minlaydi, deb ta’kidlaydi. Makroiqtisodiy muvozanat modeli Keynsning iqtisodiy o‘sh nazariyasiga asoslanadi, bu esa xo‘jalik yurituvchi sub'ektlarning umumiy xarajatlarini oshirishni nazarda tutadi. Ushbu nazariyaning izdoshi E. Domar dinamik muvozanat holatini ifodalovchi modelni ishlab chiqdi: agar investitsiyalarning o‘sh sur‘ati kapitalning marjinal unumdorligi va jamg‘armaga marjinal moyillik mahsulotiga teng bo‘lsa, iqtisodiy o‘sh muvozanat bo‘ladi [1].

Investitsion tadbirkorlik talabining beqarorligini hisobga olgan holda, dinamik muvozanatning barqarorligiga erishish uchun davlat tomonidan tartibga solish usullaridan foydalanish talab etiladi. Dinamik muvozanatning barqarorligi faqat tadbirkorlarning investitsiya talabiga bog‘liq bo‘lib, Keynes kontsepsiyasiga ko‘ra beqaror, shuning uchun davlat aralashuvisiz dinamik muvozanatga erishish mumkin emas. Bunday holda, investitsiyalarni ko‘paytirish tezligini aniqlash uchun multiplikatorni hisoblash kerak. Ushbu qoidalarni ishlab chiqish R. Harrod, milliy daromadning o‘shishini ta‘minlash uchun investitsiyalarning o‘shishini aniqlash uchun tezlatgich nazariyasini asoslab berdi [2]. 1956 yilda. R. Solou bu yondashuvlarni birlashtirib, ularni Harrod-Domar modeli deb atadi. Keynschilikni o‘rganar ekan, Solou mukammal raqobat, narxlarning moslashuvchanligi, ishlab chiqarish omillarining o‘zaro almashinishi va to‘liq bandlik tahliliga asoslangan iqtisodiy o‘shish modelini yaratdi [3].

Jamiyat taraqqiyotining besh bosqichini: an‘anaviy jamiyat (iqtisodda qishloq xo‘jaligi ustunlik qiladigan agrar jamiyatlar va jamiyatda sinfiy tuzilma); o‘tish davri jamiyati (tadbirkorlikning paydo bo‘lishi, davlatlarda hokimiyatning markazlashuvi); sanoat inqiloblari natijasida yuzaga kelgan «sdviga» bosqichi; ilmiy-texnikaviy inqilob yutuqlaridan foydalanish va urbanizatsiya jarayoniga asoslangan «svelolik» bosqichi; «yuqori ommaviy iste‘mol davri», xizmat ko‘rsatish sohasining iqtisodiyotdagi rolining sezilarli o‘shishi bilan bog‘liqligini belgilab beruvchi U.Rostou iqtisodiy o‘shish nazariyasiga katta hissa qo‘shdi. 1971 yilda o‘zining “Siyosat va o‘shish bosqichlari” asarida u insonning ma‘naviy rivojlanishiga asoslangan “hayot sifatini izlash” bosqichini qo‘shdi.

Iqtisodiy o‘shish nazariyasiga Amerika ishlab chiqarish sanoatida ishlab chiqarilgan mahsulotlar hajmi uchun mehnat va kapital ta‘sirini ko‘rsatgan Kobb va Duglas ham muhim hissa qo‘shdilar. Ular $Q = A \times K^\alpha \times L^\beta$ foydalilik funksiyasini (ishlab chiqarish funktsiyasi) taklif qildilar, bu yerda A - texnologik koeffitsient, $\alpha \geq 0$ - mehnat elastikligi koeffitsienti, $\beta \geq 0$ - koeffitsient kapital egiluvchanligidir.

Xususan, R.A.Mandell foiz stavkasi va milliy valyutaning real kursini moslashtirish orqali kredit va valyuta vositalaridan foydalanish asosida bir vaqtning o‘zida ichki va tashqi muvozanatga erishishga intilayotgan iqtisodiy tizimni ko‘rib chiqadi [4]. Ushbu model IS – LM egri modeliga yaqin bo‘lib, uning asoslari D.R. Hiks [5]. Valyuta munosabatlarini o‘rganish, R. Dornbusch valyuta kursining qisqa muddatli tebranishlari bo‘ysunadigan naqshlarni hisobga olgan holda iqtisodiy o‘shish modelini yaratdi [6].

D.S. Mill konsepsiyasiga ko‘ra, iqtisodiy o‘shish va kapital to‘planishi o‘zining ichki cheklovlariga ega. Iqtisodiy o‘shish daromadlar va jamg‘armalarning o‘shishini keltirib chiqaradi, ular investitsiyalarga aylanadi, kapitalning yanada to‘planishi, ishlab chiqarishning va natijada daromad va jamg‘armalar o‘shishi olib keladi. Biroq, kapitalning ko‘payishi kapital bozorida raqobatni kuchaytiradi. Bu esa foyda va foiz stavkalarining pasayishiga olib keladi [7]. Foyda darajasining to‘planishi va pasayishi o‘rtasidagi bu qarama-qarshilik davlat tomonidan tartibga solish ta‘sirini talab qiladi.

Darhaqiqat, Fleming milliy va jahon iqtisodiyoti o‘rtasidagi samarali aloqalarni ta‘minlovchi savdo siyosati tizimi va moliya-bank tizimi ko‘rinishidagi o‘ziga xos infratuzilmani yaratish orqali iqtisodiyotda institutsional o‘zgarishlar zarurligini nazariy asoslab berdi. Iqtisodiyot olimlarining iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash muammosini hal etishga ilmiy-nazariy yondashuvlarining qisqacha tahlili davlat tomonidan tartibga solish vositalari, pul-kredit va byudjet vositalaridan foydalanish zarurligini ko‘rsatadi.

Iqtisodiy o‘shishning tabiati cheklangan ishlab chiqarish resurslari va ijtimoiy ehtiyojlarning cheksiz o‘shishi o‘rtasidagi iqtisodiy ziddiyatni hal qilishdir. Iqtisodiy o‘shish shartlari va resurslariga quyidagilar kiradi: iqtisodiy salohiyat; moddiy-texnika bazasining holati; intellektual resurslar; yangi texnologik tuzilma yutuqlaridan foydalanish; ishlab chiqarish tuzilmasi; integratsiya, hamkorlik va ixtisoslashuv; tabiiy resurslar; davlat iqtisodiy siyosatining samaradorligi va boshqalar. Ta‘kidlash joizki, iqtisodiy o‘shish sharoitlari mamlakat uchun mavjud imkoniyatlar, uning iqtisodiy salohiyati, ishlab chiqaruvchi kuchlarning rivojlanish darajasi va tegishli ishlab chiqarish munosabatlarini ifodalaydi. Muhim shart - ishlab chiqarish omillarini amalga oshirish

imkonini beruvchi mulkchilik shakllaridan samarali foydalanish, bu nazariy iqtisod masalalaridan biridir [8]. O‘zbekiston MDH mamlakatlari ichida birinchilar qatorida iqtisodiy o‘shish fazasiga o‘tdi, joriy yilda iqtisodiy o‘shish sur‘ati 6 foizni tashkil qilib, O‘zbekiston iqtisodiy o‘shish sur‘ati bo‘yicha Qozog‘iston (4,6 foiz), Qirg‘iziston (3,4 foiz) va Turkmanistondan (2,5 foiz) oldinda. Biroq Tojikistondan (6,5 foiz) ortda qolmoqda. O‘zbekistonning joriy to‘lov balansi XVJ prognozlariga ko‘ra, 2022 yildagi -0,8 foizga nisbatan -4,3 foizni tashkil etadi. 2024 yilda bu ko‘rsatkich -4,6 foizgacha ko‘tariladi. SHuningdek, Xalqaro valyuta jamg‘armasi O‘zbekistonda inflyasiya 2022 yildagi 11,4 foizdan 2023 yilda 10,2 foizga pasaydi, 2024 yilda esa 10 foizni tashkil etilishi bashorat qilmoqda. 2024 yilda yalpi ichki mahsulot, sanoat, investitsiyalar, iste‘mol xarajatlari, inflyasiya, foiz stavkalari, kreditlash, ichki va tashqi savdo, davlat byudjeti xarajatlari va daromadlari, siklik moslashtirilgan byudjet balansi kabi ko‘rsatkichlar uchun prognozlar berilgan. Milliy iqtisodiyot rivojlanishining holati va asosiy tendensiyalarining monitoringi, shu jumladan, qisqa muddatli iqtisodiy istiqbollarni shakllantiruvchi pul-kredit va fiskal sohalaridagi davlat siyosati masalalari qamrab olingan. O‘zbekiston iqtisodiyoti 2023 yilning yanvar-sentyabr oylarida o‘zining o‘rta muddatli trendidan yuqori o‘shish sur‘ati 5,8 foizni tashkil qildi.

2020-2023 yillarda real va neytral foiz stavkalarida o‘shish tendensiyasi kuzatildi. Joriy yilning sentyabr holatiga ko‘ra, real foiz stavka 4,4 foizni, neytral foiz stavka 3,9 foizni tashkil qildi. Global monetar sharoitlarning qattiqashtirilishi fonida asosiy savdo hamkor davlatlar Rossiya, Qozog‘iston va Turkiyada Markaziy banklar tomonidan ham qattiq monetar siyosatni ushlab turish siyosati davom ettirilmoqda. 2023 yil oktyabr boshiga keng ma‘nodagi pul massasi o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 12 foizga ko‘paygan. Pul massasi tarkibida milliy valyuta 77 foiz, xorijiy valyutadagi depozitlar ulushi 23 foizni tashkil qildi. [9]

Iqtisodiy o‘shish modellari tahlili shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy o‘shish takror ishlab chiqarish jarayonining eng muhim tarkibiy qismi bo‘lib, mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasi va uni rivojlantirish istiqbollarni, ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish darajasini va aholi turmush darajasini belgilaydi. Mamlakatda iqtisodiy o‘shish dinamikasini o‘rganish ishlab chiqarish omillaridan samarali foydalanish, iqtisodiy aloqalarni boshqarish tizimini optimallashtirish va yangi texnologik tuzilmaning afzalliklaridan foydalanish zarurligini ko‘rsatadi. Bu mamlakatimizning jahon iqtisodiy tizimidagi raqobatbardoshligini oshiradi. Iqtisodiy o‘shishning asosiy belgilovchi omillari iqtisodiy munosabatlar tizimini institutsionallashtirish, investitsiya komponenti, shuningdek, rublning barqarorligini ta‘minlashga qaratilgan pul-kredit siyosatini amalga oshirishni o‘z ichiga oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Domar E. D.Capital Expansion, Rate of Growth and Employment//Econometrica.- 1946.- Апрель (т. 14,№ 2).-С. 137-147.-doi:10.2307/1905364.
2. Харрод Р. Ф.Теория экономической динамики.-М.: ЦЭМИ РАН, 2008.- 210с.-ISBN 978-5-8211- 0464-9.
3. Solow R. M.A Contribution to the Theory of Economic Growth//The Quarterly Journal of Economics.- 1956.- Февраль (vol. 70,№ 1).- P.65-94.
4. Манделл Р.А.Динамика адаптации мирового валютного рынка при фиксированном и плавающем обменных курсах. // Этот изменчивый обменный курс.- М. 2001. С.117–154.
5. Хикс Д.Р.Господин Кейнс и классики: попытка интерпретации. // Истоки: вопросы истории народного хозяйства и экономической мысли. Вып. 3.— М.: ГУ-ВШЭ, 1998. С.293–337.
6. Дорнбуш Р.Ожидания и динамика обменного курса. / Этот изменчивый обменный курс.- М. 2001. с.207– 229.
7. Лихачев М.О. «Эффект Милля»: перегрев финансового рынка и инвестиционный коллапс как результат технологической трансформации экономики // Экономические науки.- 2020.- № 7 (188).- С.24-29.
8. Гордеев В.А. Теоретическая экономия: «вперед и выше...» // Теоретическая экономика. 2020.- № 8 (68). С.4-10.
9. t.me/statistika_rasmiy

УДК: 338.24

**IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA INNOVATSIYON
BOSHQARUVNING FUNKTSIYALARI VA USULLARINING XUSUSIYATLARI**

**В ЦИФРОВОСТИ ЭКОНОМИКИ ФУНКЦИИ ИННОВАЦИОННОГО
УПРАВЛЕНИЯ И ХАРАКТЕРИСТИКА МЕТОДА**

**IN THE DIGITALITY OF THE ECONOMY FUNCTIONS OF INNOVATION
MANAGEMENT AND CHARACTERISTICS OF METHODS**

Yusupova Jamila Karamatdinovna

Berdaq nomidagi Qoraqaloq davlat universiteti,
«Menejment» mutaxassisligi tayanch doktoranti

Annotatsiya.

Maqolada innovatsion boshqaruvning asosiy funktsiyalari va usullari haqida batafsil ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Innovatsion faoliyat, empirik model, baholar anonimi, prognoz

В статье подробно описаны основные функции и методы управления инновациями.

Ключевые слова. Инновационная деятельность, эмпирическая модель, анонимность оценок, прогноз

The article details the main functions and methods of innovative management.

Key words. Innovative activity, empirical model, evaluation anonymous, forecast

Innovatsion faoliyatning maqsadlari, tabiati va mazmuni innovatsion menejmentning an'anaviy turlaridan xususiyatlari va sezilarli farqini belgilaydi. Turli darajadagi ierarxiyaning har qanday innovatsion tizimlarini innovatsion rivojlantirishning maqsadi (davlat darajasidan boshlab kichik innovatsion korxonaga qadar) uzoq muddatli iqtisodiy o'sish va yuqori darajadagi raqobatdosh ustunliklarni ta'minlash uchun innovatsion bazani yaratishdir.

Menejment funktsiyasi deganda innovatsion jarayonga ma'lum ta'sirlarni amalga oshirishga qaratilgan boshqaruv faoliyatining ma'lum imkoniyatlari tushuniladi.

Innovatsion menejmentning asosiy funktsiyalariga quyidagilar kiradi: innovatsion menejmentning asosiy funktsiyalariga quyidagilar kiradi:

- bashorat qilish;
- innovatsion maqsadlarni shakllantirish;
- rejalashtirish;
- muvofiqlashtirish;
- tashkilot;
- rag'batlantirish (motivatsiya);
- nazorat.

Ushbu funktsiyalar boshqaruv faoliyatining predmet sohalarini tavsiflaydi, ularning har biri kompaniyaning alohida bo'limlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning o'ziga xos va xilma-xil masalalarini hal qilishga qaratilgan bo'lib, ular ko'p sonli aniq choralarni ko'rishlari kerak.

Prognozni ishlab chiqish jarayonida mutaxassislardan obyektivlik va ilmiy yaxlitlikka rioya qilish va o'tmish, hozirgi va kelajakni baholashda subyektivlikning oldini olish talab etiladi. Binobarin, prognozlash nafaqat tadqiqotga asoslangan zamonaviy menejmentning funktsiyasi, balki butun innovatsion boshqaruv tizimining ishlash uslubi, boshqaruv xodimlari faoliyatini tashkil etishning ma'lum bir turi (talablar, javobgarlik, standartlar, motivatsiya). Ijodkorliksiz bashorat

qilish mumkin emas. Ushbu jarayonda rejalashtirilgan tendentsiyalarni to‘g‘ri aniqlash, tashkilotning kelajakdagi rivojlanishi haqidagi tasavvur muhim ahamiyatga ega.

Vizyon maqsadni belgilaydi, bu esa o‘z navbatida ma‘lum bir strategiyadan kelib chiqadi, bu tashkilot ma‘lum bir vaqtda o‘zini qacarda topishni rejalashtirayotganini ko‘rsatadi.

Prognozlash funksiyasining asosiy vazifasi har tomonlama retrospektiv tahlil va uning o‘zgarishi tendentsiyalarini o‘rganish asosida o‘rganilayotgan obyektning rivojlantirishning eng samarali usullarini izlashdir. Innovatsion boshqaruv tizimida prognoz bunday muhim vazifalarni hal qilishni ta‘minlaydi:

- bashoratli obyektning rivojlantirishning mumkin bo‘lgan maqsadlari va ustuvor yo‘nalishlarini aniqlash;

- prognoz obyektlarini rivojlantirishning har bir mumkin bo‘lgan variantini amalga oshirishning iqtisodiy oqibatlarini baholash;

Prognozlash funksiyasi (gretz. prognosis-bashorat qilish) innovatsion menejmentda uzoq muddatli istiqbolda ilmiy-texnik rivojlanish prognozlarini ishlab chiqishga qaratilgan. Prognoz deganda boshqaruv obyekti va uning alohida qismlarining texnik-iqtisodiy, texnologik, ijtimoiy holatidagi mumkin bo‘lgan o‘zgarishlar to‘g‘risida ilmiy asoslangan fikr tushuniladi.

Prognoz-bu kelajakdagi rivojlanish yo‘nalishlari bo‘yicha xulosalar, empirik ma‘lumotlar va asosli taxminlar natijasidir. Innovatsiyalarni bashorat qilishning o‘ziga xos xususiyati uning alternativligi va innovatsiyalarni yaratishda yo‘nalishlarning ko‘p qirrali bo‘lishidir. Muqobilik bir-birini istisno qiladigan imkoniyatlardan bitta echimni tanlash imkoniyatini anglatadi. Obyektning kelajakdagi holati to‘g‘risida prognozni tuzish uchun jamiyat rivojlanishining qonuniyatlari va tendentsiyalari, ilmiy-texnik taraqqiyot, ijtimoiy ehtiyojlar, sanoat, korxonaning texnik imkoniyatlari va uning iqtisodiy faoliyati bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar talab etiladi.

- prognoz variantlaridan birini amalga oshirishni ta‘minlash uchun zarur bo‘lgan tadbirlarni aniqlash;

- obyektning rivojlantirish bo‘yicha dastur tomonidan rejalashtirilgan tadbirlarni amalga oshirish uchun zarur resurslarni baholash.

Prognozlash usullarining katta arsenali mavjud, bular: ekstrapolyatsiya usullari, ekspert (evristik usullar), ssenariy yozish usuli, Delphi usuli, Monte-Karlo usuli, g‘oyalarni jamoaviy yaratish usuli va boshqalar.

Innovatsiyalarni bashorat qilish-bu o‘tmishda sodir bo‘lgan voqealarga asoslanib, kelajakdagi voqealar rivojini aniqlashning bir usuli. Shuning uchun bashorat qilishning barcha usullari tendentsiyalarni tahlil qilishga asoslangan. Trend tahliliga asoslangan prognozlarning besh turi mavjud:

1) taxmin-har qanday yangilikning kuzatuv tendentsiyalariga mumkin bo‘lgan korrelyatsion bog‘liqligi mavjudligi.

2) metafora (yunon. metaphora-ko‘chirish) yoki o‘xshashlik. Ushbu turdagi prognoz bir nechta obyektlar yoki jarayonlarda umumiy xususiyatlarni yoki o‘xshashlikni aniqlashni anglatadi.

3) Kvazimodel (lat. quasi-go‘yo) ya‘ni deyarli model. Ushbu model har qanday jarayonning rivojlanish prognozlarini tekshirishga yordam beradi.

4) empirik model (yunon tilidan. tajriba). Ushbu model tajribaga asoslangan. U empirik parametrlarga mos keladigan matematik bog‘liqlik yordamida kelajakni ta‘minlaydi.

5) analitik model. Ushbu model keng qo‘llaniladigan asosiy qonunlar orqali voqealar ketma-ketligini bashorat qilish va tushuntirishni anglatadi.

Ekstrapolyatsiya usullari. Ushbu usullar kelajakda prognoz qilinayotgan obyektning mavjud rivojlanish tendentsiyalari davom etishini bashorat qilish uchun qo‘llaniladi. Shu bilan birga, kelajak o‘tmishning (hozirgi) to‘g‘ridan-to‘g‘ri va to‘g‘ridan-to‘g‘ri davomi sifatida qaraladi.

Bashorat qilish uchun dastlabki ma‘lumotlarning asosiy manbalari:

- tashkilotlarning statistik, moliyaviy buxgalteriya va operatsion hisobotlari;
- ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari, shu jumladan o‘z mamlakatida ham, chet elda ham fan va texnologiyaning rivojlanishi to‘g‘risida umumiy ma‘lumot, prospektlar, kataloglar va boshqa ma‘lumotlarni o‘z ichiga olgan ilmiy-texnik hujjatlar;

- patent-litsenziya hujjatlari, ilmiy nashrlar.

Ekstrapolyatsiya usullari kelajak haqida to‘plangan o‘tmish tajribasi va hozirgi taxminlardan uni aniqlash uchun foydalanish imkoniyatini beradi. Ekstrapolyatsiya orqali bashorat qilish ma’lum darajada rivojlanish tendentsiyalari, qachon sodir bo‘lishi mumkinligi va iqtisodiy jihatdan qanchalik maqbul ekanligi asosida kutilishi mumkin bo‘lgan yangi texnologiyalarni ishlab chiqishni ta’minlash imkonini beradi.

Biroq, tendentsiyalarni ekstrapolyatsiya qilish har qanday hodisaning asosini tashkil etadigan sabablarni tushunishni ta’minlamaydi. Bu (yashirin) sabablar vaqt o‘tishi bilan o‘zgarasligi kifofoya. Kuchlar muvozanatida o‘zgarishlar yuz berganda, tushuntirish, tushunchalar yaratish, modellar nazariyasi zarur bo‘lib, ular yanada murakkab prognozlarni olishga imkon beradi, ularning aniqligi ma’lumotlarning ishonchliligi va to‘liqligiga bog‘liq bo‘ladi.

Ekspert baholash usuli asosan uzoq muddatli prognozlarda qo‘llaniladi. Prognozlash ekspert (ekspertlar guruhi) tomonidan berilgan topshiriq bo‘yicha chiqarilgan hukm (fikir) asosida amalga oshiriladi. Mutaxassislar ma’lum bir muammo bo‘yicha malakali mutaxassislar bo‘lib, ular prognozlash obyekti to‘g‘risida ishonchli xulosa chiqarishlari mumkin. Aslida, mutaxassisning fikri shaxsiy tajriba, malaka va sezgi asosida o‘tmish, hozirgi va kelajak bilan bog‘liq jarayonlarni mantiqiy tahlil qilish va umumlashtirish natijasidir.

Ekspert baholash usuli bir necha turga ega:

1. individual ekspert bahosi;
2. kollektiv ekspert bahosi;
3. g‘oyalarni psixo-intellektual yaratish usuli;
4. ekspert komissiyalari usuli va boshqalar.

Shaxsiy ekspertiza o‘tkazish uchun morfologik tahlil, variantlarni juft taqqoslash usuli, baholash, intervyu kabi qo‘llaniladi.

Morfologik tahlil usuli (shveysariyalik olim Tsvikki tomonidan ishlab chiqilgan) ma’lum bir obyektning barcha ma’lum imkoniyatlari va xususiyatlarini bashorat qilish paytida buxgalteriya hisobining to‘liqligi shartiga asoslanadi, bu o‘rganilayotgan muammoning barcha muqobil echimlari bilan barcha ma’lumotlar to‘plamini olishga imkon beradi.

Kollektiv ekspert baholari, qoyda tariqasida, ekspertlarning yoki ularning ko‘pchiligining umumlashtirilgan qarashlarini aks ettiradi, bu individual individual baholarning subyektivligini va etarli darajada malakasizligini yumshatishga imkon beradi.

Ssenariy yozish usuli. Innovatsiya stsenariysi-bu innovatsion siyosatni tanlash epizodlarining vaqt bo‘yicha tartiblangan ketma-ketligi, uni amalga oshirish usullari, ya’ni kelajakda voqealar qanday sodir bo‘lishini bosqichma-bosqich ko‘rsatadigan voqealarning mantiqiy ketma-ketligi. Ssenariylarni yozish usuli-yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan oqibatlarini aniqlash va baholash mumkin bo‘lgan jarayonlarning kelajakdagi rivojlanishi uchun stsenariy tuzish uchun mutaxassislar guruhini tanlash. Ssenariyni yozishdan maqsad innovatsion rivojlanishdan faraziy kelajakdagi vaziyatni yaratishdir. Ssenariyning qiymati noaniqlik darajasi qanchalik past bo‘lsa, ya’ni kelajakdagi voqealar bo‘yicha ekspert qarashlarining izchilligi darajasi shunchalik yuqori bo‘ladi

Ssenariy bunday ijobiy fazilatlarga ega:

- bu noan’anaviy fikrlashning eng samarali usuli;
- innovatsion prognozlarni ishlab chiqadigan mutaxassislarni kelajakning mutlaqo notanish dunyosiga sho‘ng‘ishga majbur qiladi va faqat hozirgi zamonning kelajakka oddiy proektsiyalarini ta’minlaydigan variantlarini ko‘rib chiqmaydi;
- mutaxassislarni tafsilotlarga e’tibor berishga majbur qiladi va agar ular faqat umumiy fikrlash bilan cheklangan bo‘lsa, ularni ko‘zdan osongina chiqarib yuborishi mumkin bo‘lgan narsalar;
- har qanday o‘yinni o‘tkazish jarayonida olingan kelajakdagi vaziyatni (innovatsion, iqtisodiy, siyosiy) o‘rganish uchun muhim voqea.

Delphi usuli-bu prognozlash usuli bo‘lib, undan foydalanish paytida guruh a’zolari o‘rtasidagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa tadqiqot jarayonida chiqarib tashlanadi va mutaxassislarning

kelajakdagi faraziy hodisalar haqidagi fikrlarini aniqlash uchun so‘rovnoma yordamida individual so‘rov o‘tkaziladi. Ushbu usul qadimgi dunyoda mashhur bo‘lgan Delfi ibodatxonasi (Delfi Oracle) nomidan nomlangan.

Ushbu usulning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- muayyan muammo bo‘yicha so‘roq qilinayotgan mutaxassislar o‘rtasidagi shaxsiy aloqalarni to‘liq rad etish;
- mutaxassislarni zarur ma‘lumotlar bilan ta‘minlash, shu jumladan so‘rovning har bir turidan keyin ular o‘rtasida fikr almashish;
- baholarning anonimligini, argumentatsiyasini va tanqidini ta‘minlash.

Delphi usulining maqsadi bitta mutaxassis tomonidan o‘tkazilgan tahlilga nisbatan ishonchli prognozlarini olishdir. Mutaxassislar so‘rovi anketalar — maxsus varaqalar yordamida bir necha turda o‘tkaziladi. Anketalar tahlil qilinadi va ma‘lumotlar mutaxassislarning fikrlarini hisobga olgan holda statistik jihatdan qayta ishlanadi. Ssenariyni ishlab chiqishning ushbu usulining asosiy ijobiy xususiyati shundaki, u psixologik omillarning ta‘siridan qochishga imkon beradi, masalan, boshqa odamning bosimi, kimgadir shaxsiy antipatiya, ba‘zi shaxslarning fikriga haddan tashqari e‘tibor va boshqalar Delphi usuli kelajakdagi voqealarni bashorat qilishda eng samarali hisoblanadi.

Monte-Karlo usuli (o‘yin uylari bilan mashhur bo‘lgan shahar nomi bilan atalgan) — bu haqiqiy hodisalarni taxminiy qayta tiklash uchun taqlid qilish usuli. U sezgirlik (sezuvchanlik) tahlilini va kirish o‘zgaruvchilarining ehtimolliги rospodiluvanny tahlilini birlashtiradi. Ushbu usul ma‘lumotlarni minimallashtirish, shuningdek modelda ishlatiladigan ma‘lumotlar qiymatlarini maksimal darajada oshirish orqali modelni yaratishga imkon beradi. Modelni qurish haqiqiy tizimdagi funktsional bog‘liqliklarni aniqlashdan boshlanadi. Shundan so‘ng, ehtimollik nazariyasi va tasodifiy sonlar jadvallari yordamida miqdoriy echimni olish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Қалмуратов Б. С. Минтақа саноатини инновацион ривожлантиришни бошқариш механизми самарадорлигини ошириш стратегияси (*Монография*)// Т.: “Innovasiya-Ziyo”, 2022. 256 б. (ISBN 978-9943-8311-9-3)
2. Қалмуратов Б. С. Ўзбекистонда саноат соҳасини инновацион бошқаришни такомиллаштириш стратегияси// Жамият ва бошқарув// Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси. Т-2021. №2(92) 87-90 бетлар
3. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов/ Ибб С.Д. Ильенкова, Л.М. Гохберг, СЮ
4. Инновационный менеджмент : учебник для вузов / под общей редакцией Л. П. Гончаренко. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2023.
5. Kalmuratov B Statistical analysis of the development of industrial production management in the region of the Republic of Karakalpaqistan.// Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214 Volume 44 Issue S-2 Year 2023 Page 4267:4278-4267 Available online at: <https://jazindia.com>

ТАДБИРКОРЛИК ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ

ВОПРОСЫ БИЗНЕСА И ТРУДА

BUSINESS AND EMPLOYMENT ISSUES

Zufarova G.A.

**Andijon mashinasozlik instituti
“Iqtisodiyot” kafedrasi dotsenti i.f.n.**

Аннотация.

Maqolada tadbirkorlik faoliyatini rivojlanishi mamlakat aholi bandligini oshirishga yordam beradi. SHu bilan birga tadbirkorlik nazariyasiga alohida urg‘u berilgan. Tadbirkorlik faoliyatiga olimlarning ilmiy qarashlari tahlil qilingan. Yalpi ichki mahsulotda tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanayotgan tarmoqlar salmog‘i va ulardagi bandlik darajasi tahlil qilingan. Tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha takliflar keltirilgan.

Kalit so‘zlar. Tadbirkorlik, bandlik, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, iqtisodiyotni rivojlantirish.

Развитие предпринимательской деятельности в статье будет способствовать повышению занятости населения страны. При этом особый акцент делается на теории предпринимательства. Проанализированы научные взгляды ученых на предпринимательскую деятельность. Валовой внутренний продукт анализирует баланс отраслей, занимающихся предпринимательской деятельностью, и уровень занятости в них. Представлены предложения по развитию предпринимательства.

Ключевые слова. Предпринимательство, занятость, малый бизнес, частное предпринимательство, развитие экономики.

The development of entrepreneurial activity in the article will help to increase the employment of the country's population. At the same time, a special emphasis is placed on the theory of entrepreneurship. Scientific views of scientists have been analyzed on entrepreneurial activity. The gross domestic product analyzes the balance of sectors engaged in entrepreneurial activity and the level of employment in them. Proposals for the development of entrepreneurship are presented.

Keywords. Entrepreneurship, employment, small business, private entrepreneurship, development of the economy.

O‘zbekiston respublikasida tadbirkorlikni yanada rivojlantirish maqsadida Iqtisodiyot va sanoat vazirligi tizimida Tadbirkorlik va kichik biznesni rivojlantirish agentligi tashkil etish taklifi bildirildi. Mazkur agentlik ko‘rsatilgan sohani yuksaltirish bo‘yicha davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish uchun mas‘ul bo‘ladi. Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasi faoliyatini ham muvofiqlashtirib boradi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 21 dekabrda “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF–269-son Farmoniga muvofiq [1], shuningdek, vazirlik va idoralar faoliyatini samarali tashkil qilishga yo‘naltirilgan birinchi navbatdagi chora-tadbirlarni belgilandi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 20 avgustdagi tadbirkorlar bilan ochiq muloqotida belgilangan vazifalarning ijrosini ta‘minlash hamda oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasida kreditlar ajratish mexanizmini soddalashtirish, aholining bandligini oshirish, daromad manbaini kengaytirish va mehnat faoliyatini qo‘llab-quvvatlash maqsadida imtiyozli kreditlar yillik 14 foiz stavkada [2], bog‘dorchilik (ko‘chatchilik), uzumchilik (tok so‘risi) va

limonchilikni tashkil etish, issiqxona qurish, qishloq xo‘jaligi texnikasi va asbob-uskunalarini xarid qilish hamda ularni joylashtirish uchun bino va inshootlar qurish, artezian quduqlarini qazish uchun — 3 yilgacha imtiyozli davr bilan 7 yilgacha muddatga; oilaviy mehmon uylari, xostellar, o‘tov lagerlari majmuasi, avtokempinglar, ekouylar majmuasi, konteyner shaharchalar va chodirli lagerlar tashkil etish va ularni ta‘mirlash uchun — 1 yilgacha imtiyozli davr bilan 5 yilgacha muddatga tadbirkorlikni rivojlantirish maqsadida imtiyozli kreditlar ajratildi.

«Hunarmand» uyushmasi a‘zolariga ishlab chiqarish ehtiyojlari uchun asbob-uskuna, ehtiyot qismlar va xomashyo materiallarini xarid qilish, hunarmandchilikni rivojlantirish markazlari, «usta-shogird» maktablarini tashkil etish, uy-muzeylar va ustaxonalar qurish yoki shu maqsadlarda bino va inshootlar sotib olish uchun — 3 yilgacha muddatga hamda aylanma mablag‘larini to‘ldirish uchun 18 oygacha muddatga ajratildi. Tadbirkorlik tushunchasi XVI asrdan boshlab iqtisodchilar, ruhshunoslar, siyosatshunoslar fikrini o‘ziga jalb eta boshladi. J.B.Sey, A.Marshall. Zombramb, Y.SHumpeter, F.Noytlar tadbirkorlik ilmining asoschilari hisoblanadi. Taxminan 1800 yilda Jan Baptiste Say tadbirkorni shunday ta‘riflagan: "Tadbirkor iqtisodiy resurslarni pastroq hududdan yuqori mahsuldorlik va samaradorlik sohasiga o‘tkazadi". Adam Smit tadbirkorni daromad olish uchun mulkdorning kapitalidan foydalanadigan shaxs deb hisoblagan. Har qanday faoliyat turi kabi tadbirkorlik ham uning mohiyatini tushuntiruvchi nazariy asosga ega bo‘lishi kerak. Zamonaviy ma‘noda "tadbirkor" va "tadbirkorlik" tushunchalari birinchi marta 17-asr oxiri - 18-asr boshlarida ingliz iqtisodchisi Richard Kantillon tomonidan qo‘llanilgan. Uning fikricha, tadbirkor xavf sharoitida faoliyat yurituvchi shaxsdir. R.Kantillon boyluk manbasini iqtisodiy ne‘matlarning haqiqiy qiymatini belgilovchi yer va mehnat deb hisoblagan [3]. Bir qator olimlar tadbirkorlik faoliyatini ijtimoiy aloqalar va tuzilmalarni yaratish jarayoni sifatida belgilaydilar, ular shubhasiz (yangi korxonalar, ularning iqtisodiy aloqalari, tarqatish tizimlari va boshqalar). Tropman va G. Morningstar ushbu ta‘riflarga rozi emaslar [4] tadbirkorlikni birinchi navbatda ishlab chiqarishning yuqori o‘sish sur‘ati yoki yuqori xavf darajasi bilan bog‘laydigan tadbirkorlik. Ular o‘zaro bog‘liqlik tizimini uning o‘ziga xos xususiyati va muvaffaqiyat sharti deb bilishadi .

Bular qatorida tadbirkorlik nazariyasiga asos solgan olimlardan F. Quesnay, E. Turgo va A. Smit va D. Rikardo ular "tadbirkor" ni faqat kapital egasi deb hisoblashgan. Ulardan farqli o‘laroq, J.-B. Sey, J.S. Mill tadbirkorni birinchi navbatda ishlab chiqarish tashkilotchisi va majburiy egasi deb hisoblamagan. "Tadbirkor" tushunchasini shakllantirish muammosi bo‘yicha F. Vizer, L. Valrsning Marj maktabi vakillarining ishlari qiziq va K. Menger, shuningdek neoklassik yo‘nalish A. Marshall va F. Hayek tomonidan. Ular tadbirkorning mohiyatini boshqaruv funktsiyasi bilan, ya‘ni iqtisodiy vaziyat, bozor sharoitidagi o‘zgarishlarga munosib javob bera oladigan shaxs sifatida ko‘radi. [5]

Ushbu fikrni baham ko‘rgan holda, zamonaviy amerikalik tadqiqotchi R. Ramelt tadbirkorlikni иждокор сифатида янгилик elementlarini kiritadiganlar, mavjud korxonalar faoliyatini takrorlamaydilar, yangi korxonalarni yaratish deb ta‘riflaydi. Shuningdek, bozor iqtisodiyoti tadbirkorligiga katta hissa qo‘shgan taniqli marjinalistlar Alfred Marshall [6] va J.A. Shumpeter edi. Ular iqtisodni o‘rgandilar va marjinalizmni rivojlantirish uchun ko‘p ishlarni qildilar. A.Marshall muvozanat bahosini, taklif narxini, raqobat sharoitida narxlar nazariyasini, o‘rnini bosish tamoyilini o‘rgandi va o‘zining narx belgilash konsepsiyasini yaratdi.

Y.A. Shumpeter o‘zining tadbirkorlik nazariyasini, siklning dinamik kontsepsiyasini ilgari surdi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlanishi iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishning muhim ob‘ektlaridan biri hisoblanadi. SHuning uchun ko‘pchilik mamlakatlarda davlat iqtisodiy siyosatining ajralmas qismi hisoblanib kelgan. Buning sababi u muhim makroiqtisodiy funktsiyalarni hal etilishiga, jumladan, milliy iqtisodiyotni tarkibiy qismini takomillashtirish; iqtisodiy o‘sish sur‘atlarini ta‘minlash; ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish doirasini kengaytirish bandlikni ta‘minlash; halol raqobat muhitini yaratishga xizmat qiladi. Tadbirkorlik mamlakatning iqtisodiy rivojlanishida muhim omil sifatida iqtisodiyotning samarali rivojlanishi va mehnatga layoqatli aholining bandligini ta‘minlashda muhim ahamiyatga ega.

Turli mamlakatlarda qo‘llaniladigan o‘z-o‘zini ish bilan ta‘minlashni rivojlantirish dasturlari tuzilishi va ishlatilgan mexanizmlari bilan farq qiladi. Biroq, tahlil shuni ko‘rsatdiki, ular umumiy

xususiyatlarga ega: ishsizlarning ayrim maqsadli guruhlariga e'tibor qaratish, moliyaviy qo'llab-quvvatlashning kompleks choralari qo'llash, shuningdek, mehnat bozorida talab qilinadigan malaka va mehnat ko'nikmalarini olishga yordam berish.

Shunday qilib, o'z-o'zini ish bilan ta'minlash dasturlari innovatsion faoliyatga moyil bo'lgan ishsizlarning eng ma'lumotli, malakali va faol kontingentiga yo'naltirilgan, bu tadbirkorlik faoliyatining taniqli umumiy xususiyatlariga to'liq mos keladi.

Ushbu maqolada tahlil, sintez, umumlantirish kabi umumiy ilmiy bilish usullari qo'llanililib empirik tadqiqot usullari (tavsif, taqqoslash). Abstrakt-mantiqiy va monografik usullardan foydalanish tadbirkorlik nazariyalarini o'zgartirish jarayonini kuzatish va ularni zamonaviy sharoitda rivojlantirishning asosiy yo'nalishlarini asoslash imkonini beradi. Ushbu usullardan foydaldangan holda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni YaIMdagi ulushi, shundan sanoat, qurilish, ushbu soxada bandlik darajasining tahlili quyidagi jadvalda keltirilgan.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi [7], %

<u>Ko'rsatkichlar</u>	<u>2018 yil</u>	<u>2019 yil</u>	<u>2020 yil</u>	<u>2021 yil</u>	<u>2022 yil</u>
<u>YaIM</u>	62,4	56,0	54,8	54,1	51,8
<u>Sanoat</u>	37,4	25,8	27,9	27,4	26,0
<u>Qurilish</u>	73,2	75,8	72,5	72,5	71,5
<u>Bandlik</u>	76,3	76,2	74,5	74,5	73,9
<u>Eksport</u>	27,2	27,0	20,5	20,0	29,6
<u>Import</u>	56,2	61,6	51,7	45,3	49,4

Jadval ma'lumotlaridan ko'rish mumkinki, 2018 yildan boshlab YaIMda tarmoqlarning tadbirkorlik ulushi kamayib borgan. SHulardan, sanoat ishlab chiqarish tarmoqlari, qurilish va boshqalar. Eng sezilarli darajada sanoat tarmoqlari hisoblanadi. SHunga mos ravishda bandlik darajasi xam mos ravishda kamayib borganini ko'rishimiz mumkin. Bundan xulosa qilib aytish mumkinki, aholi bandligini oshirishda tadbirkorlik faoliyatini rivojlanishi bilan bog'liqligiga guvoh bo'ldik. Ayni paytda faoliyat yuritmayotgan tadbirkorlik sub'ektlarining faoliyatini qayta tiklashga ko'maklashish ham eng muhim masalalardan bo'lib bular uchun dasturlar ishlab chiqilmoqda. Ish bilan bandlikni oshirishda yangi ish o'rinlarini yaratish bugungi kunda lozribligicha qolmoqda.

O'rta va kichik biznes, eng ko'p mamlakat iqtisodiyotining mobil sektori bir vaqtning o'zida aholi bandligini oshirishning muhim vositasi hisoblanadi. Bu nafaqat ish bilan band bo'lganlar uchun qo'shimcha ish o'rinlari yaratishga imkon beradi, balki ikkinchi darajali ish bilan ta'minlash va ikkinchisining boshqa nostandart shakllaridan, shu jumladan maxsus ijtimoiy yordamga muhtoj shaxslarning ish bilan ta'minlanishidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Aholi bandligini oshirish, tadbirkorlik va o'zini o'zi band qilgan shaxslarni qo'llab-quvvatlash maqsadida yangi turdagi subsidiyalar ajratish tizimi yo'lga qo'yildi. Xususan, kasanachilik yo'nalishida mini-loyihalarni amalga oshirish, tomorqa yer uchastkalari egalarini kooperatsiya va kasanachilik asosida ish bilan band qilish, qurilish brigadalari tashkil etishni rag'batlantirish joriy etildi [8].

Tadbirkorlikning o'ziga xos xususiyatlaridan biri, agar ijrochining bunga shaxsiy qiziqishi bo'lmasa yoki boshqa shaxslarning har qanday topshiriqlarini bajaradigan bo'lsa bunday faoliyat erkinligi cheklangan hisoblanadi. SHuning uchun tadbirkor ijodkor erkin faoliyat yuritiuvchi sub'ekt bo'lishi kerak. Binobarin, tadbirkorlikni shakllantirish jarayonida asosiy narsa ma'lum omillarning mavjudligi bo'lib, ularning asosiylari aqliy yoki jismoniy xususiyatlar, bilim yoki to'plangan tajriba bo'lishi mumkin, jamiyatdagi mavqe, mulkchilik yoki kredit mablag'larini olish imkoniyati va boshqalar kiradi.

Xulosa qilib aytganda, tadbirkorlikni rivojlantirish bilan mahalladagi ishsiz aholini ish bilan ta'minlash, mahalladagi muvaffaqiyatga erishgan tadbirkorlik sub'ektlari bilan hamkorlikda ishlash, aholini, birinchi navbatda ishsiz yoshlar va ayollarni kasb-hunar va tadbirkorlikka o'qitish hamda ularning bandligini ta'minlashga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 21.12.2022 yildagi PF-269-son <https://lex.uz/docs/6324756>
2. Антюченина С. История предпринимательства // Деловая пресса. - 2016. - № 5. с.11-22.
3. Частное предпринимательство: основные понятия, теория и практика / [учебное пособие / под ред. И. Г. Минервина]. – М.: ЦНИИ «Электроника», 1994. - 144 с.
4. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития / Й.А.Шумпетер – М. : Прогресс, 1992. – 336 с. – (исследованиуа предпринимательской прибыли, капитала, кредита, протсента и тсикла конъюктуры).
5. Marshall.A.Economics,1908.URL:<http://www.library.fa.ru/files/Marshall>.
6. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika>
7. <https://mehnat.uz/uz/n>

UDK: 331.54

PERSONALNI O‘QITISH - XODIMLARNI BOSHQARISH JARAYONINING ASOSIY ELEMENTI SIFATIDA

ОБУЧЕНИЕ ПЕРСОНАЛА – КАК ОСНОВНОЙ ЭЛЕМЕНТ ПРОЦЕССА УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ

PERSONNEL TRAINING AS A KEY ELEMENT OF THE PERSONNEL MANAGEMENT PROCESS

Nigmatova D. Z.

O‘zMU, Alfraganus University, katta o‘qituvchi

Maqolada tashkilotda personalni o‘qitishning mohiyati, o‘qitishga bo‘lgan yondashuvlar va o‘qitish konsepsiyalari, bugungi kundagi tarkibi va holati urganilgan. SWOT tahlil asosida personalni o‘qitishga bo‘lgan yondashuvlarning zaif va kuchli tomonlari guruhlashtirilib o‘qitishning xodim va tashkilot uchun ahamiyatli tomonlarini aniqlash mezonlari ishlab chiqilgan. Tashkilot va xodim uchun personalni o‘qitish maqsadlari belgilangan va ularni birlashtruvchi zona aniqlangan. Personalni o‘qitish uchun Maxi-Mini strategik yo‘nalishi belgilangan. Malakali kadrlarni o‘qitishning uchta konsepsiyasi ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Personalni o‘qitish, kadrlarni tayyorlash, kadrlar malakasini oshirish, kadrlarni qayta tayyorlash, o‘qitishga bo‘lgan yondashuvlar, ta‘lim konsepsiyalari, uzluksiz o‘qitish.

В статье рассматривается сущность подготовки кадров в организации, подходы к обучению и концепции обучения, ее современная структура и состояние. На основе SWOT-анализа сгруппированы слабые и сильные стороны подходов к обучению персонала и разработаны критерии определения важных для работника и организации аспектов обучения. Определены цели обучения персонала для организации и работника, а также зона, объединяющая их. Для обучения персонала создано стратегическое направление «Макси-Мини». Разработаны три концепции подготовки квалифицированных кадров.

Ключевые слова: Подготовка кадров, подготовка кадров, повышение квалификации кадров, переподготовка кадров, подходы к подготовке кадров, образовательные концепции, непрерывное обучение.

The article examines the nature of personnel training in the organization, approaches to training and training concepts, its current structure and status. Based on the SWOT analysis, the weaknesses and strengths of the approaches to personnel training were grouped and the criteria for determining the important aspects of training for the employee and the organization were developed. The goals of personnel training are defined for the organization and the employee, and the zone that unites them is determined. A Maxi-Mini strategic direction has been established for personnel training. Three concepts of training of qualified personnel have been developed.

Keywords: Personnel training, personnel training, personnel qualification improvement, personnel retraining, approaches to training, educational concepts, continuous training.

Bugungi kunda yangi tashkiliy strategiyalar xodimlarni boshqarish tizimiga jiddiy tuzatishlar kiritishni talab qiladi va bunday sharoitlarda kadrlarni o‘qitish xodimlarni boshqarish jarayonining asosiy elementiga aylanmoqda.

Endilikda ish beruvchilar mamlakatimizga kirib kelayotgan tovar va xizmatlar bilan muvaffaqiyatli raqobatlasha oladigan mahsulot va xizmatlar yaratishga qodir yuqori malakali kadrlarga ega bo‘lishdan ko‘proq manfaatdor.

O‘qitish xodimlarni kengroq vazifalarni to‘g‘ri hal qilishga tayyorlash va ularning ishida yuqori samaradorlikni ta‘minlash uchun mo‘ljallangan. Shu bilan birga, bu nafaqat xodimlarning bilim darajasini oshirish va kerakli kasbiy ko‘nikmalarni rivojlantirish, balki ularda bugungi kun voqeligiga mos keladigan va bozorga asoslangan tashkiliy munosabatlarni qo‘llab-quvvatlaydigan qadriyatlar va munosabatlar tizimini shakllantirishga imkon beradi.

Mamlakatimizda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish, tashkilot va korkonalar faoliyatiga yangi texnik-texnologik jarayonlarning keng joriy etishning ortishi tashkilot personalini o‘qitish zaruriyatini oshiradi. Personalni o‘qitishga zaruriyat innovation iqtisodiyotning rivojlanish bosqichlarida xodimlarning o‘qitishga, ya‘ni malaka oshirishga, shaxsiy rivojlanishga ehtiyoji har doimdagidan ko‘ra yuqori darajada oshib boradi. O‘tkazilgan sotsiologik tadqiqotlar natijasiga ko‘ra xodimlarning o‘qitish usullariga bo‘lgan talabi diffirensiallashmoqda. Jumladan, respondentlarga “Agar ish joyingizni yo‘qotsangiz nima qilasiz?” deb murojaat etilganda ularning 71,9 foizi shu mutaxassisligi bo‘yicha ish izlashini, 24,0 foizi yangi mutaxassislikka o‘qishini, malaka oshirishii afzal ko‘rishini belgilashgan. Ish tanlashda respondentlarning 84,5 % mehnat qiymatini ish haqi darajasiga qaratgan. Kasbiy malakasini oshirishda yuqori turuvchi muassasada grafik asosida malaka oshirish va mentor (tajribali mutaxassis) texnologiyasida o‘qishni mos ravishda 19,5 foizni, 16,0 % malaka oshirish institutlarida malaka oshirishni afzal ko‘rishini belgilashgan [1].

Uzoq muddatli va qisqa muddatli maqsadlarga erishish, raqobatbardoshlikni oshirish va tashkiliy o‘zgarishlarni amalga oshirish zarurati xodimlarning kasbiy tayyorgarligining yuqori darajasini va kadrlar tayyorlash bo‘yicha yaxshi rejalashtirilgan, yaxshi tashkil etilgan ishlarni talab qiladi.

Personalni o‘qitish – bu tajribali o‘qituvchilar, ustozlar, mutaxassislar, menejerlar rahbarligida bilim, ko‘nikma va muloqot usullarini egallash uchun maqsadli tashkil etilgan, tizimli va muntazam ravishda amalga oshiriladigan jarayon [1].

O‘qitishning uch turi mavjud:

- kadrlarni tayyorlash;
- kadrlar malakasini oshirish;
- kadrlarni qayta tayyorlash.

Kadrlarni tayyorlash — inson faoliyatining barcha sohalari uchun maxsus bilimlar, ko‘nikmalar, mahorat va muloqot usullariga ega bo‘lgan malakali kadrlarni rejali va tizimli o‘qitish va tayyorlash.

Kadrlar malakasini oshirish — kasbga qo‘yiladigan talablarning oshishi yoki lavozimning oshishi munosabati bilan bilim, ko‘nikma va muloqot usullarini takomillashtirish maqsadida kadrlarni o‘qitish.

Kadrlarni qayta tayyorlash — yangi kasbni egallash yoki ish mazmuni va natijalariga qo‘yiladigan talablarning o‘zgarishi munosabati bilan yangi bilim, ko‘nikma va muloqot usullarini o‘zlashtirish maqsadida kadrlarni o‘qitish.

Personalni o‘qitish — bu tizimli ikki tomonlama jarayon: bir tomondan — tashkilot, ikkinchi tomondan — xodim. Jarayonning muvaffaqiyati har ikki tomondan hamkorlikni, o‘zaro tushunish va ishonchni talab qiladi.

Shuni ta’kidlash kerakki, o‘qitish nafaqat xodim uchun, balki tashkilot uchun ham muhimdir, chunki kadrlar sifatini oshirish tashkilotning muvaffaqiyatli ishlashining eng muhim shartlaridan biridir.

Har qanday jarayon singari, xodimlarni o‘qitish ham maqsadlarga ega.

Tashkilot uchun personalni o‘qitish maqsadlari:

- mehnat unumdorligini oshirish uchun xodimlarning sifatini yaxshilash;
- ishlab chiqarish jarayonidagi xatolardan kelib chiqadigan xarajatlarni kamaytirish;
- xodimlarning kelajakdagi ishiga qo‘yiladigan talablarga javob beradigan bilim va ko‘nikmalarini oshirish;
- xodimlarning motivatsiyasi darajasini oshirish;
- xodimlarning tashkilotga sodiqligini oshirish;
- tashkilot strategiyasi va maqsadlariga mos keladigan munosabat va qadriyatlarni ishlab chiqish.

Xodimlar uchun o‘qitish maqsadlari:


- kasbiy faoliyatda o‘z salohiyatini ro‘yobga chiqarish;
- o‘z vakolatlari doirasini kengaytirish;
- mehnat bozorida raqobatbardoshlikni oshirish uchun bilim va ko‘nikmalarni oshirish;
- rahbariyat tomonidan tan olinish;
- tashkilotda karyera bo‘yicha ko‘tarilish imkoniyatlarini aniq ko‘rish;
- ishida foydalanishi mumkin bo‘lgan bilim va ko‘nikmalar darajasini oshirish.

Tashkilot va xodim uchun personalni o‘qitish maqsadlarini taqqoslab shuni aytishimiz mumkin, ular bitta asosiy umumiy maqsadga ega – xodimning bilim va ko‘nikmalarini oshirish. Ushbu maqsad tashkilotga ish sifatini yaxshilash va foydani ko‘paytirish uchun kerak, xodimga – martabasini o‘sishi, ish haqini oshirish va h.k. uchun kerak.

O‘qitish imkon qadar samarali bo‘lishi uchun u ma’lum talablarga javob berishi kerak:

- xodimda o‘qishga motivatsiya bo‘lishi kerak;
- tashkilot madaniyati ta’limni rag‘batlantirishi va qo‘llab-quvvatlashi kerak;
- ta’lim o‘qitilayotgan xodimning ehtiyojlarini qondirsa samarali bo‘ladi.

Personalni o‘qitish to‘rtta yo‘nalishda amalga oshirilishi mumkin (1-rasm).



1-rasm. Personalni o‘qitishning asosiy yo‘nalishlari

Mahsulot yoki xizmatlarga oid o‘qitish tashkilot ishlab chiqaradigan mahsulot va ko‘rsatadigan xizmatlar haqidagi bilimlarni berishga yo‘naltirilgan. Bunday o‘qitish xodimni tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlari bilan tanishtirish va ish beruvchiga sodiqlikni shakllantirish maqsadida amalga oshiriladi. Mahsulot yoki xizmatlar haqida bilish darajasi xodimning lavozimiga qarab o‘zgarishi mumkin: yuzaki tanishishdan tortib ishlab chiqarish texnologiyalarini chuqur tushunishgacha. Odatda, bunday o‘qitish tashkilot tomonidan ichki ekspertlarni jalb qilish orqali amalga oshiriladi.

Ko‘nikmaga oid o‘qitish xodimning kundalik samarali ishlashi uchun zarur bo‘lgan kasbiy ko‘nikmalarni rivojlantirishga qaratilgan. Bunday ko‘nikmalarga muzokaralar olib borish, muloqot qilish, vaqtni boshqarish, taqdimotlar va boshqalar kiradi. Bundan tashqari, zarur ko‘nikmalar to‘plami boshqaruv ierarxiyasi darajasi bilan belgilanadi. Ta‘limning ushbu yo‘nalishini amalga oshirish maxsus treninglar bilan ta‘minlanadi.

Funksional - ishlab chiqarish bo‘yicha o‘qitish xodimlarning mavjud kasbiy bilim va ko‘nikmalarini oshirishga qaratilgan. Kasbiy faoliyatning ko‘plab sohalari qonunchilikdagi o‘zgarishlar, yangi texnologiyalarni joriy etish va hokazolar tufayli bilimlarni doimiy ravishda yangilashni talab qiladi. Ta‘limning ushbu yo‘nalishi tashqi mutaxassislarni jalb qilishni talab qiladi va malaka oshirish kurslari shaklida amalga oshiriladi.

Yetakchilik fazilatlarini rivojlantirish yuqori boshqaruv salohiyatiga ega kadrlarni tayyorlash uchun foydalaniladi. Bular tashkilotning kadrlar zaxirasiga kiritilgan va yuqori lavozimga da‘vogar xodimlar. Maxsus treninglar jamoani samarali boshqarish ko‘nikmalarini va professional o‘zaro munosabatlarni shakllantirishni, shuningdek, vaziyatni tezda boshqarish va tegishli boshqaruv qarorlarini qabul qilish, bo‘ysunuvchilarning motivatsiyasini boshqarish, ularni belgilangan vazifalarni hal qilishga yo‘naltirish va hokazolarni ta‘minlaydi.

Bugungi kunda malakali kadrlarni o‘qitishning uchta konsepsiyasi ishlab chiqilgan.

Ixtisoslashtirilgan o‘qitish konsepsiyasi. Bu konsepsiya bugungi kunga qaratilgan va ish joyiga tegishli. Bunday ta‘lim nisbatan qisqa vaqt davomida samarali bo‘ladi. Xodim nuqtai nazaridan, u ish joyini saqlab qolishga hissa qo‘shadi, shuningdek, o‘z-o‘zini qadrlashni kuchaytiradi.

Ko‘p tarmoqli o‘qitish konsepsiyasi. Ushbu konsepsiyaning asosiy ustunligi – iqtisodiy foyda, bu xodimlarning ishlab chiqarish ichidagi va ishlab chiqarishdan tashqari harakatchanligini (mobilligini) oshirish orqali erishiladi. Ko‘p tarmoqli o‘qitish konsepsiyasining kamchiligi mavjud – bu tashkilot tomonidan xodimni yo‘qotish xavfi. Xodim harakatchanligi (mobilligini) tufayli ma‘lum bir ish joyiga bog‘lanib qolmaydi.

Ushbu yondashuvlarning har biri kuchli va zaif tomonlariga ega (1-jadval).

1-jadval

Personalni o‘qitishga bo‘lgan yondashuvlarning zaif va kuchli tomonlari

<i>Yondashuv</i>	<i>Kuchli tomonlar</i>	<i>Zaif tomonlar</i>
<i>Muammoli - vaziyatli</i>	<ul style="list-style-type: none"> xodimlarning bilim va ko‘nikmalaridagi bo‘shliqlar aniq, shuning uchun o‘qitishning maqsadi aniq 	<ul style="list-style-type: none"> faqat ma‘lum bir muammoni hal qilishga qaratilgan; kelajakka yo‘naltirilmagan; xodimlarni o‘qitish va rivojlantirishning yaxshi rivojlangan tizimi mavjud emas.
<i>Taktik</i>	<ul style="list-style-type: none"> o‘zgarishlarga tezkor munosabat; o‘qitish tadbirlari rejalashtirilgan; xodimlar yangi sharoitlarga tezda moslashish qobiliyatiga ega. 	<ul style="list-style-type: none"> qisqa va o‘rta muddatli istiqbollarga yo‘naltirilgan xodimlar tashkilot uchun raqobatdosh ustunliklarni yaratish uchun maxsus ko‘nikmalarga ega emaslar.
<i>Strategik</i>	<ul style="list-style-type: none"> inson resurslarini boshqarishga kompleks yondashuv; odamlar tashkilotning o‘zagi bo‘lib, o‘ziga xos bilim va ko‘nikmalarga ega; kelajakka yo‘naltirilgan. 	<ul style="list-style-type: none"> tashkilotning inson kapitaliga katta moliyaviy investitsiyalar talab qilinadi, har doim ham o‘qitishga investitsiyalarning daromadlilikini, to‘lov muddatini hisoblash mumkin emas.

Shaxsga yo‘naltirilgan o‘qitish konsepsiyasi. Bu konsepsiya ilmiy izlanishlarga moyil bo‘lgan, rahbarlik, o‘qituvchilik va shu kabi iste‘dodga ega bo‘lgan xodimlarga tegishli. Uning maqsadi – tabiat tomonidan berilgan yoki amaliy faoliyatda orttirilgan insoniy fazilatlarini rivojlantirish. Ushbu ta‘lim konsepsiyasining asosiy vazifasi – xodimning shaxsiy o‘shini ta‘minlash, uning kuchli tomonlarini rivojlantirish, stressga chidamliligini, muloqot qilish qobiliyatini va tanqidiy fikrlashini oshirish.

Ushbu konsepsiyalarda o‘qitish predmeti – bilimlar, ko‘nikmalar, malakalar, muloqot usullari.

Personalni o‘qitishga bo‘lgan bir nechta asosiy yondashuvlarni ajratib ko‘rsatish mumkin:

- Ta‘limga muammoli-vaziyatli yondashuv;
- Ta‘limga taktik yondashuv;
- Ta‘limga strategik yondashuv.

1. Ta‘limga muammoli-vaziyatli yondashuv yuzaga kelgan muammo, kutilmagan vaziyat paydo bo‘lgan hollarda qo‘llaniladi. Bunday yondashuv o‘z xodimlarini oldindan tayyorlash haqida qayg‘urmaydigan tashkilotlarga xos.

2. Ta‘limga taktik yondashuv biznesdagi muhim o‘zgarishlarga javoban qo‘llaniladi. Yondashuv tashkilotning keyingi muvaffaqiyatli ishlashi uchun dolzarb joriy muammolarni hal qilishga qaratilgan. Juda moslashuvchan, chunki u xodimlarga yangi sharoitlarga tezda moslashishga imkon beradi.

3. Ta‘limga strategik yondashuv tashkilot maqsadlariga muvofiq, uzoq muddatga mo‘ljallangan kadrlarni moslashtirish, rivojlantirish, o‘qitish, baholash dasturlarini ishlab chiqishni o‘z ichiga oladi. Ushbu yondashuv inson resurslari faoliyatining eng muhim tarkibiy qismi bo‘lgan tashkilotlar tomonidan qo‘llaniladi.

Demak, uzoq muddatli faoliyatga qaratilgan tashkilotlar doimiy rivojlanishni talab qiladi, shuning uchun xodimlarni o‘qitishga strategik yondashuvdan foydalanish muhim. Bu tashkilot ichida ham, undan tashqarida ham yuzaga keladigan kutilmagan vaziyatlarning xarajatlarini kamaytiradi. Muammoli – vaziyatli va taktik yondashuvlar unchalik samarali emas va qisqa muddatli natijalarga olib keladi, tashkilotning inson resurslari bozor talablariga muvofiq rivojlanmaydi. Tashkilotda har tomonlama va uzluksiz o‘qitish tizimini yaratish xodimlarning yuqori malakasini saqlashga, tashkilotni o‘z-o‘zini o‘qitish darajasiga o‘tishiga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. Управление персоналом организации: Учебник / Под ред. А.Я. Кибанова. – 4-е изд., доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2010, стр. 425.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори.
3. Б Элмонов. Сунъий Интеллект Технологиясидан Фойдаланишнинг Меҳнат Бозори Сегментига Таъсири. Talqin va tadqiqotlar, -Т.: 2023.
4. Abdurahmonov Q.X. va b. Personalni boshqarish. Darslik.-Т.: “Iqtisodiyot”,2013- 356 b.
5. Управление персоналом / учеб. под ред. Т.Ю. Базарова, Б. Л. Еремина – М.: Банки и биржи: ЮНИТИ. 1998 – 421с.

**УКРЕПЛЕНИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ФИНАНСОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ:
КОМПЛЕКСНЫЙ АНАЛИЗ МЕР ПО БОРЬБЕ С ОТМЫВАНИЕМ ДЕНЕГ И
ФИНАНСИРОВАНИЕМ ТЕРРОРИЗМА (ПОД/ФТ)**

**STRENGTHENING GLOBAL FINANCIAL SECURITY: A COMPREHENSIVE
ANALYSIS OF ANTI-MONEY LAUNDERING AND COUNTERING THE FINANCING
OF TERRORISM (AML/CFT) MEASURES**

**GLOBAL MOLIYAVIY XAVFSIZLIKNI MUSTAHKAMLASH: JINOIY
FAOLIYATDAN OLINGAN DAROMADLARNI LEGALLASHTIRISH VA
TERRORIZMNI MOLIYALASHTIRISHGA QARSHI
CHORA-TADBIRLARNI KOMPLEKS TAHLILI (AML/CFT)**

Ким Татьяна Валерьевна

PhD, доцент кафедры «Экономическая теория» Национального
университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Email:tatyana.kim2229@gmail.com

Гайратов Акбарали,

Студент 4 курса экономического факультета по
специальности «Экономика по отраслям и сферам»

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Email:gayratov929@gmail.com

Аннотация

Данная статья представляет собой комплексный анализ мер по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма (ПОД/ФТ) в контексте укрепления глобальной финансовой безопасности. Авторы проводят системный обзор современных вызовов и угроз в области ПОД/ФТ, рассматривая ключевые элементы международной стратегии, регуляторные стандарты и технологические инновации, направленные на предотвращение, выявление и пресечение незаконных финансовых операций. Акцент делается на эффективности существующих мероприятий, а также на перспективах дальнейшего развития инструментов и стратегий в области ПОД/ФТ для обеспечения устойчивой и безопасной мировой финансовой системы.

Ключевые слова: финансовая безопасность, отмывание денег, финансирование терроризма, регуляторные стандарты, мировая финансовая система, безопасность финансовых транзакций, международное сотрудничество, система контроля.

This article presents a comprehensive analysis of measures to combat money laundering and terrorist financing (AML/CFT) in the context of strengthening global financial security. The authors provide a systematic review of current AML/CFT challenges and threats, examining key elements of international strategy, regulatory standards and technological innovations aimed at preventing, detecting and disrupting illicit financial transactions. Emphasis is placed on the effectiveness of existing measures, as well as on the prospects for further development of AML/CFT tools and strategies to ensure a sustainable and secure global financial system.

Keywords: financial security, money laundering, terrorist financing, regulatory standards, global financial system, security of financial transactions, international cooperation, control system.

Ushbu maqola global moliyaviy xavfsizlikni mustahkamlash kontekstida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga (AML/CFT) qarshi kurashish bo‘yicha chora-tadbirlarning har tomonlama tahlilidir. Mualliflar xalqaro strategiyaning asosiy elementlarini, noqonuniy moliyaviy operatsiyalarning oldini olish, aniqlash va ularga chek qo‘yishga qaratilgan tartibga solish standartlari va texnologik innovatsiyalarni hisobga olgan holda AML/CFT sohasidagi zamonaviy chaqiriq va tahdidlarni tizimli ko‘rib chiqadilar. E‘tibor mavjud faoliyat samaradorligiga, shuningdek, barqaror va xavfsiz global moliya tizimini ta‘minlash uchun AML/CFT vositalari va strategiyalarini yanada rivojlantirish istiqbollari qaratiladi.

Kalit so‘zlar: moliyaviy xavfsizlik, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish, tartibga solish standartlari, jahon moliya tizimi, moliyaviy operatsiyalar xavfsizligi, xalqaro hamkorlik, nazorat tizimi.

В современном мире, где финансовые потоки становятся все более глобальными и взаимосвязанными, вопросы безопасности финансовых операций приобретают стратегическое значение для устойчивости мировой экономики и общественной безопасности. Тема борьбы с отмыванием денег и финансированием терроризма (ПОД/ФТ) оказывается в центре внимания, требуя комплексного исследования мер, направленных на укрепление глобальной финансовой системы.

Сложность вызовов, связанных с ПОД/ФТ, обусловлена не только эволюцией технологий и мировой экономики, но и ухудшением методов, используемых преступными и террористическими группировками для обхода существующих мер безопасности. В этом контексте научная статья представляет собой критически важный инструмент для оценки эффективности текущих подходов, выявления их слабых мест, а также разработки новых стратегий, способных эффективно противостоять современным вызовам в сфере ПОД/ФТ.

В данной научной статье мы предлагаем комплексный анализ мер по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма, рассматривая их в рамках мировой перспективы. Наша цель - не только предоставить всестороннюю картину текущего состояния в этой области, но и предложить перспективные решения и инновации, способные повысить эффективность борьбы с ПОД/ФТ и обеспечить устойчивость мировой финансовой системы в условиях быстроменяющегося мира.

Цель настоящей статьи - не только предоставить всестороннюю картину текущего состояния в этой области, но и предложить перспективные решения и инновации, способные повысить эффективность борьбы с ПОД/ФТ и обеспечить устойчивость мировой финансовой системы в условиях быстроменяющегося мира.

Для достижения этой цели, в рамках настоящего исследования определены следующие задачи:

- Анализ действующих международных и национальных стратегий по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма.
- Оценка эффективности существующих регуляторных стандартов и законодательства.
- Исследование современных методов и стратегий, используемых преступными группировками для обхода существующих мер безопасности.

Результаты проводимого исследования используются в разработке конкретных рекомендации для усиления и совершенствования существующих стратегий и мер по предотвращению и выявлению отмывания денег и финансирования терроризма и представлении рекомендаций для финансовых учреждений, включая банки и страховые компании, о том, как усилить свои внутренние процессы для борьбы с ПОД/ФТ.

На сегодняшний день мир глубоко обеспокоен последствиями отмывания денег, финансирования терроризма и распространения оружия массового поражения (предоставление средств или финансовых услуг для приобретения ядерного, химического или биологического оружия), а также связанных с этим преступлений, подрывающих финансовый сектор и экономику в целом. Данный вид криминальной деятельности подрывает стабильность государств, что негативно отражается на поддержании законности и

правопорядка, а также на приток иностранных инвестиций и международных потоков капитала.

Незаконные операции по отмыванию денег и финансированию терроризма в одной стране могут вызвать серьезные неблагоприятные последствия в других странах и даже во всем мире. Страны, где присутствуют слабые или неэффективные меры контроля, особенно привлекательны для тех, кто занимается отмыванием денег и финансированием терроризма. Эти преступники нацелены на утаивание своих преступных деяний, пользуясь сложностью глобальной финансовой системы, расхождениями в законодательстве различных стран и скоростью трансграничного перемещения средств[1].

Основополагающую роль в борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма играет группа разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (ФАТФ), так как ФАТФ разрабатывает стандарты и технологии противодействия финансированию терроризма на основе коллективных усилий всех возможных факторов мировой политики (как традиционных, так и нетрадиционных) на всех уровнях: национальном, региональном и глобальном. Он тесно сотрудничает с другими организациями, включая МВФ, Всемирный банк, Организацию Объединенных Наций и региональные органы по образцу ФАТФ.

Группа разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (ФАТФ) – это проводящий политику межправительственный орган с мандатом разработать и эффективно внедрить стандарты мер по борьбе с отмыванием денег и финансовым терроризмом.

Более того, стандарты ФАТФ признаны иными международными организациями и носят универсальный характер[2]. Изучение эффективности деятельности ФАТФ в рамках системы противодействия обороту нелегального дохода и финансированию терроризма позволит выявить слабые и сильные ее стороны, а также разработать эффективные технологии противодействия финансированию терроризма с учетом современных угроз. До настоящего времени в отечественной и зарубежной науке не проводилось комплексных исследований, посвященных анализу эффективности деятельности ФАТФ на уровне регулирования в рамках имплементации стандартов ФАТФ. Отечественные и зарубежные авторы затрагивали лишь отдельные аспекты, ограничиваясь, большей частью, анализом правовых аспектов проблемы, не охватывая проблему в целом.

В данном контексте, настоящая статья представляет особую актуальность и в некоторой степени призвана восполнить данный пробел. В статье не только дается оценка эффективности настоящей системы ПОД/ФТ, выстроенной по принципам ФАТФ, но и выявлены ключевые проблемы в каждом из аспектов, отражающих фундаментальные характеристики эффективной системы ПОД/ФТ, а также предложены рекомендации по повышению эффективности.

Ключевые характеристики эффективной системы ПОД/ФТ заключены в Рекомендациях ФАТФ[2], которые можно свести к следующим:

- 1) криминализация ОД/ФТ;
- 2) учреждение систем замораживания, ареста и конфискации доходов и иного имущества, имеющих отношение к ОД/ФТ;
- 3) наличие требований к финансовым/нефинансовым институтам и профессиям (УНФПП) в сфере ПОД/ФТ;
- 4) учреждение ПФР;
- 5) создание эффективной системы контроля;
- 6) установление каналов внутреннего и международного сотрудничества по линии ПОД/ФТ

Рекомендации ФАТФ – это всемирно признанные и поддерживаемые стандарты в этой сфере.

В результате эффективного внедрения Рекомендаций ФАТФ, страны могут:

- Лучшее обеспечивать целостность общественного сектора
- Повысить прозрачность финансовой системы

• Способствовать обнаружению, расследованию и преследованию отмыванию денег и финансирования терроризма, и возмещению украденных активов.

Борьба с отмыванием денег и финансированием терроризма (ПОД/ФТ) включает в себя ряд мероприятий, которые направлены на предотвращение, выявление и пресечение незаконных финансовых операций. Ниже представлены некоторые общие меры, используемые государствами и международными организациями:

Финансовый мониторинг: Развитие и реализация систем финансового мониторинга для отслеживания и анализа финансовых транзакций с целью выявления подозрительных операций.

Распознавание клиента: Внедрение процедур знания клиента для проверки личности и предоставления достоверной информации о клиентах при открытии банковских счетов и проведении финансовых операций.

Обязательная отчетность финансовых учреждений: Установление обязательности отчетности финансовых учреждений о подозрительных операциях и транзакциях с участием высоко-рискованных клиентов.

Международное сотрудничество: Содействие международному сотрудничеству в обмене информацией и координации действий между странами для противодействия глобальным финансовым преступлениям.

Блокирование финансовых активов: Введение механизмов блокирования финансовых активов, связанных с террористической деятельностью, и предотвращение их оборота.

Санкции и уголовные наказания: Ужесточение наказаний для тех, кто замешан в отмывании денег и финансировании терроризма, а также введение санкций против стран и организаций, поддерживающих террористические группировки.

Регулирование виртуальных валют и криптовалют: Разработка и внедрение регуляторных мер по контролю за использованием виртуальных валют и криптовалют в незаконных финансовых операциях.

Обучение и профилактика: Проведение обучающих программ для финансовых специалистов, банковских работников и других заинтересованных сторон для повышения осведомленности и умений в области борьбы с ПОД/ФТ.

Технологические инновации: Внедрение инновационных технологий, таких как искусственный интеллект, блокчейн и аналитика больших данных, для улучшения систем мониторинга и анализа данных.

Эти меры взаимодействуют друг с другом, создавая комплексный подход к борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма, направленный на обеспечение безопасности финансовых систем и предотвращение преступной деятельности.

Важным направлением дальнейшего развития информационной базы работы по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма является расширение сферы финансового мониторинга путем включения в число организаций, чьи операции с денежными средствами или иным имуществом подлежат такому мониторингу доходов, полученных преступным путем, хозяйствующих субъектов, деятельность которых создает благоприятные условия для отмывания таких доходов[3]. Таким образом, противодействие легализации доходов и отмывание денег, полученных преступным путем должно осуществляться по следующим основным направлениям:

- нормативно-правовое обеспечение функционирования национальной системы, совершенствование системы финансового контроля;
- совершенствование методов изучения и идентификации клиентов организаций, осуществляющих операции с денежными средствами или иным имуществом, включающее в себя дифференцированный подход к идентификации и изучению клиентов в зависимости от их принадлежности к соответствующей группе риска;
- повышение эффективности надзорной деятельности, предусматривающее совершенствование функционирования финансового мониторинга и иных государственных

органов, участвующих в противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма, а их материально-технического обеспечения, в том числе создание единой информационной системы баз данных в сфере противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма, в которую должны войти базы данных регистрирующих органов;

– совершенствование правоприменительной практики правоохранительных органов и судов по делам, связанным с легализацией (отмыванием) доходов, полученных преступным путем, и финансированием терроризма, включающее в себя совершенствование методик выявления, раскрытия и расследования уголовных дел данной категории, а также усиление взаимодействия органов финансового мониторинга с правоохранительными органами, а также правоохранительных и надзорных органов между собой и с поднадзорными организациями, осуществляющими операции с денежными средствами или иным имуществом;

Iqtisodiy salohiyat bo‘yicha past indeksli hududlarda, jumladan Surxondaryo viloyati eksportining 27 foizini [28], Jizzax viloyati eksportining 28 foizini [29], Xorazim viloyatining eksportining 32,6 foizini [30], Sirdaryo viloyati eksporti tarkibining 48,7 foizini[31] oziq-ovqat mahsulotlari tashkil qildi. Bundan tashqari hududlarda tashqi iqtisodiy faoliyat bilan shug‘ullanuvchi xususiy eksport korxonalarining kamligi ushbu hududda ishlab chiqarilgan tovar va xizmatlarning boshqa hudud korxonlari tomonidan eksport qilinishiga sabab bo‘lmoqda, bu esa hudud eksport salohiyatini aniq baholashda nominal ko‘rsatkichlarning kam bo‘lishi olib kelmoqda.



4-rasm. Hududlar kesimida eksport hajmi (mln AQSh doll., 2022 y.)

Iqtisodiy salohiyat indeksi bo'yicha quyi o'rindagi hududlar eksportida yaqin xorij mamlakatlarining ulushi yuqori, indeks yuqori hududlar eksporti hajmida uzoq xorij mamlakatlar ulushi nisbatan teng ekanligi e'tiborlidir. Shu bilan birga hududlar iqtisodiy salohiyati ko'rsatkichi va eksport qilinayotgan tovarlardagi qo'shilgan qiymati miqdori o'rtasida to'g'ri bog'liqlik mavjudligi aniqlandi.

Ilmiy tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlarining iqtisodiyotdagi ahamiyati past darajada. Ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlari (ITTK) yangi tovarlar, yangi texnologiyalar va yangi bilimlar paydo bo'lishiga olib keladigan innovatsiyalarning asosidir. Bu sohada mavjud tadqiqotlar iqtisodiy o'sish nuqtai nazaridan ITTKga qilingan investitsiyalar yuqori qaytim darajada ekanligidan dalolat bermoqda. ITTK yangi mahsulotlar yaratish, turmush darajasini yaxshilash va yangi texnologiyalarni ishlab chiqish, barcha korxonalar uchun ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va raqobatbardoshligini oshirish imkonini beradi. Iqtisodiy o'sishga erishish va iqtisodiy samaradorlik darajasini oshirish maqsadida mamlakatlarda ITTKga investitsiyalar sarflanadi.



5-rasm. Tanlangan mamlakatlar kesimida ITTKga xarajatlar. (YaIMga nisbatan foizda, 2021 y.)[32]

Rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda bu xarajatlar o‘rtacha YaIMning 1% ko‘prog‘ini tashkil qiladi. Jumladan 2021 yilda ITTKga YaIM ulushi bo‘yicha xarajatlar ko‘rsatkichi Rossiyada 1,09%, Xitoyda 2,71%, AQShda 3,45%, Germaniyada 3,26%, Yaponiyada 3,26%, Koreya Respublikasida 4,93% tashkil qildi. O‘zbekistonda esa bu ko‘rsatkich 2000-2020 yillar oralig‘ida o‘rtacha 0,2%ni tashkil qilgan. Jahon banki ma‘lumotlariga ko‘ra 2000-2020 yillar oralig‘ida Armaniston, Ozarbayjon, Gvatemala, Iroq, Qozog‘iston, Quvayt, Qirg‘iziston, Mongoliya, Mavritaniya, Tojikiston, Peru va Trinidad va Tobago mamlakatlarida ITTKga xarajatlar YaIMning 0,2%dan past darajada.

Ma‘lumki, zamonaviy iqtisodiy o‘shishga innovatsiyalar hisobiga erishiladi. Shu bois mamlakatning innovatsion faoliyatiga iqtisodiy o‘shishni ta‘minlashning muhim “drayveri” sifatida qaraladi. Innovatsion faoliyat bo‘yicha mamlakatning erishgan yutuqlari global innovatsion indeksida o‘z aksini topadi. Global innovatsion indeks boshqaruv institutlar sifatida, inson kapitali va ilmiy tadqiqotlar faoliyati, infratuzilma, bozorlarning rivojlanganligi, biznesni rivojlantirish, bilim va texnologiya va ijodiy mahsulotlari kabi yo‘nalishlar bo‘yicha mamlakatning innovatsion faoliyatini kompleks tavsiflovchi integral ko‘rsatkich hisoblanadi. 2021-yil reytingida jami 132ta mamlakatdan dastlabki besh o‘rinni Shveysariya, Shvedsiya, AQSh, Buyuk Britaniya, Koreya Respublikalari egallashdi, Rossiya-45, Belarus-62, Qozog‘iston-79 va O‘zbekiston 86-o‘rinlarni egalladi. [33] Shunisi ahamiyatliki, O‘zbekiston «Biznesni rivojlantirish» yo‘nalishi ko‘rsatkich bo‘yicha eng past natijalardan biri 123-o‘rin bilan qayd etilgan. Keljakdagi maqsad reytingning keyingi yillardagi hisobotlarida birinchi 70-80 talik mamlakatlar qatoridan o‘rin olish. Buning uchun esa innovatsion faoliyatda ilg‘or mamlakatlarning erishgan natijalari asosida O‘zbekiston ko‘rsatkichlarini yaxshilash borasida ishlar olib borish zarur.

Yuqoridagilar keltirilgan muammolar iqtisodiy salohiyatidan samarali, to‘liq foydalanishga to‘sqinlik qilmoqda. Bu muammolarni hal qilish nafaqat mikro va mezo darajadagi yonadushvni, balki makro darajadagi chora-tadbirlarni amalga oshirishni talab qiladi. Jumladan milliy iqtisodiyot barqarorligini ta‘minlash va yalpi ichki mahsulotda sanoat ulushini mutassili oshirib orib borishda:

- sanoatning yetakchi tarmoqlari va iqtisodiyotni yanada liberallashtirish hamda transformatsiyalash;

- yirik sanoat tarmoqlari va hududiy korxonalar o‘rtasida sanoat kooperatsiyasini rivojlantirish;

- sanoat tarmoqlarida mehnat unumdorligini oshirish dasturlarini keng joriy qilinishini ta‘minlash lozim.

Iqtisodiyotni elektr energiyasi bilan uzluksiz ta‘minlash, iqtisodiyotning energiya samaradorligini yanada oshirishda:

- elektr energiyasi ishlab chiqarish quvvatini mavjud elektrostansiyalarni modernizatsiyalash va yangi stansiyalar qurish hisobiga oshirish;

- qayta tiklanuvchi energiya manbalari ulushini oshirish evaziga tabiiy gazni tejash;

- mamlakat elergetika tizimini qo‘shni davlatlar energetika tizimlari bilan integratsiyasini yo‘lga qo‘yish va barqaror ishlashini ta‘minlash;

- sanoat tarmoqlarida yo‘qotishlarni kamaytirish, uy-joy-kommunal xo‘jaligi, ijtimoiy soha ob‘ektlari va boshqa sohalarda qayta tiklanuvchi energiya manbalarini keng joriy etish evaziga energiya samaradorligini oshirish talab etiladi.

Hududlarda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish va xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun:

- investitsiya samaradorligini oshirish va eksport hajmini ko‘paytirishda «pastdan-yuqoriga» tamoyili asoslagan yangi tizimni yo‘lga qo‘yish;

- Respublika hududlari va xorijiy mamlakatlar biznes vakillari o‘rtasida tashqi iqtisodiy aloqalarni o‘rnatish;

- hududlarda investor va tadbirkorlarga ish faoliyatida amaliy yordam ko‘rsatuvchi markazlarni tashkil etish maqsadga muvofiq;

Hududlar eksport salohiyatini va hajmlarini oshirishda:

- eksport qiluvchi korxonalar faoliyatini qo‘llab-quvvatlash;

- eksport tarkibida yuqori qo‘shilgan qiymatli tovarlar hajmini oshirish;
- tashqi bozor va xalqaro talablarga javob beradigan standartlarni joriy etish va mashhur brendlarni jalb qilish;
- xususiy sektorning eksportdagi ulushini oshirish;
- turizm, transport, axborot-kommunikatsiya, jumladan dasturiy ta‘minotlar va boshqa xizmatlar eksportini oshirish;
- Respublika hududlari va qo‘shni mamlakatlar bilan chegara hududlarda erkin savdo zonalari faoliyatini yo‘lga qo‘yish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. The risks to global growth are broadly balanced and a soft landing is a possibility. Washington, DC, 2024 January.
2. http://www.stats.gov.cn/english/PressRelease/202205/t20220516_1830455.html
3. A.B. Вахабов. COVID-19 пандемиясининг глобал қўшилган қиймат занжирига таъсири // Иқтисод ва молия. 2022. №1 (149).
4. <https://cbu.uz/ru/monetary-policy/refinancing-rate/levels/>
5. Solow R. M. A contribution to the theory of economic growth //The quarterly journal of economics. – 1956. – Т. 70. – №. 1. – С. 65-94.
6. <https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&type=metadata&series=NE.GDI.TOTL.CD>
7. <https://www.britannica.com/topic/diminishing-returns>
8. <https://stat.gov.kz/official/industry/161/statistic/8>
9. https://rosstat.gov.ru/investment_nonfinancial
10. <https://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.TOTL.CD>
11. https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/ishxaqi_mart_uz_25_04_22.pdf
12. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>
13. <https://news.un.org/en/story/2022/06/1120502>
14. https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/demografiya_mart_uz_25_04_22.pdf
15. <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/ish-haqi-choraklik?lang=uz&format=xlsx>
16. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>
17. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28 yanvar 2022 yildagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli qarori/
<https://lex.uz/uz/docs/5841063>
18. <https://archive.doingbusiness.org/en/data/exploretopics/getting-electricity>
19. <https://data.worldbank.org/indicator/IC.ELC.OUTG?locations=UZ>
20. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.03.2019 yildagi “O‘zbekiston Respublikasida elektr energetika tarmog‘ini yanada rivojlantirish va isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PQ-4249-sonli qarori /
<https://lex.uz/ru/docs/4257083>
21. <https://president.uz/uz/lists/view/5288>
22. <https://minenergy.uz/uz/news/view/1298>
23. <https://repost.uz/experience-of-modernization>
24. <http://toshstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
25. <https://www.toshvilstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
26. <https://navstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
27. <http://samstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
28. <https://www.surxonstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
29. <https://www.jizzaxstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
30. <http://www.sirstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
31. <http://www.sirstat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
32. <https://data.oecd.org/rd/gross-domestic-spending-on-r-d.htm#indicator-chart> /
<https://data.worldbank.org/indicator/GB.XPD.RSDV.GD.ZS?locations=UZ>
33. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf

DAVLAT BUDJETI XARAJATLARI VA ULARNING TASNIFLANISHI

РАСХОДЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ

EXPENDITURES OF THE STATE BUDGET AND THEIR CLASSIFICATION

Alimova Guzal Abduxakimovna

Toshkent moliya instituti Iqtisodiyot kafedراسi dotsentimi
i.f.n., dotsent., guzal_alimova@bk.ru

Annotatsiya

Maqolada budjet xarajatlarini shakllantirishning nazariy asoslari, ularning ahamiyati va tasnifi ko‘rib chiqiladi, budjetni rejalashtirishning mohiyati va tamoyillari ko‘rib chiqiladi, budjet xarajatlarini rejalashtirishning asosiy usullari tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: budjetni rejalashtirish, budjet xarajatlari, rejalashtirish usullari, normativ tartibga solish.

В статье рассматриваются теоретические основы формирования бюджетных расходов, их значение и классификация, рассматривается сущность и принципы бюджетного планирования, анализируются основные методы планирования бюджетных расходов.

Ключевые слова: бюджетное планирование, бюджетные расходы, методы планирования, нормативное регулирование.

The article examines the theoretical foundations of the formation of budget expenditures, their importance and classification, considers the essence and principles of budget planning, and analyzes the main methods of budget expenditures planning.

Keywords: budget planning, budget expenses, planning methods, normative regulation.

O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti amaldagi kuchli ijtimoiy himoya tizimini shakllantirish davlat siyosatining mustahkam moliyaviy resurslar manbai bo‘libgina qolmay, milliy iqtisodiyotimiz alohida tarmoqlari rivojlanishida ahamiyati g‘oyat yuksak bo‘lmoqda.

Budjet siyosatining turmush tarzini barqarorligini ta‘minlashdagi ahamiyati ko‘p jihatdan moliyaviy qarorlarning vertikal va gorizontal tarzda taqsimlanganligi bilan izohlanadi. Iqtisodiy ta‘limotlar tarixida ko‘plab adabiyotlarda budjet siyosatiga doir ko‘plab qarorlarning markazlashgan holda amalga oshirilganligi to‘g‘risida ma‘lumotlar mavjud. Bu esa, o‘z navbatida, budjetning aholi turmush darajasiga ta‘sirning ijobiy yoki salbiy bo‘lishiga shartsharoit yaratgan. Ko‘pgina adabiyotlarda markaziy hokimiyat tomonidan moliyaviy qarorlarni qabul qilinishi salmog‘i ko‘p bo‘lishi ularning sifatiga salbiy ta‘sir etishi qayd etib o‘tiladi. Bizningcha, aholi turmush farovonligini ta‘minlashda budjet ishlariga oid qarorlarni qabul qilishda aholi ishtirokining kengroq ta‘minlanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan, budjetning ijtimoiy hayotdagi rolini mustahkamlash uchun moliyaviy qarorlarni gorizontal shakldan vertikal shaklga o‘tkazish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa o‘z navbatida budjetni yanada ochiq bo‘lishi va fuqarolar tashabbusini qo‘llab-quvvatlashni taqozo etadi.

B.Sattarov fikriga ko‘ra, Davlat tomonidan davlat xarajatlarini moliyalashtirish uchun soliqlar va soliq bo‘lmagan manbalardan olinadigan pul. Davlat budjeti daromadlari, shuningdek, davlat xarajatlari davlat budjetining tarkibiy qismlari va hukumatning moliyaviy siyosatining muhim elementidir” deb ta‘kidladi[1].

A.V. Vahobov , T.S.Malikov fikriga ko‘ra “Nazariy jihatdan olib qaralganda budjetning sog‘lom (normal) faoliyat ko‘rsatishi unga tegishli bo‘lgan daromadlar va xarajatlarning tengligini taqozo etadi. Haqiqatdan ham u yoki bu miqdordagi xarajatlarni amalga oshirish uchun budjet shu

miqdordagi daromadlarga ega bo‘lishi kerak. Aks holda bu xarajatlarni amalga oshirishning iloji bo‘lmaydi. Budget daromadlari va xarajatlarining tengligi budgetning balanslashtirilganligidan dalolat beradi”[2].

Nurmammedova M.I. va Xamdorov Sh.K. budget xarajatlari shunday degan “Iqtisodiy mazmun-mohiyatiga kora, davlat budjeti xarajatlari – davlatning markazlashgan pul fondida jamlanadigan pul mablag‘larini taqsimlash, qayta taqsimlash va ishlatish bilan bog‘liq bo‘lgan, davlat bilan davlat budjetidan mablag‘ oluvchilar o‘rtasida sodir bo‘ladigan iqtisodiy pul munosabatlaridir”[3].

Dots. I. Alimov davlat budjeti xarajatlarining samaradorligi to‘g‘risida fikr yuritib, budget tuzilmasi ushbu davlatning siyosiy-ma‘muriy usqurtmasiga bog‘liq ekanligini ta‘kidlab o‘tadi. Budgetni umumiy tarzda daromadlar va xarajatlar ko‘lami bilan boshqarishni taklif etadi[4]. PhD. A. Sherov budget siyosatini amalga oshirish yuzasidan konseptual tadqiqotlarni amalga oshiradi. Uning fikricha, budget siyosatini amalga oshirish siyosatida nomarkazlashuv siyosatini bosqichma-bosqich amalga joriy etish yuzasidan fikrlarni bayon etadi. Jumladan, “budgetning iqtisodiyot xarajatlari hisobidan budget xarajatlarini oshib ketishini oldini olish uchun iqtisodiyotda davlat ulushini kamaytirish, davlat budjeti hisobidan markazlashgan investitsiyalarning moliyalashtirilishini bosqichma-bosqich kamaytirib borish. Bunda davlat-xususiy sheriklik amaliyotiga ustuvorlik berish” degan ilmiy xulosani asoslab beradi[5].

Davlat budjeti - davlatning muayyan vaqt (odatda bir yil) uchun mo‘ljallangan pul daromadlari va xarajatlari majmui. Davlat budjeti davlat ixtiyoridagi pul fondlarining taqsimlanishini bildirib, u davlat moliyasining bosh bo‘g‘ini hisoblanadi. Davlat budjeti tarkiban umumdavlat (yoki markaziy) budjeti (mamlakat miqyosidagi umumiy daromadlar va xarajatlar yig‘indisi) va mahalliy (munitsipal) budjeti (hududiy tuzilmalar -o‘lka, viloyat, tuman va h.k. doirasidagi pul daromadlari va xarajatlari)ga bo‘linadi. Ikki turdagi budjetlar nisbati mamlakatning ichki sharoitiga bog‘liq bo‘ladi. Davlat jamiyatga ijtimoiy xizmatlar (milliy xavfsizlikni ta‘minlash, jamoat tartibini saqlash, atrof-muhitni himoya qilish, nochorlarga yordam berish, aholiga bepul ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish va b.) ko‘rsatadi va bularning barchasi xarajat talab qiladi. Budget daromadlari soliqlar, solikdan tashqari yig‘imlar, davlat zayomlaridan tushgan pul, davlat mul-kini sotishdan yoki ijaraga berishdan kelgan mablag‘lardan shakllanadi. Budget daromadining aholi jon boshiga hisoblangan miqdori mamlakatning budget salohiyati (potensial) deb yuritiladi va bu budget daromadining umumiy hajmiga hamda aholining soniga bog‘liq. Budget xarajatlari uning daromadidan ortib ketsa, budget taqchilligi, ya‘ni kamo-madi yuzaga keladi. Sifat xarakteristikasi iqtisodiy xususiyatni aks ettiradi va budget xarajatlarining maqsadini belgilashga imkon beradi[6]. Miqdoriy xarakteristikasi ularning qiymatini belgilash imkonini beradi. Budget xarajatlari turlarining xilma-xilligi quyidagi omillarga bog‘liq:

- davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasi;
- budget va xalq xo‘jaligi o‘rtasidagi aloqalarni tarmoqlash;
- mamlakatning ma‘muriy-hududiy tuzilishi;
- budget mablag‘larini ta‘minlash shakllari va boshqalar.

Bu omillarning kombinatsiyasi har qanday mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining barcha bosqichlarida budget xarajatlarining u yoki bu tizimiga olib keladi. Budget xarajatlarining iqtisodiy hayotdagi o‘rni va ahamiyatini aniqlash uchun ma‘lum mezonlar bo‘yicha tasniflash amalga oshiriladi. Budget tasnifi elementlari bo‘yicha guruhlangan ma‘lumotlardan foydalanish budget mablag‘lari harakatining real rasmini ko‘rish va iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarga ta‘sir qilish imkonini beradi. 2022-yil uchun Davlat budjeti daromadlari (budgetlararo Transfertlar bilan birgalikda) jami 193 trln so‘m (YAIMga nisbatan 23 foiz) miqdorida prognoz qilinmoqda. Bu haqda Hisob palatasining “2022 yil uchun O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti to‘g‘risidagi qonuni loyihasi va 2022 yil uchun budjetnoma bo‘yicha bergan xulosasida aytib o‘tilgan. Budgetnomaga muvofiq, 2022 yil uchun davlat budjeti daromadlari davlat soliq idoralari bo‘yicha 145,7 trln so‘mni (YAIMga nisbatan 17,3 foiz), davlat bojxona idoralari bo‘yicha 39,8 trln so‘mni (4,8 foiz) va Moliya vazirligi tushumlari bo‘yicha 7,5 trln so‘mni (0,9 foiz) tashkil qilmoqda. Shuningdek, budjetnomada davlat budjeti xarajatlari 172 trln 680,5 mlrd so‘mga yetishi prognoz

qilingan. Hisob palatasi ushbu xarajatlarni 1 trln ga qisqartirishni taklif qilgan. Shunda davlat budjeti xarajatlari 171 trln 680,5 mlrd ni tashkil qiladi. Iqtisodiy mazmuniga ko‘ra joriy va kapital budjet xarajatlarini ajratish mumkin.

Davlat budjetining 2023 yil uchun xarajatlari 257 734 mlrd so‘m yoki YaIMning 24,1% (2022 yilda - 236 579 mlrd so‘m yoki YaIMning 26,6 %i) hisobida tasdiqlandi. Iqtisodiy o‘shishni rag‘batlantirish maqsadida tarmoq rivojlanish dasturlarini amalga oshirishga sarflanadigan xarajatlarni oshirish rejalashtirilgan. Ijtimoiy xarajatlarga 129 891 mlrd so‘m yo‘naltirilishi belgilangan, bu o‘z navbatida jami Davlat budjeti xarajatlarining 50,4 foizini tashkil etadi. Avvalgi yillar kabi ijtimoiy xarajatlarning aksariyat qismini ta‘limga xarajatlar (44,9%) tashkil etishi kutilmoqda. 2023 yilda ta‘limga 58 372 mlrd so‘m ajratilishi rejalashtirilgan bo‘lib, 2022 yilda ajratilgan xarajatlarga nisbatan deyarli 14%ga ortiqni tashkil etadi. 2023 yilda bolalarni maktabgacha ta‘lim bilan qamrovini 72%gacha oshirishni hisobga olgan holda maktabgacha ta‘lim xarajatlari rejalashtirilgan. 2025 yil yakuniga kelib, 6 yoshli bolalarni maktabgacha ta‘lim tizimi bilan to‘liq qamrovini ta‘minlash va bolalarni maktabgacha ta‘lim qamrovini 80%gacha oshirish ko‘zda tutilgan[7].

Joriy xarajatlar - bu davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, budjet muassasalari, mahalliy davlat hokimiyati organlarining joriy faoliyatini ta‘minlaydigan xarajatlar qismi va kapital xarajatlarga kiritilmagan boshqa xarajatlardir.

Kapital xarajatlar - budjet xarajatlarining bir qismi bolib, investitsiya va innovatsion faoliyatni hamda takror ishlab chiqarishni kengaytirishga yo‘naltirilgan boshqa xarajatlarni ta‘minlaydi, ularni amalga oshirishda mulk yaratiladi va ko‘paytiriladi. Budjet xarajatlarini davlat maqsadlariga ko‘ra guruhlash davlat tomonidan amalga oshiriladigan vazifalar - iqtisodiy, ijtimoiy, mudofaa va boshqalarni aks ettiradi. Mablag‘lar yo‘naltirilgan davlat faoliyati sohalarini aks ettiruvchi budjet xarajatlarining funktsional tasnifi katta ahamiyatga ega. Shu bilan birga, barcha xarajatlar quyidagi asosiy bo‘limlarga bo‘linadi:

- milliy masalalar;
- milliy mudofaa;
- milliy xavfsizlik va huquqni muhofaza qilish;
- milliy iqtisodiyot;
- uy-joy kommunal xo‘jaligi;
- tabiiy muhitni muhofaza qilish;
- ta‘lim;
- madaniyat, kinematografiya, ommaviy axborot vositalari;
- sog‘liqni saqlash va sport;
- ijtimoiy siyosat;
- budjetlararo transfertlar.

Bu tasnif davlatning jamiyat hayotining turli sohalarida tutgan o‘rnini yaqqol aks ettiradi. Ko‘rsatilgan xarajatlar guruhlarida eng muhim milliy dasturlarni amalga oshirish xarajatlari qo‘shimcha ravishda ajratilishi mumkin[8].

Yuqoridagilarga tayangan holda davlat budjeti mablag‘laridan samarali foydalanishni takomillashtirish bilan bog‘liq bo‘lgan dolzarb muammolarni hal etish maqsadida quyidagi ilmiy amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi. Budjet intizomini mustahkamlash maqsadida budjet mablag‘laridan samarali va oqilona foydalanishning asosiy shartlaridan biri tejamkorlik rejimidagi xarajatlarni nazorat qilish normalariga qat‘iy rioya qilishdir. Buning uchun budjetdan ijtimoiy, ijtimoiy- madaniy tadbirlarni moliyalashtiriladigan mablag‘lardan tashqari boshqa xarajatlarni bosqichma-bosqich kamaytirish va me‘yordan ortiqcha amalga oshirilgan xarajatlarni budjet hisobotlariga debitorlik va kreditorlik qarzlari sifatida qabul qilish amaliyotiga chek qo‘yish zarur. Hozirgi kunda davlat budjeti mablag‘laridan samarali foydalanishni takomillashtirish uchun eng avvalo, budjet mablag‘laridan tejab-tergab, samarali va aniq foydalanish hamda budjet intizomini

mustahkamlash uchun g‘aznachilik tizimini yanada takomillashtirib, ishlarni jahon standartlariga mos ravishda olib borish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Allayarov, S. A. (2020). Strengthening tax discipline in the tax security system: Features and current problems. *South Asian Journal of Marketing & Management Research*, 10(11), 124-128
2. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik (foshkent TII Moliya instituti. - Toshkent: "Noshir", 2012. 317-bet.
3. Davlat moliyasi: Darslik / B.I. Nurmuxamedova, Sh.X. Xamdamov;- T.: “Iqtisod-Moliya”, 2021.-436 b
4. Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10. 6.
5. Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсати: амалий ва стратегик йўналишлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил
6. https://uz.wikipedia.org/wiki/Davlat_budjeti
7. https://api.mf.uz/media/document_files/Budjet_23_uz.pdf
8. <https://edu.uz/media/53f956aa-be00->

UDK: 332.14

**IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA KLASTER
YONDASHUVI MINTAQADA SANOAT SIYOSATINI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY
USTUVOR YO‘NALISHI SIFATIDA**

**КЛАСТЕРНЫЙ ПОДХОД КАК ОСНОВА И ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ
ФОРМИРОВАНИЯ ПРОМЫШЛЕННОЙ ПОЛИТИКИ РЕГИОНА В УСЛОВИЯХ
МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

**THE CLUSTER APPROACH AS THE BASIS AND PRIORITY DIRECTION FOR
THE FORMATION OF INDUSTRIAL POLICY IN THE REGION IN THE CONTEXT
OF ECONOMIC MODERNIZATION**

Qalmuratov Baxtiyar Seytmuratovich

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti,
“Iqtisodiyot” kafedrasi mudiri, i.f.d., professor.

kalmuratovb@mail.ru

Bayniyazova Malika Polatovna

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti,
“Menejment” mutaxassisligi mustaqil tadqiqotchisi

malikabayniyazova@gmail.com

Annotatsiya

Maqolada klasterlarni shakllantirish va rivojlantirishning nazariy yondashuvlari, ya‘ni institutsional nazariya, neoklassik iqtisodiy nazariya, mintaqaviy rivojlanish nazariyasi, klaster nazariyasi, tizimli tahlil tamoyillari asosida klaster sanoat siyosati tushunchasining talqini berilgan va uning maqsadi, tamoyillari, vositalari va uning tarkibiy elementlarini o‘z ichiga olgan

mexanizmi ishlab chiqilgan. Shuningdek, mintaqaviy sanoat siyosatini shakllantirish va umuman mintaqa iqtisodiyotini rivojlantirishda klaster yondashuvining mohiyati o‘rganildi, shuningdek, zamonaviy klasterning ishlab chiqarish kooperatsiyasining boshqa sanoat birlashmalaridan asosiy jihatlari va o‘ziga xos xususiyatlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: klaster, sanoat klasterlari, klaster sanoat siyosati, hududning klaster tuzilishi, mahalliyashtirish, hududiy sanoat siyosati, hududiy ishlab chiqarish majmuasi.

В статье рассмотрено теоретические подходы формирования и развития кластеров, а именно институциональной теории, неоклассической экономической теории, теории регионального развития, кластерной теории, на основе принципов системного анализа дана трактовка понятия кластерной промышленной политики и разработан ее механизм, включающий цели, принципы, инструменты и ее составные элементы. А также изучено сущность кластерного подхода при формировании региональной промышленной политики и развитии экономики региона в целом а также представлены основные аспекты и отличительные черты современного кластера от других промышленных объединений производственной кооперации.

Ключевые слова: кластер, промышленные кластеры, кластерная промышленная политика, кластерная структура территории, локализация, региональная промышленная политика, территориально-производственный комплекс.

The article considers theoretical approaches to the formation and development of clusters, namely institutional theory, neoclassical economic theory, theory of regional development, cluster theory, based on the principles of system analysis, an interpretation of the concept of cluster industrial policy is given and its mechanism is developed, including goals, principles, tools and its constituent elements. The essence of the cluster approach in the formation of regional industrial policy and the development of the region's economy as a whole is also studied, as well as the main aspects and distinctive features of a modern cluster from other industrial associations of industrial cooperation are presented.

Keywords: cluster, industrial clusters, cluster industrial policy, cluster structure of the territory, localization, regional industrial policy, territorial production complex.

Har bir mamlakat o‘zining rivojlanishida iqtisodiy siyosatni shakllantiradi va amalga oshiradi. Ushbu siyosatni ajralmas qismi sifatida ko‘pincha ma‘lum tarmoqlarni qo‘llab-quvvatlashga yoki potentsial raqobatbardosh hududlarni rivojlantirishga qaratilgan sanoat siyosati hisoblanadi. Hozirgi vaqtda davlat darajasida bir vaqtning o‘zida jamiyat, davlat, biznes, fan manfaatlarini hisobga oladigan sanoat siyosati asoslanmagan.

Iqtisodiy rivojlanishning innovatsion modeliga o‘tish mamlakatimiz iqtisodiyotining innovatsion rivojlanishining yangi modeliga o‘tishini nazarda tutadi. Mintaqa uchun birinchi navbatda innovatsion faoliyat, yangi texnologiyalar, raqobatbardosh mahsulotlar rivojlanishning hal qiluvchi omillariga aylanishi kerak. Ko‘pchilik mintaqalar tobora ko‘proq davlat, ishlab chiqarish va investorlar e‘tiboriga tushmoqda. Mintaqa integratsiya aloqalari nuqtayi nazaridan, bir tomondan, davlatning iqtisodiy va ijtimoiy xususiyatlari uchun ajratilgan elementi, boshqa tomondan esa, uning yangi va allaqachon ajralmas xususiyati bo‘lgan xalqaro iqtisodiy makonning ishtirokchisi sifatida faoliyat yuritadi. Xususan, raqobat sharoitida investitsiyalar ko‘pincha o‘zaro bog‘liq tarmoqlar korxonalarini joylashgan joylarda to‘planadiganligi tahlil qilindi.

Davlat tomonidan tegishli siyosiy choralarini ko‘rish uchun davlat tuzilishining o‘ziga xos xususiyatlari, uning tabiiy-iqlimiy, geosiyosiy va demografik xususiyatlari, mintaqalarning notekis rivojlanishi hisobga olishi lozim.

Shuning uchun xam davlat miqyosida va mintaqalar darajasida samarali sanoat siyosatini shakllantirishga katta ahamiyat berilishi kerak. Zamonaviy mintaqaviy sanoat siyosatining strategik ahamiyati mintaqalarning raqobatdosh ustunliklaridan foydalanishiga, davlatimiz mintaq

hokimiyatlari tomonidan ustuvor tarmoqlarni oqilona tanlashga va ularni qo‘llab-quvvatlashga qaratilishi kerak. Mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, birinchi navbatda, mintaqa hududida joylashgan korxonalarni samarali boshqarish va ularga xizmat ko‘rsatadigan infratuzilmaga bog‘liq. Bunday samarali boshqaruvga sanoat siyosatining obyektivi hududiy jihatidan alohida korxonalar bo‘lganda emas, balki O‘zbekiston Respublikasi hududida shakllanadigan sanoat klasterlari bo‘lganda erishish mumkin.


Innovatsion rivojlanish sharoitida sanoat korxonalari so‘nggi paytlarda ishlab chiqarish kooperatsiyasining yangi darajasiga ko‘tarilmoqda. Xoldinglar, alyanslar, komplekslar kabi turli xil kooperatsion tizimlarning muammolarini o‘rganishga bag‘ishlangan ishlar tobora keng tarqalgan. So‘ngi vaqtlarda ishlab chiqarish kooperatsiyasining eng yuqori shakli sifatida klasterlarga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Iqtisodiyotni sanoatlashtirish davrida sanoat ishlab chiqarish komplekslari bir qancha barqaror holatga ega bo‘lib, ularning muhitida tabiiy evolyutsion jarayonlar sodir bo‘lgan. Biroq, bozor talablari va undagi o‘rin uchun doimiy kurash raqobatbardosh ustunliklarni doimiy ravishda takomillashtirishga majbur qiladi, bu esa navbatida qo‘llaniladigan texnologiyalarning murakkablashishiga va keyinchalik ularni sanoat va ishlab chiqarish faoliyatiga joriy etishga, natijada mahsulot sifatini oshirishga va uning yuqori texnologiyali tarkibiy qismining o‘shishiga olib keladi.

Shu munosabat bilan, hududiy sanoat komplekslar(HSK) 90-yillarda M. Porter tomonidan o‘rganilgan klasterlarning prototipi bo‘lgan deb taxmin qilish mumkin. Uning fikriga ko‘ra, "Klaster (yoki sanoat guruhi) – bu ma‘lum bir sohada faoliyat yuritadigan, aniq bir faoliyat turi bilan ajralib turadigan va bir-birini to‘ldiruvchi geografik jihatdan qo‘shni, o‘zaro bog‘liq kompaniyalar va tegishli tashkilotlar guruhi" [3] deb ta‘riflaydi.

Shunga asoslanib, klasterlar va hududiy sanoat komplekslar(HSK)ning umumiy belgilaridan biri, birinchidan, hududiy ishlab chiqarishni majmualarga birlashtirishning ijobiy sinergik samarasidan foydalanish bo‘lsa, ikkinchi tomondan, yuqori raqobatbardosh ishlab chiqarish loyihalarini amalga oshirish imkoniyati deb hisoblash mumkin.

Klasterlarni hududiy sanoat komplekslar(HSK) o‘rnini egallagan deb hisoblash noto‘g‘ri hisoblanadi. Hozirda klasterlarga tobora ko‘proq e‘tibor qaratilayotganligi ma‘nosi, klasterning hududiy sanoat komplekslardan asosiy ajralib turadigan xususiyati uning innovatsion yo‘naltirilganligi ekanligi bilan izohlanish mumkin. Sababi, bu iqtisodiyotning innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tishi bilan belgilanadigan talablarga javob beradigan innovatsion komponent va ikkinchidan, yuqori raqobatbardosh ishlab chiqarish loyihalarini amalga oshirish imkoniyati sanaladi.



Klasterlarni tashkil etuvchi korxonalarining innovatsion yo‘nalishidan tashqari, zamonaviy klaster va an‘anaviy hududiy sanoat komplekslarni(HSK) bir qator o‘ziga xos xususiyatlarini ajratib ko‘rsatish mumkin. Klasterlar va hududiy sanoat komplekslarni(HSK) muhim farqi shundan iboratki, klaster kompaniyalari gorizontali raqobatni yaratish orqali bir – biri bilan raqobat bilan cheklanib qolmasdan, balki infratuzilmani rivojlantirishdan tortib, kerakli malakaga ega kadrlar etishmasligi masalalarini ham hal qilishgacha bo‘lgan umumiy muammolarni hal qilishda vertikal hamkorlikni ta‘minlash orqali hamkorlik qilishadi. Bunday sharoitda norasmiy o‘zaro ta‘sir infratuzilmasi – ijtimoiy aloqalar, klaster subyektlari o‘rtasidagi ishonch darajasi muhim rol o‘ynay boshlaydi. Binobarin, klaster ichida olingan har qanday bilim uning mulkiga aylanadi va geografik yaqinlik tufayli qisqa vaqt ichida uning amaliy tomondan amalga oshirilishini ta‘minlashga imkon beradi. Bundan tashqari, geografik yaqinlik tufayli transport va aloqalarning norasmiy tabiati tufayli aloqa xarajatlarning barqaror pasayishi kuzatilmoqda. Bu firmalarning o‘zaro ta‘sirining sinergiyasini ta‘minlaydi, bu ularga alohida tubdan boshqacha sifat darajasiga erishishga imkon beradi.

Shunday qilib, zamonaviy mintaqaviy sanoat siyosati o‘z mazmuniga ko‘ra yanada «strategik» bo‘lishi va davlat, biznes va turli institutsional tuzilmalarning o‘z aro ta‘sir qiluvchi aloqador tarmoq aloqalari mexanizmlaridan turli kompaniyalarning samarali mintaqaviy dasturlar va loyihalarni amalga oshirishda foydalanishi kerak. Shuning uchun ham birinchi navbatda, hokimiyat klasterlarni yaratish jarayonini boshlashi va uning ichidagi korxonalarining o‘zaro aloqalarini o‘rnatishi, shuningdek, biznes, universitetlar va tadqiqot markazlarining maksimal sonini jalb qilishi kerak.

Mintaqaviy sanoat siyosatini shakllantirishda klasterlar iqtisodiyotdagi o‘shish nuqtalari bo‘lib, keyinchalik alohida mintaqalar va umuman mamlakatning raqobatbardoshligi va rivojlanish istiqbollari belgilaydi [4]. Shuni esda tutish kerakki, klasterlar sanoat siyosatini amalga oshirish vositalaridan biri sifatida qabul qilinmasligi kerak, ular dastlab mintaqalar darajasida sanoat siyosatini shakllantirish obyekti bo‘lishi kerak.

Binobarin, klasterlar shakllanadigan mintaqalarni rivojlantirish uchun ijtimoiy-iqtisodiy strategiya dasturlari hisobga olinishi kerak. Shu bilan birga, mintaqaviy rivojlanish maqsadlari nafaqat hokimiyat, balki biznes vakillarining manfaatlari bilan belgilanadi. Hozirgi vaqtda biznes tomonidan mintaqaning hududiy rivojlanishi sohasidagi manfaatlar sohasi sanoat siyosatini shakllantirishda umumiy tushunchalarni topa olmaydi, bu davlat hokimiyati bilan kelishilgan, shartnomaviy munosabatlarni rivojlantirish jarayonini talab qiladi. O‘z navbatida, hokimiyatning mintaqaviy qiziqishi mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini barqaror rivojlantirish va ko‘paytirishdan iborat. Shu sababli, mintaqaviy sanoat siyosatining asosiy maqsadi korxonalarining klaster tarkibiga kirishi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish bo‘lishi kerak, bu hech qanday holatda majburiy bo‘lmasligi kerak.

Lekin, ma‘lum bir korxonani klaster tuzilmasiga kiritish to‘g‘risida qaror qabul qilish uchun hokimiyat klasterning o‘zini shakllantirish tashabbuskori sifatida korxonalarining holatini baholash metodologiyasini ishlab chiqishi kerak. Bunday metodologiya nafaqat korxonaning moliyaviy holatini tahlil qilishni, balki, avvalambor, uning faoliyati ko‘rsatkichlarini o‘z ichiga olishi kerak, ularning qiymatlarining har qanday og‘ishi korxonaning faoliyati darajasining mintaqaning rivojlanish istiqbollari mos kelmasligini ko‘rsatadi. Bunday holda, ushbu ko‘rsatkichlarning dinamikasi mintaqadagi mavjud vaziyatga qarab ko‘rib chiqilishi kerak. Agar ko‘rsatkichlarning qiymatlari kerakli darajaga mos keladigan bo‘lsa, unda biz korxonaning klaster tarkibiga kirishi maqsadga muvofiqligi haqida gapirishimiz kerak.

Mintaqaviy klasterning potentsial ishtirokchilari bo‘lgan korxonalarining bunday monitoringi klaster tuzilishini shakllantirishda yuzaga keladigan tahdidlarning oldini oladi va xavflardan saqlaydi. Ushbu uslub, ayniqsa, zamonaviy sharoitda, xususan, mintaqaviy investitsion jozibadorlik obyekti aylanganda dolzarbdir, chunki klaster paydo bo‘lish bosqichida ishlab chiqarish jarayonining butun zanjirining "zaif bo‘g‘ini" shakllanishiga yo‘l qo‘yib bo‘lmaydi.

Klasterning har bir a‘zosi klasterdagi ulushi va birinchi navbatda, bunday ishtirokdan qanday sinergik samara olish mumkinligi haqida aniq tasavvurga ega bo‘lishi kerak. Ammo bugungi kunda klasterlardagi korxonalarining o‘zaro ta‘sirini baholash metodologiyasi bo‘yicha deyarli hech qanday uslub yo‘q. Hozirgi vaqtda bunday uslubning yo‘qligidan "Klaster" tushunchasini biznes vakillari orasida faqat go‘zal brend, yoki bir afsona sifatida qabul qilinishga olib keladi. Bu klaster shaklining innovatsion faoliyatni rivojlantirish, mahsulot sifatini oshirish, klaster ishtirokchilari bo‘lgan korxonalarining samaradorligi va rentabelligini oshirish uchun noyob shart – sharoitlarni yaratishga imkon beradigan oqilona sanoat siyosatining yo‘qligidan dalolat beradi.

O‘zbekiston Respublikasida klasterlar hozirgi vaqtda paydo bo‘lish bosqichida bo‘lib, ayni paytda ularga qulay raqobat muhiti va mintaqaviy boshqaruv organlarining qo‘llab-quvvatlashga zarur. Mintaqaning sanoat siyosati sharoitida ishlab chiqarish tuzilmalarini obyekti bo‘lgan «klasterlashtirish» to‘g‘risida bir qancha qarama-qarshi tushunchalar mavjud. Masalan, hududiy-tarmoq klasterlari O‘zbekiston Respublikasi subyektlari chegaralari bilan qat’iy nazar bir-biriga hududiy yaqin joylashgan korxonalarini o‘z tarkibiga kiritadi. Ammo mintaqaning rivojlanish darajasini oshirish uchun samarali klasterlar raqobatdosh ustunlik manbalari bo‘lgan mintaqaviy

xususiyatlarga asoslanishi kerak. Shunday qilib, aynan klasterlar O‘zbekiston Respublikasi subyekti hududida joylashgan korxonalar mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy holatini yaxshilashga qaratilgan mintaqaviy obyekt bo‘ladi.

Shuni ta‘kidlash kerakki, mamlakatimiz hududida klasterlar yaratish bo‘yicha ishlar olib borilmoqda, ammo bu juda tartibsiz tarzda olib borilmoqda va shuning uchun xam ushbu mavzuni muhokama qilish zarurati paydo bo‘ldi. Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, Rossiyada klasterlar etarli darajada rivojlanmagan, chunki bilim etishmasligi va mahalliy sharoitda dunyo yutuqlarini qo‘llay olmaslik. Bundan tashqari, xorijiy davlatlar tajribasi asosida O‘zbekiston Respublikasi korxonalar faoliyatiga klasterli yondashuv muammosi haqida gapirganda, mahalliy sanoatda klaster tuzilmalarining paydo bo‘lishi va rivojlanishi uchun qulay sharoit yaratishda xorijiy tajribadan foydalanish chegarasini aniqlashtirish zarurligini hisobga olish kerak.

Xulosa qilib shuni ta‘kidlashni mumkinki, klaster yondashuvi mintaqaviy iqtisodiyotda yangilik emas, balki mavjud mintaqaviy raqobatbardosh ustunliklarni, shuningdek ularni mintaqaning sanoat siyosatini ishlab chiqish va shakllantirishda amaliy qo‘llash istiqbollarini baholashga kompleks yondashuvdir. Sanoat siyosatida ushbu yondashuv mahalliy sanoatning byudjet samaradorligini oshirish uchun mintaqaviy sharoitlarga qaratilgan va uning vazifalaridan biri ularni amalga oshirishga to‘sqinlik qiladigan qiyinchiliklarni aniqlashdir. Binobarin, mintaqaviy hokimiyat organlarining asosiy vazifasi yagona strategik reja amalga oshiriladigan va klasterlash natijasida olingan umumiy resurs alohida korxonalar manfaatlariga emas, balki butun tizimni rivojlantirish manfaatlarida innovatsion va investitsiya jarayonini rag‘batlantirish uchun foydalaniladigan shakllangan klaster ishtirokchilari o‘rtasidagi munosabatlar tizimini o‘rnatishga yordam berishdir.

Sanoat siyosatini shakllantirishda klaster yondashuvidan foydalanish iqtisodiyotning raqobatbardoshligini, birinchi navbatda, mintaqaviy darajada, keyinchalik esa milliy va xalqaro miqyosda oshirishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Porter, M. Je. (2008) Konkurencija, “Viljams” Publ., Moscow, 608 p. (In Russian)
2. Қалмуратов Б. С. Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришни статистик таҳлили// Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.- №1(1), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 152-156 б.
3. Калмуратов Б. С. Тенденций развития и приоритетные направления по развитию промышленности // Бюллетень науки и практики / Bulletin of Science and Practice <https://www.bulletennauki.com>. Т. 7. №12. 2021 <https://doi.org/10.33619/2414-2948/73. С.215-220>
4. Kalmuratov B. S. Statistical analysis of the development of industrial production management in the region of the Republic of Karakalpakstan// Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214 Volume 44 Issue S-2 Year 2023 Page 4267:4278-4267 Available online at: <https://jazindia.com>
5. Какава Л. О. Кластерный подход в управлении промышленностью// Экономика и управление3(124) 2015
6. Хайдарова М. А. Кластерный подход как приоритетное направление формирования промышленной политики региона // Концепт. – 2014. – Спецвыпуск № 04. – ART 14542. – 0,4 п. л. – URL: <http://e-koncept.ru/2014/14542.htm>. – Гос. рег. Эл № ФС 77- 49965. – ISSN 2304-120X.

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВИДА
МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРИ УПРАВЛЕНИИ
ПРЕДПРИЯТИЯМИ В РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАНАХ

FEATURES OF MARKETING ACTIVITIES WHEN MANAGING ENTERPRISES IN
DEVELOPING COUNTRIES

Мараимова Умида Исмаилжановна

Андижон давлат университети Иқтисодиёт кафедраси мудири

Аннотация

Мақолада МДХ мамлакатларида корхоналар бошқарувида маркетинг фаолияти, унинг назарий асослари ўрганилган. Шунингдек, корхоналар бошқарувида маркетинг харажатларининг корхона харажатларини корхонанинг йиллик айланма капиталидаги улуши, корхоналар бошқарувида тахлилий маркетинг харажатлари улушининг маркетинг бюджетига нисбатан тахлил этилган. Бундан ташқари корхона бошқарувида маркетинг хизматларидан фойдаланиш нархларини умумий маркетинг бюджетига нисбатан ҳамда тахлилий маркетинг хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизими тахлил қилинган.

Калит сўзлар: корхона бошқаруви, маркетинг фаолияти, маркетинг харажатлари, йиллик айланма капитали, тахлилий маркетинг, маркетинг бюджети

В статье изучена теоретические основы маркетинговой деятельности в управлении предприятиями развивающихся стран СНГ. Также при управлении предприятиями анализировалась доля расходов на маркетинг в годовом оборотном капитале предприятия, доля расходов на аналитический маркетинг в управлении предприятиями по отношению к маркетинговому бюджету. Кроме того, в управлении предприятием была проанализирована цена использования маркетинговых услуг по отношению к общему маркетинговому бюджету и система оценки эффективности использования аналитических маркетинговых услуг.

Ключевые слова: управление предприятием, маркетинговая деятельность, маркетинговые расходы, годовой оборотный капитал, аналитический маркетинг, маркетинговый бюджет.

The article examines the theoretical foundations of marketing activities in the management of enterprises in developing CIS countries. Also, when managing enterprises, the share of marketing expenses in the annual working capital of the enterprise, the share of expenses for analytical marketing in enterprise management in relation to the marketing budget were analyzed. In addition, in enterprise management, the price of using marketing services in relation to the overall marketing budget and a system for assessing the effectiveness of using analytical marketing services were analyzed.

Key words: enterprise management, marketing activities, marketing expenses, annual working capital, analytical marketing, marketing budget.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида корхоналар бошқаруви тараққий этган мамлакатлар амалиётдан тубдан фарқ қилади. Ушбу мамлакатларда корхоналар ўртасидаги рақобат кураши тараққий этган мамлакатларга

нисбатан сезиларли даражада фарқ қилиб, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги, уларнинг техник хусусияти кўрсаткичлари ҳам нисбатан паст ҳисобланади. Шу билан биргаликда, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда корхоналар бошқарувини бозор иқтисодиёти компонентлари билан тўйинтириш зарурияти юқори ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатлар корхоналари бошқарувида маркетинг дастурларини ишлаб чиқишда чуқур, кенг кўламли бозор тадқиқотлари ўтказилса, бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда бу турдаги тадқиқотларни ўтказиш камдан кам ҳолатларда амалга оширилади. Жумладан, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар корхоналари бошқарувида маркетинг тадқиқотларини ўтказишга ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми етарли даражада эмас.


Бугунги кунда мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаганлиги, ушбу мамлакатлар гуруҳида корхона бошқарувини амалга оширишда маркетинг хизматларидан фойдаланиш ҳолати, мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этиш йўналишлари бўйича жамланган тажрибаларни қиёсий таққослаш асосида маҳаллий корхоналар бошқарувида маркетинг дастурлари самарадорлигини ошириш имкониятлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Шу сабабли, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан ривожланганлик даражаси, унинг хусусиятлари бўйича мамлакатимиз билан деярли ўхшаш бўлган МДХ мамлакатлари амалиётини тадқиқ этишни лозим.

Бугунги кунда халқаро даражада фаолият олиб боровчи етакчи маркетинглоглар томонидан корхона бошқарувида маркетинг моҳиятини тушунтиришда қуйидагича ёндашув шаклланган: “Маркетинг бу корхона бошқарувида қарор қабул қилишга йўналтирилган қуйидаги жараёнлар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади: товар ва хизматлар ишлаб чиқариш; корхона фаолияти давомийлиги ва орттирилган тажриба; бозор конъюнктурасини ўрганиш ва уни сегментлаш; ички ва ташқи муҳит ўзгаришларига корхона фаолиятини мослаштириш; ахборотларни жамлаш ва корхона фаолиятини ривожлантиришга қаратилган янги ғояларни шакллантириш; корхонанинг ишлаб чиқариш, савдо нуқталарини жойлаштириш; бизнес-ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ҳ.к.”[1]. Мазкур ҳолат айрим корхона бошқарувини такомиллаштириш, бошқарув стратегиясининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда менежмент ва маркетинг дастурлари ўзаро бир бутунликда тадқиқ этилишини аниқлатади.

Иқтисодий адабиётда шаклланган маркетинг бўйича илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш асосида истеъмолчилар эҳтиёжлари мазкур ғояларнинг асосини ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин бўлади. Жумладан, Т.А. Гайденок фикрича, “товар ва хизматлар инсонларнинг истеъмолдан кўзланган нафлилик даражасини қанчалик қондира олса, истеъмолчиларнинг айнан ўша товар ва хизматларни сотиб олиши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Маркетинг дастурлари корхона хўжалик фаолиятидаги товар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиш (сервис) каби барча жараёнларни тўлиқ қамраб олади” [2]. Мазкур илмий қараш корхона хўжалик фаолиятини ташкил этишда маркетинг дастурлари интеграцияловчи функцияни бажаришидан далолат беради.

“Coffee Analytics” компанияси, “Mindbox” онлайн пластрформаси, “Calltouch” аналитик-маркетинглоглари ва “Матемаркетинг” конференциясида иштирок этган етакчи маркетинглоглар ўзаро ҳамкорликда ўтказган тадқиқотлари натижаларига кўра, МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида маркетинг харажатлари ўрта ҳисобда 15 фоизни ташкил этади (1-расм). Мазкур тадқиқот доирасида танлама кузатиш асосида минтақада жойлашган 150 та турли ритейлер (пойабзал, озиқ-овқат, мебель ва уй жиҳозлари, ёш оналар ва болалар учун товарлар, кийим-кечак, зоотоварлар ишлаб чиқувчи корхоналар) ва хизмат кўрсатиш (маркетинг хизматлари, логистик хизматлар, транспорт, молиявий хизматлар,

бошқарув хизматлари, теле-коммуникацион хизматлар, юридик, суғурта хизматлари) корхоналари ўртасида ўтказилган сўровнома ўтказилган.




1-расм. МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида маркетинг харажатларининг корхона харажатлари, корхонанинг йиллик айланма капиталига нисбатан фоизда, 2022 й[3].

Сўровнома натижаларига кўра, улгуржи савдо линиясига эга бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг маркетинг харажатлари бошқа турдаги фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга нисбатан юқори бўлиб, йиллик айланма капитал ҳажмига нисбатан 17 фоизни ташкил этади. Шунингдек, товар сотиш билан шуғулланувчи тижорат корхоналари маркетинг харажатлари ҳажми МДХ мамлакатлари бўйича корхоналар кўрсаткичига нисбатан 3,6 фоизга кам бўлган ҳолда, 11,4 фоизни ташкил этса, чакана савдо тармоғида фаолият юритувчи корхоналарда ушбу кўрсаткич 10,0 фоизга тенг бўлган (1-расм). Ушбу ҳолат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар бошқарувида маркетинг дастурларини молиялаштириш харажатлари тижорат корхоналарига нисбатан юқори эканлигидан далолат беради.

Таҳлилларга кўра, МДХ мамлакатларида корхоналар йириклашгани сари уларнинг маркетинг харажатлари қисқариб боради. Жумладан, кичик корхоналар (микро бизнес) бошқарувида маркетинг харажатларининг корхона йиллик айланма капитал ҳажмидаги улуши ўрта ҳисобда 20,0 фоизни ташкил этса, ўрта корхоналарда ушбу кўрсаткич қарийб 16,0 фоизни, йирик корхоналарда эса 12,1 фоизни ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўровномада иштирок этган бизнес-модел (B2B ёки B2C) бошқаруви амал қилаётган корхоналарнинг маркетинг харажатлари уларнинг фаолияти кўлами ўзгарган тақдирда ҳам ўзгаришсиз қолганлиги аниқланган.

Сўровнома натижаларига кўра, МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида маркетинг бюджетининг 45 фоизи онлайн реклама дастурларини молиялаштиришга йўналтирилса, 13 фоизи таҳлилий маркетинг дастурларига йўналтирилади. Жумладан, хизмат кўрсатиш (15 фоиз) билан шуғулланувчи корхоналар тижорат (10 фоиз) билан шуғулланувчи корхоналарга нисбатан кўпроқ таҳлилий маркетингни молиялаштиришга устуворлик қаратадилар. Шу билан биргаликда, чакана савдо тармоғига эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари маркетинг бюджетининг 16 фоизини таҳлилий маркетинг дастурларига йўналтирса, бундай тармоққа эга бўлмаган корхоналарда ушбу кўрсаткич 8 фоизни ташкил этади (2-расм).



2-расм. МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида тахлилий маркетинг харажатлари улуши, маркетинг бюджетига нисбатан фоизда, 2022 й[3].


Тахлилларга кўра, бугунги кунда МДХ мамлакатлари жаҳонда етакчи ҳисобланган АҚШ корхоналарига нисбатан тахлилий маркетингни молиялаштиришга икки баравар кўп маблағ сарфлайдилар. Ўрта ҳисобда МДХ мамлакатлари корхона бошқарувида тахлилий маркетинг харажатлари 16 фоизни ташкил этса, АҚШда ушбу кўрсаткич 6-7 фоизга тенг ҳисобланади. Ушбу ҳолат МДХ мамлакатларида маркетинг хизматларининг ривожланганлик даражаси АҚШга нисбатан пастлиги, шу билан биргаликда, маркетинг хизматлар кўрсатувчи компаниялар сонининг камлиги сабабли, улар ўртасида рақобатнинг кучсизлиги ва бу турдаги хизматларнинг нархлари нисбатан қиммат эканлиги билан изоҳланади. Иккинчи тарафдан эса корхоналарда маркетинг бюджети ҳажмининг камлиги ҳам бошқарувда маркетинг хизматларидан фойдаланишга нисбатан кўпроқ маблағ сарф этилишига олиб келади (3-расм).



3-расм. МДХ мамлакатларида корхона бошқарувида маркетинг хизматларидан фойдаланиш нархлари, умумий маркетинг бюджетига нисбатан фоизда, 2022 й[3].

МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида бевосита маркетинг харажатлари маркетинг бюджетига нисбатан 92,8 фоизни ташкил этади. Шу сабабли ҳам корхона менежерлари камдан кам ҳолатларда маркетинг фаолияти билан боғлиқ бўлган билвосита харажатларни амалга оширадилар. Жумладан, ушбу мамлакатлар корхоналари бошқарувида ижтимоий медиа маркетинг хизматларидан фойдаланишнинг ўртача нархи корхоналар маркетинг бюджетига нисбатан 86,9 фоизни, бренд билан боғлиқ маркетинг хизматлари эса

80,4 фоизни, юкори малакали маркетинг хизмати нархи 79,1 фоизни, маркетинг тахлили хизматлари эса 72,5 фоизни, маркетинг тадқиқотлари эса 69,9 фоизни ташкил этади. Тахлилларга кўра, корхоналар бошқарувида маркетинг хизматларидан фойдаланиш нархининг маркетинг бюджетига нисбатан улуши юкори бўлганлиги сабабли МДХ мамлакатлари корхоналар бошқарувида бир вақтнинг ўзида бир турдаги маркетинг дастуридан фойдаланадилар. Тараққий этган мамлакатларда эса бир вақтнинг ўзида бир нечта маркетинг дастурларидан фойдаланадилар. Шу сабабли ҳам тараққий этган мамлакатлар корхоналари бошқаруви амалиёти МДХ мамлакатларига нисбатан сезиларли даражада самарали эканлиги билан характерланади.



4-расм. МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида тахлилий маркетинг хизматларидан фойдаланиш самарадорлиги, 7,0 баллик баҳолаш тизимида, 2022 й[3].

МДХ мамлакатлари корхоналари бошқарувида тахлилий маркетинг хизматларидан кенг фойдаланилади. Сўровнома натижаларига кўра, корхона айланма капитали ҳажмига нисбатан 20 фоиздан ортиқ маркетинг хизматларини молиялаштиришга йўналтирувчи корхоналар бошқарувида тахлилий маркетинг самарадорлиги 7,0 баллик тизимда 5,9 баллга тенг бўлган бўлса, йиллик айланма капиталга нисбатан 10-20 фоиз маркетинг харажатларига эга бўлган корхоналар бошқарувида ушбу кўрсаткич 5,7 фоизни ташкил этган. Шунингдек, айрим корхоналар бошқарувида тахлилий маркетинг хизматларидан фойдаланилгандан кейинги даврдаги эришилган сифат ва миқдорий ўзгаришларга қараб ушбу хизматлардан фойдаланганлик учун тўловни амалга оширишлари аниқланди. Бу турдаги корхоналар бошқарувида тахлилий маркетинг хизматлари самарадорлиги 6,0 баллини ташкил этган.

Корхоналар бошқарувида амалга оширилаётган тахлилий маркетинг дастурларининг салмоқли қисми маълумотларни бирлаштириш (64 фоиз) ва марталик ҳисоботларни тайёрлашдан (52 фоиз) ташкил топади. Жумладан, чакана савдо тармоғига эга бўлган корхоналар бошқарувидаги маркетинг дастурларининг 55 фоизи маҳсулотлар бўйича ҳисоботларни тайёрлашдан иборат бўлса, 46 фоизи маркетинг “дашборд”ларини шакллантиришни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш корхоналарида эса маълумотларни бирлаштиришга қаратилган тахлилий маркетинг дастурларининг бошқарувда фойдаланилаётган жами маркетинг дастурларидаги улуши 69 фоизни ташкил этса, ҳамкасбларга маслаҳатлар бериш 45 фоизга тенг эканлиги аниқланган[3].

Халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, МДХ мамлакатлари корхоналарининг 51 фоизи бошқаруви жараёнида анъанавий маркетинг дастурларидан фойдаланса, 37 фоизи корхона бошқарувида маркетинг дастурларини ҳали тўлиқ жорий этиш улгурмаган. Фақатгина 12 фоиз корхоналар фаолиятини бошқаришда инновацион маркетинг дастурларидан фойдаланилмоқда[4].

Умуман олганда, МДХ мамлакатларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг етарли даражада эркин эмаслари, унга давлатнинг аралашуви нисбатан юкорилиги, иш берувчиларга нисбатан солиқ юкининг баландлиги ҳисобига корхоналар бошқарувида фойдаланилаётган маркетинг дастурлари истеъмолчилар манфаатларига йўналтирилмаган. Шу билан биргаликда, мамлакатлар истеъмол бозорларининг етарли даражада тўйинмаганлиги, аҳоли даромадларининг камлиги ҳар қандай маҳсулотни сотиб олиш

имкониятини бермайди. Жумладан, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги даражасининг пастлиги, ҳукуматлар томонидан маълум бир даражада протекционистик сиёсат юритиш ҳисобига миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш заруриятини уйғотади. Натижада улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг нархлари маҳсулотларнинг истеъмол, техник, ҳамда нафлилик хусусиятларига нисбатан юқори бўлишига олиб келади. Бу эса корхоналар бошқарувида маркетинг хизматларидан фойдаланиш заруриятини камайтиради.

Фикримизча, кейинги йилларда МДҲ мамлакатларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг кучайиши корхоналар бошқарувида маркетинг хизматларини жорий этиш ва унинг самарали амал қилиши заруриятини уйғотади. Корхоналар томонидан маркетинг хизматларидан фойдаланишга бўлган талабнинг ортиши натижасида маркетинг хизматларидан фойдаланиш нархи ҳам пасайиб, маркетинг фаолияти корхона манфаатларидан истеъмолчи манфаатлари томон ҳаракатланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эргашходжаева Ш., Шарифхўжаев У. Маркетингни бошқариш: Даслик. Тошкент.: “IQTISODOYOT”, 2019. 462 б.
2. Гайдаенко Т.А. Маркетинговое управление. Учебник. – М.: Эксмо, 2008. – с. 50-54
3. Немчинова Е. Бизнес в СНГ тратит на маркетинг 15% от оборота. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.sostav.ru/publication/biznes-v-sng-investiruet-v-analitiku-vdvoe-bolshe-chem-kompanii-iz-ssha-53890.html> маълумотлари асосида тузилган
4. The CMO Survey. Highlights & Insights Report: Predicting the future of markets, tracking marketing excellence, improving the value of marketing since 2008. Deloitte. American Marketing Association. [Web Resource] 75 p. URL: <https://drive.google.com/file/d/1NvW5l8N2kvqyFSDzocWBCeChxOFyuv5d/view>

UDK:330.47

O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING STATISTIK TAHLILI

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

STATISTICAL ANALYSIS OF DIGITAL ECONOMIC DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Djabbarov Raximjon Abdullayevich
O‘zbekiston Milliy universiteti
Ekonometrika va iqtisodiy modellashirish
kafedrasida tayanch doktoranti
e-mail: djabbarov.raximjon@gmail.com

Annotatsiya

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish ko‘rsatkichlarini statistik tahlil qilish muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi dunyoning har bir sektorida aholining turmush darajasini oshirishga olib kelmoqda. Shu sababli O‘zbekistonda raqamli texnologiyalar rivojlanishining statistik tahlili va diagrammalari shaklida ko‘rib chiqilmoqda. Raqamli iqtisodiyot barqaror iqtisodiy rivojlanishga "kuchaytiruvchi" ta‘sir ko‘rsatadi. Tegishli iqtisodiy o‘sish sur‘atlarini saqlab qolish ham yuqori sifatli iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning muqarrar talabidir.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, moliyaviy texnologiya, sun’iy intellekt, statistik tahlil, AKT, elektron tijorat, axborot va kommunikatsiya.

Статистический анализ показателей устойчивого развития цифровой экономики в Узбекистане имеет важное значение. Сегодня развитие цифровой экономики приводит к повышению уровня жизни населения во всех отраслях мира. Поэтому рассматривается в виде статистического анализа и диаграмм развития цифровых технологий в Узбекистане. Цифровая экономика оказывает «стимулирующий» эффект на устойчивое экономическое развитие. Поддержание соответствующих темпов экономического роста также является неизбежным требованием качественного экономического и социального развития.

Ключевые слова: цифровая экономика, финансовые технологии, искусственный интеллект, статистический анализ, ИКТ, электронная коммерция, информация и связь.

Statistical analysis of indicators of sustainable development of the digital economy in Uzbekistan is important. Today, the development of the digital economy leads to an increase in the standard of living of the population in every sector of the world. Therefore, it is considered in the form of statistical analysis and diagrams of the development of digital technologies in Uzbekistan. The digital economy has a "boosting" effect on sustainable economic development. Maintaining appropriate economic growth rates is also an inevitable requirement for high-quality economic and social development.

Keywords: digital economy, financial technology, artificial intelligence, statistical analysis, ICT, e-commerce, information and communication.

Bugungi kunda milliy va mintaqalar iqtisodiyoti raqobatbardoshligini oshirishda raqamli iqtisodiyotni jadal va tizimli rivojlantirish, sun’iy intellekt, bulutli texnologiyalar va boshqa zamonaviy texnologiyalarni maqsadli qo‘llash dolzarb masalaga aylanmoqda.

Jahon iqtisodiyotida raqamli iqtisodiyot jadal sur`atlar bilan rivojlanib bormoqda. Dunyoda raqamli iqtisodiyot o‘shirish sur`atlari yiliga deyarli 17,1 foizni tashkil etib, taraqqiy etgan davlatlarda uning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 7foizga yetgan. 2025 yilga borib jahon iqtisodiyotida raqamli iqtisodiyotning o‘rni 24,3 foizga yetishi prognoz qilingan [1].

Mamlakatimizda “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasiga[2] muvofiq iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarini raqamlashtirish, davlat axborot tizimlari va elektron xizmatlarni joriy etish, shuningdek, raqamli texnologiyalardan keng foydalanishni ta’minlash bo‘yicha xalq ta’limi, davlat xizmatlari, sud, moliya va bank tizimida kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatning rivojlanish holatini samarali reyting baholash tizimi hamda uni amalga oshirishning idoralararo mexanizmining yo‘qligi iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarni raqamli transformatsiyasi hozirgi holatini chuqur tahlil qilishga to‘sqinlik qilmoqda.

Shu sababli, O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini ta’minlovchi omillarni aniqlash, ularni iqtisodiy-statistik tahlil qilish dolzarb masala hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida O‘zbekiston Respublikasi milliy iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirish, raqamli iqtisodiyotning nazariy va amaliy jihatlarini takomillashtirish, shuningdek, davlat va jamiyat boshqaruviga raqamli texnologiyalarni joriy etish muammolariga oid masalalarni hal qilishda mahalliy olimlarning butun boshli ilmiy tadqiqotlar kompleksi bag‘ishlangan. S.S.Gulyamov[3], V.K.Kabulov[4], A.T.Kenjabayev[5], A.T.Shermuxeimedov[6], Sh.Sh.Shox‘azamiy[7], R.H. Ayupov[8] va boshqalar tomonidan o‘rganilgan.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi va uning rivojlanishiga ta’sir etuvchi omillarni o‘rganish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri bo‘lib, ko‘plab tadqiqotchilar o‘z ilmiy izlanishlarida raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini o‘rganib chiqdilar. Xususan, E.Brynjolfsson, A. McAfee [9], L. Tomas, Messenburg [10] kabi amerikalik va yevropalik olimlarning asarlarida

raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning nazariy va uslubiy asoslari o‘rganilib, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning metodologik konsepsiyalari ishlab chiqilgan.

MDH olimlari raqamli iqtisodiyotning metodologik va konseptual asoslarini ham o‘rganishdi. Xususan, Norets raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish istiqbollari va raqamli iqtisodiyotda innovatsion klasterlarning ahamiyatini tadqiq qildi [11]. Yevtyanova raqamli iqtisodiyotning mamlakat iqtisodiyotidagi ekologik va siyosiy rolini o‘rgandi [12]. Gukasova hududlarning raqamli transformatsiyasida raqamli iqtisodiyotning institutsional asoslarini o‘rgandi [13].

Olimlarning mazkur tadqiqotlari raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalalariga ulkan hissa qo‘shgan. Biroq yuqoridagi ilmiy-tadqiqotlarda O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni faollashtiruvchi omillarni aniqlab va ularning raqamli iqtisodiyot ko‘rsatkichlariga miqdoriy ta‘sirini yagona tizim sifatida statistik tadqiq etilmagan.

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlanishidagi iqtisodiy-statistik ko‘rsatkichlari tahlil qilindi. Raqamli iqtisodiyot faoliyati yaqindan o‘rganildi va ma‘lumotlar bazasi yig‘ildi. To‘plangan ma‘lumotlar asosida kuzatish va iqtisodiy tahlilni qiyoslash, tizimli yondashuv hamda mantiqiy yondashuv kabi uslublardan samarali foydalanildi.

Iqtisodiyot diversifikatsiyasi va dinamikasi qanchalik yuqori bo‘lsa, mamlakat ichida va tashqarisida noyob axborotlar aylanmasi shunchalik ko‘p, milliy iqtisodiyotlar ichida axborot trafigi esa shu qadar salmoqli bo‘ladi. Shu bois ishtirokchilar soni ko‘p va IT xizmatlar keng tarqalgan bozorlarda raqamli iqtisodiyot jadal sur‘atlarda rivojlanadi. Ayniqsa, bu – transport, savdo, logistika va shu singari internet bilan faol ishlovchi sohalarga cheksiz qulayliklar yaratadi. Ayrim tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, ularda elektron segmentning ulushi YaIMning 10 foiziga yaqinlashib, 4 foiz aholi bandligini ta‘minlaydi. Eng ahamiyatlisi, bu ko‘rsatkichlar barqaror tarzda o‘sib boradi.

Shubhasiz, raqamli iqtisodiyotning samaradorligiga nafaqat axborot texnologiyalarining qamrovi va infratuzilmaning mavjudligi, balki ishbilarmonlik muhiti, inson kapitali va muvaffaqiyatli boshqaruv instrumentlari kabi standart iqtisodiy mezonlar ham ta‘sir ko‘rsatadi. Binobarin, iqtisodiy taraqqiyot aynan ularga tayanadi, bu esa ushbu mezonlarning raqamli iqtisodiyot rivojlanishida avvalgiday muhim o‘rin tutishini bildiradi.

Ta‘kidlanishicha, raqamli texnologiyalar iqtisodiyotga bog‘liq 50 foizdan ortiq sohalarni keskin o‘zgartirib yuboradi. Ushbu qarash axborot texnologiyalari va raqamli platformalar biznes modellarni keskin o‘zgartirib, ularning samaradorligini vositachilarni bartaraf etishi va jarayonlarni optimallashtirishiga asoslangan.

Jahon banki hisob-kitoblariga binoan, tezkor internet foydalanuvchilarining 10 foizga ko‘payishi yillik YaIM ko‘lamini 0,4 foizdan 1,4 foizgacha oshirishi mumkin ekan.

Ko‘pincha IT sohasining rivojiga qo‘shilgan hissa iqtisodiyotning rivojlanishi, yangi ish o‘rinlarining yaratilishi, odamlar va biznes uchun yangi turdagi xizmatlarning paydo bo‘lishi, elektron hukumat loyihalari doirasida xarajatlarning qisqarishiga zamin yaratadi. Shu bilan bir vaqtda, axborot texnologiyalarini tatbiq etishdan hosil bo‘lgan umumiy effekt kutilganidan samarasizroq bo‘lib chiqadi va bir xil tartibda taqsimlanmaydi. Bu kabi investitsiyalardan maksimal natija olish uchun texnologiyalarning Jahon banki tayyorlagan ma‘ruzasida «analog to‘ldiruvchilar» deb nomlangan boshqa omillar bilan o‘zaro ta‘sirini yaxshi tushunish talab etiladi.

Ular qatorida:

- faol ishbilarmonlik muhitini qo‘llab-quvvatlaydigan hamda biznes va insonlarga raqamli iqtisodiyot texnologiyalaridan raqobat va innovatsiyalar, xarajatlarni qisqartirish, shuningdek, turmush farovonligini oshirish uchun foydalanishga imkon beradigan normativ-huquqiy baza;
- biznes menejmenti va davlat xizmatchilarida axborot texnologiyalarini qo‘llashga doir to‘laqonli ko‘nikmalar;
- axborot texnologiyalaridan foydalanish yo‘nalishida konsalting xizmatlarini ko‘rsatadigan institutlar (davlat va xususiy) o‘rin olgan.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi eng muhim jihat va bir vaqtning o‘zida eng murakkab bosqich – bu ishbilarmonlik muhitini soddalashtirish hamda odamlar va biznesning davlat bilan muloqotiga sarflanajak xarajatlarni maksimal qisqartirishdir. Shundan keyin tomonlarning davlat va xususiy sektor doirasida tashkilotlararo (multiagent) muloqotni yo‘lga qo‘yish talab etiladi.

«Bittadan-bittaga» va «bittadan-ko‘pga» muloqot formulasidan «ko‘pdan-ko‘pga» formulasiga o‘tiladigan raqamli iqtisodiyot platformalari ushbu jarayonning eng muhim bo‘lagi hisoblanadi. Ushbu sohada siljishlar davlat ko‘magida kichik va o‘rta biznesga mos keladigan konsalting va texnik tashkilotlarni rivojlantirish orqali, iqtisodiyotning real sektoridagi vaziyatni avtomatik tarzda keskin o‘zgartiradi (va mazkur sohalarda tuzilmaviy islohotlarga turtki beradi) va innovatsion iqtisodiyot uchun shart-sharoit yaratishga yordam beradi.

Hozirgi davrda davlatimizda raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishga yurtboshimiz tomonidan katta e‘tibor berilmoqda. Rivojlantirish maqsadida farmoyish va qarorlar chiqarib, davlatimizni rivojlantirish yo‘llari va taraqqiyotini oshirish uchun katta samara bermoqda. Bundan tashqari 2021 yil yurtboshimiz tomonidan chiqarilgan sun‘iy intellekt tizimlarini har sohada qo‘llash to‘g‘risidagi qarori bizga ancha yengilliklar yaratadi. Ilmiy hayotiy tajribalarga tayangan holda sun‘iy intellektni hozirgi davrda iqtisodiyot tizimlarida qo‘llash va avtomatlashtirilgan iqtisodiy tizimlarda qo‘llanganda samarasi yuqori va intellektual bo‘ladi. Shu maqsadda iqtisodiy sohada salohiyatlarni rivojlanish ko‘rsatkichlarining statistik tahlilini qilishda ham qo‘llash masalasini ko‘rib chiqish rejalashtirilmoqda. Quyida yurtboshimiz tomonidan chiqarilgan qarorning bizga tegishli qismidan namuna keltirib o‘tganimiz maqsadga muvofiqdir.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda, avvalo, telekommunikatsiya va elektron infratuzilmani takomillashtirish alohida ahamiyatga ega. Albatta, aholining internet tarmog‘idan foydalanish darajasi qanchalik yuqori bo‘lsa, raqamli iqtisodiyot, shu jumladan elektron hukumat tizimi ham shuncha samarali faoliyat yuritadi. Yurtimiz bo‘yicha internet foydalanuvchilari soni jami aholiga nisbatan 2018 yilda 46 foizni tashkil qilgan bo‘lsa, 2021 yilda bu ko‘rsatkich 60 foizdan yuqorini tashkil etmoqda.

1-jadval

Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sohalarida yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat hajmi[14]

Ko‘rsatkichlar/yillar	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Axborot iqtisodiyoti va elektron tijorat sektori	6377,8	7934	8701,4	11121,9	16 939,5	27 755,0
Axborot kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sektori	5849	7059	7508,4	9399,3	11 567,6	16 131,1
AKT ishlab chiqarish	238,3	307,3	283,7	551,2	503,3	820,3
AKT savdosi	281,6	240,4	299	261,8	367,8	580,8
AKT xizmatlari	5329,1	6511,3	6925,7	8586,3	10 696,4	14 730,0
Kontent sektori va ommaviy axborot vositalari	518,7	767,7	928,3	1120,6	1 464,6 1	929,9
Elektron tijorat	10,1	105,2	260,0	591,4	3 907,3 9	694,0

Yuqoridagi statistikadan ko‘rishimiz mumkinki, yurtimizda bu ko‘rsatkichlar ancha past ekanligi va buni keskin ko‘tarishimiz talab etiladi. Endilikda yurtimizda raqamli iqtisodiyot rivojlanish ko‘rsatkichlarining YaIMdagi ulushi yangi statistik ma‘lumot bo‘lib e‘lon qilinmoqda. Yuqoridagi ko‘rsatkichlardan kelib chiqib, yurtimizda raqamli iqtisodiyot rivojlanishi 2020 yil

yakunigacha kam ulushda bo‘lib, 2021 yildan boshlab keskin ko‘tarilishni kuzatish mumkin (1-jadval).

Keltirilgan tahlilga ko‘ra shuni xulosa qilish mumkunki, yurtimizda va jahon iqtisodiyotida raqamli iqtisodiyot rivojlanishi statistik tahlil natijalari asosida rivojlangan davlatlarda raqamli iqtisodiyot yuqori ekanligi va davlatning iqtisodiyotida YaIMdagi ulushidan ham ko‘rishimiz mumkin. Shuning uchun yurtimizda ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun vazirlik, korxonalar va tashkilotlar hamda aholi o‘rtasida raqamlashtirish savodxonligini oshirish lozim.

Mintaqaviy darajadagi oqilona iqtisodiy tizimni shakllantirish barqaror iqtisodiy o‘sish nuqtalarini aniqlash, mintaqaning rivojlanish sohalari va yo‘nalishlarini nafaqat zamonaviy sharoitlarda raqamli shakllantirishni emas, balki birinchi navbatda, inson resurslarini rivojlantirishning ustuvoryo‘nalishlarini belgilash yo‘li bilan davlat-xususiy sektor hamkorligi asosida iqtisodiy va innovatsion rivojlanish sarmoyasi shakllantiriladi.

Asosiy omillarni dasturiy ta‘minotni faollashtirishga qaratilgan ommaviy axborotlashtirishni rivojlantirish, apparatni yangilash, tarmoq texnologiyalarini rivojlantirish, tranzaksion sektorning o‘sishi hisoblanadi. Shu bilan birga, raqobatbardosh iqtisodiyotni rivojlantirishning g‘oyalarini tarqatish, axborot bozori sifatida tavsiflangan ijtimoiy - iqtisodiy va huquqiy munosabatlarning rivojlanishi sohasida iste‘molchilar, ishlab chiqaruvchilar, vositachilar o‘rtasidagi savdosi axborot mahsulotlari bozorini shakllantiradi. Ushbu yondashuv bir qator mamlakatlarda axborot industriyasining ustunligini kuchaytiradi, ishlab chiqarish va xizmatlar sohasi borgan sari bilimga asoslangan va innovatsion asosida rivojlanadi.

Xulosa o‘rnida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish iqtisodiy-ijtimoiy, siyosiy jihatdan kuchli, bozor iqtisodiyoti qonunlari to‘liq amal qiladigan demokratik davlat qurishga hamda mamlakatda ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, tadbirkorlik faoliyatiga keng qulaylik yaratish va uni yuritishni soddalashtirish, yangi innovatsion g‘oyalar realizatsiyasiga xizmat qiluvchi asosiy vositalardan biri ekanligi bilan alohida ahamiyatga egadir. Raqamli iqtisodiyotni rivojlanishini statistik tahlil qilish esa, o‘z navbatida, iqtisodiyotni rivojlanishida belgilangan maqsadlarga erishish yo‘li aynan qaysi omillarga e‘tibor qaratish lozimligini aniqlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Raqamli iqtisodiyotning O‘zbekistondagi holati va uning rivojlanish istiqbollari.
<https://infocom.uz/raqamli-iqtisodiyotning-ozbekistondagi-holati-va-uning-rivojlanish-istiqbollari/>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 05.10.2020 yildagi PF-6079-son.
<https://lex.uz/ru/docs/-5030957>
3. Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т. Development of digital economy in the republic of Uzbekistan. VII Uzbek-Indonesian Joint international scientific and practical conference “Innovative development of entrepreneurship” with the framework of scientific and research project “Global economic challenges and national economy development” Tashkent-Jakarta, 2018, September.-180-183 p.
4. Кабулов В.К. Кибернетическая наука Узбекистана: прошлое, настоящее, будущее// Проблемы информатики и энергетики. – Ташкент, 2004. - №1. 3-4 б.
5. Кенжабаев А.Т., Икрамов М.М. Перспективы развития ИКТ и электронное правительство в экономике Узбекистана// Экономика, статистика и информатика, 2015. №2. 221-223 б.
6. Шермухамедов А.Т. Инновационное развитие экономики Узбекистана: интеллектуальный потенциал. Международная научно-практическая конференция «Интеллектуальный анализ данных и цифровая экономика» в Пятигорске. Филиал РЭУ им. Г.В.Плеханова, 25-27 октября 2018 г.
7. Шохъязамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой Республике// Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. 32-34 б.
8. Аюпов Р.Х., Джуманиязова М.Ю. Цифровая трансформация в сельском хозяйстве Республики Узбекистан// Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2019.

9. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). The second machine age: Work, progress, and prosperity in a time of brilliant technologies. WW Norton & Company.
10. Mesenbourg, T. L. (2001). Measuring the digital economy. US Bureau of the Census, 1, 1-19.
11. Норец, Н. К., & Станкевич, А. А. (2017). Цифровая экономика: состояние и перспективы развития. Инновационные кластеры в цифровой экономике: теория и практика, 173-179.
12. Евтуанова, Д. В., & Тиранова, М. В. (2017). Цифровая экономика как механизм эффективной экологической и экономической политики. Вестник евразийской науки, 9(6 (43)), 71.
13. Гукасова, Н. Р. (2019). Нормативное и правовое регулирование цифровой трансформации регионов России. Вестник экспертного совета, 1 (16), 111-116.
14. [www.stat.uz/https://api.stat.uz/api/v1.0/data/axborot-iqtisodiyoti-va-elektron-tijorat-sohalarid?lang=uz&format=pdf](https://api.stat.uz/api/v1.0/data/axborot-iqtisodiyoti-va-elektron-tijorat-sohalarid?lang=uz&format=pdf)

UDK:330.101

**IQTISODIY XAVFSIZLIK BO‘YICHA NAZARIY QARASHLARNING
RIVOJLANISHI**

**РАЗВИТИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ ПО ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ**

**DEVELOPMENT OF THEORETICAL APPROACHES ON ECONOMIC
SECURITY**

**Abulkasimov Hasan Pirnazarovich,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor,
O‘zbekiston Milliy universiteti
Tog‘aymurodova Komila Sherali qizi,
O‘zbekiston Milliy universiteti magistranti
Gmail: komilatogaymurodova3@gmail.com**

Annotatsiya

Maqolada iqtisodiy xavfsizlik kategoriyasiga tor va keng ma’nolarda ta’rif berilgan hamda iqtisodiy xavfsizlikning mamlakat taraqqiyotiga ta’siri tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: xavfsizlik, iqtisodiy xavfsizlik, milliy xavfsizlik, barqarorlik, iqtisodiy mustaqillik, ijtimoiy ta’minot, bandlik, ishsizlik.

В статье определяются категории экономической безопасности в узком и широком смысле, анализируется влияние экономической безопасности на развитие страны.

Ключевые слова: безопасность, экономическая безопасность, национальная безопасность, стабильность, экономическая независимость, социальная защищенность, занятость, безработица.

The article defines the category of economic security in narrow and broad terms and analyzes the impact of economic security on the country's development. Nowadays, scientists from different countries are talking about economic security and preparing different analyses.

Key words: security, economic security, national security, stability, economic independence, social security, employment, unemployment.

Iqtisodiy xavfsizlik nazariyasining shakllanishi va rivojlanishi jarayoni iqtisodiy rivojlanishning siklik xususiyati bilan ob'ektiv bog'liqdir. Iqtisodiy faoliyatning gullab-yashnagan davrlarida iqtisodiy xavfsizlik hodisa sifatida tadqiqotchilarni unchalik qiziqitirmaydi. Aksincha, iqtisodiy inqirozlar davrida tashqi bozorlarda milliy iqtisodiyot uchun xavf-xatar va tahdidlarning ilmiy tahlili hamda mahalliy ishlab chiqarish samaradorligining pasayishi sabablarida iqtisodiy xavfsizlik birinchi o‘ringa chiqadi.

“Iqtisodiy xavfsizlik” tushunchasi O‘zbekiston iqtisodiyoti lug‘atida yangi tushuncha hisoblanadi. Bu chet el hukumati amaliyoti uchun oldindan o‘ylangan tushuncha bo‘lib, keng talqin qilinadi. Xususan, iqtisodiy xavfsizlik davlat milliy xavfsizligining asosiy bo‘g‘inlaridan biri bo‘lib, mamlakatning iqtisodiy ehtiyojlarini ta‘minlash yo‘llari, vositalari va usullariga asoslangan qarashlar majmuidir. Konseptual jihatdan u mamlakat iqtisodiy salohiyatining holatidan kelib chiqadigan iqtisodiy xavfning asosiy omillarini tahlil qilishga asoslanadi. Zaif va samarasiz iqtisodiyot milliy xavfsizlikni ta‘minlay olmaydi. Bu, ayniqsa, ijtimoiy nizolarga to‘la jamiyatda to‘g‘ri keladi. Chunki “iqtisodiy xavfsizlik” va “ijtimoiy ta‘minot” o‘zaro bog‘liq tushunchalar bo‘lib, bir-birini to‘ldiradi.

Iqtisodiy xavfsizlikning markaziy omili o‘shish va barqaror rivojlanish uchun qulay muhit yaratuvchilar hisoblanadi. Taraqqiyotsiz bo‘lmagan mamlakatfa iqtisodiy taraqqiyot ham bo‘lmaydi. Barqarorlik - bu jamiyatning favqulodda vaziyatlardan qutulish va o‘z manfaatlariga xizmat qilish qobiliyatidir. "Iqtisodiy xavfsizlik" tushunchasi birinchi marta resurslarni cheklash masalasi keskin bo‘lgan bir paytda paydo bo‘ladi. Iqtisodiy xavfsizlikning ko‘plab ta‘riflari mavjud. Iqtisodiy xavfsizlik – bu mamlakat iqtisodiy tizimining bosqichma-bosqich va barqaror rivojlanishi bo‘lib, u iqtisodiy tizimga eng kam xarajat bilan ta‘sir ko‘rsatadi, shu asosda jamiyat salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqarish uchun milliy manfaatlar ifodalanishiga imkon beruvchi shart-sharoitlar va omillar (ichki va tashqi) majmui, shuningdek, davlatning turli xavf va yo‘qotishlarga bardosh bera olish qobiliyati eng muhim hisoblanadi.

“Iqtisodiy xavfsizlik" tushunchasining mohiyatini anglash uchun, eng avvalo, «rivojlanish», «barqarorlik» va «xavfsizlik» tushunchalarining o‘zaro bog‘liqligini aniqlash lozim bo‘ladi. Ushbu tushunchalar iqtisodiy xavfsizlikning asosiy atributlari, komponentlari xisoblanadi. Agar milliy iqtisodiyot rivojlanmasa, u xolda uning amal kilish imkoniyatlari, ichki va tashki taxdidlarga qarshiligi, turli o‘zgarishlarga moslashuvchanligi kamayadi.⁵

Barqarorlik va xavfsizlik bir butun tizimning muxim elementlari bo‘lib, ularni bir-biriga qarama-qarshi qo‘yish mumkin emas. Barqarorlik iqtisodiy tizimning, tizim ichidagi vertikal, gorizontal va boshka aloqalarning mustaxkamligi, ishonchliligi, ichki va tashki «yuklar», taxdidlarni ko‘tara olish qobiliyatini ifodalaydi. Xavfsizlik esa tizimdagi obyektning ichki va tashki taxdidlarning mavjudligi sharoitida yashay olish hamda rivojlanish qobiliyatiga egalik, ko‘zda tutilmagan, aniqlanishi qiyin bo‘lgan noxush omillar ta‘siriga bardoshlilik holatini ifodalaydi.

Iqtisodiy xavfsizlik kategoriyasining mazmuni hamda mohiyatini aniqlash ilmiy mavzu sifatida iqtisodiy xavfsizlik masalasiga javob berish imkonini beradi. Iqtisodiy xavfsizlikning predmeti, bir tomondan, iqtisodiy tizimning, xo‘jalik yurituvchi subyektlarning, ularning qismlarining tahdidlardan obyektiv himoya qilish qobiliyati bilan, ikkinchi tomondan, iqtisodiy xavfsizlikni ta‘minlashning makroiqtisodiy tartibga soluvchisi sifatida davlatning o‘ziga xos funksiyalari va shu maqsadda maxsus institutlar tashkil etish bilan bog'liq.

Iqtisodiy xavfsizlikni idrok etish va tavsiflash iqtisodiyot va siyosatshunoslik fanlarining o‘zaro bog‘liqligidan kelib chiqqan. Ehtimol, shuning uchun hozirgi davrda iqtisodiy xavfsizlik haqida yagona tushuncha mavjud emas. Ko‘pincha olimlar iqtisodiy xavfsizlikning mohiyatini o‘rganib, iqtisodiy suverenitet, mustaqillik, barqarorlik va iqtisodiy manfaatlarning turli kombinatsiyalaridan foydalangan holda o‘z ta‘riflarini beradilar. Xorijiy olimlarning fikricha, davlatning iqtisodiy xavfsizligi birlamchi bo‘lib, ichki qarorlar qabul qilishda davlat suvereniteti

⁵ Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма, Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. // Махсус муҳаррир ва маслаҳатчи Абулқосимов А.П.-Т..2019- 620-6.

zaruriyati bilan belgilanadi, shu bilan birga xalqaro vaziyatda ham; turmush darajasini oshirish orqali mamlakatning iqtisodiy mustaqilligini saqlab qolish.

XVII-XVIII asrlarda ham “xavfsizlik” atamasining faol qo‘llanilishi jamiyatda davlatning asosiy maqsadi umumiy farovonlik va xavfsizlik ekanligi haqidagi hukm hukmronlik qila boshlagan davrda ham kuzatildi. Ushbu tendentsiya Rossiyada o‘z aksini topdi, u erda 1881 yil 14 avgustdagi "Davlat tartibini va jamoat tinchligini himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida" gi Nizomda "davlat (jamoat) xavfsizligi" atamasi qo‘llanilib, keyinchalik qonun bilan mustahkamlangan.

Xavfsizlik g‘oyasi XX asrda muhim o‘zgarishlarni boshdan kechirdi, bu xalqaro o‘zaro ta’sir jarayonlarining rivojlanishi va o‘z milliy manfaatlarini ro‘yobga chiqarish uchun kurashda alohida mamlakatlar o‘rtasidagi qarama-qarshiliklarning kuchayishi bilan tavsiflanadi. Ilmiy-amaliy muomalaga yangi atama kiritilmoqda - “milliy xavfsizlik” birinchi marta 1904 yilda Prezident T. Ruzveltning AQSH Kongressiga murojaatida ishlatilgan. Keyinchalik milliy xavfsizlik masalasi amerikalik siyosatshunos va iqtisodchilarning tadqiqotlarida asosiy o‘rinni egalladi. Uni hal qilishda konseptual yondashuv sifatida milliy manfaatlar va qadriyatlar nazariyasidan foydalanadilar.

Shu bilan birga, milliy xavfsizlikni ta'minlashda iqtisodiy tarkibiy qism tobora muhim rol o‘ynay boshladi. "Iqtisodiy xavfsizlik" atamasi 1985 yilda BMT Bosh Assambleyasining 40-sessiyasida xalqaro iqtisodiy xavfsizlik to‘g‘risidagi rezolyutsiya qabul qilinganda rasmiy maqomga ega bo‘ldi. Unda har bir davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va taraqqiyoti uchun shart-sharoit yaratish uchun ushbu muammoni hal etishga ko‘maklashish zarurligi belgilab berildi. Shundan so‘ng Bosh Assambleyaning 42-sessiyasida ushbu sohadagi global muammolar va ularni bartaraf etish yo‘llari umumlashtirilgan Xalqaro iqtisodiy xavfsizlik konsepsiyasi qabul qilindi.

Siyosiy iqtisodiy merosni tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, mamlakatning iqtisodiy xavfsizligi muammolarini hal qilishda uchta kontseptual yondashuv paydo bo‘ldi:

- 19-asr o‘rtalarida ishlab chiqilgan va XX asr oxirida chap qanot iqtisodchilar tomonidan qayta tiklangan tashqi iqtisodiy xavfsizlikning kameralist konsepsiyasi. (1840-yillarda F. List, 1970-yillarda R. Prebisch, I. Vallersteyn);

- 20-asrning ikkinchi yarmida shakllangan ichki makroiqtisodiy tahdidlardan himoyalashning keynscha konsepsiyasi (J. Keyns);

- XX asrning 80-yillarida paydo bo‘lgan va iqtisodiyotning ichki xavfsizligini davlat institutsional siyosatining samaradorligi bilan bog‘lashga xizmat qiladigan neoinstitutsional kontseptsiya (Hernando de Soto).

Tuzilgan kontseptsiyalar iqtisodiy xavfsizlikning turli jihatlariga urg‘u beradi. Birinchi holda, asosiy e‘tibor turli raqobatlaridan kelib chiqadigan tashqi tahdidlarni bartaraf etishga qaratilgan. Qolgan ikkita kontseptsiya iqtisodiy xavfsizlikni ichki tahdidlarni yengish bilan bog‘laydi - bozordagi muvaffaqiyatsizliklar, iqtisodiy o‘shishning beqarorligi, ishsizlik, inflyatsiya va samarasizlikni davlat tomonidan tartibga solish.

Maqsadlarni belgilash va yuzaga kelayotgan tahdidlarga qarshi kurash usullarini tanlashda ham farqlar kuzatilmoqda. Shunday qilib, kameralist kontseptsiya iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlarning raqobat bosimini yengib o‘tish va milliy ishlab chiqaruvchini himoya qilishga qaratilgan maqsadga yo‘naltirilganligi bilan tavsiflanadi. Bu iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash usullari - proteksionistik savdo siyosati, milliy iqtisodiyotni rivojlantirishni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashga olib keladi. Keyns kontseptsiyasi makroiqtisodiy barqarorlikka erishishga qaratilgan bo‘lib, ishlab chiqarish, bandlik va pul muomalasini davlat tomonidan tartibga solish usullariga asoslanadi. Nihoyat, neoinstitutsional kontseptsiya iqtisodiy xavfsizlikning asosiy maqsadi sifatida samarali mulk, mehnat, moliyaviy, ijtimoiy va boshqa iqtisodiy institutlarni, iqtisodiy hayotni tashkil etish va tartibga solish shakllarini yaratishni, jamiyatda qonun ustuvorligini ta'minlashni, qonun ustuvorligini ta'minlashni ko‘rib chiqadi. Neoinstitutsional paradigmani amalga oshirishning muhim elementi byurokratizatsiya, korrupsiya, yashirin iqtisodiy faoliyatning turli ko‘rinishlariga qarshi kurashish, shuningdek, jamiyatda ishonch institutini shakllantirishdir.

Mavjud g‘oyalarni umumlashtirib, biz "iqtisodiy xavfsizlik" toifasining quyidagi asosiy tarkibiy qismlarini ajratib ko‘rsatishimiz mumkin:

- Iqtisodiy mustaqillik;

- Milliy iqtisodiyotning barqarorligi;
- O‘z-o‘zidan rivojlanish va taraqqiy etishga qodirligi.

Iqtisodiy xavfsizlik milliy xavfsizlikning asosiy tarkibiy qismlaridan biri bo‘lib, mamlakatimizning iqtisodiy ehtiyojlarini ta‘minlash yo‘llari, vositalari va usullariga asoslangan qarashlar majmuidir. Konseptual jihatdan u davlatning iqtisodiy salohiyati holatidan kelib chiqadigan iqtisodiy xavfning asosiy omillarini tahlil qilishga asoslanadi. Iqtisodiy xavfsizlikning davlat strategiyasini ishlab chiqish uchun har qanday tavakkalchilikni va, xususan, iqtisodiy tavakkalchiliklarni har tomonlama tekshirish zarur.

Tarkibiy o‘zgarishlar O‘zbekistonning o‘tish davridagi iqtisodiy siyosatining muhim maqsadlaridan biridir. Iqtisodiy tizimni o‘zgartirish jarayonida tarkibiy o‘zgarishlar zarurati rejali iqtisodiyotdan meros bo‘lib qolgan texnik bazaning qoloqligi va nomutanosibliigi bilan bog‘liq. Davlatimizning o‘tish davridagi asosiy maqsadi – bozorning samarali institutlari va mexanizmlarini yaratishdan iborat. Biz jon bilan tipiklikka erishamiz. tainable make based commites pro vil not by are sible hidy amalga oshirildi) korxonalariga yangi iqtisodiy muhitga moslashishga, keng ma'noda texnologiyani iqtisodiy jihatdan modernizatsiya qilishga yordam beradi.

Har bir mamlakatning farovonligi birinchi navbatda aholi jon boshiga daromad bilan bog‘liq bo‘lib, yana bir muhim omil bandlik va ishsizlik istiqbollari hisoblanadi. Bundan ham kengroq baholash ijtimoiy, ekologik maqsadlar va boshqa iqtisodiy bo‘lmagan obyektlar - xavfsizlik, barqarorlik, umr ko‘rish davomiyligini o‘z ichiga oladi. Davlat iqtisodiy siyosati iqtisodiy xavfsizlikka sezilarli bilvosita ta'sir ko‘rsatadi. Shuni ta'kidlash kerakki, iqtisodiy xavfsizlikka tahdidlar turli xil tashqi va ichki manbalardan kelib chiqishi mumkin. Mamlakatning iqtisodiy xavfsizligi ierarxik (shaxs, davlat, jamiyat), ko‘p komponentli tuzilishga ega. Iqtisodiy xavfsizlik mamlakat xavfsizligining muhim tarkibiy qismidir. Bunday xabardorlik xavf omillari, noaniqlik, tasodifiy va o‘zaro bog‘liqlik roli tufayli barcha darajalarda, ayniqsa iqtisodiyotda xavfsizlikning ahamiyatini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. A. Razzogov, Sh. Toshmatov, N. O‘rmonov, P. Xoshimov, F. Egamberdiyev IQTISODIY TA'LIMOTLAR TARIXI (o‘quv qo‘llanma) Toshkent – 2005
2. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма, Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х.// Махсус муҳаррир ва маслаҳатчи Абулқосимов А.П.-Т..2019- 620-6.
3. Ishmuhamedov A.E., Shibarshova A.I. Integration into the world economy. -T .: TGEU, 2000.
4. The basis of the customs case: Uchebnoe posobie (under obshey redyu U.T.Karimova). T., "Peace, Economics and Law", 1998.
5. Tukhliyev N., Kremensova A., Encyclopedic reference book of the Republic of Uzbekistan. National Encyclopedia of Uzbekistan, -T .: 2002.
6. Ishmuhammedov A.E. and others. National economy of Uzbekistan. -T .: TDIU, 2000.
7. Karimova Z. International labor market. Hamkor, July 24, 2003.
8. Silver wings of Uzbekistan. People's Speech, May 24, 2003.
9. The national army is the backbone of our independence. "People's word". February 4, 2020.
10. www.kun.uz

**SANOAT KORXONALARIDA BOSHQARUV SAMARADORLIGINI
OSHIRISHNING XORIJIY TAJRIBALARI**

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ
НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ**

**FOREIGN EXPERIENCE IN INCREASING MANAGEMENT EFFICIENCY IN
INDUSTRIAL ENTERPRISES**

Mavlyanov Alisher Muxammatovich

Andijon davlat universiteti “Iqtisodiyot” kafedrasida mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya

Maqolada Sanoat korxonalarida boshqaruv samaradorligini oshirishning xorijiy tajribalari dunyoning yetakchi davlatlari tajribalarini tahlili asosida ko‘rib qichilgan. Xorijiy mamlakatlarning sanoat korxonalarida boshqaruvi, xususan ilm-fan va innovatsiyalarni moliyalashtirish malalari atroflicha tahlil qilingan.

Katit so‘zlar: Sanoat korxonalarida, innovatsion jarayonlar, xalqaro tashkilotlar, “NASA”, global raqobatbardoshlik.

В статье рассматривается зарубежный опыт повышения эффективности управления на промышленных предприятиях на основе анализа опыта ведущих стран мира. Подробно анализируются вопросы управления промышленными предприятиями зарубежных стран, особенно проблемы финансирования науки и инноваций.

Ключевые слова: Промышленные предприятия, инновационные процессы, международные организации, «НАСА», глобальная конкурентоспособность.

The article examines foreign experience in improving management efficiency at industrial enterprises based on an analysis of the experience of the leading countries of the world. The issues of managing industrial enterprises in foreign countries are analyzed in detail, especially the problems of financing science and innovation.

Key words: Industrial enterprises, innovative processes, international organizations, NASA, global competitiveness.

Bugungi kunda dunyoning yetakchi mamlakatlarida innovatsiyalar davlat boshqaruvida tarmoqlarni asosiy moliyaviy ta‘minlashga xizmat qiluvchi kategoriya sifatida alohida e‘tiborga molik bo‘lmoqda. Masalan, Amerika qo‘shma shtatlarida (AQSh) kichik firmalarning ilmiy-tadqiqot ishlari hamda tajriba-konstruktorlik namunalarini davlat tomonidan moliyalashtirishi to‘g‘risidagi qonun mavjud. Ushbu qonunga ko‘ra, vazirliklar va boshqaruv idoralari har yili kichik sanoat korxonalariga ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlarini olib borishlari uchun o‘z byudjet mablag‘lari hisobidan moliyaviy yordam ko‘rsatishlari shartligi belgilab qo‘yilgan. Sanoat korxonalarida texnologik innovatsiyalar qonuni sanoat rivojlanishini tartibga soladi, innovatsiyalar rivojlantirish maqsadida ijro hokimiyatida maxsus tashkilotlar tuziladi. Bundan tashqari sanoat va hukumat, universitetlar hamda laboratoriyalar o‘rtasida kadrlar almashinuvi qo‘llab-quvvatlanadi. AQShda innovatsion jarayonlar “NASA”, ya‘ni Milliy fan fondi, kichik biznes boshqaruvi, universitetlar, sanoat hamda vazirliklar o‘rtasidagi tadbirkorlik qo‘llab-quvvatlovchi tashkilot orqali tartibga solinadi.

Yaponiyada - Xalq moliya korporatsiyasi, Kichik biznesni moliyalashtirish korporatsiyasi, venchur tadbirkorlik markazi mavjud bo‘lib, markaziy va tijorat banklari tomonidan sug‘urta

fondlari bilan birgalikda ushbu tashkilotlarda innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlashga yordam ko‘rsatiladi.

Xitoyda sanoat korxonalarini ijodiy rivojlantirishga yuqori darajada e‘tibor beriladi. Sanoat korxonalarining asosiy faoliyat sohasi korporativ texnologiyalarga asoslangan innovatsion mahsulotlar, innovatsiyalarga yaqin yondashish, yangi mahsulotlarni keng qamrovli ishlab chiqarilishini tashkil etish, mahsulotlar hilma-hilligini ko‘paytirish kabi masalalarni o‘z ichiga oladi.

Rossiya sanoat iqtisodiyotida yuqori texnologiyali mahsulotlar, butlovchi qismlar, uskunalari, har hil materiallar va shu kabi tovarlarni mahalliy ishlab chiqarishni faol rivojlantirishga qaratilgan. Afsuski iqtisodiy siyosatda Rossiyaning sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishi bir martalik investitsiyalar muammosi tufayli rivojlanishda qiyinchiliklarga duch kelgan. Yuqoridagi yetakchi davlatlarning innovatsiya va innovatsion jarayonlarga munosabatlarini tahlilini o‘rganish natijasida innovatsiyalar sohasidagi qarashlarni, innovatsion munosabatni o‘zgartirib borish lozimligi yuzaga keladi: innovatsion o‘zganishlarni amalga oshirishla asosan quyidagilarga e‘tibor qaratish maqsadga muvofiq.

- Ilmiy, kreativ va tadbirkorlik salohiyatidan foydalangan holda innovatsion jarayonlarni boshqarish.
- Global raqobatbardoshlikni oshirishda innovatsion rivojlanishni davlat boshqaruvi modeli samaradorligini oshirish.
- innovatsiyalarni boshqarishda yoki innovatsion jarayonlarda davlatning rolini oshirish;
- tajriba-konstruktorlik va ilmiy-tadqiqot ishlariga buyurtma berishdagi innovatsion siyosat;
- innovatsiyalarga birlashtirilgan tashqi va ichki talabning oshirish;
- hududlar kesimida yoki korxonalarini sinflarga ajratib, soliq imtiyozlarini yaratish uchun innovatsiyalarni shakllantirish;
- innovatsiyalar orqali alohida hududlarni rivojlantirish;
- innovatsion loyihalarni amalga oshirish orqali uzoq muddatli investitsiyalarni jalb etish samaradorligini oshirish;
- innovatsiyalarni shakllantirishda inson salohiyati darajasini oshirish.

Innovatsion jarayonlarni tartibga solish uchun davlat asosan quyidagi muhim jixatlarni ta‘minlashi lozim:

- davlatning maqsadli innovatsion siyosatisiz innovatsion jarayonlarni tartibga solish mumkin emas;
- innovatsion faoliyatni doimiy ravishda bevosita va bilvosita qo‘llab-quvvatlash;
- davlatning milliy iqtisodiyotini innovatsion jarayonlar ta‘sirida barqaror rivojlanishini ta‘minlash;
- mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiya qilish;
- barcha sohalarda innovatsion jarayonlarni rivojlantirishda davlatning rolini oshirish.

Innovatsion jarayonlarni, faoliyatni rag‘batlantirishda davlatning muhim roli rivojlangan mamlakatlar tajribasi bilan tasdiqlangan. Yangilikni, innovatsiyalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi har qanday mamlakatlarda iqtisodiyotni moliyaviy samaradorlikda xarakterlovchi xususiyatga ega. Innovatsion ishlanmalarga, iqtisodiyot tarmoqlarida shakllantirilgan innovatsiyalarga, sanoatda, sanoat korxonalarida yaratilgan innovatsiyalarga ko‘mak berishning asosiy vositasi davlat buyurtmalari hisoblanadi. Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, innovatsiyalarga bo‘lgan talab, innovatsion jarayonlarning rivojlanishi va innovatsiyalarni tijoratlashtirishning holati fundamental va amaliy fan bilan bevosita bog‘liq. Davlatning iqtisodiy taraqqiyotida sanoat tarmoqlarini moliyalashtirish, xususan sanoat tarmog‘idani innovatsiyalarni moliyalashtirish hajmi bilan bog‘liq ahamiyatli munosabatlarini tavsiflovchi ko‘rsatkichlar muhim ahamiyatga ega. Bu bilan bog‘liq ko‘rsatkichlarni innovatsiyalarni moliyalashtirishga alohida e‘tibor qaratuvchi bir nechta xorijiy mamlakatlarni tahlil qilish maqsadga muvofiq. Moliyalashtirish ko‘rsatkichlarini YaIMga nisbat qilib tahlil qilinsa ilmiy-tadqiqot va innovatsion ishlanmalarga davlatlarning xarajatlari quyidagicha qo‘rinadi:

- AQShda YaIMning 2,9%,

- Yaponiyada YaIMning 3,0%,
- Germaniyada YaIMning 2,35%,
- Frantsiyada YaIMning 2,25%,
- Shvetsiyada YaIMning 4,0%.

Yevropa Ittifoqi o‘zining barcha a‘zo davlatlariga ilm-fan va innovatsiyalarga sarmoya kiritish darajasini YaIMning 2,5 foizigacha oshirishni tavsiya qiladi.

Evropa Ittifoqi davlatlari tomonidan innovatsion yo‘nalishdagi ilmiy-texnik faoliyatni qo‘llab-quvvatlash barcha uchun umumiy tamoyil sifatida bozor iqtisodiyoti mamlakatlari tamoyillariga muvofiq amalga oshiriladi.

Frantsiyada innovatsion jarayonlarni qo‘llab-quvvatlash ushbu sohadagi kichik va o‘rta korxonalar sanoat korxonalariga tajribalariga asosida amalga oshiriladi. Bunda tashkiliy, moliyaviy va axborot bilan qo‘llab-quvvatlash sanoat korxonalarida joriy etish uchun mo‘ljallangan innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash bilan amalga oshiriladi. Innovatsiyalarni o‘rganish, ularni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha amaliyot davlat organlari tomonidan amalga oshiriladi. sanoat, xalq ta‘limi, fan va texnika vazirliklari hamda kichik va o‘rta korxonalarining innovatsiyalar bo‘yicha tajribalariga tayangan holda amalga oshiriladi. Bu esa har bir tarmoq, hususan sanoat tarmoqlarida innovatsiyalarning samarali natijalarini kafolatlaydi.

AQSh iqtisodiyotida fundamental va amaliy tadqiqotlarni davlat tomonidan rag‘batlantirishga qaratilgan siyosat amalga oshiriladi. Sanoat korxonalarining innovatsion va moliyaviy salohiyati, shuningdek, ularning kattalik darajasidan kelib chiqqan holda fundamental yoki amaliy tadqiqotlar natijasida ishlab shiqilgan innovatsion loyihalarni o‘z amaliyotlariga joriy etib boradilar. Jumladan, AQSh iqtisodiyotida kichik innovatsion korxonalar faoliyati Kichik biznes boshqarmasi (Small Business Administration, SBA) tomonidan qo‘llab-quvvatlanadi. Mazkur tashkilot tomonidan sanoat korxonalarida amaliy tadqiqotlarni tashkil etish orqali ularni innovatsion rivojlanishini ta‘minlashga qaratilgan quyidagi chora-tadbirlar amalga oshiriladi: [1]

- texnologiyalarni uzatishni qo‘llab-quvvatlash dasturlari (Business Teshnology Transfer Rrogram);

- kichik korxonalarda innovatsion tadqiqotlarni o‘tkazilishini qo‘llab-quvvatlash (Small Business Innovation Research Rrogram);

- Kichik korxonalar uchun innovatsion dasturlar (Small Business Innovation Research). [2]

Sanoat korxonalarida amaliy tadqiqotlarni tashkil etish orqali ularni innovatsion rivojlanishini ta‘minlashga qaratilgan chora-tadbirlarda ishtirok etish uchun kichik sanoat korxonalariga nisbatan quyidagi talablar qo‘yiladi:

- korxonada yaratilgan ish o‘rinlarining soni 500 tadan ortmasligi;

- kichik korxonada AQSh rezidenti bo‘lishi;

- boshqa yirik korxonalarining filiali bo‘lmasligi;

- korxonada yollanma hodimlarining kamida 2/3 qismi yuqori malakali tadqiqotshilar, tahlilshilar, kashfiyotshilardan tashkil topishi;

- korxonada faoliyati ye‘lon qilingan innovatsion loyihalarning yo‘nalishlari bilan mos kelishi[3].

Hozirgi bosqichda mintaqada sanoat korxonalarining innovatsion rivojlanishini qo‘llab-quvvatlashga, ularni samarali boshqaruviga qaratilgan chora tadbirlar amalga oshirilmoqda:

- bozorlarda innovatsion talabni rag‘batlantirish, jumladan, innovatsion moyillik darajasi yuqori bo‘lgan bozorlarni “Etakchi bozor” konsepsiyasi asosida rivojlantirish;

- mamlakatlarda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni innovatsion rivojlanishini ta‘minlashga qaratish va bunda integratsion jarayonlarni shuqurlashtirish orqali korxonalar faoliyatini innovatsion rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish;

- maxalliy innovatsion rivojlanish dasturlarini ishlab chiqish va ularni muntazam amalga oshirish;

- davlat boshqaruvi, shuningdek, davlat sektorida innovatsiyalarni rag‘batlantirish [4]

Ushbu chora-tadbirlar asosida Yevropa Ittifoqi (EI) Komissiyasi tashkiloti tomonidan mintaqada innovatsion rivojlanishni ta'minlash, yetakchi sanoat korxonalari boshqaruv faoliyatini innovatsion tashkil etishga qaratilgan islohotlar amalga oshirilmoqda.

Skandinaviya mamlakatlari innovatsion muhitida uzoq muddatli tadqiqotlarni amalga oshirish, sanoat korxonalar boshqaruvida “Aqlli boshqaruv”ni tashkil etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan, Shvesiya va Finlyandiya mamlakatlarida davlat tomonidan sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini moliyalashtirish bo'yisha katta hajmdagi subsidiyalar ajratiladi. Buyuk Britaniya va Irlandiya mamlakatlarida esa sanoat korxonalari innovatsion rivojlanishini qo'llab-quvvatlashda davlatning aralashuvi kamligi boshqa davlatlar bilan farqlijihat kasb etadi. Ushbu mamlakatlarda sanoat korxonalarida innovatsion muhitni rivojlantirish uchun oliy ta'lim muassasalari va moliyaviy xizmatlar ko'rsatuvshi tashkilotlar bilan o'zaro hamkorlikda innovatsion konsorsiumlarni tashkil etish yo'lga qo'yilgan. Mazkur mamlakatlar sanoat korxonalari innovatsion boshqaruvi boshqalarga qaraganda bozordagi o'zgarishlarga nisbatan yuqori darajadagi moslashuvshanligi bilan ajralib turadi.[5]

YeI mamlakatlari tarkibiga kiruvshi Finlyandiyaning innovatsion amaliyotida ham sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini tashkil etish bo'yisha o'ziga hos tajribalar mavjud. Finlyandiya texnoparklar faoliyatini rivojlantirish orqali sanoat korxonalarining innovatsion boshqaruvini takomillashtirishga ustuvorlik qaratiladi. Finlyandiya ilmiy parklar Assotsiatsiyasi tomonidan innovatsion faoliyat bilan shug'ullanuvchi mamlakatdagi 20 ta oliy o'quv yurtlari huzurida tashkil etilgan 22 ta texnoparklar faoliyati o'zaro birlashtiriladi va nazorat qilinadi. [5]

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ланьшина Т.А. Проблемы сохранения конкурентоспособности национальной инновационной системы США // Эл. научный журнал. Россия и Америка XXI веке. 2014. № 1; Ланьшина Т.А. Эволюция национальной инновационной системы США и особенности ее развития в XXI веке // Дисс. на соискание ученой степени канд. экон. наук. – Москва – 2017. – 190 с. <https://mgimo.ru/upload/diss/2017/lanshina-diss.pdf>
2. Сорокин А.Е., Новиков С.В. Некоторые особенности управления инновационной деятельностью в странах ЕМ и США // Инновации – 2018. – № 6 (236). – с. 84-91.
3. Ланьшина Т.А. Эволюция национальной инновационной системы США и особенности ее развития в XXI веке // Дисс. на соискание ученой степени канд. экон. наук. – Москва – 2017. – 190 с. <https://mgimo.ru/upload/diss/2017/lanshina-diss.pdf>
4. Смирнов Е.В. Механизм инновационного обновления промышленности Европейского Союза в современных условиях / <https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-innovatsionnogo-obnovleniya-promyshlennosti-evropeyskogo-soyuza-v-sovremennyh-usloviyah>
5. Смирнов Е.В. Механизм инновационного обновления промышленности Европейского Союза в современных условиях / <https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-innovatsionnogo-obnovleniya-promyshlennosti-evropeyskogo-soyuza-v-sovremennyh-usloviyah>
6. Смирнов Е.В. Механизм инновационного обновления промышленности Европейского Союза в современных условиях / <https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-innovatsionnogo-obnovleniya-promyshlennosti-evropeyskogo-soyuza-v-sovremennyh-usloviyah>
7. Сорокин А.Е., Новиков С.В. Некоторые особенности управления инновационной деятельностью в странах ЕМ и США // Инновации – 2018. – № 6 (236). – с. 84-91.

**OZIQ-OVQAT SANOATI KORXONALARI BOSHQARUVIDA RAQAMLI
TEKNOLOGIYALAR TIZIMIDAN FOYDALANISH**

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СИСТЕМЫ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В
УПРАВЛЕНИИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**USING A DIGITAL TECHNOLOGY SYSTEM IN MANAGING FOOD INDUSTRY
ENTERPRISES**

Karimov Muzaffar Abdumalik o‘g‘li

Andijon davlat universiteti “Iqtisodiyot” kafedrası dotsenti, i.f.f.d (PhD)

Annotatsiya

Maqolada oziq-ovqat sanoati korxonalarini boshqaruvida raqamli texnologiyalar tizimidan foydalanish asosida korxonalarini boshqaruv samaradorligini oshirish bo‘yicha tadqiqot olib borilgan. Sanoat korxonalarida ishlab chiqarishni boshqarish bo‘yicha axborot tizimlari intellektual faoliyat natijalarini tanlash, tadqiqotlar va ishlanmalar sifatini baholash va ularni tijoratda amalga oshirish istiqbollari tadqiq etilgan.

Katit so‘zlar: Oziq-ovqat sanoati korxonalarini, raqamli texnologiyalar, raqamli ishlab chiqarish, Innovatsion infratuzilma, SAP Knowledge Management, SAP Business Intelligence.

В статье проведено исследование по повышению эффективности управления предприятиями на основе использования цифровых технологий в управлении предприятиями пищевой промышленности. Исследованы перспективы отбора результатов интеллектуальной деятельности информационных систем управления производством на промышленных предприятиях, оценки качества исследований и разработок, их коммерческого внедрения.

Ключевые слова: Предприятия пищевой промышленности, цифровые технологии, цифровое производство, Инновационная инфраструктура, SAP Knowledge Management, SAP Business Intelligence.

The article conducted a study to improve the efficiency of enterprise management based on the use of digital technologies in the management of food industry enterprises. The prospects for selecting the results of intellectual activity of production management information systems at industrial enterprises, assessing the quality of research and development, and their commercial implementation are explored.

Key words: Food industry enterprises, digital technologies, digital production, Innovation infrastructure, SAP Knowledge Management, SAP Business Intelligence.

Zamonaviy sharoitda oziq-ovqat sanoati korxonalarining samarali ishlashi uchun loyihalashtirish va boshqaruv qarorlarini shakllantirishning barcha bosqichlarida to‘liq axborot ta‘minoti zarur. Buning muhim sharti - oziq-ovqat sanoati korxonalarida yagona axborot makonini yaratish, uning yordamida barcha avtomatlashtirilgan korxonalarini boshqarish tizimlari tez va samarali ravishda axborot almashish imkoniyatiga ega bo‘lishidir.

Raqamli ishlab chiqarish kontseptsiyasi butun qiymat zanjirini qamrab oladi va ishlab chiqarish operatsiyalari samaradorligini sezilarli darajada oshiradi. Oziq-ovqat sanoati korxonasining yagona dinamik ko‘p bosqichli tizim sifatida korxonani boshqaruv nuqtai nazaridan tizimli ko‘rinishi raqobatbardosh ishlab chiqarishni yaratishda ko‘plab masalalarni hal qilishga yordam beradi. Oziq-ovqat sanoati korxonalaridagi muammolar o‘z navbatida texnologik jarayonlar va ijtimoiy-iqtisodiy omillarni, shuningdek, korxonani boshqarish bilan bog‘liq bo‘lgan tashkiliy muammolarni ham o‘z ichiga qamrab oladi. Ishlab chiqarishda ishonchli va tezkor ma‘lumotlar

asosida boshqaruv qarorlarini tez va samarali qabul qilish, tayyor mahsulotlar sifatini oshirish va jahon bozorida muvaffaqiyatli raqobatlasha olishi zarur. Korxonada barcha ishlab chiqarish jarayonlari to‘liq avtomatlashtirilgan bo‘lishi kerak: dizaynni ishlab chiqish, ishlab chiqarishni texnologik tayyorlash, materiallar va butlovchi qismlar bilan ta‘minlash, ishlab chiqarishni rejalashtirish, mahsulot ishlab chiqarish va sotish.

Xo‘jalik yurituvchi sub‘ektni boshqarish faoliyati muhim axborot tizimini aks ettiruvchi jarayon hisoblanadi. Ushbu jarayon boshqaruv tizimi, ob‘ekti hamda tashqi muhit holatlari to‘g‘risida ma‘lumot beradi. Bunda ayniqsa, axborot tizimi yangi takror ishlab chiqarish faoliyatini rejalashtirish, strategik maqsadlarni tahrirlash, boshqaruvni rivojlantirish jarayonlarini oldindan ko‘ra bilish, kelayotgan huquqiy, rejalashtirish va analitik ma‘lumotlarini jamlab, qayta ishlov berish kabi muhim vazifalarni bajaradi. Korxonaga kelayotgan axborotlarni qayta ishlash jarayoniga quyidagi talablar qo‘yiladi:

- ma‘lumotlarning to‘liqligi va yetarliligi;
- axborotni o‘z vaqtida taqdim etish;
- ma‘lumotlarning ishonchliligi;
- axborotni qayta ishlash samaradorligi;
- foydalanuvchilarning o‘zgaruvchan axborot ehtiyojlariga moslashuvchanligi. [1]

“Raqamli ishlab chiqarish” bu g‘oyalarni, bilimlarni va texnologiyalarni, dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqarish jarayonlariga qo‘llashdir.

“Raqamli inqilob”ning asosi har qanday shaklda va hajmda ma‘lumotni istalgan joydan to‘plash va uzatish imkoniyatidir.

Umumiy “raqamli ishlab chiqarish”ga muvaffaqiyatli o‘tish asosida rejalashtirish vositalarini o‘zgartirish, ishlab chiqarish jarayonlarini tekshirish va modellashtirish, mahsulotning hayotiy tsiklini boshqarish optimallashtirilgan.

Keyingi yillarda sanoatdagi ishlab chiqarish jarayonlari murakkablashib bormoqda, iste‘molchilarning sotib olayotgan mahsuloti sifatiga nisbatan bo‘lgan talablari oshib bormoqda. Oziq-ovqat korxonalarida yangi mahsulotlarni sotuv davrining qisqarish sharoitlari boshqaruv uslubiyatini takomillashtirishni taqozo etadi. Korporativ axborot tizimlari esa korxonalar faoliyatini boshqarish uchun yangi texnologiyalar, ishlab chiqarish tajribasi va tashqi muhitdagi o‘zgarishlar to‘g‘risida eng zaruriy ma‘lumotlarni beradi. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini resurslarini boshqarish (ERP tizimlari), ta‘minot zanjirlari (SCM) va mijozlar bilan munosabatlarni boshqarish (CRM) bo‘yicha kompleks yechimlar har qanday korxonaga samaradorligini oshiradi, buyurtmalar yoki boshqa majburiyatlar o‘z vaqtida bajarish bilan mijozlarga xizmat ko‘rsatishni yaxshilaydi, sheriklar bilan samarali o‘zaro aloqalarni tashkil qiladi, ta‘minot zanjirini talab o‘zgarishi bilan sinxronizatsiya qiladi. SAP CRM - bu quyidagi imkoniyatlarni taqdim etadi: ma‘lumotlarni to‘liq va tezkor ravishda olish, kadrlarni doimiy o‘qitish jarayonini ta‘minlash, biznesdagi tashkiliy o‘zgarishlarni tezkor va strategik rejalashtirish sifatini oshirish. [2]

Zamonaviy axborot tizimlari, shu jumladan korxonalarini boshqarishning quyi tizimlari sanoatni ilmiy-tadqiqot va amaliy ishlanmalar ishlab chiqarish va ishlab chiqarishni nazorat qilish uchun butun vositalar bilan ta‘minlaydi. Bilimlar manbasi texnologiyani ilgari surishning to‘plangan tajribasidan foydalanishga va istiqbolli ishlanmalarni sifat jihatidan aniqlashga imkon berdi. [3]

Jahon iqtisodiyotining globallashuvi va shiddatli raqobat mahsulotning umr ko‘rish davrini qisqartirib, doimiy ravishda innovatsiyalarni tatbiq etishga ehtiyojini tug‘diradi. Iqtisodiy barqarorlikka erishish, intellektual salohiyatdan yuqori samaradorlikka erishish, raqobatdosh iqtisodiyotni shakllantirish uchun innovatsion texnologiyalar muhim ahamiyat kasb etadi. Ammo, avvalgidek, oziq-ovqat korxonalarida oldida yangi texnologiyalar va ishlab chiqarish texnologiyalarida aks etgan intellektual faoliyat natijalarini jahon bozorida ilgari surish masalasi turibdi.

Ilm-fanni talab qiladigan mahsulotlar va texnologiyalarni ilgari surish bo‘yicha tashkiliy markazlarning yo‘qligi yangi bosqichga o‘tishga halal beradi. Bundan tashqari, zamonaviy klasterlar, yuqori texnologiyali texnoparklar hamda markazlarni o‘z ichiga olgan innovatsion

infratuzilmaning asosiy elementlarini yaratish darkor. Bu borada innovatsion ishlanmalar va resurslarni birlashtirishni boshqarish bo‘yicha harakatlarni muvofiqlashtirish zarur. Investitsiyalarni jalb qilish va ulardan foydalanish bo‘yicha tajribaga ega bo‘lgan innovatsion infratuzilmali markazlar ilmiy kashfiyotlarni va yangi bilimlarga asoslangan texnologiyalarni tezroq va samarali ravishda o‘zlashtirilishida xizmat ko‘rsatadi.

Ishlab chiqarishni boshqarish bo‘yicha axborot tizimlari intellektual faoliyat natijalarini tanlash, tadqiqotlar va ishlanmalar sifatini baholash va ularni tijoratda amalga oshirish istiqbollari aniqlash mexanizmlarini yaratishga imkon beradi. [4]

Yangi texnologiyalarga tatbiq etilgan intellektual faoliyat natijalarini (IFN) tanlash jarayonlariga quyidagilar kiradi:

1. Texnologiyalar bo‘yicha jahon bozorini tahlil qilish;
2. Mahsulotlarning asosiy xususiyatlarini aniqlash;
3. Amaliy texnologiya va yangi texnologiyalarga talab turini qiyosiy tahlil qilish;
4. Texnologiyalarni baholash usullari va mezonlarini tanlash;
5. Vaziyatni tahlil qilish va yangi texnologik mahsulotni bozorga olib chiqish xususiyatlari;
6. Yangi mahsulot yoki ixtirolarni ilgari surish mexanizmlarini shakllantirish;

6.1. Mijozlar tashkiloti rahbariyatining intellektual faoliyat natijalarini (IFN) ilgari surish jarayonlarini faol qo‘llab-quvvatlashdan manfaatdorligi.

6.2. Kompaniya mutaxassislarining auditning maqsadi va usullari to‘g‘risida xabardorlik darajasi.

7. Texnologiyalarni jozibali bozor segmentiga olib chiqishda barqaror raqobatbardosh ustunliklarni shakllantirish.

8. Texnologiyalarni targ‘ib qilish vositalarini qo‘llash.

8.1. Innovatsion infratuzilmaning yordamchi bo‘linmalaridan foydalanish.

8.2. Texnologiyalarni tijoratlashtirish markazlarining xalqaro tashkilotlari vakillari bilan shartnomalar tuzish.

8.3. Texnologlar - brokerlar bilan hamkorlik.

8.4. Davlat tomonidan moliyaviy yordam.

9. Jozibador bozor segmentlarini tanlash.

10. Texnologiyalarni jozibali bozor segmentiga olib chiqishda barqaror raqobatbardosh ustunliklarni shakllantirish usullari.

11. Texnologiyalarni bozorga olib chiqishda xavf va to‘siqlarni aniqlash.

12. Innovatsion biznesning moslashuvchanligi va barqarorligini prognoz qilish. [5]

Mazkur axborot ta‘minot tizimida avtomatlashtirishga oid bo‘lgan barcha muammolarni hal etish va barcha boshqaruv qarorlarini qabul qilishga imkoniyat yaratadigan modul-dasturlar mavjud. Boshqarishga oid dasturiy ta‘minot tizimi tashqi muhitdagi ma‘lumotlarni qabul qilish va qayta ishlash imkonini beradi, internet bilan o‘zaro aloqada ochiqligi bilan ajralib turadi, e-Business klass tizimlari korporativ axborot tizimining ajralmas qismi hisoblanadi.

(DSS) tizimlari - qarorlarni qo‘llab-quvvatlash tizimlari menejmentning yuqori darajasida qo‘llaniladi hamda strategik maqsadlarni shakllantirish, rejalashtirish, resurslarni va moliyalashtirish manbalarini jalb qilish vazifalarini hal qilish uchun mo‘ljallangan. Vazifalar axborotni tahliliy qayta ishlashni talab qiladigan murakkab biznes-jarayonlarni amalga oshirishga qaratilgan. Rasmiylashtirish darajasi tizimning samaradorligini va olingan ma‘lumotlar asosida qaror qabul qilishda odamlarning ishtirok etish darajasi bilan belgilanadigan avtomatlashtirish darajasini belgilaydi. Boshqaruv qarorlarini qo‘llab-quvvatlash tizimi bilimlarni boshqarish, simulyatsiya, ma‘lumotlarni qayta ishlash funksiyalarini o‘z ichiga oladi. Boshqarish va qaror qabul qilish jarayonlari korxonaning funktsional quyi tizimining bir qismidir. [6]

Axborot infratuzilmasi va uning interaktiv komponenti innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash tizimining muhim bo‘g‘inlaridan biridir. Kompaniyaning ma‘lumotlar bazalarida ishlab chiqarish, texnologiyalar, uskunalar va bozor kon’yunkturasi to‘g‘risida tuzilgan ma‘lumotlar mavjud. [7]

Oziq-ovqat korxonalarida inson salohiyati, aql-idroki, nou-xau, sun‘iy intellektga doir bilimlar mutaxassislarining noyob bilimlari sifatida qayd etiladi. Tarmoq va sohaviy ma‘lumotlar

bazalarini yaratishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda ishlab chiqarish va korxonalarini boshqarishga doir ma’lumotlar bazasi shakllantiriladi.

Hozirda sanoat korxonalarini SAP (*System Analysis and Program Development*) modullaridan foydalanishni boshladilar: SAP Process Integration - korporativ darajadagi integratsiya yechimi, SAP Master Data Management - korxonada darajasida me’yoriy va ma’lumotnomalarni boshqarish tizimi, SAP Knowledge Management - platformasi (bilimlarni boshqarish bo’yicha) va SAP Business Intelligence (avvalgi Business Warehouse) - korporativ ma’lumotlar omborlari va biznes analitika yaratish uchun platforma. SAP modullarni tatbiq etish orqali korxonalarda boshqaruv bo’yicha yagona axborot tizimi yaratishga erishiladi. SAP dasturiy moduli investitsiya faoliyatida muhim ahamiyatga ega bo’lib, loyiha faoliyatini boshqarish, loyiha portfellarini boshqarishni soddalashtirishga xizmat qiladi va boshqarish jarayonlarini avtomatlashtirishni osonlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.В. Бабкина. – СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. С- 505.
2. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.В. Бабкина. – СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. С- 506.
3. Устинова Л. Формирование устойчивого позиционирования предприятий на основе развития информационных систем. Сборник научных трудов, Вестник РГАИС, т.3,2012. с.100-107.
4. Устинова Л.Н. Развитие интеллектуальных информационных систем в управлении предприятием. - М.: Научно-технический журнал «МГОУ-XXI-Новые технологии», №1, 2011
5. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.В. Бабкина. – СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. С- 510.
6. Формирование устойчивого позиционирования предприятий на основе развития информационных систем/Устинова Л.Сборник научных трудов, Вестник РГАИС, т.3,2012. с.100-107.
7. <https://elibrary.ru/item.asp?id=41414446>



СОДИҚОВ АВАЗБЕК МАДАМИНОВИЧ

ҲАЁТ ВА ИЖОД ЙЎЛИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР

Содиқов Авазбек Мадаминович 1954 йил 10 январда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Хонобод қишлоғида таваллуд топган. 1958 йилда республикамизда Мирзачўли ўзлаштириш бўйича бошланган умумхалқ ҳаракати доирасида Содиқовлар оиласи Сирдарё вилояти Ховос тумани Фарҳод совхозига кўчиб ўтади. 1970 йилда А.Навоий номидаги 1-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлади.

1971 йилда Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) география факультетига ўқишга кириб, уни 1976 йилда “иқтисодий география” йўналиши бўйича имтиёзли диплом билан тамомлади.

Ёш мутахассис йўлланма билан Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуотда давлат сирларини сақлаш Бош бошқармасига ишга юборилади. А. Содиқов 1976-1990 йилларда ушбу ташкилотда муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, коллегия аъзоси лавозимларида фаолият олиб борди.

1990-1991 йиллар мобайнида Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасида раис ёрдамчиси лавозимида ишлади.

Авазбек Содиқов 1991-1995 йилларда Тошкент Давлат университетида “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб, талабаларга сабоқ берди.

1995-1997 йиллар оралиғида Ўзистикболстат Давлат кўмитаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институтида Худудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи вазифасида меҳнат қилди.

1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасида етакчи мутахассис лавозимида ишлади.

1998-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот-таҳлил маркази етакчи консультанти лавозимида фаолият юритди.

2000-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ижтимоий-иктисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизматида етакчи консультант лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирди.

2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий-иктисодий тадқиқотлар маркази директори ўринбосари лавозимида ишлади.

2008-2011 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари сифатида фаолият олиб борди.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти директори лавозимига тайинланди ва ушбу лавозимда 2015 йилгача ишлади.

2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича бош консультант, молия-иктисодиёт сектори мудир лавозимларида меҳнат фаолият олиб борди.

2018-2021 йиллар мобайнида Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси мудир, 2022 йилдан бошлаб ушбу кафедра профессори лавозимида фаолият юритди.

2023 йилнинг 3 октябридан янги ташкил қилинган “Давлат ва корпоратив стратегиялар” кафедраси мудир лавозимига тайинланди.

А.Содиқов 1976 йилда университетни тамомлагандан кейин амалий иш билан бир вақтда илмий-тадқиқот ва педагогик фаолият билан шуғуллана бошлади. 1978-1982 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси сиртки аспирантурасида таҳсил олди. 1985 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашида география фанлари доктори, профессор З.М. Ақромов ҳамда илмий маслаҳатчи иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Р.Я. Досумов раҳбарлигида “Янги ўзлаштирилган худудларда минтақавий агросаноат комплексларини шакллантириш ва ривожлантириш (Мирзачўл мисолида)” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди.

1985-1990 йиллар оралиғида Тошкент Давлат политехника институти “Иқтисодий назария”, Тошкент давлат университети “Иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт” кафедраларида ўриндошлик асосида, 1991-1995 йилларда эса ушбу кафедрада асосий штатда катта ўқитувчи, доцент лавозимларида талабаларга таҳсил берди.

2006 йилда Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Ихтисослашган илмий кенгашда “Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва уларни тартибга солиш механизмлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва унга иқтисод фанлари доктори илмий даражаси берилди.

А. Содиқов илмий-педагогик фаолияти давомида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, минтақавий иқтисодиёт фанининг илмий-методологик масалалари, худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиялари йўналишларида 100 дан ортиқ монография, дарслик, рисола ва илмий мақолалар чоп этди. Республика газеталарида 60 дан ортиқ илмий-оммабоп публицистик мақолалар эълон қилди.

А.М. Содиқовнинг “Формирование и развитие региональных агропромышленных комплексов”, “Основы регионального развития: теория, методология, практика” номли монографиялари, унинг раҳбарлиги ва таҳрири остида “Макроэкономические и региональные аспекты моделирования устойчивого экономического роста”, “Стратегии

модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста”, “Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики”, “Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития”, “Макроэкономическая сбалансированность и комплексное социально-экономическое развитие”, “Эффективное использование социально-экономического потенциала и привлечение новых источников экономического роста” мавзуларида илмий тўпламлар нашр этилди.

Охирги йилларда “Новая стратегия развития Узбекистана” (2019) монографияси, Л.А. Цхай билан ҳаммуаллифликда “Демография и человеческий капитал” (2021) дарслиги, унинг раҳбарлиги ва умумий таҳрири остида “Худудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш” (2020) тўплами чоп этилди.

Содиқов А.М. Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтида фаолият кўрсатган даврида бир нечта давлат грантларига раҳбарлик қилди. 2022 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти томонидан бажарилаётган 2021-2024 йилларга мўлжалланган фундаментал лойиҳада “Ўзбекистоннинг энг янги давр тарихи (1991-2016 йиллар)” бўлими иқтисодий ҳаёт жилдини ёзишда иштирок этмоқда.

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти базасида 2010 йилда “Инкирозга қарши дастур самарадорлиги ва инкироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Шунингдек, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси” (2011 г.), “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” (2012 г.), “Замонавий уй-жой қурилиши кишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва киёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” (2013 й.) мавзуларида халқаро илмий конференциялар ўтказилди.

А.М. Содиқов ташаббуси билан 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодчилар форумига асос солинди. Унинг ташаббуси ва ташкилотчилиги остида 2009-2015 йилларда хорижий иқтисодчи олимлар ва экспертлар иштирокида ПРООН ва GIZ ҳомийлигида 6 та форум ўтказилди. Форум материаллари бўйича 3 тилда тўпламлар чоп этилди. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. 2023 йил октябрида Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институтида иқтисодчиларнинг навбатдаги 15-Форуми ўтказилди.

Шунингдек, 2012-2015 йилларда ПРООН, GIZ ҳамда Тошкент Халқаро Вестминстр университети билан ҳамкорликда Ёш иқтисодчи олимларнинг Форумлари ўтказилди. Иқтисодиёт фанлари доктори А. Содиқов илмий таҳрири остида “Макроэкономическая сбалансированность и комплексное социально – экономическое развитие”, “Научные основы мобилизации резервов роста и модернизации экономики”, “Факторы эффективности и повышения конкурентоспособности национальной экономики” номли илмий мақолалар тўпламлари чоп этилди.

2007-2015 йилларда Макроиктисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти раҳбари лавозимида фаолият кўрсатган даврида замонавий иқтисодчи кадрлар ва ёш иқтисодчи-олимлар тайёрлаш, уларнинг жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишга қаратилган катта ишларни амалга оширди. ПРООН, Жанубий Кореянинг KOICA, Япониянинг JICA, Германиянинг GIZ ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳамда уларнинг кўмагида 30 дан ортиқ ёш мутахассилар МТПИ базасида дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган ўқув-семинар курсларида, хорижий университетларда магистратура ҳамда докторантураларда таҳсил олдилар. Ҳозир улар республикамизнинг давлат бошқарув органларида, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт фанлари доктори А. Содиқов раҳбарлиги ва илмий маслаҳатчилигида 3 та иқтисодиёт фанлари доктори, 3 та иқтисодиёт фанлари номзоди, 4 та иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори тайёрланган. Ҳозир унинг раҳбарлиги остида 5 та таянч докторант ва мустақил тадқиқотчилар диссертация устида изланишлар олиб бормоқда.

А. М. Содиқов бир нечта илмий даражалар берувчи Ихтисослашган илмий кенгашлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозир у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи (иктисодиёт фанлари бўйича) DSc03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгаш раиси ўринбосари ҳамда (география фанлари бўйича) DSc03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Ихтисослашган Илмий кенгаш раиси ўринбосари сифатида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтидаги жами 25 йиллик меҳнат фаолиятида катта амалий тажрибага эга иқтисодчи олимлар, мамлакат иқтисодий бошқарув органлари раҳбарлари билан ёнма-ён ишлаш А. Содиқовнинг амалиётчи иқтисодчи-олим сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Г.К. Саидованинг А.М. Содиқов тўғрисидаги фикрлари: “Авазбек Мадаминович, работая на различных ответственных должностях всегда отличался своим профессиональным отношением к выполнению возложенных обязанностей. Имея большой опыт организаторской работы, глубокие экономические и научные знания он проявил себя как высококвалифицированный специалист, ответственный руководитель, добросовестный и отзывчивый человек”.

А.М. Содиқов Тошкент давлат университетини тамомлагандан кейин йўлланма билан Матбуотда давлат сирларини сақлаш Бош бошқармаси (қисқартирилган номи Главлит)даги меҳнат фаолияти даврида унга республикамизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, журналистлар ёнма-ён ишлаш насиб қилди. Ўша даврда ёш мутахассисда публицистикага кизиқиш пайдо бўлди. Аста-секин республика газета ва журналларида мақолалари чоп этила бошланди. Радио ва телевидениеда мунтазам равишда ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг долзарб масалаларига бағишланган эшиттириш ва кўрсатувларда фаол иштирок этди.

Айниқса, мустақиллик йилларида А. Содиқовнинг журналистика соҳасидаги фаолияти сермахсул бўлди. Таниқли ижодкорлар билан ҳамкорлик қилди. Республикамизнинг оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалари орқали мамлакатимизда иқтисодий публицистика мактабининг шаклланишига баҳоли-қудрат ҳисса қўшди.

Журналистиканинг сир-асрорларини ўрганишда унга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси лавозимида фаолият кўрсатган таниқли шоир Саъдулла Ҳаким устозлик қилди. Шунингдек, журналистика соҳасидаги малакаларини шаклланишида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”, таниқли ёзувчи Хайридин Султонов, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”лар Сафар Остонов, Муртаза Қаршибоев, тележурналист Қуддус Аъзам билан елкадош бўлиб ишлаш, уларнинг журналистика соҳасидаги билим ва тажрибаларини ўрганиш ва ижодий ҳамкорлик қилиш муҳим роль ўйнади. Айниқса, “Халқ сўзи” газетасининг бош редактори ўринбосари, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” Шухрат Жабборов билан ижодий ҳамкорлик серқирра бўлди, ҳаммуаллифликда долзарб мавзуларга бағишланган қатор мақолалар чоп этилди.

Авазбек Содиқов томонидан республикамизнинг нуфузли газеталарида жами 60 дан ортиқ таҳлилий-публицистик мақолалар эълон қилинди. Айниқса, “Биз қадрига етмаган неъмат”, “Нон исиди ҳаёт мужассам”, “Худудлар кудрати – мамлакат кудрати”, “Мақонимиз ягона тақдиримиз ҳам”, “Янги тарихимизнинг олтин саҳифалари”, “Кичик бизнеснинг катта имкониятлари” ва бошқа қатор таҳлилий мақолалари ўқувчилар ўртасида катта кизиқиш ўйғотди.

1997 йил 5 июнда “Халқ сўзи” газетасида “Миллий модель ва минтақавий сиёсат” ҳамда “Ўзбекистон овози” газетасининг 1997 йил 27 июнь сонисида чоп этилган “Худудий бошқарувни такомиллаштириш” номли мақолалари республикамиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

А. Содиқовнинг журналистика соҳасидаги фаолияти тўғрисида узоқ йиллар давлат идораларида оммавий-ахборот воситалари органлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан

шуғулланган, ҳозир Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Х.Б. Султоновнинг фикрлари: “Биз – оммавий-ахборот соҳаси вакиллари Содиқов Авазбек Мадаминовични ижтимоий-сиёсий публицистикамизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса ёш авлод онгига миллий ғоямиз асосларини сингдириш борасида самарали меҳнат қилаётган заҳматкаш инсон, журналистларнинг яқин дўсти сифатида ҳам биламиз ва қадрлаймиз”.

Устоз А.М. Содиқов 3 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, 9 нафар набираларнинг суюкли бобоси. Фарзандларини ўқимишли, ҳалол-поқ, юртига содиқ, оиласига меҳрибон инсонлар сифатида тарбиялади. Оилада тўнғич фарзанд сифатида укалари ва жиянларини ҳаётда ўз ўринларини топиб олишда оталарча ғамхўрлик қилди.

Ҳаёт оқар дарё, деб бекорга айтилмаган экан. Шу кунларда кенг жамоатчилик Устозимиз иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Авазбек Мадаминович Содиқовнинг таваллуд топган кунининг 70 йиллигини нишонламоқда.

Устознинг орзулари кўп. У киши дарсликлар ва монографиялар ёзиш, малакали мутахассислар тайёрлаш орқали узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой илмий-амалий тажрибаларини шогирдларга ўргатиш, жамиятга наф келтиришни ният қилиб қўйганлар. Устознинг ғайрат-шижоатларига кўпгина ёшлар ҳавас қилса арзийди. Бу ишларни амалга оширишлари учун у кишига тану сиҳатлик, саломатлик, узоқ йиллар мобайнида фарзандларига ва биз шогирдларига бош бўлиб, келин ойимиз билан қўша қариб юришларини тилаб қоламиз.

**Сайидфозил Зокиров,
иқтисодиёт фанлари доктори**

**КЕНГ ҚАМРОВЛИ ОЛИМ ВА МОҲИР МУАЛЛИМ
ЮЛДАШЕВ ШУХРАТ ГАНИЕВИЧ**



Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Юлдашев Шухрат Ганиевич 1964 йил 21 февраль куни Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1986 йилда Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) иқтисодчи, сиёсий иқтисод ўқитувчиси мутахассислиги бўйича, 2004 йилда эса Нидерландиянинг Маастрихт менежмент мактабини MBA дастури бўйича ҳам тугаллаган.

Ш.Г. Юлдашев меҳнат фаолиятини 1986 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти “Сиёсий иқтисод” кафедраси ассистенти лавозимидан бошлаб, 1991 йилгача аспирантурада илмий-тадқиқот ишларини олиб борган, 1992-1996 йилларда у Тошкент молия институти “Умумий иқтисодий назария” кафедрасида катта ўқитувчи, доцент в.б. лавозимида фаолият кўрсатган.

Шухрат Ганиевич 1996-1997 йилларда Ўзбекистон экспорт - импорт миллий суғурта компанияси менежери, 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг “Интерсервис” бирлашмасида Германия техник Марказининг консультант – координатори,

1998-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Инвестиция дастурлари” департаментида чет эл инвестициялари бўлими бош мутахассиси лавозиларида ишлаган.

Устоз 1999-2001 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назария» кафедраси катта илмий ходими, доценти, 2001-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши

академияси қошидаги Олий бизнес мактаби “Менежмент” кафедраси мудири лавозимларида фаолият олиб борган.

Юлдашев Ш.Г. 2002 йил декабрь ойида Нью-Йорк университети ва Private Industry Council of Chautauqua, Inc.да (АҚШ) ҳамда 2003 йил март ойида Маастрихт менежмент мактабида (Нидерландия), 2004 йил ноябрь ойида Сингапур менежмент университетида малака оширган. 2004 йил давомида Нидерландиянинг Маастрихт менежмент мактабида (Нидерландия) МВА дастури бўйича ўқиб МВА дипломига эга бўлган.

Домла 2006 -2010 йилларда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида факультет декани, 2010 -2013 йилларда ушбу университетнинг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2013 – 2017 йилларда эса “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, 2017 - 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси “Тараққиёт стратегияси” марказида лойиҳа координатори лавозимларида фаолият олиб борган.

Устоз 2018-2019 йилларда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Учтепа тумани кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Шухрат Ганиевич 2018 йилдан бугунги кунга қадар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Домла 170 дан ортиқ илмий мақолалар, 12 та монография, 5 та дарслик, 7 та ўқув қўлланма, 12 та электрон дарсликларнинг муаллифи. Мақолалари Япония, Австралия, Нидерландия, Сингапур, Жанубий Корея, Индонезия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли илмий журналларида нашр қилинган. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (2011 йилда) ва Россия Федерациясининг Таълим ва Фан вазирлигининг (2015 йилда) фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Юлдашев Ш.Г. турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган даврида ва педагогик фаолияти давомида ўзини юқори истеъдодли олим, ўта тажрибали раҳбар, моҳир педагог ва дипломат сифатида намоён этган. У дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, нуфузли халқаро илмий-амалий конференцияларда жаҳон иқтисодиётининг долзарб муаммолари бўйича маърузалар ўқиб келмоқда. Домлани хорижда йирик иқтисодчи олим сифатида эътироф этишади.

Шухрат Ганиевич мамлакатимиз учун юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга ўзининг катта хиссасини қўшиб келган фидоий олим сифатида самарали фаолият олиб бормоқдалар. Жумладан, улар 2018 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи DSc. 03/30.12.2018.1.01.11 рақамли илмий кенгашининг аввал раиси, кейин аъзоси бўлиб барча докторантлар ва мустақил изланувчиларга ўзларининг катта ёрдамларини бериб келмоқдалар.

Устозни дарслардан ташқари глобал муаммолар ва иқтисодиётнинг долзарб масалалари бўйича маъруза ўқиш учун Факультет кенгашига, турли вазирликлар ва ташкилотларга, маҳаллалар ва талабалар турар жойларига таклиф қилиб туришади. Улар ушбу таклифларга доимо масъулият билан ёндашиб маърузаларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан юқори савияда олиб бормоқдалар.

Домла университет ва факультет жамоаси орасида ўзларининг меҳнатсеварлиги, ишга бўлган муносабати, талабаларга билим ва тарбия беришдек масъулиятли ва шарафли вазифага бўлган фидокорона ёндашуви билан ажралиб турадилар.

Устоз ёшларни ватанпарварлик, юртига, миллатига ва асрий анъаналаримизга, миллий кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасининг профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, серқирра олим ва жонкуяр устоз, адолатпарвар ва тўғри сўз инсон Юлдашев Шухрат Ганиевич 2024 йилнинг 21 февраль куни

60 ёшга тўладидилар. Биз уларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, узоқ умр, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини ошириш, ёшларга таълим ва тарбия бериш, уларни комил инсон сифатида шакллантириш, юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда куч-қувват ва улкан ютуқлар тилаймиз.

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин!!!

**Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт
назарияси” кафедраси профессори
Хошимов П.З.**

**Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодиёт факультети “Молия ва кредит”
кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари
доктори, доцент Режапов Х.Х.**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ” ЖУРНАЛИГА МАҚОЛА РАСМИЙЛАШТИРИШ
ТАЛАБЛАРИ**

Журнал таҳририяти 5 бетдан кам бўлмаган ҳажмдаги мақолани қабул қилади. Мақола матни Microsoft Word дастурида 14 шрифт ўлчамида, 1.5 интервалда, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 2 см, чапдан 2.5 см жой қолдирилиб, таҳририятга топширилиши лозим. Мақолада чизма, графиклар, жадваллар ва расмлар келтирилиши мумкин. Журнал бир йилда 6 марта нашр этилади.

Мақола таркиби:

- юқорида чап томонда УДК кўрсатилади;
- муаллиф исм-шарифи ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқартирилмаган ҳолда ўнг томонга ёзилади;
- шаҳар ва ташкилот номи;
- мақола номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади;
- мақола номидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар ёзилади.
- матн сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

**ТРЕБОВАНИЯ ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЬИ В ЖУРНАЛ “НОВАЯ ЭКОНОМИКА
УЗБЕКИСТАНА” НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ
МИРЗО УЛУГБЕКА**

Редакция журнала принимает статьи объемом не менее 5 страниц набранных в редакторе Microsoft Word в виде компьютерного файла. Шрифт - Times New Roman – 14, междустрочный интервал 1.5, все поля страницы сверху и снизу – 2 см, справа – 2 см, слева – 2.5 см. В статью можно добавлять графические материалы – рисунки, таблицы и т.д.

Структура статьи:

- в верхнем левом углу указывается УДК;
- имя и фамилия автора без сокращений на узбекском, русском и английском языках по правому краю;
- название города, организации;
- название научной статье на узбекском, русском и английском языках;
- после названия статьи аннотация, ключевые слова на трех языках;
- список источников и литературы размещается в конце текста.

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2024 yil*

Muassis: Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Muharrirlar:

dots. N.A.Kudratxodjayeva

Texnik muharrir:

I.M.Nigmatullayev

Ro‘yxatdan o‘tish tartibi № 4715

Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti» dan olindi, deb yozilishi shart

Chop etishga tavsiya etildi: 26.02.2024 nusxa 25

Format 70x108 1/8. Shartli bosma taboq 22,0. Buyurtma №__1__

Sotuvda kelishilgan holda

ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etilgan.

Toshkent sh., Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy

Учредитель: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Редакторы:

доц. М.И.Саидкаримова

Тех. редактор:

И.М.Нигматуллаев

Регистр № 4715

При использовании материалов журнала «Экономика Нового Узбекистана» необходимо сделать на него ссылку

Подписано к печати: 26.02.2024

Формат 70x108 1/8. Усл. печ. л. 22,0 Тираж 25 экз. Заказ №__1__

Цена договорная

Отпечатано в типографии ООО «KLASSIC PRINT» г. Ташкент, ул Чилонзор 19, 28 дом.

Founder: The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Editors:

I.M.Nigmatullayev

Technical editor:

I.M.Nigmatullayev

Registration № 4715

When copying the entire journal material, it should be indicated that material was taken from the journal: “The economy of New Uzbekistan”.

Signed for printing: 26.02.2024

Format 70x108 1/8. The number of printed pages accepted 22,0. Circulation 25 copies.

The order № 1

Cost agreed.

Printed at the Tashkent ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ. Press. Tashkent, Chilanzar street 19, 28.

1

ISBN 978-9943-5256-3-4

Qog‘oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.

Ofset uslubida oq qog‘ozda chop etildi.

Nashriyot hisob tabog‘i 22, Adadi 25. Buyurtma № 1

Bahosi kelishuv asosida

OOO «KLASSIC PRINT» MCHJ MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,

Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy